

Д. ФАЙЗИХОДЖАЕВА

АРГУМЕНТЛАШ ВА КОММУНИКАЦИЯ

ARGUMENTATION
AND COMMUNICATION



АРГУМЕНТАЦИЯ
И КОММУНИКАЦИЯ



1935.2

004

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

№ 20

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ДИЛБАР ФАЙЗИХОДЖАЕВА

АРГУМЕНТЛАШ ВА КОММУНИКАЦИЯ

МОНОГРАФИЯ



Тошкент - 2021
“Shafoat nur fayz”

уўК 004.424.33

КБК 2.81

Ф20

Файзиходжаева Д.

Аргументлаш ва коммуникация [Матн] / Д. Файзиходжаева. - Тошкент: "Shafoat Nur Fayz", 2021. - 204 б.

Монографияда аргументлаши назарияси ва амалиётининг шаксланиши ва тараккӣёт босклиниари, унинг коммуникация билан алоқадорлиги, коммуникатив моделларда аргументлазининг мантикий асослари, шакслари ва турлари, шунингдек аргументлашда учрайдиган хатолар ҳажила илмий-назарий ва амалий маълумотлар берилган.

Монография Ўзбекистон Республикаси Иновацион ривожланиш вазирлигининг А-ОТ-2021-11 "Ўзбек халқи диний ва мислий қадриялари комплексининг электрон-трандисциплинарӣ платформасини яратиш" номини инновацион тойиҳаси доирасида ёзилди.

В монографии раскрываются этапы формирования и развития теории аргументации, ее связь с коммуникацией, логическая основа аргументации в коммуникативных моделях, формы и виды аргументации, а также ошибки в аргументации.

Монография написана в рамках проекта А-ОТ-2021-11 "Создание электронно-трандисциплинарной платформы комплекса религиозных и национальных ценностей Узбекского народа" Министерства Инновационного развития Республики Узбекистан.

Муаллиф: Д. Файзиходжаева – Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети. Ижтимоий фанлар факультети, Философа ва мантиқ кафедраси

Масъул мухаррир: Ш.О. Мадаева – ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети Философа ва мантиқ кафедрасининг мудири философа фанлари доктори, профессор

Такризнишлар:

Б.О.Тўраев – Имом Бухори халқаро илмий тадқикот маркази директори боши маслаҳатчиси, философа фанлари доктори, профессор.

Х.Л. Тошев – ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети Философа ва мантиқ кафедрасининг доценти, философа доктори (PhD)

Монография Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Илмий кенгани томонидан наширга тавсия этилди

ISBN 978-9943-7871-3-1

© Д. Файзиходжаева 2021.

© «Shafoat Nur Fayz» нашриёти 2021.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I БОБ. Аргументлаш ва коммуникацияга онд ғоялар эволюцияси.....	8
1.1. Қадимги дунёда аргументлаш ва коммуникация назариялари мантиқий асосларининг шаклланиши.....	9
1.2. Ўрта аср Ислом мутафаккирлари мулоқот ва далиллаш ҳақида.....	23
1.3 Гарбий Европа ва Россияда аргументлаш назариясига бўлган ёндашувлар.....	33
1.4 Аргументлаш ва коммуникация назарияларининг замонавий талқинлари.....	40
II БОБ. Аргументлаш коммуникатив фаолият сифатида.....	52
2.1. Аргументлаш ва коммуникация тушунчаларининг таърифи, асосий терминлари, ўзаро алоқадорлиги.....	52
2.2. Аргументатив дискурснинг структуравий тахлили.....	73
2.3. Аргументлашнинг коммуникатив структураси. Аргументлашда нуқтаи назарнинг ўзгариши.....	81
III БОБ. Аргументлаш ва қадриятлар.....	95
3.1. Аргументлашда чин, ёлғон ва ишончлилик концептларининг тахлили.....	96
3.2 Қадриятлар нуқтаи назарнинг асоси сифатида.....	112
3.3. Ахлоқий қадриятлар ва уларнинг аргументланиши.....	118
3.4. Диний қадриятлар ва уларнинг аргументланиши.....	127
IV БОБ. Коммуникатив моделларда аргументлаш билан боғлиқ ҳатолар.....	142
4.1. Коммуникатив модел тушунчаси. Коммуникатив моделларда низо ва келишув.....	142
4.2. Коммуникатив моделларда аргументлаш билан боғлиқ ҳатолар.....	163
4.3. Идеал аргументлаш қоидалари.....	180
Хуносা.....	197
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	200

КИРИШ

Аргументлаш, яъни бирор фикрнинг чин ёки хатолигини далиллаш орқали у ёки бу гояга, таълимотга, қарашга, фикрга нисбаган ишонч-эътиқодни шакллантириш инсон онгини эгаллашнинг энг самарали ва таъсирчан воситасидир. Инсон инсон билан жамият билан мулоқотга киришар экан, доимо ўзгаларнинг фикрига нисбатан ўз муносабатини аниқлаб олишга, ўз фикрига нисбатан эса ижобий муносабатни шакллантиришга интияди. Мулоқот давомида инсон, кучли аргументлар таъсирида, ўз фикрини ёки сұхбатдошларининг фикрини ўзгартириши мүмкін. Шу боис, бугунги кунда, аргументлаш назариясининг мантикий-коммуникатив асосларини тадқиқ қилиш коммуникатив моделларда аргументлашнинг қандай усул ва воситалари инсон онгини эгаллашда, унда жамиятимиз равнақи учун хизмат қылувчи тояларга нисбатан ишонч-эътиқодни шакллантиришда самарали натижа беришини аниқлаб олиш учун мухим аҳамият касб этади.

Ўтган йиллар давомида жамиятимиз маънавий мухитини яхшилаш учун олиб борилган тарғибот ишларининг етарли даражада кутылган натижаларни бермаганлиги маълум. Мамлакатимизда маънавий тарбия тизимининг янги стратегиясини яратиб, халқимиз, айниқса ёшлар ўртасида маънавий маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.¹ Бу вазифани амалга оширишда тарғиботнинг илмий асоссланган замонавий технологиялари ва шаклларини, таҳдидларга қарши самарали кураш усулларини ишлаб чиқиша назария ва амалиётни бирлаштириш зарур. Чунки, “илмга асосланмаган соҳанинг келажаги бўлмайди.”²

Монографияни ёзишдан мақсад аргументлаш ва коммуникациянинг миљлий менталитетимизга хос томонларини аниқ-

¹ Карапай: Нирзисев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” панорами, 2021. 278 б.

² Карапай: Нирзисев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” панорами, 2021. 271 б.

лаб, ундан таълимнинг самарадорлигини оширишда, миллий маънавиятимизга ёт ғояларга қарши курашишда, жамоатчилик фикрини шакллантиришда фойдаланишнинг усул ва воситаларини ишлаб чиқишидир.

Монографияни ёзишда анализ ва синтез, таққослаш, тарихийлик ва мантиқийлик, фрейминг, верификация, фальсификация, матннинг герменевтик тахлили каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Иммануил Кантнинг “Пролегоменлари”да шундай деб ёзилган: “... аввал айтилмаган ҳеч нарсани айтиб бўлмайди ва бу ҳақиқатдан ҳам, келажаксда учраши мумкин бўлган ҳамма нарса учун бехато башорат бўлиб ҳисобланиши мумкин: дар ҳақиқат, инсон ақли саноқсиз предметлар ҳақида турли – туман орзулар қилганлиги боис, ҳар бир янгиликка унга бир қадар ўхшаш бўлган қандайдир эскиликни топишдан осонроғи йўқ.”³

Буюк файласуфнинг юқоридаги фикрларини бежиз келтирмадик. Аргументлаш ва коммуникацияга оид ғоялар инсоннинг тафаккурлаш, фикр юритиш жараёни билан боғлиқ кўплаб масалалар каби, қадимдан бошлаб муҳокама қилинган. Бу ҳақда катта хажмда эътиборга молик назарий ва амалий маълумотлар тўпланган, асарлар ёзилган. Биз ушбу монографияда қадимги дунёдан то ҳозирга қадар аргументлашга оид таълимотлар тарихига бир қур назар ташлаб, ушбу масалага оид қандай ғоялар илгари сурилганлигини, уларнинг эволюциясини ва ҳозирги кундаги холатларини тахлил қилишни ният қилдик.

Мазкур тадқиқот хориж тадқиқотларидан ўзининг мазмуни ва тузилиши билан фарқ қиласди. Бу фарқ қуйндагиларда кўринади:

³Кант И. ПРОЛЕГОМЕНЫ ко всякой будущей метафизике, могущей появиться как наука. // Кант И. Собр. соч., Т.4, ч. 1. М., 1965. www.koob.ru

-Монографияда аргументлаш назарияси коммуникатив жараёнлар билан боғлиқ холда тадқиқ қилинган.

-Монографиянинг Аргументлаш ва коммуникацияга оид гоялар эволюцияси” деб номланган биринчи бобида ислом мантиқшуносларининг таълимотлари мавзу доирасида тадқиқ қилинган. Улар таълимотидаги гояларнинг аҳамияти кўрсатилган. Хориж адабиётларида эса бу борада ҳеч қандай маълумот берилмаган.

Мазкур монографиянинг яна бир фаркли томони шундаки, унда аргументлаш жараёнида ахлоқий, диний ва миллий қадриятларнинг далил сифатида кўлланиши алоҳида тадқиқ қилинган ва миллий-маънавий меросимиздан мисоллар келтириб тушунирилган.

Монографияда фойдаланилган адабиётларнинг катта кисми 2000 йилдан кейин нашр этилган. Унда хориж олимларининг илмий тадқиқотлари билан бир қаторда республикамиз олимларининг аксиология, нотиклиқ, муомала маданиятига оид илмий ишлари назарий манба сифатида кўрсатилган.

И ва кейинги боблардаги масалаларни тадқиқ қилишда уларга оид мавжуд адабиётларнинг барчасини ўқиб ўрганини имкониятимиз чеклангани сабабли, биз ўзбек, рус ва инглиз тилида нашр этилган адабиётлар билангиша ишлиадик. Бу адабиётларни асосан интернет тармогидан олдик.

Монографияни ёзишда аввало биринчи манбаларга, яъни мавзуга оид файласуф мантиқшуносларининг асарларига таянидик. шунингдек ўз ўрнида хориж олимларининг тадқиқотларидан фойдаландик. Матнлар билан ишлашда герменевтик тахлиз усули кўлланилди. Хорижий тилдаги адабиётлар муаллиф томонидан таржима қилинди.

Монографияни ёзиш жараёнида берган ёрдамлари ва кўллаб қувватлаганликлари учун “Фалсафа ва мантиқ” кафедрасининг мудири профессор Мадаева Шахноза Омонуллаевнага ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг А-ОТ-2021-11 “Ўзбек халқи диний ва миллий қадрият-

лари комплексининг электрон-трансдисципліндар платформасини яратиш” инновацион лойиҳаси раҳбари Юсупова Дилдора Дилшатовнага миннатдорчилик билдираман.

Монография республикамизда бу борадаги биринчи илмий тадқиқот иши бўлганилиги боис, муаллиф уни мукаммаллаштиришга хизмат қиласидиган танқидий фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиласиди.

I.БОБ. АРГУМЕНТЛАШ ВА КОММУНИКАЦИЯГА ОИД ҒОЯЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Маълумки аргументлаш ва коммуникация масалалари билан гуманитар фан вакиллари: файласуфлар, нотиқлар, рухшунослар, тилшунослар, хукуқшунослар ва б. шуғуланишган. Лекин у дастлаб фалсафа ва мантиқ илми соҳасига тааллуқли деб қаралгани учун, файласуф мантиқшунослар томонидан кўпроқ ва кенгроқ тадқиқ этилган. Шу боис, аргументлаш ва коммуникацияга оид ғоялар эволюциясини тахлил қилишда, мантиқ тарихига ва файласуф мантиқшуносларнинг асарларига мурожаат қиласиз.

Тадқиқотимиз макон ва замон жиҳатидан катта даврни камраబ олгани боис, I боб доирасидаги тахлилимизни тўрт қисмга бўлдик:

- Қадимги дунёда аргументлаш ва коммуникация назариялари мантиқий асосларининг шаклланиши.

- Ўрта аср Ислом мутафаккирлари мулокот ва далиллаш хақида;

-IX – XX асрларда Фарбий Европа ва Россияда аргументлаш ва коммуникация назариясига бўлган ёндашувлар;

-Аргументлаш ва коммуникация назарияларининг замонавий талқинлари.

Фан тарихида файласуф мантиқшуносларнинг аргументлаш ва коммуникация назариясига оид ғоялари, асарлари жуда кўп ва турли-туман. Биз бир боб хажмида уларнинг барчасини камраబ ололмаймиз. Шунинг учун оқилона танлаш принципига әмал қилдик. Бунга кўра тахлил қилинаётган ҳар бир замон ва маконда аргументлаш назариясини ўз ғоялари билан янги босқичга ўтишига таъсир кўрсатган олимларининг таълимиотларини ўргандик.

1.1. Қадимги дунёда аргументлаш ва коммуникация назариялари мантикий асосларининг шаклланиши

Аргументлаш ва коммуникация масалаларининг назарий асослари антик давр фалсафасида шаклланган бўлиб, фалсафий мушоҳадалар марказида инсон муаммоси турган. Инсон муаммосининг тадқиқ этилишида асосий эътибор инсонлар ўртасидаги мулоқот ва муносабатларга қаратилган.

Инсонларнинг жамият бўлиб бирлашишларига энг асосий сабаблардан бир бу ўзаро мулоқот қилишга бўлган эҳтиёждир. Мулоқот жараёнида инсон ўз фикрини бошқаларга тушунтиришга ва гапларига ишонишлари учун далиллар келтиришга интилади. Аргументлаш, яъни фикр мулоҳазаларни далиллаш инсон мулоқотига хос ҳусусиятдир. Бу ҳақдаги дастлабки маълумотлар энг аввало қадимги ҳинд ёзма манбаларида учрайди. Бу маълумотларда ижтимоий ҳаётда фалсафий баҳс, мунозаралар доимий ҳодиса бўлиб қолганлиги таъкидланади.⁴ Баҳс мунозара ўтказиш Ҳиндистонда кенг расм бўлган, баҳс майдонлари қурилган, ҳакамлар сайланган. Баҳс ҳалқ ўртасида, давлат арбоблари шохларнинг кузатувида ўтказилган.

Қадимги Ҳинд олимлари томонидан баҳс мунозара юритишининг қонун қоидалари, хулоса чиқариш ва исботлашга оид кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Бу кўрсатмаларда ёзилишича, исботлаш жараёни саккиз қисмдан иборат⁵. Булар: мулоҳаза-тезис, асос, мисол, бир хиллик (ўхшашлиқ), ҳар хиллик (тафовут), бевосита ҳиссий қабуллаш, хулоса ва авторитет. Мулоҳаза - тезис баҳс иштирокчиларининг ихтиёрига кўра таилаб олинган, аник, тушунарли бўлган ва исботланиши талаб қилинган масаладир. Асос - тезисни тушунтирувчи ҳолатларни ифодаловчи фикрdir. Унда ўхшашлиқ, тафовут, бевосита ҳиссий қабуллашга асосланиб тезисдаги ноаниқликлар ойдинлаштирилади. Мисолда

² Қаранг: Jonardon Ganeri. Indian Logic // Dov M. Gabbay and John Woods "Handbook of the History of Logic" vol. I 2004. p. 309

⁵ Қаранг: Маковельский А О История логики. М: Наука. 1967, С 22.

күпчилик томонидан қабул қилинган фикрларни келтириш орқали назарда тутилган ва назарда тутилмаган ҳолатлар ифодаланади. Бир хиллик, яъни ўхашлик моҳиятига кўра, атрибуларига кўра, сабабига кўра ёки оқибатига кўра бўлиши мумкин. Ҳар хиллик тафовут эса аввалгиларининг аксидир. Бевосита ҳиссий қабуллаша буюм тўғридан-тўғри, қандай бўлса шундайлигича қабул қилинади. Хулоса чиқаришда юкоридаги босқичлар гўёки якунланади. Буддизмнинг IV-V асрларга оид "Милинда - панъха" номли манбаидан келтирилгая куйидаги парчада юкорида қайд қилинган босқичларни кўришимиз мумкин.

Қадимги Хиндистонда баҳс мунозара савол жавоб кўринишида бошланган. Жавобларнинг ишончли бўлиши ва савол берувчининг жавобни эътироф этиши билан баҳс якунланган. Масадан, ҳукмдор Милинда донишманд Нагасенага "Оламда ҳеч бир сабабсиз мавжуд бўлган нарса борми?" -деб савол беради. Донишманд: "макон ва нирвана ҳеч бир сабабсиз мавжуддир" -деб жавоб беради.

Ҳукмдор Милинда: "Ҳар бир нарсанинг сабаби бор, нима учун нирвананинг сабаби йўқ, нирвананинг сабаби бўлмаса, биз унга қандай эришамиз?" - деб савол беради. Донишманд Нагасена ўз фикрини мисоллар келтириб асослайди: 1. Инсон Ҳимодай тогининг чўққисига чиқа олади, лекин уни шу ерга олиб кела олмайди. 2. Инсон ўзига табиатдан берилиган куч кувват билан қайиқда океанинг нариги қиргогига сузиб бора олади лекин буюк океанинг қиргогини бу ерга олиб кела олмайди. Худди шунга ўхшаш нирванага эришини ўйларини тушунириш мумкин, лекин унинг келиб чиқиши сабабини кўрсатиб бўлмайди.

Донишманд Нагасена: "Нирвана мавжуд, уни ҳиссий хоҳишлирдан холи бўлган соф ақл билан қабул қилини мумкин" - деб хулоса қиласди.

"Нирвана нима экан, уни менга тушунириб берчи? -дейди ҳукмдор. Донишманд Нагасена шамолни мисол қилиб келтиради. "Шамол мавжуд, агар унинг мавжудлигини эътироф

этсангиз, унда менга шамолнииг шаклини, рангини, катта кичклигини кўрсатиб беринг” - дейди. Ҳукмдор: “Донишманд Нагасена, сенга шамолни кўрсатиб беролмайман, лекин унинг мавжудлигини биламан” -деб жавоб беради. “Худди шундай, мен нирвананинг ранги, шаклини кўрсата олмасам ҳам, у мавжуддир” - дейди Нагасена.⁶

Юқоридаги баҳснининг таҳлилидан маълум бўладики, баҳслашувчи томонлар ўз қарашларини асослаш учун мисолдан фойдаланганлар. Мисолларни таққослаш орқали хулоса чиқарганлар.

Қадимги Ҳинд манбаларида баҳс, мунозоранинг натижаси, унда кўзда тутилган мақсадга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Баҳсда қуйидаги уч мақсад ажратиб кўрасатилади:

1. Аввалдан, баҳс- мунозара бирор фойда келтириши мумкинми ёки йўқми деган саволга жавоб изланади. Агар баҳс ҳеч бир яхши натижка келтирмаса, унда баҳслашувдан воз keчилади;

2. Баҳс иштирокчиси ҳалол ва холис эканлигига ишонч хосил қилиш керак. Агар у ҳалол ва холис бўлмаса, баҳсдан ҳеч бир яхши натижка чиқмайди;

3. Баҳслашувчиларнинг баҳслashiши учун зарур бўлган билим ва қобилиятга эга эканликлари аниқланади. Агар баҳслашувчилардан бирортаси бу хусусиятларга эга бўлмаса, унда ҳам баҳс фойдасиз ҳисобланади⁷. Айтиш мумкинки, Қадимги Ҳиндистоңда баҳслашувдан мақсад қандай қилиб бўлса ҳам рақибини мағлуб қилиш эмас, балки ҳақиқатни аниқлаш бўлган.

Ҳақиқатни аниқлашида нутқнинг мантиқий изчиллиги, асосланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Ҳинд мантиқшунослари баҳс жараёни икки таркибий қисмдан иборат деб кўрсатадилар: тезис - яъни исботланиши талаб қилинган фикр ва исботлаш жараёни. Исботланиши керак бўлган фикр ё

⁶ Карапп. Антология мировой философии. М: Мир, 1969. Т. I, ч. I, с.126-128.

⁷ Карапп. Маковельский А.О. История логики. М: Наука, 1967, С 22.

буюмнинг мавжудлигига ёки буюмнинг сифатига, атрибутига оид бўлади. Биринчи холатда буюмнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги исботланса, иккинчи холатда бирор сифатнинг буюмга тегишли ёки тегишли эмаслиги исботланади.

Қадимги Ҳинд мантиғида хulosса чиқаришнинг беш тури кўрсатилади:

1. Буюмнинг мавжудлиги ҳақида унинг мантиқий белгисига асосланиб хulosса қилинади. Масалан, тутуннинг мавжудлигидан оловнинг мавжудлиги ҳақида хulosса чиқарилади;

2. Ҳиссий қабул қилинмайдиган нарсанинг мавжудлигини ҳиссий қабул қилинувчи нарсанинг мавжудлигидан келтириб чиқарилади, худди ҳозирга асосланиб ўтмишнинг мавжудлиги ҳақида фикр юритилгандек;

3. Ҳаракатдан, таъсирдан унинг асоси ҳақида хulosса чиқарилади. Масалан: буом ҳаракатсиз бўлса, жонсиз нарса, ҳаракат қилаётган бўлса, жонли нарса деб хulosса чиқарилади;

4. Тушунчаларнинг ўзаро қарама-карши боғликлигидан хulosса чиқарилади. Масалан, яхшиликдан ёмонлик ҳақида, туғилишдан ўлим ҳақида ва ҳ.к.;

5. Сабаб ва оқибат bogланишларини ифодаловчи тушунчаларга асосланиб хulosса чиқариш.⁸

Қадимги Ҳинд мантиқшунос олими Ҷармакирти хulosса чиқаришни ишончли билим берувчи усуllibардан бири сифатида ўрганади. Унинг таъкидлашича, хulosса чиқаринида умумий тушунчаларга асосланилади. Ҷармакирти хulosса чиқаришнинг икки шаклини: «ўзи учун» ва «бошқалар учун» ажратиб кўрсатади. «Ўзи учун» хulosса чиқарганда инсон ниманидир билади, лекин бу ҳақда бошқаларга хабар бермайди. Айтиш мумкинки, ҳар қандай мулоҳаза моҳиятига кўра «ўзи учун» хulosса ҳисобланади. Бу фикрини Ҷармакирти шундай изоҳлайди: «Биз бирон бир кўк рангли буюмни ҳиссий қабуллаб, «бу буюм кўк рангда» деб мулоҳаза қиласиз. Аслида эса бу мулоҳаза хulosса ҳисобланади. Бунда биз «бу кўк рангли предмет, чунки шу рангдаги предметлар кўк

* Карап: Маковельский А.О. История логики. М.: Наука, 1967. С. 23.

рангни ифодаловчи умумий тушунчага мос келади» деган фикрга асосланамиз.⁹

Дхармакиртинынг таълимотига кўра «бошқалар учун» хulosса чиқариш беш турга бўлинади: ўхшашик ва тафутдан, айнанликдан, оқибатдан ва инкор қилишдан хulosса чиқариш. (Тадқиқотчилар хulosса чиқаришнинг бу турларини силлогизм деб кўрсатадилар.) Агар тутуннинг мавжудлигига асосланиб оловнинг борлиги ҳақида хulosса чиқарсан, ўхшашик силлогизми кўринишида фикр юритган бўламиз. «Олов бўлмаган жойда тутун ҳам бўлмайди» десак тафовут силлогизми кўринишида фикр юритган бўламиз. Хulosса чиқаришнинг бу турлари айният қонунига ва сабаб-оқибат муносабатларининг умумийлигига асосланади.

Айтиш мумкинки, Дхармакиртинынг бу силлогизмлари шартли мулоҳаза кўринишида ифодаланади. Дхармакирти мантиқий асосга хос бўлган уч хусусиятни кўрсатади:

1. Мантиқий асос ва натижа зарурӣ алоқадорликда бўлиши шарт.
2. Мантиқий асос факат бир турдаги обьектларда мавжуд бўлиши зарур.
3. Мантиқий асос бир турда бўлмаган обьектларда мавжуд бўлмаслиги кераис.¹⁰

Мантиқий асосга хос бўлган хусусиятлардан бирортасининг ўзгариши турли мантиқий хатоларни келтириб чиқаради:

1. Силлогизмда мантиқий асосга хос бўлган хусусиятлардан бири бўлмаса, мантиқий хатога йўл қўйилади.
2. Бу хусусиятлардан бирортаси хато ёки шубҳали бўлганда ҳам мантиқий хатога йўл қўйилади.

⁹ Карапай Шербатской Ф.И. Теория познания и логика по учению позднейших буддистов. Ч.1 "Учебник логики Дхармакирти с толкованием Дхармоттары" Санкт-Петербург. Издательство АСТА ПРЕСС LTD. 1995. С. 125-129.

¹⁰ Карапай Шербатской Ф.И. Теория познания и логика по учению позднейших буддистов. Ч.1 "Учебник логики Дхармакирти с толкованием Дхармоттары" Санкт-Петербург. Издательство АСТА ПРЕСС LTD. 1995. С. 125-132.

Агар мантикий асосга хос бўлган хусусиятларнинг бириңчиси като ёки шубҳали бўлса «ёлғон асос» деб номланувчи мантикий хато келиб чиқади. Масалан кимдир оловнинг мавжудлигини исботлаш учун тутуннинг борлигини эмас, балки унга ўхшаш бўлган нарса (туман)га асосланса шундай хато юз беради.

Мантикий асосга хос бўлган иккинчи хусусият хато бўлса, яъни асос қилиб олинган белги кўрсатилган турдаги обьектлардан бошқа турдагиларида ҳам мавжуд бўлса, «ноаниқ асос» деб аталувчи мантикий хато келиб чиқади. Мантикий асосга хос бўлган учинчи хусусият бўлмаганда ҳам худди шундай мантикий хато юз беради.

Дҳармакирти шунингдек мантикий асосга хос бўлган хусусиятлардан иккитаси хато ёки шубҳали бўлганда вужудга келадиган мантикий хатоликларни ҳам кўриб чиқади. «Тескари асос» деб аталувчи мантикий хато шу турдаги хатоликлардан биридир. Бунда келтирилган асос кўзда тутилган холосани эмас, балки унга зид бўлган холосани исботлайди. Масалан: кимдир «сўз абадийдир» деган фикрни асослаш учун сўз инсон иродасининг маҳсулидир деса, исботламоқчи бўлган фикринг тескарисини, яъни «сўз абадий эмас» лигини исботлаган бўлади.

Умуман олганда, Дҳармакиртининг мантикий системасида мантикий асосга хос бўлган хатоларнинг ёлғон, тескари ва ноаниқ бўлган турлари таҳлил қилинади. Шу билан бирга мантикий асоснинг аналогия, сабабийлик ва инкор кўрининишидаги учта тўғри тури аниқлаб берилади. Дҳамакирти таълимотида предметларнинг воқеликда мавжуд бўлган ҳақиқат ҳолатлари мантикий асос қилиб олинади. Дҳармакирти радијянинг моҳиятини ҳам таҳлил қиласида, рад этиш исботлашда йўл кўйилган камчиликни топиш, яъни мантикий асосдаги хатони аниқлашдир. Баъзан рад эшишга ўхшашиб бўлган ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай

холатларда мавжуд бўлмаган хатоларга асосланиб, иоаник мавзуга бевосита алоқадор бўлмаган фикрлар билдирилади.¹¹

Дхармакирти мантикий таълимотининг таҳлили уни «Ҳинд Аристотели» деб аташ учун асос бўла олади. Диний, фаласафий масалалар бўйича баҳс мунозараларнинг кучайиши натижасида ҳинд фалсафасида турли йўналишлар ва бу йўналишларни ифодаловчи мактаблар вужудга келди. Ҳар бир мактаб ўз таълимотининг тўғри эканлиги ва бошка таълимотларнинг камчилиги ҳақида баҳс юритарди. Натижада ҳамма мактаблар томонидан эътироф этиладиган умумий қоидага эҳтиёж пайдо бўлди. Шундай қоидалар тўплами нъяя системасида мавжуд эди. Нъяя номининг ўзи ҳам мазмунига кўра қоида, норма маъносини ифодалайди. Бу мактаб вакиллари баҳс, мунозара жараёнида кўлланиладиган, амал қилиниши зарур бўлган қўйидаги холатларни кўрсатиб ўтадилар:

1. Баҳслашувчи томонлар аввало ўз қуроллари, яъни мантикий қоидаларни билишларини тасдиқлашлари зарур;
2. Баҳслашув обьектини кўриб чиқишли;
3. Мухолифлардан бири бошқасининг илгари сурган тезисига қарши чиқиши;
4. Бу қаршиликнинг асоси (сабаби) мавжуд бўлиши;
5. Баҳс бирон бир мисолга йўналтирилган бўлиши ва баҳслашувчи томонлар уни қатъий эътироф этишлари талаб қилинади;
6. Сўнгра баҳс мавзуси аниқланади;
7. Баҳслашувчи томонлардан бири ўз фикрини исботлаш қоидаларига биноан асослайди;
8. Ва ўз фикрига зид бўлган қарашни рад этади;
9. Натижада ҳақиқат исботланади.

Нъяя системасида юқоридаги талабларга қўшимча қилиб, баҳс ҳақиқатини аниқлаш учун эмас, балки баҳслашув ёккани

¹¹ Карап: Шербатекой Ф.И. Теория познания ислогика по учению позднейших буддистов. Ч.1. "Учебник логики Дхармакирти с толкованием Дхармостхари." Санкт-Петербург: Издательство АСТА ПРЕСС LTD. 1995. С. 289-292.

учун, мақсад ракибни алдаш бўлгани учун олиб борилиши кўрсатилади.¹² Шунингдек, баҳс жараёнида йўл қўйилган хатолар ва исботлашдаги хатоликлар таҳлил қилинади. Нъяя мактабининг юкоридаги ғоялари ва мантиққа оид таълимотлари энг қадимги Готама (беш китобдан иборат) сураларида баён қилинган.

Нъяя мактаби вакиллари брахманизм ва буддизмдан фарқли равишда ҳиссий қабулланувчи предметларнинг реал мавжудлигини зътироф этади. Уларнинг таъкидлашича, хулоса чиқариш ҳиссий қабуллашга асосланади.

Нъяя мактабида хулоса чиқаришнинг уч тури кўрсатилади:

1. Аввалгисидан кейингисига, яъни сабабдан оқибатга қараб хулоса чиқариш; 2. Кейингисидан аввалгисига, яъни оқибагдан сабабга қараб хулоса чиқариш; 3. Аналогия орқали хулоса чиқариш.¹³

Нъяя мактабининг хулоса чиқариш хақидаги таълимоти асосида «сингиши» ғояси ётади. Бу ғояга кўра, белги билан белгининг ташувчиси ўртасида сингиши муносабати мавжуд. Белги сингувчи, белгининг ташувчиси эса сингдирувчидир. Масалан, тутун (белги) билан олов (белгининг ташувчиси) ўртасида сингиши муносабати бор. Бошқа ҳинд фалсафий мактабларида ҳам бўғоя зътироф этилади.

Нъяя мактабининг иботлаш тўғрисидаги таълимотида беш таркибий қисмдан иборат бўлган силлогизмдан фойдаланилади:¹⁴

- 1.тезис (тепаликда олов бор).
- 2.асос (тепаликдан тутун чиқяпти).
- 3.мисол (қаерда тутун бўлса, ўша ерда олов бор, ўчоқдаги каби).
- 4.шу ҳолатга нисбатан қўллаш (бу тепаликда тутун бор).
- 5.хулоса (демак, бу тепаликда олов бор).

¹² Карапин. Антология мировой философии. М: Мыслъ, 1969. Т.1. ч.1. с.142.

¹³ Карапин. Антология мировой философии. М: Мыслъ, 1969. Т.1. ч.1. с.142.

¹⁴ Карапин. Антология мировой философии. М: Мыслъ, 1969. Т.1. ч.1. с.144.

Бу силлогизмнинг учинчи қисми Аристотель силлогизмнинг катта асосига, иккинчи ва тўртинчи қисмлари кичик асосига, биринчи ва бешинчи унинг холосасига тўгри келади.

Нъяя таълимотидаги аргументлаш билан боғлиқ категориялар таҳлил қилинган: 1) билиш воситалари, 2) тўгри билиш объектлари, 3) шубха, 4) важ, хоҳиши, истак 5) мисол, 6) вазият, 7) силлогизм қисмлари 8) гумон, 9) ишонч, 10) мунозара, 11) баҳс, 12) айбситишлик (тироқ остидан кир қидириш), 13) ёлғон далил, 14) бузиб кўрсатиш, 15) моҳиятига тааллуқли бўлмаган эътиroz, 16) хал қилувчи далил, 22) ишончли инсоннинг гувоҳлиги. 24) фараз, 25) мисол.¹⁵

Бу категориядан дастлабки 10 таси тўгри билимга эга бўлишнинг (ҳақиқатга эришишнинг) усул ва воситаларига оид бўлса, қолганлари ўз қарашларини химоя қилиш, ракибининг фикрларини рад этиш билан боғлиқ турли усусларни ифодайди.

Нъяя таълимотидаги кўпгина тушунчалар ҳозирги кунда ҳам замонавий жаранглайди. Масалан: "Мунозара деб, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида маъқулловчи ва рад этувчи далиллар тартиб билан келувчи сухбатга айтилади. Мунозарада ҳар икки томон ҳақиқатни аниқлаш учун дўстона ҳаракат қиласи."¹⁶ Нъяя таълимотида баҳс ва мунозаранинг фарқи кўреатилади. Уларнинг таъкидлашича, "Баҳс галабага эришиш мақсадида ракибининг қарашларини қоралаб, бузиб кўрсатиш, сохта (моҳиятига боғлиқ бўлмаган) эътироғларни билдиришдир."¹⁷ Мазмунисиз, бекорчи, баҳс учун баҳслашишнинг яна бир кўриниши айбситувчи баҳсдир. Бундай баҳсда ракибининг далилларига қарши далил келтирилмайди ва унинг ҳар бир гапидан камчилик топишга ҳаракат қилинади. Нъяя таълимотида асоси бўлмаган далиллар ёлғон далиллар деб таърифланади. Ҳал қилувчи далил эса, ракибини баҳслашишни тўхтатнинга мажбур қилувчи далилдир. Ҳал қилувчи

¹⁵ Антологія мировой філософии. М. Мысыль., 1969. Т.1. ч 1. с 143-144

¹⁶ Антологія мировой філософии. М. Мысыль., 1969. Т.1. ч 1. с 143-144

¹⁷ Антологія мировой філософии. М. Мысыль., 1969. Т.1. ч 1. с 143-144

далилларга ракиб томон келтирган асоснинг нотўри экан-лигини аниклаш, ракибини бу далилдан воз кечишга мажбур килиш, далилдаги зиддиятли холатларни очиб бериш киради.

Нъяя мактаби вакиллари ўзаро зид (контрадиктор) мулоҳа-залар ҳар қандай баҳснинг асосини ташкил этади ва бундай мулоҳазаларнинг бири чин бўлса, бошқаси ёлғон бўлади деб таъкидлайдилар. Нъяя мактабининг мантиқий таълимоти ҳақи-катни билишга қаратилган бўлиб, ҳақиқатга эришган инсон азоб-уқубатлардан озод бўлади деган ғояга асосланади.

Хинд нотикчлик санъатида аргументлашнинг ўзига хос то-монларининг таҳлилини якунлаб, қўйидагиларни қайд этиш мумкин: хинд мантиғида ҳам хулоса чиқариш исботлаш (далиллаш) шакли сифатида талқин қилинган. Авторитетларга мурожаат қилиш исботлашнинг якунловчи босқичи ҳисобланган. Баҳслашувчи томонлар ўз фикрининг тӯғрилиги ҳақида олимларнинг фикри, муқаддас китобларда ёзилган фикрларни далил килиб келтириш орқали аудиториянинг ҳайриҳоҳлигига эришшага интилганлар.

Аргументлаш ва коммуникация масалалари Қадимги Грекиядаги ижтимоий фалсафий фикрларнинг ривожида ҳам муҳим ўрин тутади. Аргументлаш аввал бошданоқ қадимги Грекияда икки йўналишда ривожланган: диалектика ва софистика. Диалектика - ишонтириш санъати бўлиб, Сократ ва Платон унинг энг йирок намоёндалари бўлган. Бу йўналишининг шаклланишида Аристотелнинг “Топика”, “Софистик рад-дияялар ҳақида” асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бў уасарларда аргументлашга мантиқий ёндациии асослари ишлаб чиқилган ва диалектик баҳснинг максади ҳақиқатни топиш, масаланинг моҳиятини аниклаш деб кўрсатилган. Платон диалектика, диалектик метод, диалектик санъат деганда ҳақиқатни билишни тушунган. Форобийнинг ёзишича, Платон биринчи бўлиб, диалектик методнинг қонидаларини аниклаган. Шундан бери файласуфлар эски методлар ўринига чин билимга эришиш учун диалектик методдан фойдалана бошиладилар. Софистик методни баҳтсизлик келтирувчи деб

инкор қылдилар. Риторик методин эса барча салтат учун умумий бўлган метод деб билдиб, ундан ҳар соҳада фойдаланилар¹⁸.

Аристотелнинг диалектикаси унгача мавжуд бўлган карашларнинг назарий синтези ҳисобланади. У «Топика» асарида диалектик муҳокама юриттишининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қиласди. Аристотел топика ва диалектика тушуңчаларини тенг маънода қўйлади.

У. Платон каби, диалектиканинг вазифаси фикрларни анализ қилиш, ундан зиддиятларни аниқлашдан иборат деб билади, бундай анализ ҳакиқатнинг моҳиятини билишга ёрдам беради, деб таъкидлайди. Сократ учун ҳам «диалектика» ҳакиқий билимни аниқлаш усули бўлиб, унда ўзаро бир-бирига зид мулоҳазалар тадқиқ қилиниади. Аристотел фикрича, диалектика нинг қиммати биринчидан, масала қай тарзда тадқиқ этилишини кўрсатишдан иборат, бунинг учун қўйилган саволнинг жавобига олиб келувчи (тахминий бўлган) хулоса чиқариш тузилади; иккинчидан, диалектика қўйилган саволга берилган жавоблардаги хатони аниқлаш усули ҳисобланади.

Аристотелда диалектика ҳам соф субъектив (эристик) ҳам илмий вазифаларни бажаради. Аристотел «Топика» нинг биринчи китобида диалектика “уч турдаги буюмлар учун: машқ қилиш, мулоқотда бўлиш ва фалсафий билиш учун фойдалидир”¹⁹, - деб ёзади.

Аристотел „Риторика“ асарида амалий мантиқ сифатида диалектик аргументлашни баён қиласди. Айтинг жоизки, “риторика” термини хозирги кунда Аристотел қўллаган маънода ишлатилмайди. Аристотел учун риторика гўзал сўз санъати эмас, “ҳар бир предметга нисбатан мумкин бўлган ишонтириш усулларини топиш қобилиятидир”²⁰. Бундай усулга ўзига хос риторик силлогизм шакли мос келади. Унинг ўзига хослиги шун-

¹⁸ Карапай Аль-Фараби. Риторика // Логические трактаты – Алма-Ата, 1973, -С.468.

¹⁹ Карапай Аристотель. Топика. Т.2. М.: Мыслъ, 1978. – С.350-351.

²⁰ Карапай Аристотель. Риторика: Логика и риторика. Хрестоматия. Минск: ТетраСистемс, 2007. С.127.

даки, исботлаш тингловчиларнинг ўзига боғлиқ бўлади, яъни аргументлашда субъектив омил ҳисобга олинниши керак бўлади.

Аргументлашнинг ривожидаги яна бир йўналиш софистларнинг фаолияти билан боғлиқ. Софистлар баҳс-мунозаранинг мақсадини бошқача тушунишган, улар биринчи навбатда ҳар қандай воситалар билан бўлса ҳам ғалабага эришишни, яъни баҳсдан амалий фойда кўришга интилишган. Бугунги кунда ҳам софистлар қўллаган усул ва воситалар учраб туради. Улардан баъзилари оддий, содда туюлиши мумкин. Лекин софизм ва паралогизмларни рад қилиш осон иш бўлмаган. Шунингдек софистлар баҳс-мунозара ўтказиш техникасини хунарга айлантириб, ундан сабоқ беришган. Бунга „Еватл ва Пратагор“ баҳси мисол бўлади. Баҳс шарти жуда пухта тузилгани учун ҳам, масалага шу кунгача ечимга эга эмас деб, каралади. Аргументлаш назарияси ва амалиётини бошқа бир кўриниши риторик аргументлаш софистлардан бошланган. Риторик аргументлаш ғалаба ва амалий вазифаларни бажаришга қаратилган.

Қадимги Грецияда аргументлаш ва мантиқни ривожлантириш қуйидаги омиллар билан асосланган: 1. Қадимги Ҳинд маданиятидан фарқли равишда антик даврда биринчи ўринга мусобақалашиш чиқкан ва у ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган эди. 2. Қадимги Грецияда ҳуқуқий амалиётга катта эътибор берилган ва ривожлантирилган. Масалан: V-асрда Афинада ҳар бир фуқоро ўзининг қонун лойиҳасини илгари суриши ва бошқа лойиҳаларни муҳокама қилиши ҳуқуқига эга бўлган. Бу эса ўз навбатида фуқороларда баҳс санъатини ўрганишга бўлган талабни қучайтирган.

Қадимги Римда баҳс мунозарани амалиётга йўналтириши янада қучайган. Қадимги Римнинг машҳур нотиги Марк Туллий Цицерон (эр.ав. 106–43) нотиқлик санъатига оид асарлар ёзган. Унинг таъкидлашича, риторика нотиқлик тажрібасининг тизимлаштирилган, амалий аҳамиятга эга бўлга қўринишидир. Цицерон антик фалсафанинг табиат, ахлоқ ва мантиқ ҳақидаги қисмларидан нотиқ учун охириги

иккитасини фойдалы деб бўлган. Мантиқий биллиш нутқини мазмунини тўғри тузишига ва ишининг моҳиятини аниқлашибдиришга ёрдам беради. Ахлоқий таълимотларни биллиш эса нотиқка тингловчиларга кучли таъсир қилиб, уларда керакли бўлган ҳис-туйғуларни уйготишига хизмат қиласиди. Цицерон ўзининг фаол амалий фаолияти, суд жараёнидаги интироқи туфайли нотиқликни санъат даражасига кўтаради ва унинг назарий асосларини ишлаб чиқади.

Маълумки, римликлар турли томошаларга ўч бўлишган. Улардан завқ олишган, шунинг учун ҳам нотиқдан артист каби оммани ўзига жалб қилишни талаб қилишган. Цицерон ўз нутқларида римликларнинг талабларини эътиборга олган. Шароит талаб қилганидек, мавжуд қоидаларга амал қилган. Шу билан бирга баъзан улардан четлашиб, ижодий эркинлик ва маҳоратни намоён қилган. Унинг фикрича, чиройли, текис, лекин маъносиз нутқ ақлнинг ноқислигини, тартибсиз, меъёрга амал қилмасдан сўзлаш эса нутқнинг ноқислигини билдиради. Рим нотиқлари тингловчиларни ўзларига жалб қилишлари масаланинг моҳиятини очиб беришлари, баҳс мавзусини аниқлашлари, ўз мавқеларини мустахкамлаб, оппонентнинг фикрини рад этишлари, ўз аргументларининг таъсирини (жозибадорлигини) кучайтиришлари керак бўлган. Цицероннинг таъкидланича, нотиқлик санъатини эгаллаш учун табиият қобилият, ҳамда машҳарнинг ўзи етарли эмас, “фасиҳлик (гўзал нотиқлик)ка факат энг ўқимишли, биъимдан одамлар билан билимда тенглашган тақдирдагина эришини мумкун.”²¹ Нотиқ “диалектик (ал экадалий)нинг ўткир ақли, файласуф тафаккури, хаттоки, деярли шоирнинг сўзи, конунишносиининг хотираси, трагик (фожиавий артист)нинг овози, ҳамда актёрнинг ўйини, ижросига эга бўлиши керак.”²²

Қадимги Рим риторикасининг қоидалари суд жараёнидаги айбловчи ва ҳимоя қилувчининг нутқлари, яъни конкрет

²¹ Цицерон. Нотиқлик санъати. Т. “Ўзбекистон маддий инновацияларини”, 2018. 63 б.

²² Цицерон. Нотиқлик санъати. Т. “Ўзбекистон маддий инновацияларини”, 2018. 100 б.

материал асосида шаклланган. Нотик нутқ сўзлар экан, тингловчилар уни тушунишлари, ҳакамлар ҳайриҳо бўлишларига харакат қилган. Кўрилаётган масалани ўзи учун маъқул бўлган иуқтаи назардан хикоя қилиб берган, фикрини исботловчи далиллар келтирган ва рақибининг далилларини рад этган. Нотик нутқининг энг муҳим қисмида – якунида тингловчилар ва ҳакамларнинг хиссиётларига таъсир қилиб, уларда судланувчига нисбатан ҳамдардлик ёки ғазаб туйғуларини уйғотиб, адолатли ҳукм чиқарилишини талаб қилган. Нотик нутқининг қандай тартибда бўлиши қатъий белгиланмаган, нуткнинг таъсирчанлиги муҳим хисобланган. Нотиқнинг нутқи аниқ, ҳақиқатга яқин (ишончли), бўлиш билан бирга жонли ва холис бўлиши унинг маҳоратини белгилаб берган. Цицерон ўз нутқларида нотиқлик санъатининг уч асосий талабига амал қилган: ўргатиш, ҳузур бағишлиш ва ундаш. Идеал нотик ўз нутқи билан тингловчиларга сабоқ беради (ниманидир ўргатади), уларни ўзига жалб қиласди ва ўз иродасига бўйсундиради. Биринчиси унинг вазифаси, иккинчиси машҳур бўлишининг кафолати бўлса, учинчиси муваффакиятининг зарурый шартидир.

Қадимги Римда нотиқлик асослари Квинтилиан (тахм. 35-95 йй.), томонидан ишлаб чиқилган. У нотиқлик санъати мактабини очиб, унда нотиқлик асосларидан дарс берган. У “Нотиқликка ўргатувчи ўн икки китоб”нинг муаллифидир. Квинтилияннинг бу асари кейинги асрларда ҳам нотиқлик бўйича амалий қўлланма бўлиб, фойдаланилган. Шундай қилиб, антик файласуфлар риторика фанининг асосларини шакллантирилдилар, унинг назариясини ишлаб чиқдилар, нотиқликка ўргатиш ва аргументлаш методикасини яратдилар. Бу даврда коммуникацияга, мулоқотга оид гоялар риторика доирасидаги ривожлантирилди. Антик давр риторикаси деярли ўзгарышсиз кейинги асрлар нотиқлари томонидан қабул қилиб олинди.

1.2. Ўрта аср Ислом мутафаккирлари мулоқот ва далиллаш ҳақида

Инсонлар ўртасидаги мулоқотни ўрганувчи коммуникология фан сифатида ўрганилаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бу фан сўнгти йилларда хориж университетларининг таълим тизимидан жой олган бўлиб, дарслеклар нашр этилган. Дарслекларда фанга оид гояларнинг шаклланиш тарихи ёритилганда, асосан, Farb олимларининг номлари келтирилади.²³ Унда ўрта аср ислом мутафаккирларининг таълимотлари кўрсатилмайди. Шундай холатни аргументлаш назариясининг шаклланиш тарихи ёритилган адабиётларда ҳам кузатиш мумкин.²⁴

Яқин ва Ўрта Шарқ, ҳусусан Марказий Осиё ижтимоий фалсафий фикр тараққиётида инсон масаласига энг кўп эътибор берилган. Мулоқот ва далиллашга оид гоялар, таълимотлар шу масала билан боғлиқ холда шаклланган ва ривожлантирилган. Авестодаги “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” инсонлараро мулоқотнинг ва турмуш тарзининг энг асосий принципи деб кўрсатилган.

Коммуникация ва аргументлашга оид гоялар “Қобуснома” (XI аср) асарининг еттинчи бобида батафсил баён қилинган. Кайковус мулоқот жараёнида тингловчилар (аудитория) учтурли бўлади деб кўрсатади: 1. Билади ва билишини ўзи ҳам биладиганлар (олимлар); 2. Билади, лекин билганини билмайди (гафлатдагилар); 3. Билмайди, билганини ҳам билмайди (жохиллар).²⁵

Нотик олимлардан ўрганиши, гафлатдагиларни уйғотиши, жохиллардан кочиши керак.

Аргументлаш ва коммуникация назарияларининг ривожланишида Ўрта асрлар Яқин ва Ўрта Шарқ мантиқшунослари-

²³ Карапин. Основы теории коммуникации: учебник и практикум для академического бакалавриата / Г. Д. Венедиктовна [и др.] под редакцией Г. Д. Венедиктовой, Д. Б. Гулкова. — Москва: Издательство Юрайт, 2019. — 193 с.

²⁴ Карапин. Логика и теория аргументации. Под ред. Г.Л. Туленинского. М.: Издательство Юрайт, 2017. С. 25. Кайковус. Қобуснома. Т. Ўқигуви. 1973. 37 б.

нинг таълимотлари мухим ўрин тутади. Ўрта асрлар Яқин ва Ўрта Шарқда Ўйғониш даври деб номланади. Бу даврда илмнинг барча соҳаларида кўплаб қашфиётлар қилинган, илм-фан қадрланган ва ривожлантирилган. Илм-фаннынг равнақига олимларнинг ўзаро мулоқоти, улар ўртасидаги баҳс-мунозамалар катта таъсир кўрсатган.

Аристотел ва Шарқ перипатетиклари мантиқий таълимотидаги баҳс юритиш санъати диалектик ва риторик исботлаш билан боғлиқ холда ўрганилган. Диалектик ва риторик исботлашда “ҳамма томонидан қабул қилинган билимлар”, “кўпчилик орасида кенг тарқалган билимлар” асос сифатида қабул қилинган. Ҳамма томонидан қабул қилинган билимлар диний таълимотни ифодаловчи билимларни, кўпчилик орасида кенг тарқалган билимлар эса одоб-ахлоқ нормаларини, урф-одатлар билан боғлиқ билимларни ифодалаган. Шарқ мутафаккирлари бу билимларнинг чинлик даражасини ҳақиқатта яқин деб таърифлаганлар.

Форобийнинг фикрича, ҳамма томонидан қабул қилинган билимлар “бирин-кетин билинади ва қабул қилинади, барча халқларнинг фарзандлари уларни қабул қилиб тарбияланади, шаҳарларининг узоклигига, тил ва хулқларининг тафовут қилишига қарамасдан турли халқлар шу асосда бир-бирлари билан муроса қиласидилар, мулоқотда бўладидилар, биргаликда иш ёритадилар, ва улар ўртасидаги бундай муносабатлар мақтадади”.²⁶ Форобий ва бошқа Шарқ перипатетиклари Аристотел каби диалектик баҳс, исботлаш, савол-жавоб диалог шаклида амалга ошади деб таъкидлайдилар.

Маълумки, диалектика антик даврдан бошлиб савол ва жавоб воситасида баҳс-мунозара юритиш усули сифатида кўлланилган. Яқин ва Ўрта Шарқ мантиқшуносларининг диалектик исботлашга бағишланган «Ал-Жадал» номли асарларида Аристотел «Топика»сининг таркибиға ва асосий гоясига амал қилинган холда бу масала батафсил таҳлил қилинган, янги ғоялар билан бойитилган.

²⁶ Аль Фарбі. Диалектика. Социально-этические трактаты. Азима - аза. 1978. С.378-379

Форобий диалектик баҳснинг « биринчи мақсади рад этиш бўлса, исботлаш унинг иккинчи мақсадидир»²⁷, - деб ёzáди. Ибн Сино диалектик исботлаш «таълим ва маърифат воситаси сифатида фойдалидир»²⁸, - деб таъкидласса. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий эса, «диалектик исботлашдан мақсад, мухолиф томон фикрининг кенг таркалмаслигига эришишдир»²⁹, -деб кўрсатади.

Исботлашнинг диалектик методи Форобий фикрича савол ва жавоб усулидангина иборат бўлмай, балки баҳс мунозара юритишнинг стратегияси ва тактикаси ҳамдирки, бунинг натижасида мухолиф устидан ғалаба қозонилади.

Форобий ва Ибн Сино диалектиканга санъат деб қарайдилар. Диалектика ҳақиқатга яқин бўлган асослардан бошланади ва жавоб бераётганда ички зиддиятларга йўл қўймасликка ўргатади. Диалектик баҳс икки киши ўртасидаги савол - жавоб кўринишида амалга ошади. Бу кишилардан бири савол берувчи, бошқаси жавоб берувчи бўлади. Диалектик баҳс билишнинг ҳақиқатга яқин бўлган фикрлардан ҳақиқатга яқин бўлган фикрдан бошланади. Диалектик савол исботланиши талаб қилинган масалани то у ҳал бўлгунга қадар изчил бўлинишини талаб қиласиди. Диалектик жавоб тезисдаги ҳимояни ифодалайди.

Аристотел диалектик баҳснинг структурасида тезис, проблема (муаммо) ва топни (диалектик силлогизмнинг элементити) ажратиб кўрсатади. Форобий ва Ибн Синолар бунга диалектик асос деган тушунчани киритганлар.³⁰

Асос тезисга ўхшаш бўлиб, тасдиқловчи фикрdir. У тезисга зид бўлолмайди ва уни ўзгартиrolмайди. Ибн

²⁷ Аль-Фараби Диалектика // Историко-философские трактаты. –Алма-Ата: Наука, 1985. -С 364.

²⁸ Абу Али Ибн Сино Мантиқ // Китоби хидоя. Осори муҳтабб. Ч.4. -С 257.

²⁹ Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий. Мағотиҳ ал-улум // Баҳоғириров Р.М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва исламлар тасвири тарихидан Т.1995. -Б 112.

³⁰ Карапиг Аль-Фараби. Диалектика // Историко-философские трактаты –Алма-Ата. Наука, 1985. -С 492. Имамзодаева А. Ибн Сина и Аристотель: развитие логических идей. Дисс. на соиск. учёной степенью кандидат наук. -Г. 1990. С 146.

Синонинг фикрича ҳар бир тезис учун бирор нарсани тасдиқлашда ёки инкор этишда асос аниқланиши керак. Асосларни топгандан сўнг масаланинг ечимини қидириш мумкин. Диалектик асослар ҳаммага маълум бўлган ва кўпчилик томонидан қабул қилинган қарашлардир. Форобий диалектик асосларнинг үйидаги ўн турини кўрсатиб ўтади³¹:

1. Ҳамма одамлар томонидан қабул қилинган қарашларни ифодаловчи асослар;
2. Кўпчилик томонидан қабул қилинган ва бошқалар томонидан эътиroz билдирилмаган қарашларни ифодаловчи асослар;
3. Олимлар, файласуфлар томонидан қабул қилинган қарашларни ифодаловчи асослар;
4. Олимлар ва файласуфлар томонидан қабул қилинган, улардан баъзилари ва бошқалар томонидан эътиroz билдирилмаган қарашларни ифодаловчи асослар;
5. Ақли ва фазилатларига кўра бошқаларга нисбатан юқори бўлган одамларнинг эътиroz билдирилмаган қарашларини ифодаловчи асослар;
6. Ҳар бир санъатда унинг вакиллари томонидан тўплашган қарашларни ифодаловчи асослар;
7. Ҳар бир санъатнинг энг уста вакилларининг эътиroz билдирилмаган қарашларини ифодаловчи асослар;
8. Предикатлари субъектларининг маълум бир қисмида ёки кўпчилигида маълум бўлган асослар;
9. Кўпчилик томонидан қабул қилинган қарашларга ўхшаш бўлган қарашларни ифодаловчи асослар;
10. Агар бир буюмнинг башка бир буюмда мавжудлиги ҳақида ҳаммага маълум қарашлар бўлса, унинг зиддияти бўлгай қарашлар ҳам ҳаммага маълум бўлган асосни ифодайди.

³¹ Карап: Аль-Фараби. Диалектика. Историко-философские трактаты. – Алматы-Атас. Наука, 1985. - С.492-494

Юқорида күрсатилған асослар диалектик ва риторик исботлашда аргумент сифатида кенг күламда күлланилған. Диалектик асосларни түғри таңлаш ва улардан унумли фойдаланиш баҳслашувчи томонларнинг ақлли, фаросатли бўлишларини, тажрибага эга бўлишларини, диалектик баҳс юритиш қоидаларини билишларини ва диалектик муаммо доирасидан четга чиқмасликларини талаб қиласди.

Диалектик баҳса аввало мавзу-диалектик муаммо аниқланади. Ўз шаклига кўра диалектик муаммо - тезис айиравчи хукм бўлиб, савол кўринишида ифодаланади. «Қарама-қаршиликлар бир фанда ўрганиладими ёки бир нечта фанларда?»- деган савол диалектик муаммони ифодалайди.

Мутафаккирлар ҳар қандай айиравчи савол диалектик муаммо бўла олмаслигини таъкидлаганлар. Хусусан, Форобий диалектик муаммони вужудга келишига сабаб бўлувчи куйидаги холатларни аниқлайди³²:

1. Файласуф ва тадқиқотчиларнинг қарашларига зид бўлган қараш мавжуд бўлганда;
2. Кўпчиликда ўзаро зид қарашлар мавжуд бўлганда;
3. Кўпчиликнинг қарашлари билан файласуфларнинг қарашлари ўзаро зид бўлганда;
4. Бальзи одамлар томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган қарашлар бошқаларнинг қарашларига зид бўлганда;
5. Ўта истеъоддли одамнинг қарашлари билан бошқаларнинг қарашлари ўзаро зид бўлганда;
6. Гайри-табиий, меъёrsиз қарашлар билан кўпчилик томонидан қабул қилинган қарашлар ўзаро зид бўлганда.

Диалектик муаммо аниқлангандан сўнг, уни ифодаловчи сўзлар тахлил қилиниб, масаланинг моҳиятига мос келувчи маъноси аниқланади. Учинчи босқичда сўзлар яъни жинс тушунчалар бўлинади. Тўргинчи босқичда фикрлар умумлаштирилиб, масаланинг ечими аниқланади.

³² Қаранг Аль-Фараби. Диалектика // Историко-философские трактаты. –Алма-Ата: Наука, 1985. –С. 506-514

Форобий ва Ибн Сино диалектик силлогизмлар энтилемалар кўринишида бўлади, уларда умумийликни кўрсатувчи ва холосага сабаб бўлувчи қисм тушириб қолдирилади деб кўрсатадилар. Уларнинг фикрича, асосан биринчи фигура кўринишидаги диалектик энтилемалар аниқ холоса беради. Форобий ва Ибн Синолар диалектик исботлашнинг моҳиятини чукур тушунган ҳолда тўғри таҳлил қилганлар. Диалектик исботлашнинг вазифаси ақлий қобилиятларни машқ қилдиришда, ҳаммага маълум, ҳақиқатга яқин фикрларни анализ қилишда ва ҳодисаларнинг моҳиятини билишдадир, деб таъкидлаганлар.

Исботлаш усуllibаридан яна бири риторика (нотиқлик санъати) дир. Нотиқлик санъатининг фазилатлари ва ундан кўриладиган манфаатлар хусусида Беруний шундай деб ёзади: «... араблар тилидаги мана бу балоға-нотиқликни олайлик. Агар унинг манфаати ҳақида сўралса, бу унинг ўз зотида фазилатdir, у ҳақда пайғамбар алайҳиссалом «Ҳақиқатан нотиқликда сеҳрли куч бор», деган. Балоганинг мавжудлиги туфайли ислом ва иймоннинг асли бўлмиш Куръоннинг ожиз қилювчилиги исботланади. Унинг ёрдамида баъзи кишилар бошқаларидан манфаат ундирадилар»³³.

Берунийнинг юқоридаги фикрлари нотиқлик санъатининг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан Марказий Осиёда ҳам нақадар эътиборли бўлганлигидан даюлат беради. Нотиқлик санъатининг назарий асослари ва амалий қўзланиши билан боғлиқ масалалар Форобий, Ибн Сино ва Абу Абдулоҳ ал-Хоразмийларнинг мантикий таълимотларида батағсиз баён қилинган.

Абу Абдулоҳ ал-Хоразмий риторикани «ноаниқлик санъати» деб тўғри таърифлайди. Чунки нотик учун нутқининг чин, ҳақиқат бўлиши эмас, балки тингловчиларни қай даражада ўз нутқига ишонтира олиши мухимдир. У шундай деб ёзади: «Унда (риторикада) ган ишонтириши ҳақида

³³ Абу Раікен Беруни. Годзини // Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. Т. ФАН, 1976. –Б. 203.

боради... бу гарчи далилсиз бўлса ҳам эшитувчининг ўзи ишонадиган сўзлар орқали бирор нарсанни тушуниши»³⁴ дир.

Риторик исботлаш ҳам икки киши ёки икки гурух ўртасида, яъни сўзловчи ва тингловчи ёки савол берувчи ўртасида олиб борилади. Форобий «Риторика» номли асарида исботлашнинг бу усулини ҳар томонлама анализ қиласди. У «риторика бошқа санъатлардан фақат ишонтириш учун кўлланиши билан фарқ қиласди... Риторика фақат унинг ўзига хос бўлган маҳсус предметга эга эмас, у буюмларнинг ҳамма турлари бўйича ишончни шакллантиради. Риторика ишонтириш жараёнида барча санъатлар учун умумий бўлган методлардан фойдаланади. Риторика диалектика ва софистика билан умумийликка эга, у ҳам хато фикрларни аникловчи методга эга»³⁵, - деб ёзади.

Мутафаккирлар риторик мухокаманинг олиб борилишини текшириб, тингловчилар, мухолифлар, ҳакамларнинг ҳар бири бу мухокамадан нима кутишини уларга нисбатан қўйиладиган талабларни аниклаб берганлар.

Баҳсни тингловчилар бошлаб, нотиқдан уларни у ёки бу фикрга ишонтиришни талаб қиласдилар ёки нотиқ биринчи бўлиб сўзлаб, тингловчилардан у ёки бу фикрни қабул қилишарини талаб қиласди. Бунда икки мақсад кўзда тутилади: шу масалага онд фикрларни эшлиши ёки икки қарама-қарши фикрлардан бирини қабул қилиш.

Мухолифлар ё сўзловчи ва унинг фикрига қарши чиқадилар ёки кўрилаётган масалани янада ойдинлаштириш учун нотиқка юзаки қарши чиқадилар.

Ҳакам (қози)лар мухолифларнинг фикридаги ишончли маълумотларни фарқлай оладиган бўлиши керак. Ҳакамнинг сўзлари мухолифларнинг бир-бирига нисбатан айтилган сўзларидан фарқ қиласди. Ҳакам аввалги ҳакамлар томонидан

³⁴ Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий. Мағолотҳо аз-зулум. // Баходиров Р.М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва негизлар таснифи тарихидан. Т., 1995. -Б. 112.

³⁵ Аль-Фараӣ. Риторика // Логические трактаты. -Алма-Ата., 1973. -С. 470-471.

ўрнатилган қоидаларга амал қилмаса, яни холис бўлмаса, унда мухолифга айланаб қолиши мумкин. Агар унинг айтган сўзларидан мухолифлар бир-бирини маломат қилишда фойдаланса, у ҳолда бундай ҳакамлардан фойдаланиб бўлмайди.

Агар мухолифлардан бирининг кўрилаётган масалага оид келтирган далиллари ишончли бўлмаса ва бу ҳақда ҳакамнинг далиллари етарли бўлса ва бу далиллардан фойдаланса, у ҳолатда ҳам ҳакамнинг хизмати шубҳа остига олинади. Бундай ҳолатда ҳакам ўзига маълум далиллар асосида эмас, балки мухолифларнинг сўзларига асосланиб иш юритиши зарур. Агар ҳакам бу масалага бутун шаҳар ахолисининг фойдасини кўзлаб ёндошиши керак бўлса, шундагина у ўз далилларидан фойдаланиши мумкин.

Форобий ва Ибн Синонинг юқоридаги фикрлари фақат нотиклик санъатида эмас, балки ҳукукий масалаларни ҳал қилишда ҳам мухим аҳамиятга эга бўлган. Улар фикрга нисбатан ишонч ҳосил қилишда энтилемема ва мисол (аналогия) дан фойдаланиш зарур деб таъкидлайдилар. Мутафаккирларнинг фикрича энтилемемалар ҳам шакли, ҳам материясига кўра ишонтиради.

Энтилемемалар эътиrozга ўрин қолдирган ҳолда баён қилинади, яни уларнинг бирорта таркибий қисми тушириб қолдирилади. Агар улар эътиrozга ўрин қолдирмаса, унда ишончли билимга айланади. Қатъий силлогизмнинг энтилемемалари ишонтирувчи бўлади. Масалан, I фигура силлогизмини энтилемега келтириш учун катта асос тушириб қолдирилади ёки у эътиборсизлик билан айтилади, натижада силлогизм шаклига нисбатан ишончлилик ортади. Эътиборсизлик билан айтилган ёки тушириб қолдирилган катта асос хато фикрини яшириш учун хизмат қиласи.

Форобийнинг таъкидлашича силлогизм кўрининиңдаги асосларнинг кўйицагича биринин ҳам, ноаник хато фикрга нисбаган ишонч ҳосил қилиши мумкин. Бу кўйидаги ҳолатларда намоён бўлади³⁶:

³⁶ Карап: Али-Фарған Риторика // Логические трактаты. –Алма-Ата, 1973. -С. 500.

1. II фигуранинг ҳар икки қисми тасдиқ ҳукм бўлганда, катта асос тушириб қолдирилади ёки эътиборсизлик билан айтилади.

2. III фигура бўйича умумий хулоса чиқарилади.

3. Асослардан бири тасдиқ, иккинчиси инкор бўлиб, улардан бири умумий бўлса, яъни I фигура асосларининг қоидаси бузилиб катта асос тушириб қолдирилади.

Асосларнинг юқорида кўрсатилган бирикуви ташқи томондан силлогизм бўлиб туюлса ҳам аслида силлогизм ҳисобланмайди, лекин фикрга нисбатан ишонч ҳосил қиласди.

Форобий ва Ибн Синолар шартли энтилеманинг риторикада бошқа санъатларга нисбатан кўпроқ қўлланилишига эътибор бериб, ундан фойдаланиш усувларини батафсил таҳлил қиласдилар. Уларнинг таъкидлашича, шартли энтилемаларда кичик асос тушириб қолдирилиб, катта асос ва хулоса баён қилинади. Шартли айирувчи энтилема бўлишда қўлланилади ва унда ҳеч нарса тушириб қолдирилмайди. Бўлиш ноаниқ бўлганда, ҳамма шартлар тўлиқ кўрсатилмаслиги натижасида, мухолиф тушириб қолдирилган фикрга нисбатан эътиroz билдиради. Агар нотиқ ҳамма шарт ва муқобилларни тўлиқ айтса, унда унинг фикрига билдирилган эътиroz материяяга (мазмунига) тааллуқли бўлади.

Масалан: Ё мен ёки у хато қиласдитти. Мен хато қилмаяпман. Демак, у хато қиласдитти.

Альтернативалари тушириб қолдирилган энтилемага қуйидаги фикр мисол бўлади: «Зайд Сурияда бўлгани сабабли, Ироқда эмас». Фикр тўлиқ ҳолда қуйидагича ифодаланади:

Зайд Ироқда бўлмаса, у Сурия ёки Яманда бўлади. У Яманда эмас. Демак у Суриядা.

Шартли айирувчи энтилемаларда муқобилларнинг тушириб қолдирилишига сабаб хулосанинг зарурийлигини яширишдир. Мухолиф бу каби ҳолатларда муқобиллардан бирини олиб хулосани инкор қилиши мумкин бўлади ёки нотиқ қайси буюм ҳакида гапираётганини билмагани учун муқобиллардан бирини тушириб қолдирди деб ўйлаб, янгилашади.

Мутафаккирлар риторикада мисол орқали исботлашни кўзлайдилар. Риторикада мисолдан фойдаланилганда, у силлогизм кўринишида бўлса, унда икки буюмнинг ўзаро ўхашлигини кўрсатувчи ҳолат аниқ бўлади, натижада ўхашликни айтиб, уни хулоса билан қўшилади, буюм эса тушириб қолдирилади.

Риторикада тингловчиларни ишонтириш учун энтилема ва мисолдан бошқа яна куйидагилардан аргумент сифатида фойдаланилади:

- Нотиқнинг фазилатларини ва мухолифларининг иллатларини кўрсатиш;

- Тингловчиларнинг хис-туйгуларига тъасир қилиши орқали, уларни айтилаётган фикрни қабул қилишга ундаш;

- Тингловчиларнинг қараашларини жалб қилиб, ўз фикрини чин деб қабул қилишга мойил қилиш (масалан, нотиқнинг тингловчиларга «Кимки ҳақиқатни биринчи ўринга қўйса, қалби пок бўлса, ёлғон гапларга учмаса, ҳақиқатан ҳам менинг фикрларимни тўғри деб билади... », - деган гаплар билан мурожаат қилиши);

- Баҳс-мунозара обьекти бўлган буюмни мақташ, ёмонлаш, унга писбатан хайриҳолик ёки нафрат уйготиш. Бу усулини кўллаш орқали нотиқ ўзини яхши деб, мухолифини ёлғончи, ёмон деб кўрсатиб, унинг сўзларини бузиб, нотўри ургу бериб, баъзи жойларини тушириб, бошқа нарсаларни кўшиб айтиб мухолифини мағлубиятга учратади;

- Урф-одатларга мурожаат қилиш. Бу усулдан ҳар икки томон ўз фикрини кучайтириш ва мухолифининг фикрини инкор қилиш учун фойдаланади;

- Гувоҳларга мурожаат қилиш. Масалан, Гален ақл мияджа жойлашган, чунки одамлар аҳмокни миясиз деб атайдилар, дейди;

- Нотиқнинг ҳоҳиши ёки қўрқини, аввалдан башорат қилиши, сўзининг чинлигига қасам ичиши, товуши, ўзини қандай тутиши ҳам муҳоллиф устидан ғалаба қилишга имкон беради.

Юқоридаги усулларнинг ҳаммаси фикрга нисбатан ишончни шакллантирувчи номантиқий усуллар бўлиб, улардан фақат риторикада эмас, балки софистикада ҳам фойдаланилади.

Нотиқлик санъати асосан баҳс, мунозара жараёнида, савол берувчи билан жавоб берувчи ўртасида, нотиқ билан тингловчи ўртасида қўлланилади. Нотиқ сухбатни фақат монолог эмас, савол-жавоб шаклида ҳам олиб борса, тингловчиларни фикр юритишга ундейди, мавзунинг моҳиятини чуқур тушунишларига эришади. Нотиқнинг мақсади сухбатдошида, тингловчиларда бирор фикрга нисбатан ишонч – эътиқодни шакллантиришдир, бунинг учун у нутқ маданиятига эга бўлиши ва мантиқ илмиининг асосларини пухта ўзлаштирган бўлиши шарт.

Далиллаш, аргументлаш диалектик ва риторик баҳс-мунозара жараёнида, савол берувчи билан жавоб берувчи ўртасида, нотиқ билан тингловчи ўртасида қўлланилади. Даилиллашнинг диалектик усулини қўллашдан мақсад ҳодисанинг моҳиятини билиш, ҳақиқатга эришиш йўлларини тадқиқ қилишдир. Унда кўпчилик томонидан қабул қилинган, лекин ўзаро зид бўлган қарашларни таҳлил қилиш орқали жамият манфаати ва равнақи учун хизмат қилувчи қарашлар аниқланади ва уларга нисбатан ишонч хосил қилинади.

I.3. Фарбий Европа ва Россияда аргументлаш назариясига бўлган ёндашувлар

Ўрта асрларда Европада коммуникацияга оид гоялар мантиқ ва аргументлаш назарияси таркибида педагогик жараёнга киритилган. Уйғониш даври мантиқ ва аргументлаш назариялари учун ўзига ҳос турғунлик даври бўлган.

Ўрта аср фалсафаси патристика, теология схоластика, апологетика, номинализм ва реализм ўртасидаги кураш доирасида аргументлаш назарияси ва амалиётини янада такомиллаштируди. Ўрта асрларга келиб, Европада бир томондан антик анъяналардан узоқлашиши кузатилса, бошқа томондан аргу-

ментлашнинг янги қирралари (жихатлари) пайдо бўлди. Маълумки, ўрта асрларда Европада ижтимоий ҳаёт хамма томонлама черков назоратида бўлган. Таълим тизимида черков мактабларининг салмоги ортиб борди. Ахолининг барча табака вакиллари черков мактабларида ўқиш имкониятига эга эди. Бу мактабларда таълим 12-13 йил давом этган. Умум таълим мактаблари ("studia generale") кейинчалик университетларга айлантирилган. Университетларда илохиёт, тибиёт ва хуқук факультетларида таълим олинган. Университетларда таълим беришдан мақсад мавжуд билимларни тартибга солиш, саклаш ва ўргатиш бўлган. Ўқитиш маъруза, такрорлаш ва баҳс шаклларида олиб борилган. Маъруза –лекцияда ўқув фани дастур асосида тўлиқ тизимли баён қилинган. Такрорлаш – репитицияда маълум бир матннинг шубҳа уйғотувчи ва эътиrozларга сабаб бўлувчи жихатлари батафсил тушунирилган.

Disputatio – баҳс, мунозара ўрта аср таълим тизимининг яна бир усули бўлиб, талабалар маърузадан сўнг ўтилган мавзу ва адабиётлар бўйича эркин фикр алмашишган, баҳсласишишган. Баҳсни тўғри олиб бориш ва галаба қозониш учун унинг қонун-қоидаларини, Аристотел мантигининг асослари ни билиш зарур бўлган. Аристотел таълимоти, жумладан силлогистик назарияси католик черкови манфаатларига мослаштирилган.

Баҳс-мунозара асосан диний мавзуларда олиб борилган. Баҳс-мунозаранинг шакли ҳам ўзгарган. Антик сұҳбат (диалог) ўрнини иштирокчиларнинг роли қатъий ўрнатилган, мавзу аввалдан келишилган, қатъий қоидалар асосида олиб борила-диган формаллашган баҳс эгалаган.

Схоластлаштирилган Аристотел силлогистикаси католик черкови сиёсати ва манфаатларини химоя қилиувчи қуролга айланган эди.

Схоластик мантиқ танқид қилинган илк адабиётлардан бири Лоренцо Валла (1407-1457)нинг "Диалектик баҳслар" асариидир. У риторика (нотиқлик)ни инсонларга тасир

кўрсатишига ўргатувчи фан деб, уни диалектика, яни схоластик мантиқдан устун қўяди.³⁷ Франсуз файласуфи, мантиқшунос, нотик ва педагог Петр Рамус (Пьер де ла Рамэ 1515-1572) 21 ёшида “Аристотел айтганларининг ҳаммаси ёлғон” деб, мантиқни ислоҳ қилиш гоясини таклиф этади. Аристотел мантиғини инкор қиласар экан Рамус, ўз мантикий таълимотини яратишда нутққа эътибор берди, чунки инсоннинг даастлабки ақлий ривожланиши бевосита тил, нутқ билан боғлиқдир. У мантиқ ва риторикани бир фанга бирлаштириб, уни “фикр юритиш санъати” деб атайди.³⁸ Европа Уйгониши даврида Никколо Макиавеллининг сиёсий аргументлари, Пьетро Помпониаццининг ахлоқий далиллари ва Мишель Монтенгнинг “Тажрибалари” («Опыты») гуманистик баҳснинг асосларига айланди.

Янги даврга келиб, баҳс мунозараларга янгича қизиқиши билан қараш бошланди, бунга табиий фанлардаги ютуқлар таъсир кўрсатди. Табиий фанларнинг ривожланиши олимларни аргументлашга бошқача назар билан қарашга мажбур қилди.

Янги давр фалсафасида аргументлаш алоҳида мазмунга эга бўлди. Машхур инглиз файласуфи ва табиётшунос олими Френсис Бэкон (1561 – 1626) янги метод – кашфиётлар методини яратишни илмий фаолиятининг бош йўналиши қилиб белгилади. Ф.Бэкон эмтиризм ва рационализм оралигидаги йўлни танлаган. Олим эмтирикларни чумолига ўҳшатади, чунки улар фактларни йигиш билан шугулланади. Рационалистлар эса ўргимчакка ўҳшаб, ўзларидан (ақлдан) ҳамма нарсани чиқаришига интиладилар. Фанда асалари каби бўлиш керак дейди Бэкон. Асалари гуллардан материал йигиб, уни кайта ишлаб чиқаради. Ҳақиқий олим фактларни йифиб, ақлда кайта ишлаб чиқаради ва янгилик яратади. Ф. Бэконнинг таъкидлашича, исботлаш кашфиёти мантиқ илмининг

³⁷ Карап: Маковельский История логики. М.: Наука, 1967. С. 137.

³⁸ Карап: Маковельский История логики. М.: Наука, 1967. С. 152.

таркибий қисмидир. Олимнинг фикрига кўра, исботлаш (аргументлаш) гўзал нутқ санъати булибина қолмай, балки билишда ишонтириш методи бўлиб хизмат қилиши керак. Исботлаш кашфиётининг биринчи қисмida исботлашнинг “умумий томонлари” ни аниқланади ва маълумотлар тўпланди. Иккинчи қисмida саволларни тўғри қўйиш ва дискурсив тадқиқот санъати ўрганилади. Мантиқнинг яна бир таркибий қисми фикр юритиш санъатида исботлашнинг ва аргумент (асос) ларнинг моҳияти кўриб чиқади. Унда силлогизм ёки индукция орқали хулоса чиқарилади. Бэконинг фикрича, силлогистик исботлаш ўрта термин орқали мулоҳазаларнинг асос қилиб олинган принципларга қайтишидир. Асос қилиб олинган принциплар мухокама қилинмайди ва ўз – ўзидан қабул қилинади. Ўрта терминни топиш эса тадқиқотчининг ўзига боғлиқ бўлади.³⁹ Бэкон силлогизнинг фигура ва модусларини кўриб чиқмайди. У силлогистик редукциянинг икки асосий турини ажратиб кўрсатади: тўғри ва тескари. Мулоҳаза асос қилиб олинган принципга қайтса – остеңсив (кўрсатувчи) исботлаш бўлади. Мулоҳазадаги зиддият, асос қилиб олинган принципнинг зиддиятига олиб келса – тескари исботлаш бўлади. Биринчи турдаги исботлашга I фигуранинг AAA, АII модуслари мисол бўлса, иккинчи турдаги исботлашга I фигуранинг ЕАЕ ва EIO модуслари мисол бўлади.

Ф. Бэкон Аристотелнинг “Софистик мулоҳазаларни рад этишга оид маълумотига яна икки турдаги раддияни кўшини лозим деб хисоблади. Булар шархларнинг ва “шарна” ларнинг раддияси. Унинг таъкидлашича, Аристотел риторикани сиёsat билан бирга диалектика ва ахлоқ (этика) ўргасига кўйиб тўғри қилган. Чунки риторика диалектика ва ахлоқ элементларини ўзида бирлаштиради. Диалектиканинг далиллари ва исботлари ҳамма инсонлар учун умумийдир, лекин риторикада қўлланиладиган далиллар ва ишонтириш восита-лари аудиториянинг характеристидан келиб чиқиб ўзгаради.

³⁹ Карап Бэкон Ф. О достоинстве и преимуществах наук. // Логика и риторика. Хрестоматия. Минск: ТетраСистемы, 2007. С.180.

Негік нұтқы дау арқында ғана оның көзінде түсініктілік жағынан зарурият сұнада, уәдеңдердің мәннен ғана оның көзінде түсініктілік жағынан қар бірнеше мән сұнада ғана оның көзінде түсініктілік жағынан гапира оладыған оғаның берсе. Негізгі фикрлердің көзінде түсініктілік жағынан ғана оның көзінде түсініктілік жағынан саклаб қойған.

Яның дәвр файдасуғарыдан Рено Декарт “Математикалық мұлоқазалар”и білгін аргументтандырып, оның көзінде түсініктілік жағынан хисса құшған. Декарттың фикрича, үслесмінде дедукцияның қандай қилиб қуриш керактын жүргізу мүмкін болған. Услуб қандай қилиб ақындан түгти фойдалашының түрлерінде тадқық қилиш мүмкін бўлған нарсаларини билдирилген. Дедукцияни қандай қилиб қуриш керак эканын жүргізу мүмкін болған. Дедукцияда бавосита билим хосил қилинади. Олим орқали номаълум нарса ҳакида билим хосил қилип узбекчада амалга ошаради деб күреатади:

1. Ҳар қандай савол қандайдыр номаълумликий ифодалашы керак.

2. Бу номаълумлик нима биландыр белгилантан бўлиши керак ва бу белги айнан шу нарсанни тадқық қилишга йўналтириши керак.

3. Саволда аввалдан маълум бўлған билим ҳам ифодалангандан бўлиши керак, чунки номаълумлик аввал билингандан маълум бўлған нарса орқали аникланади.⁴⁰

Декарттың юқоридаги фикрлари “нима асосланиши керак?” ва “кандай асосланиши керак?” деган замонавий аргументлашында масалаларни ифодалайды. Уининг инсон онгыда шубхадан холи бўлған бирорта ҳам фикр йўқ деган сўзлари ҳар бир факт аргументланган бўлиши кераксигини талаб килади. Декарт ўз асарида аргументлашын мөхирлік билан кўллади.

Худди шу дәврда А.Арио ва П.Николининг “Пор-Роял мантиқи” номи билан машхур бўлған китоби кенг тарқалади. Китобда мантикий лингвистик мавзулар билан бир қаторда

турли ҳил мавзуларда мулоҳаза юритиш амалиёти ҳақида ҳам кимматли маълумотлар берилган эди. Антуан Арно ва Пьер Николнинг мантиқ дарслигида ҳам аргументлаш назариясига оид масалалар кўриб чиқилади. Улар Ислоботлашга оид 2 та қоидани бўрсатишади:

1. Ҳар қандай ноаниқ ҳолатларни ислоботлаш. Бунда маълум бўлган таърифлардан ёки қабул қилинган аксиомалардан, аввал ислобланган ҳолатлардан фойдаланиш;

2. Ноаниқ терминларга алданиб қолмаслик ва уларни чекловчи, тушунтирувчи таърифларни фикрда тасаввур қилишни унумтаслик.⁴¹

Бу қоидалар замонавий аргументлаш назариясида ҳам қўлланади ва аргументлашни тўғри куриш учун ёрдам беради.

Математик мантиқнинг асосчиси В.Лейбниц “Янги тажрибалар...” асарида ислоботлашнинг мантиқий усулларини тизимлаштиради. Немис классик фалсафасининг вакиллари: Кант, Фихте, Шеллинг, Гегеллар аргументлашни бирон-бир масалани асослаш воситасидан фалсафий системанинг ўзини конструкция қилиш методига айлантиридилар.

Иммануил Кант илмий маълумотларни баён қилиш ва қайта ишлаш ҳақида фикр юритиб, унинг илмий ва оммабоп, тизимли ёки фрагментар, аналитик ва синтетик, силлогистик, таблицали, акроматик ёки эротематик усулларини ажратиб кўрсатади.⁴² Кантнинг аниқ ва яширин аклий хуносалар ҳақидаги мулоҳазалари замонавий аргументлаш назариясининг яширин асослар ҳақидаги гоясининг асосини ташкил этди.

Артур Шопенгауэрнинг “Эристика ёки баҳсада голиб бўлиш санъати” номли асари ҳам бу даврда аргументлаш назариясига бўлган сътиборнинг кучайишига сабаб бўлди. Бу китобида олим баҳсада қўлланиладиган ҳийлаларнинг 38 турини тахлил қилиб берди.⁴³ Шопенгауэрдан бошлиб аргу-

⁴¹ А. Арно и П. Николь. Логика или искусство мыслить. М.: Наука, 1991. С. 246.

⁴² Карапт. Кант И. Логика. Трактаты и инсана. М.: Наука, 1980. С. 443-444.

⁴³ Карапт. Шопенгауэр А. Эристическая дилемтика. Логика и риторика. Хрестоматия. Минск: ТетраСистемс, 2007. С.417 - 418.

ментлашга аудиторияни ҳар қандай усуллар билан бўлса ҳам ишонтиришга эришиш воситаси деб қараладиган бўлди.

Баҳс-мунозара, XIX асрга келиб, Россия маънавий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Давлат тузилиши, миллий ўз-ўзини англаш, фалсафа, тарих, адабиёт, санъат, ахлоқий месъёрларга оид масалалар бўйича қизгин баҳслар бўлган. Баҳс санъатининг ривожланишида Москва ва Петербург университетлари катта роль ўйнаган. Бу университетларда турли мавзуларда баҳсларнинг бўлиши одатий хол бўлиб ўтган. 1918 йилда С.Поварнининг “Спор” (Баҳс) номли китобининг нашр қилиниши баҳснинг назарий асосларини тартибга солған.⁴⁴ Поварнин баҳс фақат ҳаққиатни аниклаш учун ёки бошқа мақсадларда (ишонтириш, галаба қозониш, машқ қилиш, ўйин ўйнаш) олиб борилиши мумкинлигини таъкидлайди. Биринчи турдаги баҳсни юкори баҳолайди, қолғанларини баҳснинг қуи шакллари сифатида кўриб чиқади. Ишонтириш учун олиб бориладиган баҳсларда томонлардан бири ё ўз нуқтаи назарининг тўғрилигига қаттиқ ишонгани учун ёки “шундай қилишим керак” деган фикр билан харакат қиласди. Поварнин баҳснинг мантиқий ва психологик асосларини, унда қўлланиладиган ҳийлаларни батафсил тахлил қилган. Унинг бу асари ҳозирга қадар баҳс юритиш ва уни тахлил қилиш билан боғлиқ холатларни ўрганишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

1850 йили Россия университетларида фалсафани ўқитиши таъқиғланган, лекин мантиқни ўқитишига рухсат берилган ва уни руҳоний профессорлар ўқиган. Натижада диний академиялар мантиқий тадқиқотлар марказига айланган. Москва диний академиясида университетлар учун мантиқ курси дастури ишлаб чиқилган. Рус мантиқшунослари орасида М.И. Каринский ва Л.В. Рутковскийлар мантиқ илмининг ривожига кўшиган хиссаси билан алоҳида ажралиб туради. М.И. Каринский Петербург диний академиясида дарс берган, 1880 йили “Хулоса чиқаришларнинг таснифи”(Классификация выводов)

⁴⁴ Карап: Поварнин С.И. Искусство спорта. М.: Рабочий путь, 2018.

мавзусида диссертация ҳимоя қылган. Л.В. Рутковский эса «Холоса чиқаришнинг асосий турлари» асарида холоса чиқаришнинг түлиқ таснифини ишлаб чиқкан.⁴⁵ Бу тадқиқотлар аргументлашнинг мантиқий асосларини такомиллаштиришга хизмаг қилди.

1.4 Аргументлаш ва коммуникация назарияларининг замонавий талқинлари

XX асрнинг ўрталариға келиб Европа ва Америка Кўшма Штатларида жадал иқтисодий ривожланиш фан техника ютуларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш натижасида содир бўлди. Бу ўз навбатида ижтимоий коммуникацияни жамият ҳаётинг барча соҳаларида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Ижтимоий ҳаётда “субъект-субъект” муносабатларига эътибор кучайди. Коммуникация техник воситаларининг такомиллашуви бу муносабатларни илмий асосда ўрганишга сабаб бўлди.

Илмий адабиётларга коммуникация термини XX аср бошлирида американлик социолог Ч. Х. Кули томонидан 1909 йили инсонлар ўргасидаги муносабатларни актуаллаштирувчи восита сифатида киритилган эди.⁴⁶ Ўтган давр мобайнида ижтимоий коммуникацияга оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Бу тадқиқотлар алоҳида фан тармоғи “Коммуникология”нинг вужудга келишига олиб келди. Ижтимоий коммуникация масалаларининг тадқиқ қилиниши аргументлаш назариясини кенг кўламда ўрганишни бошлаб берди.

Аргументлаш назариясининг илмий йўналиш сифатида вужудга келишида XX асрнинг иккинчи ярмидаги икки ҳодиса муҳим рол ўйнади. Булар 60-70- йилларда Х. Нерельман, Ольбрехт-Титека, С. Тулмин томонидан аргументлашнинг

⁴⁵ Карапай: Еаринский М.И. Классификация выводов // Избранные труды русских логиков XIX века / Под ред. П.В. Тавланец. М.: Изд-во АН СССР, 1956. Рутковский Л.В. Основные виды умозаключений. // Избранные труды русских логиков XIX века / Под ред. П.В. Тавланец. М.: Изд-во АН СССР, 1956.

⁴⁶ Карапай Кули Ч. Общественная организация. Тексты по истории социологии XIX-XX веков. — М.: Наука, 1994. С.379

моҳияти ҳақидағы масаланиң күйилшінің ва нұтқий ақталар назариясінинг яратылышынан.

Аргументлаши назариясінинг мұстакіл тәдқиқот соғаси сифатида шақлланиши Хaim Perelman (20.05.1912-22.12.1984) ва Л. Ольбрехт Титекининг "Яңғы Риторика. Аргументлаш ҳақида трактат"(1958) асарининң нашр қилиниши билан бөғлік.⁴⁷ Муаллифлар бу асарда Аристотелениң "Риторика" сини замонавий талқын қылдылар. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, унда аргументлашнинг рамкалари, аргументлашиның бошлангич нұқтаси ва аргументлаши методлари ҳақидағы масалалар қамраб олинган. Муаллифлар бу асарда аргументлашда нотиқнинг маҳорати билан бир қаторда тингловчиларнинг (аудиториянинг) ролига эътибор қаратадилар. Улар универсал ва алоҳида аудиторияни ажратиб кўрсатадилар. Нотиқ идеал аудиторияга мос равиша нутқини тузиши керак деб таъкидлайдилар.⁴⁸ Нотиқнинг нутқида фактлар ёки қадриятлар ҳақида фикр билдирилади.

Стефан Эделстон Тулмин (25.03.1922-4.12.2009) британиялик файласуф, профессор, аргументлаш назариясига оид илмий ишларнинг муаллифи.

У ўз тәдқиқотларида амалий аргументлаш масаласи билан шугулланған. Тулмин тақлиф этган аргументлаш модели аргументлашини таҳлил қилиш учун қўлланиладиган самарали модел хисобланади. Тулминнинг модели аргументлаш ва риторикада кеңг қўлланилади.

Тулминнинг таъкидлашича, аргументлаш янги гояларни кашғ қилишини ҳам ўз ичига олган гипотезаларни илгари сурин жараёни эмас, балки кўпроқ мавжуд гояларни верификациация⁴⁹ қилиш жараённандр. Яхши аргумент верификация килинганда танқидни кўтаради, яъни танқидга чидамли

⁴⁷ Karan Perelman C., Olibrechts-Titeca L. *The New Rhetoric. A Treatise on Argumentation*. Notre Dame etc. University of Notre Dame Press, 1969.

⁴⁸ Karan Perelman C., Olibrechts-Titeca L. *The New Rhetoric. A Treatise on Argumentation*. Notre Dame etc. University of Notre Dame Press, 1971. P. 17-26.

⁴⁹ верификация-(лот. *verificatio*-ибботлани, тасдиклани) текшириш, текширеүүчүшүүсүк, у ёки бу назарий холаттар, алғаның дастаны на бахарханадан или тартибинин тажрибى (этапдан ёки эмигрик) назарияларын, алгоритм, дастанылар баздан созинчириб, избетланып ердамила тасдиклануусу.

бўлади. Стефан Тулмин “The Uses of Argument” (1958) китобида олти компонентдан иборат бўлган аргументлаш моделининг қуидаги схемасини таклиф қиласди:

1. Claim (нұқтаи назар) – У Британия фуқароси.
2. Date (нұқтаи назарни асослаш учун келтирилган фактлар, рақамли маълумотлар) – У Бермундда туғилган.
3. Warrant (асос, хулоса, далил) – Бермундда туғилганлар Британия фуқароси бўлади.
4. Backing (ёрдамчи, таянч холат) – Британия қонуенинг ... бандларига кўра.
5. Rebuttal (Раддия, истисно қилувчи холат) – Отанаасининг ҳар иккиси чет эллик бўлган холатни истисно қилгауда.
6. Qualifier (аниқловчи холат) – нұқтаи назар эгасининг ишончини ифодаловчи сўзлар ва иборалар: “Эҳтимол у Британия фуқаросидир.”⁵⁰

СТулмин аргументлашнинг тузилишини (структурасини) ўрганишни ва аргументлаш схемаларини тузиб, уни тахлил қилишни бошлаб берди. Ҳозирга кунда олимнинг гоялари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ривожлантирилмоқда.

Аргументлаш ва коммуникация назариясига оид тадқиқотларнинг ортиб боришига сабаб бўлган яна бир холат, юқорида қайд ғилганимиздек, Остин - Серльнинг нутқ актлари назариясидир Нутқ актлари назарияси Джон Остин иоми билан боғлиқ. Джон Остин (1911-1960) инглиз файласуфи, Оксфорд профессори, Британия академиясининг аъзоси бўлган.

Джон Остиннинг нутқий актлар назарияси аналитик фалсафанинг бир қисми сифатида вужудга келди. Унинг вафотидан сўнг, 1962 йилда нашр этилган “How to Do Things with Words?” (Сўзларни қандай қўллаш керак?) асари тизин ўрганишга янгича ёндашуви бошлаб берди.⁵¹ Джон Остин тилнинг асосий вазифаси фактларни қайд этишидир, деган

⁵⁰ Карапт. Toulmin S.E. The Uses of Argument. Cambridge: Cambridge University Press, 2003. P.92.

⁵¹ Карапт. Остин Джон. Как производить действия при помощи слов. Издание М. Идея-Пресс. Дом интеллектуальной книги, 1999.

қарашни асеслаб берди. Ўз даврида устуи бўлган бу қарашга кўра гаплар фактларнинг тўгри ёки нотўгрилигига асосланади. Масалан, “Конференцияни очик деб яълон қиласман”, “Сизларни бир оила деб яълон қиласман”, каби гапларни маъбул шахе айтсаннина, тўгри бўлади. Тўгри келадиган (жоиз) ва тўгри келмайдиган (пожонг) гаплар деб шунга айтилади. Остин сухбатдошлар ўртасидаги бевосита мулокот жараёнидаги нутқий актларни тадқиқ қилиб, гапириши тил орқали ҳаракатга ундаидир деган холосага келади. Остин ўз назариясида коммуникация бирлигини мuloҳаза эмас, балки нутқий акт, яъни таедик, савол, тушунтириши, тасвирилаш каби нутқ турлари таинилотишни ва улар кўичилик томонидан қабул қилинган тамойиллар ва хулиқ-атвор қоидаларига мувофиқ амалга оширилишини аниклади.⁵²

Остин нутқий актларни уч даражага бўлди: локутив, иллюкутив ва перлокутив.

1. Локутив даражага. Локутив (лот. locutio — «сўзлани») ибораларни талаффуз қилишини билдиради. Унга товуши чиқариш, сўзлардан фойдаланиш, грамматика қоидаларига мувофиқ сўзлар ўртасидаги алоқадорликни ўрнатиш ва маънога эга қилиш киради.

2. Иллюкутив даражага. Иллюкуция (лот. in locutio)- мuloҳазанинг коммуникатив мақсадини, яъни бу мuloҳаза нима мақсадда айтилганлигини билдиради. Остин иллюкутив мuloҳазаларнинг қўйидаги турларини кўрсатади:

1. Вердиктив – ҳар қандай хукм, қарорни ифодаловчи мuloҳаза;
2. Экзерситив – буйрукни (хукмронликини) ифодаловчи мuloҳаза;
3. Комиссив – вальда, бурч, мажбурият, ҳошишини ифодаловчи мuloҳаза;
4. Бехабитив- ижтимоийликни ифодаловчи мuloҳаза;

⁵² Каранг Остин Даун. Как производить действие при помощи слов /Избранные М. Идея-Пресс. Дом интеллектуальной книги. 1999. С.27.

5. Экспозитив-муҳокама натижалари, исботлар, сабабларни тушунтирувчи мулоҳаза.⁵³

Гаплар “бажарадиган ҳаракат” кейинроқ америкалик файласуф Джон Серл термини билан иллокутив акт ёки нутқ акти дейилган. Джон Роджерс Серль 1932 йили таваллуд топган, америкалик файласуф олим. У нутқ актлари назариясини ривожлантириди ва фанга “бильосита нутқ акти” (an indirect speech act) тушунчасини киритди. Бильосита нутқ акти орқали сўзловчи ўзи ифодалаган сўзлардан кўра кўпроқ тушунчани тингловчига етказади. Масалан, “Математик амаллар қандай бажарилишини биласанми?” Бу иборанинг икки маъноси бор: бевосита ва бильосита. Тўғридан – тўғри (бевосита) маъноси “Хисоблашни биласанми?”, бильосита (кўчма) маъноси эса “Масалани ечгин!” бўлади. Бунга жавобан тингловчи онгли равишида гапнинг тўғри маъносига эътиборни қаратади ва шундай мазмунда жавоб беради. “Албатта, хисоблашни биламан ва масалани еча оламан, менга буни ўқитувчим ўргатган.”

Дк. Серл иллокутив актни нутқ актлари назариясининг марказий тушунчаси деб хисоблайди ва иллокутив актнинг моҳияти унинг нутқ актида иллокутив куч сифатида намоён бўлишидадир деб таъкидлайди. Джон Остиннинг нутқ актлари назариясини фаол ривожлантирган Дж. Серл ўз назариясини ҳам ишлаб чиқди ва иллокутив куч ҳосил бўлишининг муҳим ҳолатларини кўрсатиб ўтди. У иллокутив кучнинг уч асосий омилини ажратиб кўрсатди.⁵⁴ Булар:

1) Иллокутив мақсад. Бунда Серль иллокуциянинг конкрет тури мазмунини назарда тутади. Бу омил иллокуцияни бевосита ифодалайдиган, қандайдир фикрда қатъий туриб олини, нима биландир таҳдид килиш, ҳоҳламаслик, нафратланини, хайрагланиш, маъқуллаш ва ҳоказоларни ифодалани мазмунни билан боғлиқ.

2) Гап ва олам ўртасидаги мослашии омили.

⁵³ Карзиг Барзишова О.А. Полякова С.Е. и зр. Логика и теория аргументации СПб. 2013. С. 9-13.

⁵⁴ Серль Дж. Монг. сознание и программы. Аналитическая философия. Станоклесие и развитие. -М., 1998. С.103.

3) Самимийлик шарти ёки коммуникантларнинг психологияк ҳолатларида ифодаланган хилма-хилим омили. Агар коммуникантлардан бири ҳамкорлик қилинга қизикмаса, унда у мuloқotning самарадорлигини насайтирадиган ёғон талайтиши, ёки мuloқot жараёнида ўзига хос бўлмаган ролни ўйнаши мумкин.

Дж. Серль таъкидлашича, нутқий акт билан танирувчи у ёки бу психологик ҳолатни ифодалайди. Дж. Серлида иллюкутив мuloҳазалар қўйидагича таснифланади:

– Ассертив нутқ (сўзловчи фикриининг тўгрилигини кафолатловчи иборалар мавжуд бўлган нутқий акт);

– Директив нутқ (буйруқ, илтимос, савол каби нутқий актлар бўлиб, унинг воситасида сўзловчи тингловчини маълум хатти-харакатларга ундаш ёки тўхтатиб қолиш орқали мавжуд ҳолатларга таъсир кўрсатилади.);

– Комиссив нутқ (ваъда, маъкуллаш, келишиш каби иборалар воситасида сўзловчи воқеликдаги ҳолатни ўзгаришига олиб келувчи харакатларни қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган нутқий актлар);

– Декларатив нутқ (мажлисни очиш, никоҳни эълон қилиш каби мuloҳазанинг мазмуни билан реаллик ўртасида мосликни ўрнатниш орқали мавжуд ҳолатларга ўзгариш киритувчи нутқий актлар);

– Экспресив нутқ (табриклаш, таъзия билдириш каби воқеликдаги ходисалар туфайли сўзловчининг руҳий ҳолатини ифодаловчи нутқий актлар).

3. Перлоуктив даража. Перлоукция (лат. per locutio)-кўнимча мuloҳазаларнинг комбинацияси бўлиб, кутилган натижага эриниш учун адресатга онгли таъсир ўтказишда кўлланади. Нутқий актга унинг реал оқибатлари жиҳатидан қаралса, перлоуктив акт сифатида намоён бўлади.

Нутқининг бу уч даражаси бир вақтда бир мuloҳазада ифодаланиши мумкин.

Нутқ актлари назариясида кўра структурасига кўра нутқий актлар оддий ва мураккабга бўлинади. Оддий нутқий акт нутқ

фаолиятининг элементар бирлигидир. Мураккаб нутқий акт оддий нутқий актларнинг уч турдаги: субординация, координация ва ўзига хос ёрдам берувчи дискурсив муносабатлар билан боғланишидан хосил бўлади. Дискурсив муносабатларнинг турига кўра мураккаб нутқий актлар уч турли бўлади: комплекс, композит ва уланадиган. Комплекс нутқий актнинг таркибидаги оддий актлар субординация муносабатида бўлади. Композит нутқий актнинг таркибидаги оддий актлар координация муносабатида бўлади. Уланадиган нутқий актнинг таркибидаги оддий актлар ўзига хос ёрдам берувчи муносабатида бўлади. Нутқ актлари назариясига кўра аргументлар факат атрибутив мулоҳазалар орқали эмас, балки баҳолаш, қарор қилиш, қиёслаш ва афзаликларни ифодаловчи мулоҳазалар орқали ҳам ифодаланадиган бўлди

Нутқ актлари назарияси аргументларни ифодалашда асертив мулоҳазалардан фойдаланиш, аргументларнинг ўзаро боғланиш усулини ўрганишда кент имкониятларни очиб берди.

XIX-XX асрларда демократик институтларни ривожлантириш билан бирга баҳс-мунозара инсон ҳайтига янада чукурроқ кириб борди. Амалий кўнікмаларни ривожлантириш билан бирга тўпланган материални назарий умумлаштиришга харакат қилинди. Бугунги кунда тадқиқотчилар аргументлаш назариясини қуришда бир нечта йўналиш ва ёндопнувларни ажратиб кўрсатмоқдалар. Шунга қарамай, ҳозирги кунда ҳам аргументлаш назарияси ўзи нима? (назариями ёки алоҳида фан тармоғими?) деган савол кўйилмоқда. Бу саволга жавоб берини бериш учун аргументлаш назарияси ўзи борми? деган масалага аниқлик киритиш лозим. Бу саволга қарши ва қўлловчи аргументлар мавжуд:

Қарши аргументлар: аргументлаш назариясини кўп асрлик тарихи давомида ягона қатъий илмий назария яратилимади.

Қўлловчи аргументлар: ўзаро рақобатда бўлган кўплаб назарий ёндопнувларнинг ҳар бири аргументлаш назариясининг предметини тўлиқ камраб олмаса ҳам, у ёки бу даражада

муваффакият билан ўз вазифасини бажармоқда. Яна бир аргумент, глобаллашув ва глобал ахборот асрида аргументлаш назариясига амалий эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Инсоният тарихи тажрибасига кўра агар бирон бир фаолият соҳасида назарий билимларини ва уларни амалий қўлланилиши, ривожланишига эҳтиёж мавжуд экан, эртами кечми бу бўшлиқ дунё олимларини сай-ҳаракатлари билан тўлдирилади.

Масалага оптимистик руҳда ёндашиладиган бўлса, аввало “назария” сўзи қайси маънода қўлланишини аниқлаш керак бўлади. Назария деганда, тор маънода бирон бир ходисани тушунтириш, талқин қилишга йўналтирилган гоялар, тасаввурлар қарашларнинг комплекси тушунилади.⁵⁵ Мазмундор ва фармаллашган назариялар фарқланади. Фармал назарияларда билимни ўзигина эмас, олиш воситалари ҳам кўрсатилгани учун, улар аниқ ва қатъий деб ҳисобланади. Назарияларни асосий функцияларига тизимлаштириш, тушунтириш ва башорат (олдиндан кўриш) киради. Бироз бошқачароқ асосни қўллаган ҳолда назарияни қуришга турли ҳил ёндошувлар ҳақида гапириш мумкин. Шу маънода тасвиrlовчи (дескриптив), норматив ва порадуктив назариялар фарқланади. Дескриптив назарияларда асосан эмпирик материалларни тартибга солиш ва тасвиrlаш вазифаси бажарилади. Норматив назарияларда эса назарий мулоҳазалар ва амалий қўллашнинг ўринлиligини таъминловчи қонун ва қоидалардан иборат талаблар кўrsatiladi. Продуктив назарияларда маълум бир натижани олиш учун зарур бўлган ҳаракат тасвиrlанади. Шу нуқтаи назардан аргументланған назариясини қуришга бўлган ёндошувларни кўриб чиқиши мумкин. Аргументлашнинг норматив назарияси учун энг мос бўлгани мантиқий ёндошувлардир. Мантиқий ёндошувларнинг мақсади – тезисни қоидага мувофиқ асослашdir. Мақсадга эришиш воситаси, муҳокама юритиш идеали - мантиқdir. Бу ёндошув доирасида аргументлашнинг самарадорлиги уни тўғрилигига тенглаштирилади.

⁵⁵ Карапин Шарипов М., Файзикоджонова Д., Магнитик Г., Софур Гулом помидаги нацирет-матбода ижодий убии. 2004. 202-65.

Ноформал мантиқ (информационлашган) ҳам аргументлашнинг норматив назарияларидан биридир. Ноформал мантиқнинг тарихи Жонсон Ральф ва Энтони Блейрнинг 1977 йилда нашр қилинган “Zodical Self-Defense” асаридан бошланади. Бу ёндошув бир томондан анъанавий мантиққа, бошқа томондан Перельманнинг неориторикаси ва Тулминнинг риторик ғояларига асосланади. 1983 йили AILACT (Association for Informal logic and critical thinking) ташкилоти тузилди. Ноформал мантиқ инсон фаолиятини турли соҳаларида биринчи навбатда аргументлашда учрайдиган ноформал мулоҳазаларни аниқлаш ва таҳлил қилишни яхшилаш учун қўлланиладиган мантиқни тузишга харакат қиласи. Ноформал мантиқнинг шаклланишига сабаб, асосан ўрта ва юқори таълимда ўқитиладиган анъанавий-формал ёки символик мантиқни оддийроқ ва амалиётга йўналтирилган фан билан алмаштиришdir. Ноформал мантиқда аргументлашта қўйиладиган талаблар анъанавий мантиқдагига нисбатан юмшоқроқ бўлса ҳам, уни норматив ёндошувлар категорига киритиш мумкин.

Дескриптив назарияга Дюокро ва Анскомберларнинг лингвистик ёндошуви мисол бўлади. Бунга кўра ҳар қандай нутқий акт аргументатив жихатга эга. Бу йўналиш вакиллари аргументлаш назариясини куриш вазифасини аргументатив дискурсни битталаб тасвиrlаш ва таҳлил қилиш деб таъкидлайдипар. Бу ўз навбатида ҳар қандай аргументатив фактни адекват тушинишни таъминлаши керак. Рус олими В.Н.Брюшинкинни тадқикотлари ҳам шундай ёндошувни бир турига киради. У аргументлашнинг тизимли моделини такниф қиласи. Тизимли моделнинг асосини аргументатив матида дескриптивларни аниқлаш ётади. Х. Перельманнинг неориторикаси бундай ёндошувга яққол мисол бўла олади. Бундай ёндошувнинг асосий мақсади - ўз нуктаи назарини аудитория учун хозибали қилиб кўрсатишdir.

Аргументлашга когнитив ёндашув – инсон когнитив системасининг модельини муайян даражада ишлаб чиқишига каратилга ёндашувdir. Аргументлашга когнитив ёндашувнинг

дастлабки шарти инсон когнитив системасининг муддати ишлаб чиқишдан иборатидир. Когнитив сизашувда аргумент реципиенттеги дунёсийни модели – иусулниң ўзгартиради, унинг қарор чиқарни жарисига тасвир килади.

Когнитив системада “дунё моделлари” ни конструкция килиш ва ўзгартирни воситалари ўрганилади. Когнитив сизашув доирасида “аргументларин назарияси” тушунчаси иккиманнода қўлланиши мумкин: 1. Дескриптив аргументлаш; 2. Норматив аргументлаш.

Дескриптив аргументлаш назарияси турли мантикий восита ва усууллардан реал ўтгаётган аргументларини жарасишини тасвирлаш учун фойдаланади. Дескриптив аргументлаш назариясининг асосини аргументли диалогларни тасвирловчи табиий тилдаги матнларни ўрганиши ташкил этади.

Норматив аргументлаш назарияси вазиятга мос равишда ишонтиришнинг энг самарали воситаларини аниклаб беради. Вазият деганда мулокотдаги ташки холат, шароит эмас, батки когнитив системанинг ўзига хослиги ва реципиентнинг онг холати назарда тутилади. Когнитив ёндашув биринчи навбатда аргументлашнинг дескриптив назариясини яратишни тақадду килади, у эса ўз навбатида норматив назарияни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Аргументлашга прагматик ёндошув – адресатга тасвир килувчи мунозара моделларини, уни олиб бориш нормаларини ўрганувчи ёндашув бўлиб, унинг асосчилари Ф. Ван Еемерон ва Р. Гроотендорстлардир. Бу назария муаллифлари аргументлашни дискурснинг маҳсус шакли бўлган, фикрлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун тил воситаларидан фойдаланади. Билан характерланадиган, вербал мулокот ҳодисаси сифати таърифлашди. Ушибу гоя муаллифлари унинг тўрт даражаси кўрсатиб беришди. Бу ўз навбатида аргументатив дискурс тўрт босқичига мувофиқ келди. Аргументация жароба конфронтация босқичи (“confrontation stage”) бошлаб беради. Бунда фикрлар қарама-қаршилиги фикр (нуксан-назар) ва унинг қабул қилинмаганинги ўргасидаги откознини

берилади. Аргументатив дискурсда бу илгари сурилган фикр, икки қарама-қарши фикрлар тұқнашувидан вужудға келған келишмовчилік босқичига тұғри келади. Бошлангич (opening stage) босқичда антагонист ва protagonisт, аргументация жараёнида уларнинг вазифалари анықланади. Нихоят, жараёниң ҳал қытувчи моменти аргументация стадияси ("argumentation stage") ҳисобланади. Бунда protagonisт антагонистнинг тәнқидий фикрларидан ўз нұқтаи-назарини ҳимоя қиласы. Дискурсда бу босқич бир томон қарама-қарши томоннинг шубхаларини тарқатиб юбориш учун асослар келтирадиган босқичга тұғри келади. Аргументлаш босқичини якунловчи босқич ("concluding stage") нихоясига етказади. Бунда protagonisт ва антагонист protagonistнинг нұқтаи-назарп антагонистнинг тәнқидий фикрларидан муваффакиятли ҳимоя қилиндими ёки йүкми, шу ҳақда холоса қиласылар.⁵⁶ Аргументлашга bogliq күпшаб масалалар прагмадиалектик ёндашув вакиллари томонидан ўрганилмоқда.

Юқорида күриб үтканимиздек, аргументлаш ва коммуникацияға оид замонавий ёндашувлар күп ва түрли хилдір. Биз фрейминг методини күллаган холда улардан баъзиларини күриб чиқдик. Холоса қилиб айтиш мүмкінки, мәнтикий ёндашув аргументашнинг структурасини қайта тиқлаш имконини беради, когнитив ёндашув аргументлашнинг устулары бүлган қадриятларни, манфаатлар ва рухий холатларни ажратиб күрсатади. Риторик ёндашув эса аргументатор ўз нұқтаи назарини етказиши учун күллайдыган воситаларни аниқлаб беради. Аргументлашнинг тизимли модели түрли маданияттарға мансуб бүлган фалсафий концепцияларни таққослаш учун умумий концептуал схемани яратади. Норматив ва тасвирловчи ёндошувлар аргументлашнинг ягона комплекс назариясини яратынша дағы қылмаса ҳам, мұхым масалаларни ечиш имконини беради. Бу мүносабатда шартты

⁵⁶ Карағ. Fenneren F.H. van, Grootendorst R., A Systematic Theory of Argumentations. The pragma-dialectical approach. Cambridge University Press, 2009. P. 37-41

равишида маҳсулдор деб номланувчи назарий ёндошувлар бирмунча самаралироқдир.

Хозирги кунда фалсафа, этика, психология, хукук-шунослик лингвистика, нотиқлик, мантиқ каби фанлар ва нуткий коммуникация, танқидий тафаккур, дискурс анализи, прагматика ва сунъий интеллект каби илмий йўналишларда ҳам аргументлаш масалалари ўрганилмоқда. Фанлараро бўлган бу тадқиқотларнинг фаолияти аргументлашни тадқиқ қилиш халқаро жамияти томонидан координация қилинади.

I БОБНИНГ ХУЛОСАСИ

Коммуникация ва аргументлашга оид гоялар эволюция-сининг қисқача таҳлилини яқунлаб қуидагиларни қайд этиш жоиз:

1. Аргументлаш ва коммуникацияга оид турли қарашлар, таълимотларнинг шаклланишига фикр мулоҳазаларни асослашга эҳтиёж мавжуд бўлганлиги, ижтимоий, фалсафий масалалар бўйича эркин фикр алмашиб мумкин бўлгани ва бу жамият аъзолари, давлат раҳбарлари томонидан маъқулланганлиги асос бўлган.

2. Аристотел томонидан аргументлаш ва коммуникация назарий асосларининг ишлаб чиқилиши, шарқ перипатетикларининг мантикий таълимотларида янада кенгайтирилди ва янги гоялар билан бойитилди.

3. Европа фалсафасида Аристотелнинг аргументлашга оид таълимоти дастлаб рухонийлар томонидан диний масалаларни далилланишда кенг қўлланилган бўлса, Янги даврдан бошлаб табиий илмий гояларни асослашда қўлланилди. Илмий, фалсафий баҳслар нотиқлик санъатининг ривожланишига самарали таъсир қўрсатди.

4. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб аргументлаш ва коммуникацияга масалаларини тадқиқ қилиш юқори босқичта кўтарилиди. Аргументлашга оид тадқиқотлар ўз илмий инфраструктурасига эга бўлди. Argumentation and advocacy, Informal

logic, Argumentation халқаро илмий журналлар таъсис этилди ва нашр қилинди. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш мақсадида Ноформал мантиқ ва танқидий фикрлаш ассоциацияси, Аргументлашни ўрганиш халқаро жамияти ISSA (Амстердам, Нидерландия) ташкил этилди.

П. БОБ. АРГУМЕНТЛАШ КОММУНИКАТИВ ФАОЛИЯТ СИФАТИДА

Аргументлаш ва коммуникациянинг ўзаро алоқадорлиги шубҳасизdir. Коммуникация бўлмаса аргументлаш ҳам бўлмайди. Лекин коммуникатив фаолиятда доимо аргументлаш бўлиши шарт эмас. Бобда аргументлашнинг коммуникатив фаолият билан алоқадорлиги тадқиқ қилинади. Аргументлаш назарияси асосий тушунчаларининг мазмуни очиб берилади. Аргументлашнинг мантиқий ва коммуникатив структуралари қиёсий тахлил қилинади.

2.1. Аргументлаш ва коммуникация тушунчаларининг таърифи, асосий терминлари, ўзаро алоқадорлиги

Коммуникация тушунчасининг маънити. Коммуникацияга онд илмий ва ўкув адабиётларда бу тушунчага берилган таърифлар бир-биридан оз бўлсада фарқ қиласди. Шундай таърифлардан биринга кўра коммуникация – (лат. Communicatio – хабар бермоқ, сухбатлашмоқ) ахборот, фикр, билим, хистайтуғу, хулқ атвор кўринишлари билан алишинин ифодаловчи ўзаро таъсирнинг маҳсус шакли.

Кундалик ҳаётда коммуникация, ижтимоий коммуникация ва мулоқот тушунчалари қўлланади. Коммуникацияга онд илмий адабиётларда бу тушунчаларининг қўлланинишига икки хил ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашувга кўра улар тенг маъноли тушунчалар деб қаралса, иккинчи ёндашувга кўра улар бир-биридан қўламига кўра фарқ қилувчи тушунчалар деб курса-тилади.

Иккингчى ёндашув тарафдорларининг фикрича, ижтимоий коммуникация инсондан-инсонга тил ва бошقا белгилар тизими ёрдамида ахборотни узатишнинг маҳсус шаклини ифодаловчи тушунчадир. Мулоқот инсонлар, грухлар ўртасида ахборот алмашинувига бўлган эҳтиёж натижасида мураккаб кўптармоқли алоқаларнинг ўрнатилиши ва ривожлантирилишини ифодаловчи тушунчадир. Мулоқот камидан уч хил жараённи қамраб олади: ахборот алмашинуви (коммуникация), хатти-харакатлар алмашинуви (интеракция), ҳамкорини қабул қилиш ва тушуниш (ижтимоий перцепция).

Коммуникация, ижтимоий коммуникация ва мулоқот тушунчаларининг ҳажм жиҳатдан ўзаро муносабатларини мантикий тахлил қисак, улар бўйсунниш муносабатидаги тушунчалар эканлигини аниқтаймиз. Коммуникация тушунчаси ҳажм жиҳатда кенг қамровли бўлиб, ҳар қандай ахборот алмашинувини ифодалайди. Ижтимоий коммуникация тушунчаси жамиятдаги ахборот алмашинувини, мулоқот эса инсонлар ўртасидаги ахборот алмашинувини ифодаловчи тушунчадир. Мулоқотсиз инсон ҳаётини тасаввур қилиш мумкин эмас. Биз тадқиқотимизда коммуникация ва мулоқот тушунчаларини тенг маънода қўллаймиз.

Мулоқот субъектлари ва улар ўртасидаги муносабатларга кўра коммуникациянинг қўйидаги қўринишлари мавжуд:

- шахслараро коммуникация – икки ва ундан ортиқ индивидлар ўртасида хабарлар билан алмашиб ва уларни талқин қилишиб билан боғлиқ бўлган ва шахсий муносабатлар таъсирида амалга ошадиган мулоқот тури;
- грухлар ўртасидаги коммуникация – шахслараро боғлиқлик ва индивидуал хусусиятларидан қатъий назар, турли ижтимоий грухлар ва категорияларга мансуб бўлган одамлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик.
- жамоавий коммуникация – жамоатчилик билан институционал мулоқот тури бўлиб, унда бериладиган хабарлар жамоатчилик манфаатлари билан боғлиқ бўлади.

- оммавий коммуникация - кўп сонли, аноним, бўлинниб жойлашган аудиторияга маҳсус тайёрланган ахборотни турли техник воситалар орқали доимий равишда тарқатилиши натижасида жамоатчилик онгини бошқарувчи, омма қайфиятини ўзгартирувчи, алоҳида шахслар ва груҳларга таъсир кўрсатувчи мулоқот тури.

Коммуникатив (мулоқот килувчи) шахс – бир вақтнинг ўзида “ўтмишда мулоқотда бўлган одам, – аввалги коммуникациянинг субъекти ва маҳсули”, “хозирда реал мулоқотда бўлаётган одам”, келажакда мулоқот қилишга тайёр бўлган, яъни “потенциал мулоқот қиласидиган одам”дир. Ҳар бир мулоқот қилувчи шахсда ўтмиш, ҳозир ва келажак доимо мавжуд бўлади ва узлуксиз давом этади.

Инсон мулоқотга эҳтиёж сезгандагина мулоқотга киришади.

Инсон сухбатдошининг яширин имкониятларини ва унинг ўз мақсадларига мос келишини таҳминлайди. Мулоқотда ижтимоий муҳит муҳим рол ўйнайди. Мулоқот жамиятнинг ахлоқий ва ижтимоий нормалари доирасида олиб борилади. Коммуникатив тенглик мулоқотнинг самарадорлигини белгилайди.

Коммуникатив мақсад прагматик таҳдилнинг асосий таркибий қисмидир. Мақсаднинг самараали ёки самарасиз натижаси - сўзловчининг нутқий актлардан, шунингдек, тилнинг экспрессив-стилистик ва образли имкониятларидан фойдаланиш лаёқати ҳамда новербал ёрдамчи воситаларни танлаш маҳорати билан боғлиқ. Коммуникатив мақсаднинг амалга ошишида нутқий вазият муҳим аҳамиятга эга. Коммуникатив мақсадга эришин учун сўзловчи ўз жумласини шундай тузиши лозимки, у учун энг муҳим бўлган ҳабарни таъкидлаш биринчи навбатда туриши лозим. Шунга кўра сўзловчи ҳамсуҳбатида кутилган реакцияни кўзгатади, яъни унга таъсир ўтказади. Муайян нутқий вазиятда сўзловчи маълум бир коммуникатив мақсадни кўзлаб, ҳамсуҳбатига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир ўтказади.

Аргументлаши түшүнчесишиг мөхияти. Аргументлаш назариясига оид күплаб илмий ва ўкув адабиётларида бу түшүнчага берилган таърифлар турли хил бўлиб, уларда аргументлашнинг у ёки бу жиҳатига (нутқий фаолият эканлиги, ишонч-эътиқодни шакллантиришга қаратилганлиги, фикрнинг далилланиши билан боялиқ холдалиги каби холатларга кўпроқ эътибор қаратилади. Масалан: 1- таъриф. “Аргументлаш (лот. argumentatio – далил, аргумент келтириш) илгари сурилган фикрга нисбатан бошқа томон (аудитория, якка шахс ва б.)нинг ижобий муносабатини (маъкуллаши, қабул қилиши) шакллантириш мақсадида далиллар, аргументларни келтириш. Аргументлашнинг мақсади – илгари сурилган холатларнинг аудитория томонидан қабул қилинишига, конструктив муносабатларнинг шаклланишига эришишдир; аудиторияни унинг эътиборига хавола қилинаётган холатнинг, фикрнинг адолатли эканлигига ишонтиришдир, уни шу фикрни қабул қилишига ва шунга мувофиқ ҳаракат қилишига эришишдир.⁵⁷”

2- таъриф.“Аргументлаш- бу яккол нутқий фаолият бўлиб, унинг мақсади бирон бир субъектнинг нуқтаси назарини, яни муҳокама қилинаётган масалага нисбатан муносабатини, мулоҳазалар ёрдамида ўзгартиришдир.”⁵⁸

3- таъриф. “Аргументлаш интеллектуал агентларнинг диалог шаклидаги билиш фаолияти бўлиб, унинг мақсади баҳслашувчи томонларнинг холати (позицияси)нинг ишончлилигини белгилашдан иборат.”⁵⁹

Юқоридаги таърифларни таҳлил қилиб, аргументлашга хос бўлган қуйидаги жиҳатларни қайд этиш мумкин:

1. Аргументлаши ҳамма ваqt табиий тил воситасида, ёзма ёки оғзаки нутқ воситасида амалга оширилади.

2. Баъзан у ёки бу хабарни эшигтан одамнинг фикри ўзгариши мумкин. Бундай ихтиёrsиз тасодифий холатлар

⁵⁷ Файзихужаева Д. Матрик Илоҳи лугат. Ташкент: Ишон-Новин, 2015.

⁵⁸ Ишон А. Аргументация в процессах коммуникации. М.-Берлин: Директ-Медиа, 2015. С. 77.

⁵⁹ Лисанюк Е.Н. Логико-когнитивная теория аргументации. Санкт-Петербург: 2015. С.64.

аргументлаш жараёнида учрамаслиги учун, аргументлаш маълум бир мақсадни кўзлаган нутқий фаолият эканлигига ургу берилади.

3. Аргументлаш таърифидаги субъект тушунчаси кенг маънида кўланилади: якка инсон, гурӯҳ, жамоа, ижтимоий ташкилотлар, инсоният ва хокозо.

4. Аргументлаш томонларнинг фикрлари, қарашлари бир-бирига мос келмаса ва низо (конфликт)ни келтириб чиқарса, қўллалади.

5. Аргументлашнинг вазифаси кимнингдир эътиқодини, ишончини кучайтириш ёки сусайтиришга йўналтирилган фаолиятдир;

6. Аргументлаш реципиентларнинг ақлий фаоллигини, яни аргументларни ўйлаб қабул қилиши ёки қарши чиқшини назарда тутади.

7. Аргументлаш ижтимоий фаолиятдир, чунки у факат инсонга ва инсонларга қаратилган бўлиб, бошқа томоннинг келтирган далилларига ўзининг фаол муносабатини билдириши - диалогни назарда тутади;

8. Кимнидир ишонтириш учун, йўналтирилган ҳар кандай фаолият аргументлаш бўлавермайди. Масалан: жисмоний тазијә ўтказиб, ҳеч бир гапирмасдан, инсонни маълум ҳаркатни бажаришга мажбур қилиш мумкин. Лекин бу усул аргументлаш билан ҳеч бир умумийликка эга эмас, чунки аргументлашида айнан нутқий таъсир муҳим хисобланади.

Демак, аргументлаши нутқий фаолият бўлиб, ундан мақсад маълум бир фикрга (иуқтани назарга) ишебтап аудиториянинг ижобий муносабатини шакллантириши орқали, уларни фикрларини ўзгартириб, тақдим қилинган иуқтани назарни қабул қилишга ва унга мос холда хатти характеристикашни амалга оширишларига эришишидир.

Аргументлаш ва коммуникация тушунчалариниң можиятини аниқлашиб олдик. Энди уларнинг ўзаро алоқодорлигини кўриб чиқамиз.

Аргументлаш инсон комуникатив фаолиятининг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Аргументлаш шахслараро муносабатнинг кўринишлардан бири бўлиб, унда муайян мақсадларга эга бўлган икки ёки унда ортиқ субъектлар ўзаро хабар алмашадилар. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ҳар қандай аргументлаш комуникациянинг хусусий кўринишидир, лекин ҳар қандай коммуникация аргументлаш эмас. Комуникация назариясига кўра ахборот (информация)ни бир субъектдан бошқасига узатиш қўйидаги тузилишга эга:

1. Ахборотни жўнатувчи субъект – коммуникатор (адресант)

2. Ахборотни қабул қилувчи – коммуникант (адресат)

3. Ахборот- хабар матгни.

Кўп холларда коммуникация жараёнида ҳабар юбориш билан чекланилади ҳалос, адресантларнинг фикри ёки ишонч эътиқодини ўзгартиришга харакат қилинмайди.

Нутқ коммуникация воситаси сифатида. Нутқий актларнинг коммуникатив ва интеракционал жиҳатлари.

Инсон гапирганда ёки ёзганда қўллаган сўзлари ва ифодалари, бошқа одамлар билан ўзаро муносабатда бўлганда, маълум бир функцияларни бажаради. Унинг мулоҳазалари савол, вაъда, тасдиқ кабиларни ифодалаши ва унга жавобан маъқуллаш, илтимос кабиларни келтириб чиқариши мумкин. Нутқ сўзловчи мулоҳазаларини баён қиласр экан, турли хил нутқий актларни амалга оширади. Ҳар бир нутқий акт инсонга маълум бир мажбуриятларни юклайди. Масалан, агар у савол берса, демак саволининг жавоби унинг учун муҳим бўлади. Агар ниманидир ваъда қилиган бўлса, унда шу ваъдасини бажариши кўзда тутилади. Нутқий актда бир ва ундан ортиқ пропозициялар⁶⁰ ифодаланади, яъни қандайдир ҳабар берилади ва уни ифодалаш учун маълум бир предикат қўлланади. Масалан, сўзловчи тингловичи ҳақида гапириб “мантиқ” предикатини қўллайди. Агар у “Ганингда мантиқ борми?” деса, унда пропо-

Пропозиция (лат. *propositio* –ғи) мантиқда мулоҳаза (хукмији), лингвистикада гапни ифодалайти.

зицияга саволнинг коммуникатив функциясини (шубҳа ёки эътиroz) юклаган бўлади.

Нутқий актлар тингловчилар томонидан тўлиқ тушунилиши учун қандай пропозиция қўлланилганлиги ва унинг коммуникатив функцияси нимадан иборат эканлиги маълум бўлиши керак. Чунки бу гапирувчининг қандай коммуникатив натижага эришмоқчи эканлигини аниқлашга ёрдам беради. Маълумки, сўзловчи интеракционал натижага эришишга харакат қиласди, яъни тингловчи унинг нутқини қабул қилишини ва унга нисбатан муносабат билдиришини кутади. Тингловчи учун нутқий актнинг мақбуллиги унинг интеракционал натижасида намоён бўлади. Нутқий актни қабул қилинишига эришпш ўзаро мулоқатнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Нутқий актни тушуниш (коммуникатив эффект) ва уни қабул қилиш (интеракционал эффект) бир бирига мос келиши шарт эмас. Шунинг учун нутқий актни тушуниш ва уни қабул қилиш жиҳатлари ўртасида назарий чегаралашни амалга ошириш зарур. Биринчи холатда биз нутқий актга коммуникатив, иккинчи холатда интеракционал ёндашган бўламиз. Тингловчи томонидан нутқий актни тушуниш даражаси билан уни қабул қилиш даражаси бир хил бўлиши шарт эмас. Бунда куйидаги холатларни қузатиш мумкин:

1. Тўлиқ тушуниш ва тўлиқ қабул қилиш;
2. Тўлиқ тушуниш ва қисман қабул қилиш;
3. Тўлиқ тушуниш ва тўлиқ қабул қилмаслик;
4. Қисман тушуниш ва тўлиқ қабул қилиш;
5. Қисман тушуниш ва қисман қабул қилиш;
6. Қисман тушуниш ва умуман қабул қилмаслик;
7. Тушунмаслик ва қабул қилмаслик.

Нутқий акт тўлиқ тушунилгани билан бутунлай қабул қилинмаслиги мумкин, лекин тушунмасдан нутқий актни қабул кишиб бўлмайди. Демак, нутқий актиининг қабул қилинишига эришиш учун маълум даражада уни тушуниш таълаб қилинади. Масалан: “COVID 19 касалиги кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида эълон қилингани карантин

талабларига барча амал қилиши шарт.” Ушбу нутқий акт фуқаролар томонидан турлича тушунилиб, қабул қилинганинги (1-6 холатлар) кундалик ҳаётдан күпілаб мисоллар көлтириб тасдиқлаш мүмкін.

Нутқий актнинг коммуникатив ва интеракционал жиҳатлари бир бирига маълум даражада боғлангандир. Уларнинг хар иккиси айнан бир мулоҳаза ёрдамида амалга оширилади. Баъзан нутқий актнинг коммуникатив ва интеракционал жиҳатлари бир бири билан мустаҳкамланган бўлади. Бундай боғликлек бўлмагандаги сўзловчининг нутқидаги баъзи холатлар орқали уларни аниқлаш мүмкин. Асосан бундай алоқадорлик нутқий акт баён қилингандаги контекст орқали аниқланади.

Нутқий актни тушуниш ахборотнинг қандай баён қилинishiга боғлиқ. Коммуникация жараёнида ахборот эксплицит ёки имплицит баён қилинади. Эксплицит ахборот –очиқ ойдин баён қилинган маълумотдир. Имплицит ахборот –коммуникант томонидан тил ифодаси билан боғлик холда хосил қилинган кўшимча маънодир. Нутқий ифода кўшимча маънони имплицит (яширин) холда билдириши мүмкин.

Имплицит сўзи импликатив мулоҳаза таркибининг қисқартирилган кўринишини ифодалайди. Импликатив мулоҳаза тушунчаси мантиқдан олингандаги, “Агар А бўлса, унда Б” кўринишидаги мантиқий алоқадорликда Б айтилмаган, лекин назарда тутилган маънони англатади.

Масалан, “100 метрни 5 секундда чопиб ўтди.” Бу яна бир кўшимча маънони “Дунё рекордини янгилади” мулоҳазасини назарда тутади. Лекин бу очиқ баён қилинмайди. Ҳудди шу каби “Юзини ўгириб олди” мулоҳазаси яширин холда “Кўришни ҳоҳламади” мулоҳазасини ифодалайди. Ёзма ёки оғзаки матидаги яширин маъно мулокот жараёнида аниқланади.

Имплицит ахборот матнда ёки матндан ташқарида (маданий контекстда) яширингандаги бўлади. Кўпинча матнда айтилмаган, лекин назарда тутилган маъно коммуникант учун мухим бўлади. Имплицит матнни тушуниш учун тил ифодаларининг маъносини билиш етарли эмас, бунинг учун ана-

литик фикрлаш, ҳиссей қабуллаш ҳам талаб қилинади. Масалан, “Үзини асраганин Яраттан ҳам асрайди”, “Яхшилаб ўйлаб кўр,” “Сувни кўрмасдан этигингни ечма” каби иборалар бир хил маънони – эҳтиёт бўлиш кераклигини англатади. “Сен тўғри иш қилдинг, яшавор, қойилт” иборалари эса маъқуллашни билдиради. Матннинг имплицит маъноси импликациянинг ўзига хос кўриниши ҳисобланади.

Имплицит ахборотни киритиш усуслари:

1. Инкор мулоҳазани қўллаш орқали: “Биз маъсулиятдан қочмаймиз, мижозимиздан воз кечмаймиз. Юзни операциясиз тортиш.” (Гўзаллик салонидаги ёзув.)

2. Риторик савол бериш орқали: “Сиз оламни забт этишни ҳоҳлайсизми? Келажакда машҳур инсон бўлмоқчимисиз? Унда биз сизга ёрдам берамиз! (Тил ўрганиш марказидаги ёзув.)”

3. Аналогия орқали: Агар одам самолётда туғилса, унда самолёт унинг ватани бўлиб қоладими? Агар у бизнинг уйда туғилса, шу уй уники бўладими? Бу уй сизларники эмас.

Имплицит ахборот асосида адресат қўшимча маълумотларга эга бўлади. Масалан: “Судья: “Хоким вилоятнинг бош коррупционери эмас”- дейди.” Бу матндан бошкага одам бош коррупционер эканлигини судья билиши ҳақидаги маълумотни келтириб чиқарни мумкин. Коммуникацияда имплицит ахборотни киритиш адресатнинг ахборотни яхни англамаслиги ва таинидий баҳолай олмаслиги ва таинқаридан таъсир кўрсатилаётганлигини сезмаслигига сабаб бўлади.

Стандарт нутқий актлар назариясида ўрганилайдиган нутқий актлардан аргументатив нутқий акт фарқ қиласди. Биринчиidan, аргументлаш бирдан ортик гапдан ташкил топади. Таасиқлаш, илтимос, ваъда ва боинкалар факат бигта гапдан ташкил топади. Масалан, “Мен сени эртага театрга олиб бораман”, “Ёмғир тинди”, “Хозир энг яхни нарса бир оз дам олишинингдир”. Баъзан бир карашда аргумент факат бир гапдан ташкил топган бўлиб, нуқтаи назарии тўлиқ ҳимоя килгандек бўлиб туюлади, лекин дикқат билан каралганда

аргументлашының бир касиеттің инициаторының көмкөй мүнәсабатынан турады.

Іккінчидан, аргументлашының амана оныннан узун шартынан аның мұлоҳазалар бир вактта иккى хил коммуникатив функцияга зерттеуден болжады. Масалан, “У жөн кемен үз пенсиясында машина сотиб ололмайды”. Бу мұлоҳазалардың тапшылығынан топған бўлиб, (У пенсиянер. Унинг пенсияси кам, Пенсиясында машина сотиб ололмайды.) биргаликда аргументлашының тапшылығынан қиласади. Бу мұлоҳазалар бир бутун холида аргументлашының коммуникатив функциясини ифодалайды, лекин уларниң жарбири кўшимча равишда яна бошқа коммуникатив функцияни ҳам бажаради: ҳар бир мұлоҳаза ҳам тасдиқ ҳам холосани бердиради. Аргументлашының иккى хил коммуникатив функциягы зерттеуден болжады: экинчидан оны илтимос, ваъда ёки тасдиқка нисбатан мураккаб нутқий акт эканлигини кўрсатади. Шунингдек, тушунтириш, бўрттириш каби нутқий актлар ҳам бир вактта ҳам тасдиқ ҳам холосани ифодалайды. Масалан, бирор нарсани тайёрлаш хақидағы инструкцияни олишимиз мумкин.

Учинчидан аргументацияны ташкил этувчи нутқий актлар үз - үзича мавжуд бўлолмайди. Улар бошқа нутқий актлар билан маълум бир холатда бирлашган бўлади. Ваъда тасдиқ, илтимос эса бошқа кўшимча нутқий актлар билан бирлашыпни талаб қиласади. Аргументлаш ва бошқа нутқий актлар ўртасидаги фарқни яхшироқ тушуниши учун аргументлаш гап даражасида коммуникатив функцияга зерттеуден болжады. Лекин юкоририк матн даражасида унга зерттеуден бўлишига эътибор қаратиш зарур. Биз гап даражасидағи нутқий актларни элементар нутқий акт деб атайдыз. Матн даражасидағи нутқий актларни мураккаб нутқий акт деб атайдыз. Аргументлаш мурakkab нутқий актиниң яққол мисолидир.

Баъзан аргументлашының бўрттириш, тушунниш каби нутқий актлар билан аралаштириб юборилса ҳам, улар ўртасидан мухим тағовут бордир. Тушунтирилганда бу нарса тинчловини томонидан тўғридан тўғри кабул қилинади. Аргумент илгари сурилганда унинг макбуллиги мухокама предметига айланади.

Тингловчини ишонтириш учун сўзловчи ўзининг аргументларини тушунишларига эришиши керак бўлади. Сўзловчи нуқтани назарини худди ҳаммага мақбул бўлгандек баён қиласди, гўёки унинг нуқтани назари аргументлашга мухтоҷ эмасдек ва у ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайдигандек таассурот қолдиришга интилади.

Аргументлашнинг моҳияти, структураси ва таркибий қисмлари.

Маълумки, далиллаш, исботлаш масалалари мантиқ фани доирасида ҳам ўрганилади. Аргументлашнинг моҳиятини тушуниш учун мантиқ ва аргументлаш назариясининг ўзаро алоқадорлиги ва аргументлашга хос бўлган жиҳатлар билан танишамиз.

Аргументлаш исботлашни талаб қиласди, лекин аргументлашнинг вазифаси исботлаш билан чекланмайди. Исботлаш аргументлашнинг мантиқий асоси. Аргументлашда эса исботлаш билан бирга ишонтириш ҳам талаб қилинади. Исботлаш мажбурий, зарурий характерга эга бўлиб, у маълум бир шахсга йўналгирилмаганлиги билан аргументлашдан фарқ қиласди. Бунга Евклид теоремаларини мисол қилиб олишимиз мумкин. Аргументлаш мажбурий характерга эга эмас, унинг тўғри ёки нотўғрилганни механик йўл билан аниқлаб бўлмайди. “Исботлаганинг билан ишонтиролмадинг”, “Исботланган, лекин ишонарли эмас” ёки “Исботлай олмаса, аргументлайди” деган мулоҳазалар юқоридаги холатга нисбатан айтилади.

Мантиқ ва аргументлаш назарияси фикр ва мулоҳазаларни асослаш шакллари ва усусларини ўрганади. Лекин уларнинг ҳар бири ўз вазифаси ва услубига кўра фарқ қиласди. Символик мантиқ, қатъий математик усусларини қўллаган холда, мулоҳазаларнинг асосланганлик масаласини исботлаш билан боғлик холда ўрганади. Символик мантиқнинг усуслари формаллаштириш мумкин бўлган муаммоларнинг ечимини аниқлашада самаралироқдир. Аргументлаш назарияси, қисман формаллаштириш мумкин бўлган, дискурс деб номланувчи жонли нутқий вазиятларни, кенг кўламдаги контекстларни камраб олади.

Буларга күндәлік, машиның даражадағы мұлқот, фалсафий мұшоқшадарап, ҳуқуқшунослық, социология, тарих ва умуман ижтимоиј-гуманиттар соғаға онд контекстлар мисол бўлади. Аргументлашынга онд адабиётларда ишонтириши ақыл ва мантика асосланади деб кўрсатилиади. Биз эса аргументлашында ақыл ва мантиқ билан бирга хиссиётларга ҳам таъсир қилинади ва фикр асосланади деб тасдиқлаймиз. Ҳиссиётларга таъсир қилиш деганда мажбур қилиш, кўрқигиши каби холатларни эмас, балки сўзловчи нутқининг оҳанги, унинг тингловчига бўлган муносабати, сўзловчи ва тингловчининг руҳий холатларини назарда тутамиз. Аргументлаш жараёнида мантиқ қонун қоидаларига ва тилнинг грамматик талабларига риоя қилиш мухимдир.

Аргументлаш қандай қилиб фикрни асослаш ва унга бошқаларни ишонтиришни ўргатувчи илм ва санъатдир. Асослаш ва ишонтириш аргументлашынинг фундаментал принципларидир. Аргументлаш назариясида маълум бир нұктан назарни илгари суриш ва ҳимоя қилиш (асослаш) зарурый шарт бўлгани учун, у мантиқий усулларга асосланади. Бошка томондан, аргументлаш коммуникатив характерга эта бўлганилиги бонис, риторик жиҳатларга ҳам эга. Кўриб ўттанимиздек, аргументлашда исботлаш тушунчаси кенг кўламда кўлланади ва ишонтириши ҳам қамраб олади. Илм – фанда гояннинг, фикрнинг исботланганлиги мухим бўлса, ўзаро мұлқотда гояннинг, фикрнинг ишонарлилиги мухим аҳамият касб этади.

Аргументлаш асосан диалог кўринишида амалга ошади. Диалогда “фикrlаш механизмлари” билан бирга “ишонтириш механизмлари” ҳам бирлашади. Аргументлашынинг қуйидаги даражалари буни яққол ифодалайди:

1. Информацион – адресатга фактлар, воқеа, ходисалар, холатлар ҳақида маълум қилинадиган ахборотларнинг мазмунини ифодаловчы даражасы;

2. Мантиқий – ахборотни ташкиллаштириш (аргументларнинг изчиллиги ва зиддиятсизлиги, тизимли алоқадорлиги, улардан мантиқий хулоса чиқариш мумкинлиги) даражаси;
3. Коммуникатив-риторик – нутқий ва ҳиссий таъсир кўрсатиши (ишонтириш усуllар ва воситаларининг йигиндиси) даражаси;
4. Аксиологик – аргументатор ва реципиентнинг (умуммаданий, илмий, шахсий ва б.) қадриятлар тизимини ифодаловчи даражаси;
5. Ахлоқий – коммуникатив диалогда шахс ахлоқий принципларининг ифодаланиш (бахс, мунозарада маълум бир аргументларнинг ахлоқий жиҳатдан ўринли ёки ўринсиз кўлланиши) даражаси;
6. Эстетик – мулоқот эстетикасини ифодалаш (эстетик дид, диалогни интеллектуал ўйин каби қуриш) даражаси.

Юқоридаги аргументлашга оид мулоҳазаларни умумлаштирган холда, унга қуйидагича таъриф берамиз: *Аргументлаши вербал, ижтимоий ва рационал фаолият бўлиб, унинг мақсади субъектни нуқтаи назарнинг мақбул ёки мақбул эмаслигига ишонмириши учун, бир қанча мулоҳазаларни шигари сурин орқали бершиган нуқтаи назарни қабул қилиши ёки ради этишинига эршишидир.*

Берилган таъриф аргументлашнинг коммуникатив фаолият эканлиги, бошқа одамнинг қарашларини шакллантириши ёки ўзгартишга йўналтирилганлигини ва бунинг учун рационал асосланган аргументлардан фойдаланилишини яққол ифодалайди

Аргументлашнинг структураси қуйидаги элементлардан ташкил топади:

1. Нуқтаи назар (тезис) – далилланиши, исботланиши талаб қилинган мулоҳаза ёки мулоҳазалар тизими бўлиб, аргументлашда “нима далилланини керак?” ёки “нима далилланаяти?” деган саволга жавоб бўлади. Нуқтаи назар тасдиқ ёки инкор мулоҳаза, модал мулоҳаза, императив

(буйрук) ёки савол күрнининда бўлади. Бирок, мунозараларни жана ундан ортиқ нуқтани назарлар тұғыпшының мухим

2. Даил, асо-аргумент – нұктан нағызни дағында дүре көлтирилгандык муноза дағында тұзими бўлади, "жерде назар қандай асоеланамын?" деган саволда дағында бўлади.

Пропонент – баҳс, мунозара чоғиды мунозараларда қолданылған мавзуни, тезисни ҳимоя қылуучи шахе.

Оппонент – баҳс, мунозара чоғиды мунозараларда қолданылған мавзуни, тезисни рад қылуучи, пропонентта қарши тұсуға қабул шахе.

Реципиент – (лат. recipiens) қабул қылуучи және коммуникатор модельнинг монолог турінде аргументларды қартилған шахе. Озиңдеги бир гурӯх шахелар (баъзан аудитория деб ҳам номланади).

Аргументлар майдони – аргументловчи фаслияттагы түзилиши, аргументлардың субъектларининг мавзуси ва ғанағалари, аргументлардың жараённин ижодий модельванийтиригинин ўзига хослиги, аргументларнин амалга ошириши вақти ва ўрнини камраб олувчи коммуникатив ғаолият майдони. Күйидагилар аргументлар майдонининг мухим элементтери хисобланади: аргументлардың субъектлари (S_1, S_2) ; аргументлардың предмети, яъни баҳс мавзуси (АП); аргументлардың предметтеги мөхияттеги, қирраларини очиб берувчи тезислар (Т.Н); аргументлар-даиллар тизими (A_1, A_2, \dots, A_n); аргументлардың вазияти (sit - қаерда, қандай холатда).

Аргументловчи мулокот камидә иккиси кипиң ўртасидан бўлади. (Инесон ўз-ўзи билан мулокот қылтиши, баҳелашини мумкинлигини ҳам инкор этмаймиз). Улардан бири пропонент (бирор фикрини илгари сурувчи) бошқаси оппонент (унга карши чиқувчи) деб номланади. Пропонент ўзининг шахсий фикрини ёки ўзи мансуб бўлган ижтимоий грухининг фикрини ифодалаши мумкин. Оппонент пропонент билан бевосита (юзма-юз) ёки бавосита (вақт ва ёки мақон) жиҳатдан маеофала туриб мулокот қилиниши, баҳелашини мумкин. Коммуникация жараённан аргументларнин таркибий қилемларига кўйида-

гилар киради: 1. Субъект-субъект (аргументатор - реципиент, пропонент-оппонент) муносабатлари:

1.Аргументлаш предмети (муаммо, мавзу ахборотнинг мазмуми);

2.Мантиқий структураси (мантиқий исботлашга мос келади): томонларнинг тезислари, аргументлари ва исботлаш усули (демонстрация);

3.Жараённи бошқариш қоидалари (регламент, тактика, методика ва ҳ.к.)

Аргументларнинг турлари.

Аргумент (лат. argumentum – исбот асоси) – далилланиши (исботланиши) талаб қилинган тезис (мулоҳаза, назария)ни асослаш учун келтириладиган бир ёки ундан ортиқ мулоҳаза. Аргумент сифатида қўлланилаётган мулоҳаза: чин бўлиши, унинг чинлиги тезисдан мустакил ҳолда исботланган бўлиши ва тезисни асослаш учун етарли бўлиши шарт. Ўқоридаги шартларнинг бузилиши турли хатоликларга олиб келади. Бахс, мунозараларда қўлланиладиган аргументлар мазмунига кўра икки турга бўлинади:

1.Масаланинг моҳиятига тааллукли аргументлар (ad rem).

2.Инсонга мурожаат қиливчи аргументлар (ad hominem).

- Биринчи турдаги аргументлар мухокама қилинаётган масалага боғлиқ бўлиб, исботланётган холатнинг чинлигини асослашга йўналтирилган бўлади. Бундай аргументлар сифатида тушунчаларнинг таърифи, илмий назариянинг тамоҳиллари, аниқ фактларни қайд килган мулоҳазалар ва чинлиги аввал исботланган мулоҳазалардан фойдаланилади. Шунингдек, авторитетга мурожаат қилиш, яъни муқаддас китоблар, булоқ мутафаккирлар, машҳур жамоат арбоблари, шоирлар, ёзувчилар ва бошқаларнинг фикрларидан аргумент сифатида масаланинг моҳиятига мос ҳолда фойдаланиши ҳам ad rem аргументларига киради. Бу аргументлар юқоридаги шартларни қониктирса, унга асосланган исботлаш мантиқиан тўғри бўлади.

- Иккинчи турдаги аргументлар кўпинча масаланинг моҳиятига тааллукли бўлмайди ва улардан асосан баҳс-

мунозарада ютиб чиқыш учун фойдаланилади. Бу турдаги аргументларда оппоненттің шахсияти, зытикалық обрәсига, аудиториянның фикрига мурожаат қилинади. Бундай аргументларнинг баъзиларидан ҳақиқатни анықлаш ва асосланы учун ўтказиладиган баҳс-мунозараларда фойдаланиши нөүрин, ножоиздир. *Argument ad hominem* (инсонға мурожаат қылувчи аргументлар)нинг кенг тарқалған күринишлиарига күйидагилар киради:

- халққа мурожаат қилиш, яъни тингловчиларнинг, жамоаттнинг фикри, кайфияти, хис-туйгуларига таъсир қилиб, уларни ўз томонига оғдириши, ракибига шу йўл билан босим ўтказиш;
- шахсга мурожаат қилиш, яъни оппоненттнинг ташки күринини, дици, фазилатлари ёки камчиликларини галириши орқали баҳс мавзусидан четга чиқиб, оппоненттнинг шахсини мухокама қилишга ўтиш (кўпинча бундай мухокама салбий характерда бўлади);
- шуҳратпастликдан аргумент сифатида фойдаланиши, яъни оппонентни кўкларга кўтариб мақташ орқали уни фикризини зътироф этишига, ҳеч бўлмагандан қаршилигини сусайтиришига эришиш;
- кучдан аргумент сифатида фойдаланиши, яъни оппонентни унга қарши жилемоний ёки маънавий куч ишлатилиши мумкинлигини айтиб кўрқитиши ва шу асосда ўз фикридан зор кечининг мажбур қилиши;
- раҳм-шавқат хиссидан аргумент сифатида фойдаланиши, яъни қарши томонда ачиниш ва ҳамдардлик туйгуларини ўтишиб, ўзини оқлаш, фикрига ишонтириш ёки ёрдам олишини зор кечининг мажбур қилиши;
- хабарсизлик, билмасликдан аргумент сифатида фойдаланиши, яъни оппоненттга маълум бўлмаган фактлар, маълумотлардан фойдаланиши, у ўқимаган (билимаган) манбаларга мурожаат қилиши. Кўпинча оппонент ўзини булардан хабардор қилиб кўрсантишига уринади ва янгилишиб кетади.

Юкорида айтиб ўтилган аргументлар нөурини бўлаб.

улардан баҳс жараённанда фойдаланиш адолатдан эмас. Лекин, баҳсада томонларнинг ақли, билими билан бирга, уларнинг хистуигулари, феъл-атворлари ҳам тўқнашади. Шу боис, баҳс жараённанда ноўрин аргументлардан ҳам фойдаланишини кузатиш мумкин. Ўринли ва ноўрин аргументларни фарқлаш баҳс жараённинг натижасини аниклашга ёрдам беради.

Аргументлар мақбуллик, релевантлик, адекватлик ва етарлилик талабларига мос бўлиши шарт.

Аргументлар ишонтириш даражасига кўра иккига бўлиниади: кучли ва кучсиз. Аргументларнинг кучлилик даражаси нисбий катталик бўлиб, реципиентнинг билим даражаси, руҳий холати, ҳаётий тажрибаси, эътиқоди, дунёқарашига боғлиқ. Бир аргумент турли аудиторияларда ҳар хил қабул қилиниши (маъқулланиши, инкор этилиши, бефарқ бўлиши) мумкин. Масалан, Куръони Каримдан келтирилган далиллар бошқа динга эътиқод қилувчилар ёки атеистлар учун ишонтирувчи кучга эга бўлмаслиги мумкин, лекин ислом динига эътиқод қилувчилар учун сўзсиз авторитет сифатида таъсири қиласди.

Деярли барча учун табиат қонунлари, тажриба натижаси бўлгав илмий фактлар, экспертларнинг холосалари, статистик маълумотлар ва б. кучли аргумент хисобланади. Сўзловчининг шахсий фикри, у иқтибос қилган машхур кишиларнинг гаплари кучли аргумент сифатида қабул қилиниши шу шахснинг ёки у асосланаётган авторитетларнинг обру-эътиборига боғлиқдир. Аргументлашда кучли далиллар кучсиз далиллар билан мустаҳкамланган бўлиши керак. Баъзан пропонентнинг ўзи кучли ва кучсиз далилларни ажратса олмаслиги, унинг учун кучсиз бўлган далиллар реципиент учун кучли далил бўлинни мумкин.

Аргументлар чинлик даражасига кўра оятни турга бўлиниади:

1. Чин ва ишончли;
2. Чин, аммо ишончли эмас;
3. Ёлгон ва ишончли бўлмаган;

4. Ёлғон, лекин ишонарли;
5. Ноаниқ, аммо ишонарли;
6. Ноаниқ ва ишонарсиз.

Аргументлаш жараёнида кўлланган аргументлар чинлик даражасига кўра чин, ёлғон ёки ноаниқ бўлади.

Реципиент учун кўгинча аргументларниң чин бўлиши шарт эмас, чунки унда ҳамма вақт ҳам ҳақиқат ва ёлғонни таъшириб кўриш ёки фарқлан имкони бўлмайди, унинг узун факат ишонарли бўлган аргументларгина қимматга эга бўлади.

Ижтимоий фаолият сифатида аргументлашниң ўзига хослиги.

Ижтимоий фаолият сифатида аргументлашидан мажбурий кимнидир ишонтиришdir. Бирон бир фикрға, қараш, гояга ишонтириш бошқа, шу нарсани мажбурлаб қабул қилдириш бошқа. Инсон бирон бир фикр, гоя, қарашни ўз ҳохиши билан, иҳтиёрий равища қабул қиласа, уларнинг чинлиги, тўғрилиги, фойдали эканлигига ишонади. Аксинча мажбураи қабул қиласа, унда ишонч пайдо бўлмайди ва имкон бўлиши билан уни рад этади. Бирон бир фикрни мажбурлаб қабул қилдириш, яъни инсон бу фикрни ўзининг ҳохишига зид равища тўғри деб тасдилаши авторитар муроқотга хос. Бундай муроқот кўнича бўйсинидирувчи ва бўйсинувчи ўртасида вужудга келади. Эркин, тенг, ўзаро хурматта асосланган (демократик)муроқотда эса фикр, гоя, қараш ишонтириш орқали қабул қилдирилади. Демак, аргументлаш мажбураи қабул қилдириш эмас, балки ишонтиришни билдиради.

Қандай холатда ишонтиришга эҳтиёж тугилади?

Сұхбатдошлардан бирининг нуктаи назари бошқасини-кидан фарқ қиласа ва уни шу нуктаи назарни қабул қилдиришга эҳтиёж бўлса. Агар бундай эҳтиёж бўлмаса, ишонтиришга хожат қолмайди. Сұхбатдошларниң нуктаи назарлари бир хил бўлганда ҳам ишонтириш талаб қилинмайди.

Ишонтириш, ишонни, ишонч, эътиқод тушунчалари бир-бири билан боғлик. Ишонч ишоннишнинг натижасидир. Ишон-

тириш бирон бир фикрнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини муваффақиятли далиллаш бўлиб, унинг натижасида ишониш туйгуси пайдо бўлади.

“Ишониш” тушунчаси куйидаги маъноларни англатади:

Биринчидан, “ишониш”- жараён бўлиб, бир одамнинг ғоялар оламидаги бир нуқтаи назарнинг ўрнига бошқасини қабул қилдириш учун бошқа одамнинг қилган (асосан рационал характердаги) хатти-харакатларига бўлган муносабатидир. Масалан, биз ўз бизнес режамизнинг фойда келтиришини исботлаб, банкдан кредит олишга харакат қиласиз, банкдагилар эса кредит бериш масаласида бошқа нуқтаи назарда бўлишлари мумкин. Агар банкдагилар ишонишса кредит беришлари мумкин, ишонишмаса, беришмайди.

Иткинчидан, “ишониш” дунёкараш, нуқтаи назар, фикр, қабул қилинган йўлни ифодаловчи маслак, эътиқод маъносини ҳам ифодалайди. Масалан, “Аллоҳ барча мавжудотнинг яратувчисидир” деган фикрга ишониш, эътиқод маъносидаги ишончни билдиради.

Демак, ишониш ва эътиқод тушунчалари бир-биридан фарқ қиласиди. Эътиқод тушунчаси субъект дунёкарашининг асосиши ташкил этувчи доимий, мустахкам ғоялар тизимини ифодалайди. Субъектнинг қадриятлар тизимига таъсир қиласиган, унинг тушунчалар оламини тубдан қайта қурадиган кучли далиллар таъсиридагина эътиқодни ўзгартириши мумкин. Инсон кўп нарсаларга ишонади, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам эътиқод қилиши учун зарур бўлмайди. Масалан, инсон интернет орқали кўшини мамлакатдаги президент сайловида ким голиб бўлганлигини билади ва бу хабарнинг ростлигига ишонади. Лекин бу хабар унинг эътиқоди учун муҳим аҳамиятга эга эмас.

Мuloқot жараёнида сухбатдошлар бир-бирини тушунишлари ва қабул қилишлари (шу фикрга қўшилишлари, рози бўлишлари) мураккаб жараён бўлиб, унда қуйидаги холатлар кузатилади:

I. Тушуниш қабул қилиш дегани эмас. Тушуниш билиш билан bogliqdir. Инсон бирон бир ахборотни қабул килар экан, уни түлиқ ёки қисман тушуниши ёки мутлақо тушунмаслиги мумкин. Инсонда шу ахборот билан boglik bilimlар bulsa, у тушунади, билимлар бұлмаса тушунмайды. Ахборотни қабул қилиш ёки қилмаслик эса инсоннинг дунёқараши, манфаатлари, мақсадлари, билим даражаси, тушунчалар оламига bogliqdir. Тушуниш ва қабул қилишнинг ўзаро boglikligini, юкоридаги мuloхазаларга асосланиб, түрт турға ажратыш мумкин: түлиқ тушуниб, түлиқ қабул қилиш; тушунмаслик ва умуман қабул қилмаслик; қисман тушуниш ва түлиқ қабул қилиш; қисман тушуниш ва қисман қабул қилиш.

II. Испотлаш – ишонтириш дегани эмас. Ахборотта испониш ёки ишонмаслик kүпинча инсоннинг рухий холати билан bogliq uzatilgant axborot insonning tushunchalar olamiga mos kelsa, у ишонади, mos kelmasa ishonmайды. Бунда ҳам юкоридаги каби холатларни қайд қилиш мумкин: испотланган ва ишонарлы; испотланмаган ва ишонарлы эмас; испотланган, лекин ишонарлы эмас; испотланмаган, лекин ишонарлы.

Аргументлаш жараёнида 1 ва 3 холатлар мұхимдір. Чунки аргументлашдан мақсад фикрга сұхбатдошини ишонтиришdir. Мулоқот қилювчилар ўз қарашларига зид бұлмаган ва унга mos bülgan нұқтаи назарни осон қабул қиладилар. Ишонтириш учун шу холатта эътибор бериш зарур.

Сұхбатдошининг фикрини қабул қилиш ёки қилмаслик, унға нисбатан қандай шахсий муносабатда эканлигига boglik. Сұхбатдошларниң бир-бирига bülgan шахсий муносабати (ижобий ёки салбий) бир-бирининг фикрини қабул қилиш ёки қилмасликка таъсир күрсатади. Бунда kүпинча хиссияттар устун туради. Сұхбатдошига bülgan салбий муносабат (ёкти-рмаслик, менсимиаслик ва б.) уннинг түгри, испотланған фикрини қабул қилиші, унға ишоншига түсқинлик қиласы. Сұхбатдошларниң бир-бирига bülgan муносабати а) сұхбатдоши ҳақида олинған (ёки кимдир айтған) маълумотларга ва б) сұхбатдошиниң тапқы күриниши, товуши, ўзини тутиши ва

тапининг мазмунига қараб шаклланади. Кўпинча инсоннинг руҳий холати (психологияси) унинг ақлидан (мантиқий фикрлашидан) устун бўлади.

Мулоқот жараёнида сұхбатдошлар бир-бирларини тушунишлари ва фикрларини қабул қилиб ишонишлари учун улар бир тилда сўзлашишлари, бир хил ёки ёндош касб эгалари бўлишлари, интеллект даражалари мос бўлиши, ахборотнинг етарллиги, фикрнинг мантиқий изчилликда баён қилиниши ва дикқат билан бир-бирларини тинглашлари шарт.

Аргументлаш ўзи учун ёки бошқалар учун бўлиб, ёзма ёки оғзаки амалга оширилади. Бошқалар учун ёзма аргументлаш маъруза, илмий мақола, реферат, эссе, хисобот, маълумот, хат кўринишида тайёрланади.

Ўзи учун аргументлаш ҳар бир инсон ҳаётининг ажралмас атрибути ҳисобланади. Инсон ўз менини англаши билан ҳоҳиш-истаклари, орзулари, мақсадларини амалга оширишда ўз-ўзига уларнинг зарур, муҳим, керакли, фойдали ёки аксинича эканлигини аргументлайди. Инсон ўзи учун ҳам пропонент, ҳам оппонент вазифасини бажаради. Ўзи учун аргументлашда инсоннинг руҳий холати, билими, ижтимоий ва шахсий тажрибаси, дунёқараши, эътиқоди, олган тарбияси, қадриялар тизими ва шахсий манфаатдорлиги муҳим рол ўйнайди. Унда аргументлашниң структураси ёзма аргументлашники билан ўхшашидир.

Оғзаки аргументлаш дискуссия (мунозара) жараёнида аргументлашда икки ва ундан ортиқ коммуникантлар қатнашади. Коммуникантларнинг ҳар бири баҳс мавзусига ўз мунозабатини билдириб, ечим таклиф қиласди. Мунозара ташкилотчиси воммуникантларга навбатма-навбат сўз беради. Уларнинг ҳар бўридан баҳс мавзусининг ечими ҳақида айтилган мулоҳазаларга муносабат билдиришини сўрайди. Мунозарани ташкилотчи якуплайди. Мунозарада билдирилган ечимлардан бири ташкилотчи томонидан ёки қатнашчилар томонидан овоз бериш йўли билан ташлаб олинади. Бунга илмий даража

берувчи ихтисослашган илмий кенгашларнинг мажлислари-даги диссертация муҳокамаси мисол бўлади.

Демак, аргументлаш мураккаб коммуникатив жараён сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида намоён бўлади.

2.2. Аргументатив дискурснинг структуравий таҳлили

Дискурс тушунчаси нутқ, тил фаолияти маъноларини англатади. Бу бандда бевосита аргументатив дискурс тушунчаси ва унинг турли ифодаланиш шаклларини тадқиқ қиласиз.

Аргументатив дискурс мулоқот жараёнида изчил баён қилинган мулоҳазалар тизими бўлиб, сўзловчилар маълум бир коммуникатив мақсадни (сұхбатдошини бирон бир фикрнинг чинлигига ишонтириш ва уни қабул қилинишига эришиш) амалга ошириш учун кўллайдиган нутқий актлардан иборатдир. Ҳар қандай коммуникатив актда сўзловчи тингловчига қандайдир таъсир кўрсатади. Айтилган хабар, сўзловчининг хис туйгулари албатта тингловчини бефарқ қолдирмайди. Коммуникатив актда сұхбатдошларнинг “имконий оламлари” (вокелик ҳақидаги тасаввур ва билимлари) тўқнашади. Сұхбатдошларнинг ижтимоий мавқеи, қадриятлар тизими ҳам бу жараёnda ўз аксини топади. Сұхбатдошларнинг бир бирига бўлған муносабати ва мавқеи нутқий актларининг характеристерини (ассертив, директив ва б.) белгилайди. Аргументатив дискурс тушунтириш, исботлаш, гипотезани тасдиқлаш, хуроса чиқариш каби магтикий амалларни ўз ичига олади ва таклиф, маслаҳат, огохлантириш, кўрқитиши, илтимос, талабни ифодаловчи иллюкотив дискурсив актлар кўринишида ифодаланади.

Аргументатив дискурснинг максади (стратегияси) ишонтирицидир. Ишонтириш учун қўлланиладиган нутқий актлар аргументатив дискурснинг тактикасини белгилайди.

Аргументлашнинг оддий, мураккаб, содда ва комплекс турлари

Аргументларнинг ўзаро боғлиқлиги аргументлашнинг турини белгилайди.

Тезисга нисбатан аргументларнинг нұқтаи назар билан алоқадорлиги - асослаш усули дейилади. Аргументлашнинг структурасини аниклаш учун якка (single) ва мураккаб (complex) аргументлашни фарқлаб оламиз. (Биз кейинги матндаримизда халқаро миқёсда күлланадиган комплекс аргументлаш изборасини күллаймиз.)

Агар нұқтаи назар фактат биргина аргументта асосланса, у якка аргументлаш ҳисобланади. Масалан: Мактаб ёшидаги болалар күн тартибига риоя қилишлари керак (нұқтаи назар), чунки бу мутахассисларнинг тавсиясидир (аргумент). Якка аргументлашда нұқтаи назар фактат бир аргумент билан асосланади (химоя қилинади). Бу аргументлашнинг энг оддий күриниши бўлиб, аргументлаш бир мулоҳазадан изборат бўлади. Энг муҳими мулоҳазанинг қайси қисми аргумент, қайси қисми нұқтаи назар эканлигини аниклаб олишдир. Баҳс мунозарада бундай аргументлаш кўплаб учрайди. Масалан, Хуршид Тошев магистрларга дарс бериши мумкин (нұқтаи назар), чунки у фалсафа доктори илмий даражасига эга (аргумент).

Агар нұқтаи назар икки ва ундан ортиқ аргументларга асосланса, у комплекс (мураккаб) аргументлаш ҳисобланади.

Комплекс аргументлашда нұқтаи назар бир нечта аргументлар билан асосланади (химоя қилинади). Мураккаб аргументлашда умуман олганда, далилларнинг сони чекланимаган бўлади. Далилларнинг сони диалогининг ўзига хос томонларига, томонларнинг муҳокамага қанча вақт ажратишларига боғлик.

Комплекс аргументлашнинг структурасини таҳлил қилинада, нұқтаи назарни химоя қилувчи аргументларнинг бир-бири билан ва нұқтаи назар билан қандай боғланғанлигини аниклаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай боғлиқликни аникланып, баҳс

иштирокчиси ўз нүктаи назарини қандай ҳимоя қилаётганинги тушуниш билан бирга, аргументларининг кай дара жада етарли ва ишончли эканлигини баҳолаш учун хам зарурдир. Аргументлаш назариясида комплекс аргументларни структурасига кўра қуидаги кўринишларга бўлинади:

- бўйсундиручи (subordinatively compound) ва мураккаб бўйсундиручи (бир-бирига боғлиқ бўлган);

- бириктирувчи, мураккаб мувофиқлантирувчи;

- кўп қисмли (multiple) argument

Далиллар ўзаро қандай боғланганлигига кўра мураккаб аргументлаш уч турга бўлинади:

1. дизъюнктив ёки тўплам аргументлаш;

2. конъюнктив ёки бириктирувчи аргументлаш;

3. импликатив ёки бўйсинувчи аргументлаш.

Дизъюнктив ёки тўплам аргументлашда келтирилган далиллар бири-бирига боғлиқ эмас ва уларнинг ҳар бири фикрни асослаш учун етарли ҳисобланади.

Масалан: Мактаб ёшидаги болалар кун тартибига риоя килишлари керак, чунки шу орқали уларни тартибга ўргатиш мумкин. Шунингдек, кун тартибига риоя қилиш, уларнинг руҳий холатига ижобий таъсир кўрсатади.

Конъюнктив ёки бириктирувчи аргументлашда тезисни асослаш учун келтирилган далилларнинг ҳеч бири алоҳида олинигандан етарли бўлмайди. Бу далиллар факат биргаликда тезисни асослаши мумкин.

Масалан: Умумий вагонда боришимга тўгри келди, чунки бошқа билетлар йўқ эди, самолётда кетишга билети қимматлик қилди, сафар вақтини ўзгартириш ёки уни қолдириш имкони бўлмади.

Нуқтаи назарни асослаш учун келтирилган далиллар кетма-кет бир-бирини мустаҳкамлаб борган аргументлаш импликатив ёки бўйсинувчи аргументлаш дейилади.

Масалан: Унинг иқтисодий ахволи ҳақидаги гапларига ишониб бўлмайди, сабаби унинг гаплари ҳақиқий холатга мос келмайди, ўзини почор қилиб кўрсатишдан манфаатдор, чунки

бошқаларнинг раҳмини келтириб, улардан пул ундиришга ўрганиб қолган.

Аргументлашида ифодаланмаган (яширип) асослар ва уларни аниқлаши.

Аргументатив дискурсда пропонент баъзи фукрларни тўлиқ айтмаслиги (тезис ва аргументлар ўртасидаги алоқадорлик яширин бўлиши), уларни тушириб қолдириши мумкин. Бундай холатларда аргументатив дискурс тахлил қилинади ва яширип асослар аниқланади. Яширин асосларни аниқлаш учун пропонент фикрларини ойдинлаштирувчи саволлар берилади.

Бегига асосланган (симптоматик) аргументлашидаги яширип асослар.

Аргументатив дискурсда тезис ва аргументлар ўртасидаги алоқадорлик ҳамма вақт ҳам аниқ бўлмайди. Масалан: “Расулов тажрибали ўқитувчи, шунинг учун ҳам у дарсларини ўтишга кўп ҳам тайёрланмайди.” Бу дискурсив мулоҳазада “Факат тажрибали ўқитувчилар дарс ўтишга кўп тайёрланмайдилар” деган асос яширин қолган. Расулов тажрибали ўқитувчи эканлигини аргументловчи мулоҳазанинг қийматини аниқлаш учун яширин асоснинг тўғрилигига ишонч хосил қилиш керак бўлади. Бунинг учун куйидаги саволларга жавоб топиш керак бўлади:

Ҳакиқатдан ҳам факт тажрибали ўқитувчилар дарс ўтишга кўп тайёрланнишмайдими?

Дарс ўтишга кўп тайёрланадиган ўқитувчилар борми?

Тажрибасиз ўқитувчилар дарсга қандай тайёрланнишади?

Бу саволларга жавоб топгандан сўнг юқоридаги нуқтан назаралинг қай даражада асосланганлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Бундай аргументлашнинг умумий схемаси куйилагича тузилади:

*А чин х учун,
чунки В чин х учун
ва В А га хосдир.*

Схеманинг аниқлигини текшириш учун бериладиган саволлар:

- В белгига эга бўлмаган бошқа Алар мавжудми?
- В белгига эга бўлган А эмаслар мавжудми?

Белгига асосланган (симптоматик) аргументлашдаги индикатор сўзлар: табиийки, шунга хос ва.

Муносабатлар аналогиясига асосланган аргументлашдаги яширин асослар.

Мисол: “Муродга кундалик харажатлар учун бир хафтага 10000 сўм бериш керакмикан, унинг акаси ҳар доим фақат 5000 сўм олардику?” Бу

аргументловчи мулоҳазазанинг қийматини топиш учун яширин асосни аниқлашга қаратилган қуидаги саволларга жавоб топиш керак бўлади:

1. Муроднинг синфдошларига уйидагилар хафтасига қанча пул бернишади?
2. Ўтган вақт ичida инфляция қай даражада бўлди?
3. Мактаб раҳбариятининг (жамоатчиликнинг) бу ҳакда фикри қандай?
4. Аналогия қай даражада тўғри?

Бундай аргументлашнинг схемаси қуидагича:

*А чин X учун,
Чунки В чин Y учун*

Ва Y билан X иш таққослаш мумкин.

Аниқлаштирувчи савол:

х ва у ўргасида фарқ борми?

Агар биз фарқ борлигига ишонтира олсак, унда юқоридаги аргументация ишонарли бўлмайди.

Муносабатлар аналогиясига асосланган аргументлашдаги индикатор сўзлар: ўхшаши, мос, тўғри келади ва б.

Сабабий муносабатга асосланган аргументлашдаги яширин асос.

Мисол: “Лоланинг кўриш қобилияти паст бўлса керак, чунки у ҳар доим хира ёргулиқда китоб ўқииди.” (Яширин асос: Хира ёргулиқда китоб ўқиш кўзга зарадир.)

Бундай аргументлашнинг схемаси куйидагича:

А чин х учун,
чунки А чин В учун
ва В А га олиб келади

Аниқлаштирувчи саволлар:

В ҳамма вақт ҳам А га олиб келадими?

Бу ҳодиса бошқа нарсанинг натижаси бўлиши мумкинми?

Сабабий муносабатга асосланган аргументлашдаги индикатор сўзлар: шунга олиб келади, натижада шундай бўлади ва б.

Аргументлаш структурасини аниқлаши алгоритми.

Аргументлаш структурасини аниқлаш учун:

- Аргументатив дискурсдаги нуқтаи назар ва аргументларни аниқлаб, ажратиб олинади;
- Аргументлашнинг оддий ёки мураккаб эканиги аниқланаади;
- Агар мураккаб аргументлаш бўлса, унинг тури кўрсатилади;
- Аргументлашнинг схемаси курилади.

Аргументлашнинг структурасини ўрганишда иккита даврни ажратиб кўрсатиш мумкин. XX асрнинг иккинчи ярмига қадар мантиқий хулоса (исбот) ии қидирии иоформалашган жараён бўлган ва у ҳақда турли эвристик мулоҳазалар баён қилинган. Мантиқий масалаларни конструкция килини алоҳида йўналиш бўлган ва мантиқий исботларни курини билан боғлиқ бўлган.⁶¹ Кейинчалик, XIX-XX асрлар чегарасида мантиқшунослар ҳар қандай номантиқий фикрлардан холи бўлган исботларни аниқлашга ёътибор каратдилар. Шу тарзда символик мантиқ яратилди. Анъанавий мантиқда хулоса чиқариши табиий тилда, ўзгарувчилар ёрдамида

⁶¹ Карап: Брюсовский Н.В. Логика. Москва: Гардарики, 2001, с.86.

ифодаланади. Силлогизмда терминлар, мұлохазалар мәннегидеги хulosса чиқаришда эса мұлохазалар ўзгаруыштар сифатида белгиланды. Аңынавий мантиққа хос системалар ярим формал бўлиб, ўз ичидаги дедуктив, хам дедуктив бўлмаган мантиқ системаларини қамраб олади. Символик мантиқ эса математика тилига ўхшаш формалланған тилдан фойдаланади ва улар ёрдамида муҳокама юритиш шакларини ўрганади. Шундай қилиб, формал ва ярим формал мантикий системалар ёрдамида биз аргументлар тўпламини тартибга келтирамиз, мантикий моделларни хосил қиласиз. Аргументлар тизимини мантикий моделлаштириш воситаларининг икки тури мавжуд: дедуктив системалар ва нодедуктив системалар. Дедуктив хulosса чиқариш системаларига силлогистика, классик мұлохазалар мантиғи, классик предикатлар мантиғи, модал мантиқ, нозиддиятсизлик мантиғи, вақт мантиғи, номонотон мантиқ ва б. киради. Аналогиядан хulosса чиқариш, индуктив хulosса ва абдукция нодедуктив хulosса чиқариш системасига киради.

Шунингдек, аргументлар моделларининг макро ва микро структурасини фарқлаш зарур. Аргументлар системасининг макроструктураси деганда аргументлар системаси асосий кисмларининг ўзаро боғлиқлиги тушунилади.

Микроструктурада аргументлаш субъектининг аргументлар системасини қуришдаги айrim ҳаракатларининг ўзаро боғлиқлиги акс этади.

Масалан, формал мантикий системаларда улар хulosса чиқариши қоидалари орқали ифодаланади ва күпинча локал хусусиятга эга бўлади. Бу хусусиятга кўра мұлохазаларни ўзгартирини қонди асосларнда қайд қилинган мұлохазаларга боғлиқ бўлади. Бу эса хulosса чиқариш қоидалари ёрдамида мұлохазаларининг ўзгариши, бу қоидалар қўлланган контекстта боғлиқ эмаслигини билдиради. Мантикий ёндашув аргументлашнинг оддий стандартланинган микроструктурасини тадқиқ қилади.⁶²

⁶² Каран. Брюсовский И.В. Логика. Москва. Гарвардки, 2001 с 98.

Аргументлашнинг макроструктураси унинг мантикий структурасини ифодалайди. Брюшинкиннинг таъкидлашича, мантикий макроструктура деганда тезис билан уни қўлловчи аргументлар ўргасидаги муносабат тушунилади.⁶³ Шунинг учун макроструктуранинг тахлили қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1. Матнадаги асосий тезисни ёки унинг фрагментини (агар фрагмент тахлил қилинаётган бўлса) ажратиш;
2. Асосий тезисни қўллаб-куватловчи аргументларни аниклаш;
3. Асосий тезисни асослаш учун зарур бўлган, лекин матнда аниқ ифодаланмаган аргументларни реконструкция қилиш;
4. Аргументларни аргументлашнинг даражаларига кўра тартибга келтириш;
5. Турли даражалардаги аргументлар билан тезис ўртасидаги мантикий алоқадорликни ўрнатиш.

Тезис ва аргумент ўргасидаги мантикий алоқани тўғри ўрнатиш учун маълум бир мантикий аппаратнинг бўлиши шарт. Лекин берилган тезис учун аргументларни ажратиш учун моделлаштирувчи субъект мантикий муносабатларни ўрнатиш учун ёрдам берувчи (формал ёки ярим формал) мантикий система ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак. Акс холда, у хатто зарур бўлган аргументларни ҳам ажратиб ололмайди. Чунки, бунинг учун уларнинг шакли, яъни аргументлашни тақдим қилган тил ҳақида, тил ифодаларишининг бўлинеш структураси ва бу тилда йўл қўйилган мантикий воситалар ҳақида тасаввурга эга бўлиш зарур⁶⁴.

Шундай қилиб, аргументлашни моделлаштириши учун, аргументлаш системасини ифода этган матиннинг ўзига хос томонларидангина эмас, балки уни структураланига ёрдам берувчи мантикий воситалардан ҳам келиб чикиш зарур.

⁶³ Карапт: Брюшинкин Н.В. Логика. Москва: Гардарики, 2001, с. 98.

⁶⁴ Карапт: Брюшинкин Н.В. Логика. Москва: Гардарики, 2001, с. 99.

2.3. Аргументлапининг коммуникатив структураси.

Аргументлапида нуқтани назарининг ўзгариши.

Билим ва фикрни ўзаро фарқлаш зарур. Фикр, ~~билим~~ ~~иа~~ билимсизликнинг бирлигидан иборат. Бир одам бир ~~иактини~~ ўзида бирор нарса ҳакида ҳам фикрга, ҳам ҳакикий билимга эга бўлолмайди. Бунга соф зарурият йўл қўймайди. Зарурият ва имконийликнинг қўшилиши эса бир одамнинг бир ~~вақтини~~ ўзида ҳам фикрга ҳам ҳакикий билимга эга бўлишига йўл қўяди. Имконийлик мулоҳазалари чин билимларни ифодаламайди, чунки бирор буюмнинг келажакда вужудга келиши ёки келмаслиги ҳакида чин билим ҳосил қилиб бўлмайди. Соф зарурията асосланган билимга “Хеч бир мавжудот абадий эмас” деган мулоҳаза мисол бўлади. Бу ишончли ҳакикий билимдир. «Оlamдаги барча нарсалар яратилган» деган мулоҳаза фикр ва ҳакикий билимни ифодалайди. «Абдулла эртага келади» деган мулоҳаза эса факат фикр ҳисобланади, холос.

Фикрлар икки турли бўлади: 1. Бошқалар томонидан эътиroz билдирилмаган фикрлар (эътиroz билдирилмаганлигига сабаб ё фикр тўлиқ ўрганилмаганлигига, ё эътиroz билдиришга ҳаракат қилинмаганликда. ё мавжуд эътиrozларнинг бартараф қилинишидадир). 2. Бошқалар томонидан эътиroz билдирилган фикрлар (фикрга эътиroz билдирилишига сабаб шу фикрнинг айрим одам ёки бир гурух одамларнинг фикрларига мос келмаслигидадир). Шунга кўра, мантиқшунослар ишончли, кучти, кучсиз эҳтимол бўлган фикрларни бирбиридан фарқлайдилар.

Хеч қандай эътиrozга сабаб бўлмаган фикрни ишончли деб биладилар. Эътиroz билдиришга ҳаракат қилинмаган, текширилмаган фикрларни кучсиз деб атайдилар.

Билдирилган эътиrozлар текширилиб, уларнинг асоссизлиги аниқланса, буңдай фикр, яъни эътиrozга йўл қўймайдиган фикр кучли бўлади. Эътиrozга иисбатан эътироф этилиши кўпроқ бўлган фикрлар ҳакиқатга яқин фикр дейилади. Кун

эътиrozга сабаб бўлган фикр шубҳали фикр дейилади. Кучли, ишончли (ҳақиқатта яқин) бўлган фикрлар диалектикада; кучсиз, эҳтимол бўлган фикрлар риторикада; шубҳали фикрлар эса кўпроқ софистикада кўлланилади.

Фикрга нисбатан эътиrozлар ошкора ёки яширин билдирилади. инсон уни турли сабабларга кўра сезмаслиги мумкин:

1. Инсон бефарқлигига кўра эътиrozни сезмайди;
2. Тинчликни маъкул кўриши, тафаккурининг бекорчилигига кўра сезмайди;
3. У буюмни чуқур тадқиқ қиласлик оқибатида нима учун эътиroz билдирилаёттанини кўрмайди;
4. Унга турмуш тарзи тўсқинлик қиласди;
5. Талаб қилинган буюмнинг жинси ўрнига бошқа бир жинсли ўрганади;
6. Унинг ақли етарли даражада эмас. Агар унга ёшлиги сабаб бўлса, бу ҳолат ўтиб кетади. Агар бу ҳолат тугма камчилик бўлса, унда бутун умрга қолади.

Бирор бир нарса ҳақида қатъий билдирилган фикр ишончни ифодалайди. Ишонч ўқувчининг таълим жараёнида олган билимiga тенгдир.

Қараш фикр ва ишончли билимга нисбатан жинс ҳисобланади, яъни улар учун умумий бўлган томонларни ифодалайди. Қарашнинг тўғрилиги у ёки бу одамнинг фикр юритиш усулига боғлиқ бўлади. Агар одам ўз қарашларига қарамакарши бўлган бошқа қарашнинг мавжудлигини эътироф этмаса ва уни текшириб кўришини ҳоҳламаса, бундай қарашлар вақти келиб турли сабабларга кўра йўқ бўлиб кетади.

Қарашларнинг йўқолини қуйидаги сабабларга боғлиқ :

1. Шу қараш эгасининг вафотига;
2. Унинг ақлининг бузилишига;
3. Унинг ўзининг ёки исботининг эсдан чиқинига;
4. Буюмнинг (қарашнинг асоси бўлган - Ф. Д.) йўқолишига;
5. Янглишишига;

6. Шу қарашнинг хатолигини күрсатувчи унга зид бўлган чин қарашнинг илгари сурʼилишига.

Билим –воқеаликни ондин жараёнида олинган натижаларнинг амалиётда тасдиқланниш оқибатида, инсон онгида тасаввур, тушунча, ҳукм, назариялар шаклида айлан ишъикос этиши. Билим табиий ва суний тил воситасида ифодаланади. Кундалик (одатий) ва илмий билимлар фикрланиади. Кундалик билим соглом ажр ва ҳар кунги амалий фаолият турларига асосланади. Бундай билим инсоннинг ташки олам билан муносабатларини шакллантириша, ҳатти-харакатларини белгилашда асос бўлиб хизмат қиласди. Илмий билим тизимлилиги, асосланганилиги, буюм ва ҳодисаларининг моҳиятниги чуқур кириб бориши билан кундалик билимдан фарқ қиласди. Инсон онгида кундалик ва илмий билимлар биргаликда мавжуд бўлади.

Нуқтаи назар. Нуқтаи назарларнинг фарқланиши.

Нуқтаи назар (инг. point of view POV) – субъективни атрофидаги воқеа-ҳодисаларни баҳолашдаги ҳаётий позицияси. Бу термин “кўриш нуқтаси” (кузатувчининг жойлашув ўрни ва унга кўринаётган манзара) тушунчасидан жойлашув чиқкан. Нуқтаи назар оламини ё олдидан, ё кетидан ё устидан ё остидан, ё ичкиаридан, ё ташқаридан, ё ёнбошидан кўришади. Нуқтаи назар туғайли воқеа-ҳодисаларнинг турли изорларидан очилади. Бу термин “жихат” (асспект), “карап”, “дунёкниши” каби тушунчалар билан бўглик. Бир муаммога нисбетине бир қанча нуқтаи назарининг мавжудлиги уни ҷузур қилишига, самаралии ечимиини топишга имкон беради. Субъективга кўра бу термин шахсий (менинг) нуқтаи назар, сужбатланнишнинг (унинг) нуқтаи назари ва улар (кузатувчиларнинг) нуқтаи-назарларига бўлниади. Бунда аввало, нуқтаи-назарни ташкил қилиувчи элементларни ажратиб кўреатамиз: тезис, аргументлар, асослар ва релевант маълумотлар. Дастробки иккى элементтаги аввал кўриб чиқилгани сабабли, уни қайта кўриб чиқинига эҳтиёж йўқ. Биз кейиниги иккитасини кўриб чиқамиз.

Асослар нұқтаи-назарнинг таркибий элементи сифатида қадриятларнинг, шахснинг тарбияси ва маданиятини, унинг үзига хос хусусиятларини ифодалайды. Булар субъектнинг үз нұқтаи-назарини асослаш харақтерини белгилаб бериш билан бирға унинг оппонентнинг нұқтаи-азарига бўлган муносабатини ҳам характерлайди. Маълумки, баҳс-мунозара қандай мавзуда бўлмасин, кўпинча унинг қатнашчилари муҳокама қилинётган масалага нисбатан ўзларининг шахсий муносабатларидан (манфаатларидан) воз кеча олмайдилар. Умуман олганда, бу табий ҳолат бўлиб, одамлар ўзлари бефарқ бўлган нарсалар ҳақида эмас, балки уларни безовта қиласётган масала ҳақида баҳслашадилар. Баҳсга субъектнинг шахсий муносабати аргументлашнинг боришига тезисни исботловчи аргументларга нисбаган кўпроқ таъсир ўtkазади. Айнан баҳс-мунозаранинг иттихасига нұқтаи-назарларнинг асослари катта таъсир кўрсатиб, унинг самарали ёки самарасиз бўлишини белгилаб беради.

Нұқтаи-назарнинг тўртинчи элементи бўлган релевант маълумотлар субъект эгалик киласидан ахборот ҳажмини ташкил қиласди. Бу маълумотар асосида субъект у ёки бу фикрни кабул қиласди ёки инкор этади. Бундай маълумотлар сирасига ҳаётдан олингани мисоллар статистик маълумотлар, иқтибослар ва нуфузли манбаларга мурожаат қилиш киради. Улардан баъзи зарига тўхталиб ўтамиш.

Фактлар ёки фактлар ҳақидаги мулоҳазалар релевант маълумотлар доирасига киради. Улар ҳар қандай ҳиссий ёки эҳтимолий баҳолашдан ҳоли бўлиб, вокеликни қандай бўлса, шудайлигича аке эттиради. Фактларни ўзгартириши жуда мураккаб бўлгани сабабли, улар мунозара иштирокчиларида кучли аргумент сифатида баҳоланади. Бунда фактларнинг ишончли манбалардан олинганинг муҳим роль ўйнайди. Бундай фактлар нафақат баҳслашувчилар, балки кенг аудитория томонидан ҳам бирдек ишонччи, деб кабул қилинади. Баъзан шундай фактларнинг келтирилиши баҳс-мунозаранинг якупланишига сабаб бўлади. Илмий билимлар

релевант мәйлумотлар сифатида нұқтаи-назар таркибида мавжуд бўлади. Бу билимларниң бир қисми ўзининг ишончлилiği ва аниқлилiği билан фактлар билан бр хил туради. Батъилари эса, кўпроқ эътиқодга, ишончга боялик бўлади. Масалан, кўпчилик маҳсус мәйлумотга эга бўлмаса ҳам, электр токи ҳақида мәйлум тасаввурларга эга. Кўпинча бундай билимлар майний турмуш даражасида бўлиб, ток ҳақида ёруқлик манбаи ёки майний техникани ишилатиш учун зарур бўлган манба сифатида тушунилади. Агар баҳс-мунозарада билимлар объектив илмий характерда бўлса, унда улар кучли аргумент ҳисобланади. Лекин бундай аргументлар фақат шундай билимга эга бўлган баҳс қатнашувчиларига кучли таъсири кўрсатиши мумкин. Агар оппонент бу каби илмий билимларни тушунмаса, ёки гап нима ҳақида кетаёттанилитини билмаса, унда бу аргументлар релевант ҳисобланмайди. Албатта, атайлаб ўзини тушунмаганлигига солишини истисно киlgанда.

Аввал айтиб ўтилганидек, баҳс жараёнида субъектнинг нұқтаи-назари турли хил бўлиб, мураккаб ўзига хос ташкил топган системадан иборат бўлади.

Аҳамиятлилик даражасига кўра асосларни учга бўлиш мумкин: биринчиси баҳс-мунозара жараёнида аниқ ва бир маънода баён қилинган ҳолатлар, иккинчиси баҳс-мунозара иштирокчилари томонидан назарда тутилган, лекин аниқ баён қилинмаган ҳолатлар, учинчиси баҳс-мунозарада баён қилинмаган ва янирии қолган ҳолатлар. Шу нұқтаи назардан, юкоридаги ҳолатни айсберг билан таққослаш мумкин. Унинг сув устидаги қисми – бу тезис, аргументлар, бальзи асослар ва релевант мәйлумотлар бўлиб, улар субъект томонидан аниқ ифодалангандир. Айсбергнинг сув остидаги қисми эса, таҳмини қилиш мумкин бўлган асосларини ифодаласа, айсбергнинг энг остики қисми – субъектнинг эътиқод ва қадриятларини ифодалайди. Субъект ҳамма вакт ҳам уларни ракибига аниқ кўрсатишини ҳоҳламайди. Баҳслашувчи томонларнинг мөхирларини ҳам худди ана шу билан белгиланади, яъни ракибига

сув остидаги яъни, қалбининг тубидаги асосий мақсадини билиб олишдан иборат бўлади.

Субъектив ишончилик даражасига кўра, нуқтаи-назарнинг таркибидаги элементларни қўйидагича таърифлаш мумкин: биринчиси – эътиқод – субъектнинг энг юқори даражадаги ишончини ифодаловчи ҳолат. Кўпинча эътиқод субъектнинг позитив-эмоционал муносабатига кўра нуқтаи-назарнинг бошқа элементларида фарқ қиласди. Эътиқод узок вакт давомида шакланади ва шахснинг эътиқодини аргументлаш оркали ўзгартириш деярли мумкин эмас. Чунки, эътиқод рационал асослашни талаб қилмайди. Яъни, эътиқод исботиз қабул қилинади. Шунингдек, эътиқод шахснинг дунёни қабул қилишини ташкил этувчи энг асосий восита ҳисобланади. Эътиқод инсонга ташки оламни кўришни, унда ўз йўлни топишни ва келажакка оид режалар тузиши учун асос ҳисобланади. Шунниг учун эътиқоддан воз кечиш инсон учун дунёқарашини ўзгартириш блан баробардир. Албатта, бирон-бир жиддий таъсиrlар натижасида инсоннинг эътиқоди ўзгариши мумкин. Лекин бундай ўзгариш бир баҳс-мунозара доиратида амалга ошмайди.

Иймон. Бу ҳам субъектнинг юқори даражада бирон-бир нарсага бўлган ишончини ифодаловчи ҳолатdir. Эътиқоддан иймон ишончилик даражаси билан эмас, балки ўзига хос томонлари билан ажralиб туради. Иймон масаласида субъект унинг чинлигига ишонибгина қолмай, бу чинликнинг исботи мавжудлигига ҳам ишонади. Масалан, ҳозирги замондаги одамлар махсус билимга эга бўлмаса ҳам, планетамиз қўёш атрофида айланишига ишонади ва бунинг илмий исботи борлигига ҳам. Эътиқод каби иймон ҳам инсон учун жуда қадрли бўлиб, у бу нарсалардан осонгина воз кечмайди. Шу бенс, бир баҳс-мунозара донрасида эътиқодни, иймонни ўзгартиришига бўлгав уриниш бехуда ҳисобланади.

Флкр. Бу субъектнинг кам даражадаги ишончини ифодаловчи ҳолат ҳисобланади. Айтиш мумкинки, фикрни қабул қилиш учун уни рад этишга нисбатан кўпроқ асослар

бўлган ҳолатдир. Фикр ўзгариб туради, субъект ундан воз кечиши ёки у янада ҳам асосланиб, ишончли фикрга айланиши мумкин. Баъзи ҳолатлар учун фикрнинг ривожланиш жараёнини кўрсатиш мумкиндир. Эътиқод ва иймон нуктаи-назарнинг асосларига тааллуқли бўлиб, баъзан улардан аргументларни шакллантиришда фойдаланилади. Фикр тезисда ҳам, аргументларда ҳам, шунингдек, асосда ҳам учраши мумкин. Фикр ҳамма вақт ҳам тасдиқланган бўлмаслиги туфайли, танқид килиш учун энг осон нишон ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, баҳс-мунозарада асосан фикрларни ўзгартиришга ҳаракат килинади. Баҳс-мунозара субъекти ўз нуктаи назардан у ёки бу ҳолатларни турли сабаблар ва хар хил асосларга кўра киритиши мумкин.

Бевосита ҳиссий қабуллаш. Инсон ташқи оламни билиши учун ҳиссий органларидан фойдаланади. Сезги, идрок ва тасаввур ҳиссий билиш жараёнида вужудга келади ва билимларнинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қиласди. Ҳиссий билиш натижари қайд этилган мулоҳазалар, аргументлар сифатида баҳс-мунозара жараёнида кенг қўлланилади. Тезис сифатида эса, жуда камдан-кам. Албатта, хар қандай ҳиссий билиш айнан бўлмайди. Чунки, ҳис-туйгулар инсонни адаштириши мумкин. Шунга қарамасдан, улар эмпирик асослашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Рационал-аклий асослаш. Рационал асослаш – бу дедуктив мулоҳаза юритиш демакдир. Агар бирон бир фикр дедуктив асослашган бўлса, яъни бевосита асослардан келиб чиқса ва бу асослар чии бўлса, унда ҳулоса ҳам зарурий равишда чин бўлади. Рационал асослаш илмий билимга хос бўлиб, илмий баҳс-мунозарада кенг қўлланилади. Лекин илмий бўлмаган баҳс-мунозарада улардан етарли даражада фойдаланиб бўлмайди. Шунга қарамасдан, баҳс-мунозарада субъектнинг позициясини ўзартириш учун аклий далиллардан фойдаланилади.

Трансляция. Бу термин билимларни рационал асослашнинг ўрнини босувчи ҳолатни ифодалашда қўлланилади. Ҳозирги даврда ахборотнинг кўплиги, тор ихтисосликнинг

мавжудлиги фикр юритишдаги дангасалик билимларни исботсиз, түғридан-түғри ишончли манбадан топишта олиб келмоқда. Мактаб ўқитувчилари, олийгоҳдаги устозлар, дарслуқлар, энциклопедиялар, лугатлар, интернет, оммавий ахборот восталари шундай ишончли манба сифатида инсонга зарурый билимларни етказиб бермоқда, яъни, трансляция килмоқда. Инсон бу маълумотларни текшириб кўриш имконияти йўқ бўлганлиги учун манбаларга ишонишга мажбур. Шу боис, авторитетларга мурожаат қилиш тезисни асослаш учун ўринли усуллардан бири ҳисобланади. Бунда аргументлар сифатида юқоридағи манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланилади.

Интуиция. Интуиция – тилда ифодаланмаган билишнинг рационал шакидир. Баъзан одам айниқса, билимнинг у ёки бу соҳасида мутахассис бўлса, муаммонинг ечимини бевосита “кўриши” мумкин. Албатта, тезисни асослаш учун интуициядан фойдаланиш мумкин эмас. Лекин жуда кўп ҳолатларда интуиция воситасида масаланинг ечими мақбул ёки мақбул эмаслиги асосланади.

Баҳс-мунозарада субъектнинг нуқтаи назарини ташкил этувчи компонентлар қаторида қадриятлар, эътиқодлар, фикрлар мухим роль ўйнайди. Айниқса, қадриятлар ва эътиқод субъект нуқтаи назарининг фундаменти ҳисобланади. Фикр ва билим эса, уларга нисбатан кўпроқ ўзгарувчан бўлиб, айнан шу ҳолат уларнинг танқид қилиниши ва рад этилишига сабаб бўлади.

Нуқтаи назар аргументлашнинг обьекти бўлиб, сұхбатдошнинг нуқтаи назарини аниқлаш ҳар қандай аргументларни таҳлил қилишининг биринчи шартидир. Аргументлашда нуқтаи назар сұхбатдошларнинг маълум бир масалага нисбатан муносабатини ифодаловчи муроҳазадир. Шунга кўра нуқтаи назарнинг таркибида сұхбат мавзуси бўлган масала ҳақидаги фикр ва шу масалага ҳар бир сұхбатдошнинг муносабати қайд қилинган бўлади. Нуқтаи - назарни (муносабатни) ўзгартирин ибораги нимани англатади? Субъектнинг нуқтаи назари – бу

бирон бир мавзуга, масалага тааллукли бўлган ва субъект томонидан тўгри деб қабул қилинган мулоҳазалар йигиндисидир. Субъектнинг нуқтаи назари унинг эътиқоди, билими, тажрибаси, илми, қадриятлар тизими ва б.ларнинг таъсирида шакланади. Унда чин фикрлар билан бирга хато, янглишишлар бўлиши мумкин. Нуқтаи назар субъектнинг ички дунёсини таъсирлайди, чунки у айнан шу шахсга тааллуклидир. Айтиш жойизки, нуқтаи назарни ташкил этувчи қисмлар тилда турли хил ифодаланади. Шунинг учун ҳам бундай тил ифодаларига нисбатан чин ёки ёлғон деб, мантиқий баҳо бериб бўлмайди. Бунда мантиқли ва мантиқсиз, маъноли ва бемаъни деб баҳолаш мумкин.

Бу мулоҳазаларни куйидаги аргументлаш моделини таҳлил қилиб ойдинлаштирамиз: субъектнинг нуқтаи назари табиий тилдаги қатор мулоҳазаларда ифодаланганд бўлсин. Бу мулоҳазалардан ҳар бирига нисбатан субъектнинг ўз муносабати бор:

1. Бу мулоҳазалар субъектнинг нуқтаи назари доирасига киритилиши ёки чиқариб юборилиши мумкин.

2. Агар унинг нуқтани назарига доирасига киритилса, унда маъқулланиши (чин маъноли деб қабул қилиниши) ёки маъқулланмаслиги (ёлғон бемаъни деб баҳоланиши) мумкин. Унда маъқуллаш ёки маъқулламаслик субъектив баҳо ҳисобланади. Шу ўринда айтиш мумкинки, нуқтаи назарни ташкил этувчи қисмларни қабул қилиш ёки рад этиш асослари мутлақо ҳар хил бўлиши мумкин.

Ҳакикатдан ҳам нутқий фаолиятда қўллайдиган мулоҳазаларимизнинг катта қисми субъектив характерга эга, масалан: “Ўғил фарзанд қиз фарзанддан яхшироқ”, “Лимондан мандарин мазалироқ”, “Бунёдкор жамоаси Пахтакордан яхшироқ ўйнайди” ва б. Бу мулоҳазаларни ўқиган ёки эшитгандарнинг билдириган муносабатлари ҳар хил бўлиши табний. Кимдир маъқуллайди, кимдир қисман рад этади, ким учундир бу мулоҳазаларнинг ҳеч бир аҳамияти йўқ, яъни ҳар ким бу фикрларга нисбатан ҳар хил муносабатни билдиради. Бу

муносабат „маъқуллаш”, „рад этиш” ва „бефарқлик” - шу уч холатдан бирига мос келади. Масалан: “ОЎЮ талабаларининг стипендияси сессия натижаларига боғлиқ бўлмасдан, ҳамма бир ҳил стипендия олиши керак” мавзуда мунозара ўтказилаётган бўлсин. Мунозара иштирокчилари орасида тезисни маъкулловчи, уни рад этувчи ва унга бефарқ бўлганлар бор. Шундан бефарқ бўлган иштирокчининг мавзуга муносабатини таҳлил қилиб кўрамиз. Бу иштирокчи ўзи учун ўртага ташланган маълумотларга муносабатини белгилаб олиши керак бўлади. Биринчидан, у маълумотлар эътиборга лойиқми ёки ёки йўқми, яъни баҳс мавзусига тааллуқлими ёки йўқми деган саволга жавоб бериши; иккинчидан, бу маълумотларга баҳо бериб, ўз муносабатини билдириши; шундан сўнг бу маълумотлар муҳокама мавзусига нисбатан унинг нуқтаи назарини ўзгаришига таъсир қиласидими йўқми, аниқлаб олиши керак бўлади. Юқоридаги мисолни умумлаштирилган холда, субъект нуқтаи назари ўзгариши деганда аргументлаш жараёнда субъект фикрини рад этишдан маъқуллашга ёки аксинча ўзгариши тушунилади. Бу жараёнда нуқтаи назарининг ўзгариши субъектнинг қабул қилган ахбороти (аргументлар) асосида ўзида мавжуд бўлган ахборотни қайта баҳолашини, яъни ўйлаб хулоса чиқаришини билдиради. Айнан шу нарса, яъни ўйлаб хулоса чиқариш субъект нуқтаи назарининг ўзгаришидир. Бу ўзгариш рад этишдан маъқуллашга ўтса, ижобий (позитив), унинг акси бўлса, салбий (негатив) ҳисобланади. Ижобий нуқтаи назар конструктив характерга эга бўлади. Салбий нуқтаи назар деструктив характерга эга бўлади.

Қарама-қарши нуқтаи назарлар биргаликда мавжуд бўлиши, бир-бирини тўлдириши мумкин. Зиддиятли нуқтан назарлар бир-бирини мутлақо рад этади

Тўл ифодаларидан қўйидагилар нуқтаи назарининг индикаторлари бўлиб хизмат қиласиди: “Мен ишонаман..., мен биламан..., ҳақиқатдан ҳам шундай..., менимча шундай эмас..., менимча бу тўғри эмас..., бу фикрга кўшиламан..., бу фикрга кў-

шилмайман..., масалага менинг муносабатим шундаки...” ва ҳ.к. Масалан, “мен хорижий тиллардан бирини билган одам илмий тадқиқотини муваффақиятли бажара олишига ишонаман.” Сұхбат мавзуси бүлған масала ҳақидағи фикр: “Хорижий тиллардан бирини билган одам илмий тадқиқотини муваффақиятли бажара олади.” “Мен ишонаман” – ифодаси шу масалага бүлған муносабатни қайд қылади.

Аргументлашда нұқтаи назар ҳамма вақт ҳам аник равшан ифодаланмайды. Бундай холатларда нұтқдаги “демак..., шуннинг учун..., шундай қилиб..., шу сабабдан...” каби иборалар ёрдамида нұқтаи назарни аниқлаш мүмкін. Аргументлаш жараёнида: аввал аргументларни айтиб, кейин нұқтаи назарни баён қилиш (1) ёки аввал нұқтаи назар айтилиб, сүнгра уни далилловчи аргументлар келтириш (2) мүмкін. Аргументлашнинг биринчи тартиби регрессив, иккінчиси прогрессив дейилади.

Прогрессив аргументлашға мисол: “Ҳар бир одам биринчи навбатда ўз-ўзини тарбия қилиши керак, деб үйлайман (нұқтаи назар). Ҳар биримиз ўз-зимизни, хусусан, күнглимини идора қила билмоғимиз шарт. Ҳазрат Алишер Навоий таъбирлари билан айтилса, күнгил - бадан мулкининг подшохидир. Күнгилнинг саломатлиги - баданинг ҳам саломатлиги, унинг нотоблигиги - бунинг ҳам нотоблигидир (аргументлар).” (Тохир Малик. Одамийлик мулки.)

Регрессив аргументлашға мисол: “Ҳар биримиз ўз-ўзимизни, хусусан, күнглимини идора қила билмоғимиз шарт. Ҳазрат Алишер Навоий таъбирлари билан айтилса, күнгил - бадан мулкининг подшохидир. Күнгилнинг саломатлиги - баданинг ҳам саломатлиги, унинг нотоблигиги - бунинг ҳам нотоблигидир (аргументлар). Шунинг учун ҳам, ҳар бир одам биринчи галда ўз-ўзини тарбия қилиши керак, деб үйлайман (нұқтаи назар).”

Аргументлашни таҳлил қылғанда, нұқтаи назарни ҳимоя килувчы ёки инкор этувчи аргументларни ажратиш зарур. Аргументларни қуйидаги тил ифодаларига күра топиш

мумкин: “биринчидан..., иккинчидан...; аввал..., ундан кейин...; ниҳоят...; шунга кўра... ва б.” Нутқ ёки матнда аргументловчининг нуқтаи назар ва аргументларга бўлган муносабатини (ишончи, шубҳаланиши, қўшилиши ва б.) турли сўз ва иборалар ёрдамида аниқлаш мумкин. Булар: “албатта, сўзиз, шубҳасиз, эҳтимол, балким, бўлиши мумкин, умуман олгандা, умид қиласман, шундай десак ҳам бўлади, кўриб турганингиздек ваб.”.

Баъзан аргументлаш амалиётида нуқтаи назар ва аргументларни ажратувчи индикаторлар бўлмайди. Бундай холатда аргументлашнинг прогрессив ёки регрессив эканлигини аниқлаш қийин бўлади. Масалан: “ Умид шахмат тўгарагидаги машғулотларга боргиси келмаяпти. У шахмат тўгарагидаги Камола билан бирга мусобақалашишни истамайди.” Бу аргументлаш регрессив ёки прогрессив бўлиши мумкин.

1. Прогрессив аргументлаш. Агар биринчи мулоҳаза нуқтаи назарни ифодаласа, иккинчиси аргумент бўлади. (“Умид шахмат тўгарагидаги машғулотларга боргиси келмаяпти – нуқтаи назар. У шахмат тўгарагидаги Камола билан бирга мусобақалашишни истамайди – аргумент.”)

2. Регрессив аргументлаш. Биринчи мулоҳаза аргументни ифодаласа, иккинчиси нуқтаи назарни ифодалайди. (“Умид шахмат тўгарагидаги машғулотларга боргиси келмаяпти – аргумент. У шахмат тўгарагидаги Камола билан бирга мусобақалашишни истамади – нуқтаи назар.”)

Бундай холатларда аргументлашнинг контекстига эътибор қаратиш керак бўлади. Аргументлашнинг контексти вербал (ёзма ёки оғзаки қўшимча маълумотлар) ёки новербал (сўз оҳангъ, ургунинг кўйилиши, гапиравчининг юз ифодаси, қилиқлари ва б.) бўлади.

Аргументлашни таҳлил қисиши алгоритми.

Аргументлашни таҳлил қилиш учун куйидаги холатни аниқлаш керак: матнда бирор нуқтаи назар далилланганми? Агар далилланган бўлса:

- масалага нисбатан қандай нуқтаи назар(лар) мавжуд?

- нүктай назар позитивми ёки негатив?
- қайси аргументлар нүктай назарни химоя қилади?
- аргументлаш асословчими (исботловчи) ёки тапқыл қилувчими (рад этувчи)?

-аргументлаш прогрессивми ёки регрессивми?

Мисол келтирамиз. 1-матн.

“Навоий энг қадрлаган инсоний туйгулардан бири меҳр туйгусидир. Меҳр-рухиятта хос бўлган туйгулардан бири бўлиб, эътиборлилик ва ғамхўрлик бу туйгуни бошқа туйгулардан ажратиб турадиган мухим белгилардир. Меҳр инсонга хос бўлган энг бегараз туйғу бўлиб, гараз билан ёки ўз манфаатини қўзлаб кўрсатилган эътибор, ғамхўрлик меҳр хисобланмайди.” Бу матнда аргументлаш мавжуд эмас.

Алишер Навоий “Махбуб ул-қулуб” асарида шундай деб ёзди: “Химмат тушунчаси саҳийлик тушунчаси билан ёндош бўлиб, бегараз кўрсатилган моддий ёрдамни ифодалайди. Лекин бу туйғу саҳийлик каби доимий бўлмайди. Химматли кишиларнинг даражаси юксакдир; аммо саҳийликнинг даражаси бир неча баробар юксакдир Чунки саҳий ҳамма вақт химматлидир, химматли эса, ҳамма вақт ҳам саҳий бўла олмайди. Химматли инсон хеч қачон тубанлик қилмайди. Химматсиз инсонлар, хазиналари бўлса ҳам, ҳеч кимга фойда келтирмайдилар.”⁶⁵

Матнда аргументлаш мавжуд бўлгани учун уни юқоридаги алгоритмга мувофиқ таҳлил қиласиз:

Нүктай назар: “Химматли кишиларнинг даражаси юксакдир; аммо саҳийликнинг даражаси бир неча баробар юксакдир.”

Нүктай назар позитив характерда.

Нүктай назарни химоя қилувчи аргумент: саҳий ҳамма вақт химматлидир, химматли эса, ҳамма вақт ҳам саҳий бўла олмайди.

Бу асословчи аргументлаш. Прогрессив аргументлаш.

Шубҳа – буюм ва ходисалар ҳақидаги у ёки бу мулоҳаза-

⁶⁵ Навоий А. Махбуб ул-қулуб. Б. 61-62

нинг чин ёки ёлғонлигини аниқлаш талаб қилинганда вужудга келадиган ишончсизлик холати. Бирон-бир нарсадан шубҳала-ниш учун албатта асос бўлиши керак. Ҳеч бир асоссиз бирон – бир мuloҳазага ишониш мумкин, лекин асоссиз шубҳаланиб бўлмайди. Шубҳа илмий билиш ва кундалик ҳаётда, воқеа, ходисаларни синчиклаб эътибор бериб ўрганиш натижасида, билимнинг ишончли асосларини топишга ёрдам беради. Ажабланиш ва шубҳа – фикр юритиш манбаидир. Марк Туллий Цицерон шубҳа орқали ҳақиқатга келамиз деб ёзган бўлса, инглиз файласуфи Френсис Бэкон ким ишонч билан бошласа, шубҳа билан якунлайди, кимки шубҳа билан бошласа, ишонч билан якунлайди деб, таъкидлайди.⁶⁶

Коммуникация жараёнида шубҳа коммуникантлардан бирининг бошқаси берган ахборотини чин ёки ёлғон деб баҳолаш учун аргументлар етарли эмас деган хуносасининг натижасидир. Шубҳаланиш берилган ахборотни инкор қилишга ёки уни ўзgartирувчи янги ахборотни қидиришга олиб келади. Ҳар икки холатда ҳам ахборот ҳакида қатъий бир фикр билдирилмайди. Фикрга нисбатан шубҳа билдирилганда “бўлиши мумкин эмас,” “ишонмайман,” “йўғ-э,” “нахотки” каби иборалар қўлланади.

II БОБНИНГ ХУЛОСАСИ

II бобда тадқиқ қилинган масалалар доирасида қуйидаги хуносаларни қайд этамиш:

- ❖ Аргументлашнинг коммуникатив модели 4 элементни ўз ичига олади: субъект-субъект (аргументатор реципиент) муносабтлари
- ❖ Аргументлаш предмети (муаммо, мавзу ахборотининг мазмуни);

⁶⁶ Карафт http://www.wisdoms.one/tatati_pro_somnenija.html

❖ Мантиқий структураси (мантиқий исботлашга мос келади): томонларнинг тезислари, аргументлари ва исботлаш усули (демонстрация);

❖ Жараённи бошқариш қоидалари (регламент, тактика, методика ва ҳ.к.)

Нутқий актни тушуниш (коммуникатив эфект) ва уни қабул қилиш (интеракционал эфект) бир бирига мос келиши шарт эмас.

Нутқий актнинг коммуникатив ва интеракционал жиҳатлари бир бирига маълум даражада боғлангандир. Уларнинг хар иккиси айнан бир мулоҳаза ёрдамида амалга оширилади. Баъзан нутқий актнинг коммуникатив ва ингеракционал жиҳатлари бир бири билан мустаҳкамланган бўлади. Бундай боғликлик бўлмаганда сўзловчининг нутқидаги баъзи холатлар орқали уларни аниқлаш мумкин. Асосан бундай алоқадорлик нутқий акт баён қилинганда контекст орқали аниқланади.

Нутқий ифода кўшимча маънони имплицит (яширин) холда билдириши мумкин. Ёзма ёки оғзаки матндан яширин маъно мулоқот жараёнида аниқланади.

Фикрдаги тафовутлар маълум бир мавзу/масала бўйича пропонент ва оппонент нуқтаи назарлари бир-бирига мос келмаганда пайдо бўлади. Баҳс мавзусига нисбатан баҳс иштирокчиси ижобий, салбий ёки бетараф муносабатда бўлади. Баҳс иштирокчиларидан бири мавзуга нисбатан ижобий муносабат билдирса, бошқаси салбий муносабат (тапқид қиласи ёки рад этади) билдиради.

III. БОБ. АРГУМЕНТЛАШ ВА ҚАДРИЯТЛАР

Азвалги бобда таъкидланганидек, қадриятлар нуқтаи назарни ташкил этувчи муҳим элементлардан биридир. Аргументлаш жараёнида қадриятлар нуқтаи назарда, яъни баҳс мавзусида ва нуқтаи назарни асослаш учун келтирилган аргументларда акс этади. Қадриятлар тўқнашуви баҳс мавзуси бўлганида фикрнинг чишлиги ва мақбуллиги масаласи юзага

чикади. Бунда нуқтаи назар ёки уни асослаш учун келтирилган далиштар қай даражада чин ва ишончли эканлитигини аниқлаш назарий ва амалий аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу бобда аввал аргументлашда чинлик ва мақбуллик мезонларини аниқлаб олиб, кейин ахлоқий ва диний қадриятларнинг аргументланиши масаласини таҳлил қилишни мақсад қилдик.

3.1. Аргументлашда чин, ёлғон ва ишончлилик концептларининг таҳлили

Коммуникация жараёнида ахборотнинг чинлик қимматини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, глобал ахборот оламидаги маълумотлар чин, ёлғон, ҳақиқатга яқин, қисман чин, қисман ёлғон каби чинлик қимматига эга. Ёлғон муаммоси ижтимоий ҳаёт ва инсонлар онгида ҳаммавақт муҳин ўрин туттган. Чунки коммуникация (мулоқот)нинг турли даражаларида мулоқот иштирокчилари томонидан ёлғон ахборотнинг турли кўринишларда тарқатилиши (намоён бўлиши) жамият аъзолари ўртасида норозиликлар, низоларни келтириб чиқариши, жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Инсоннинг кундалик тажрибаси ёлғон ҳамма вақт ҳам қисқа муддатли коммуникатив акт эмаслигини тасдиғлайди. Баъзан ёлғончининг ёлғони тез ошкор бўлиб, ҳақиқат қарор топса ҳам, унинг адресатга (тингловчига) ва ёлғон гапираётган одамнинг ўзига таъсири узоқ муддатлидир. Бу таъсир ишончнинг йўқолиши, низоннинг келиб чиқини, “кўнгил қолиши” (муносабатларнинг совуклашуви) кабиларда намоён бўлади.

Коммуникатив феномен сифатида ёлғон қандай таърифланади ва аргументлаш жараёнида қандай ўрин эгаллайди?

Филсафа тарихида бу масала антик даврдан бошлиб, ҳозирги кунга қадар кенг муҳокама қилинади. Биз бу муҳокамалар натижаси бўлган баъзи холосаларни қайд қиласиз:

1. Ҳақиқат мавжуд экан, ёлғон мавжуд бўлади, ёлғон эса ҳақиқат мавжудлиги учун мавжуд. Таасиуслаш бир пайтининг

ўзида инкор этишдир, инкор этиш таса бир тийгинин ўз таса диклашдир. Инкор этиш ўз ичига ҳакиқат ва ғылыми олар таедиқлаш ҳам ўз ичига ёлғон ва ҳакиқатни олар 2. Өмнөттеги тарихида ёлғон тушунчаси хато тушунчаси билан кам, әмбәй мос тушади. Күргина фалсафий таълимиларда ҳакиқат сезги органлари ва тана хошиш истаклари сабаб бу жаңа күрсатилади.

3. Фикрнинг чин ёки ёлғонлигини аниқлагандаги *Информация* Учинчиси истисно қонунларига амал килиш зарурлуги таъсирланади.

Ёлғон факат коммуникатив маконда мавжуд бўлалди. Ёлғон мулокот жараёнида соф холда учрамайди. “Ёлғон” түшунчаси билан жуда ҳам кенг тармоқли ҳис туйғулар идрок этилади.

Мулокотда ҳар қандай нотўгри маълумот хам ёлғон эмас. Балки инсон атайлаб бошқаларни алдаш учун ишлатадиган маълумотларгина ёлғондир. Шунингдек, алдаш – яъни заман килиб, уни бажармаслик, ҳакиқатни яшириш, айтмаслик кўшиб айтиш ва иккюзламачилик ҳам ёлғоннинг кўринишларидир.

Мулоҳазалардаги ноаниқликлар билан бирон ахборотни етказаётгандаги қасдан унга ўзгартириш киритиш срасиз фарқ мавжуд. Бу хато ва алдов ўртасидаги фаркка ўжшайти Илмий адабиётларда алдов, ёлғон ва нотўгри тушунчаларидан таниқари дезинформация тушунчаси ҳам ишлатилади.

Дезинформация тушунчасини ёлғон тушунчаси билан со-лиштириб ўрганилса, “дезинформацион интенсия (касдан алдаш) билан боғлиқ кўплаб ёлғон тушунчалар масаласи юзага чиқади”⁶⁷. Дезинформация (сохта хабар) тушунчасининг мөхиятини очиш учун дезинформацион интенсия, интенциал дезинформация, ноинтенциал дезинформация, трансинформацион интенсия каби тушунчаларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

⁶⁷ Карап. Синиев В.И. Заблуждение, ложь, дезинформация (соотношение терминов) // Философские науки. - 1982. № 1. - С. 76-84.

Дезинформация – бу ҳар қандай ахборотни сохталаштириш бўлиб, унда ёлғон (объектив) ахборотни ҳақиқат деб ёки ҳақиқий (объектив) ахборотни ёлғон деб етказилади.

Дезинформацион интенция⁶⁸ – бу хабар берувчининг сухбатдошини хато қилишга мажбурлашидир. Хабар берувчи ўз хабарининг чинлигини билади, лекин сухбатдоши уни ёлғон сифатида қабул қилишини истайди ва аксинча хабар берувчи ўз хабарининг ёлғонлигини билади, лекин сухбатдоши уни чин деб қабул қилишини истайди.

Интенсиал дезинформация – чин билимга эга бўлган хабар етказувчи атайлаб тингловчига ёлғон хабарни етказади.

Трансинформацион интенция – хабар берувчи берайтган хато хабарни иложи борича ҳақиқатга яқин қилиб етказишга харакат қилиниши.

Нюинтенсиал дезинформация – трансинформацион интенсияга асосланади, яъни хабар берувчи ахборотнинг сохта эканлигини билмасдан ҳақиқат деб тингловчига етказади.

Ёлғон ва дезинформация тушунчаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу тушунчаларни синоним деб тушуниш нотўғри. Дезинформация шунчаки ёлғон хабарни ташкиллаштириш босқичининг асоси бўла олади. Асосий фарқ шундаки, дезинформацияда субектнинг мақсади, манфаатлари ва иродави аҳамиятга эга бўлмайди, шунчаки ҳақиқий хабар хато шаклида етказилади. Ёлғон тушунчасига яқинроқ тушунчалардан бири бу “интенсиал дезинформация” тушунчаси бўлиб, унда ҳақиқий билимга эга бўлган хабар етказувчи атайлаб тингловчига ёлғон хабарни етказади.

Шундай қилиб, ёлғоннинг мавжудлиги ахборотларни ўзгаририши билан боғлиқ бўлади. Буида:

1. Ахборот сифат жихатдан ўзгаради, яъни макон, вакт билан боғлиқ холатлар алмаштирилади.

2. Ахборот микдор жихатдан ўзгаради, яъни тўлиқ берилмайди ёки ортиқча маълумотлар берилади.

⁶⁸ Интенция (лат. intensio «интенсив, мақсад») — онглиниг, тафаккурининг бирон-бир предметта пўнчаликнинг бўлиб, унинг несебта мақсад ётаси.

3. Ахборот икки хил талқин килиш мумкин бўлган кўришида берилади.

4. Ноўрин ахборот берилади, яъли мавзуга бўлган муносабатни ё изжобий ё салбий томонига ўзгартирадиган ахборот берилади.

5. Ёлғон ахборот берилади.

Ижтимоий онга ёлғон турли кўринишларда номоён бўлади. Шунга мос ранинда унинг миллий тилларда ифодаланиши ҳам турличадир. Ўзбек тилида ёлғонининг нутқда ифодаланиши ранг-барагдир. Буларни шартли равишида икки груҳга ажратиш мумкин: билиши жараёни билан боғлиқ бўлган ва ахлоқий баҳолар билан боғлиқ бўлган.

Янглишиш, хато, нотўғри каби тушунчалар билиш билан боғлиқдир. Ахборот чинлик қийматининг ёлғонга қараб ўзгариши бу тушунчаларда акс этади. Ахборотнинг хато, нотўғри ёки янглиш бўлиши билмаслик оқибатида ёки билиб туриб, қасдан содир бўлади. Бу холат қандай коммуникатив мақсадни амалга ошириш режалаштирилганлиги билан белгиланади.

Хушомад, тухмат, бўхтон, носамимий, сохта, алдов, риё каби тушунчалар эса ахлоқий баҳолаш билан боғлиқ. Ёлғоннинг бу кўринишлари оппонентга нисбатан қўлланадиган хийлалар сирасига киради. Коммуникатив мақсад ҳар қандай усул билан оппонентни мот қилиш ва ғалаба қозониш бўлганда бу хийлалар қўлланади.

Биз баҳс мунозара жараёнида, нотиқнинг нутқида чин ва ёлғонни фарқлаш учун бу тушунчалардан ҳар бирининг таърифини аниқлаштириб оламиз:

❖ Янглишиш - билимнинг чекланганлигини ифодаловчи гносеологик баҳо.

❖ Хато- чин деб қабул қилинган ёлғон фикр; 2) мантиқан хато фикр, яъни фикр юритиш жараёнида мантиқ конун, қоидаларининг бузилиши. Мантиқан хато билан фикр объектига нисбатан эътиборсизлик, билимсизлик туфайли юзага келадиган хатони ва сўз ифодаланиши билан боғлиқ хатоларни (омонимия ва б.) фарқлаш зарур. Хатолар турли мантиқий

амаллар ва хulosса чиқариш турларига боғлиқ холда таснифланади. Шунга кўра тушунчани бўлишдаги хато, таърифлашдаги хато, дедуктив ва индуктив хulosса чиқаришдаги хатолар, аналогиядаги хатолар, исботлашдаги хатоларни кўрсатиш мумкин.

❖ Нотўри – ҳақиқатга мос келмайдиган, тартиб-қоидага, умумий меъёрга мос келмайдиган фикр ва хатти-харакат.⁶⁹

❖ Ноҳақ – қонунга хилоф, зид, гайриқонуний гал гапириш, харакат қилишдир. Бунда ҳақиқат тушунчаси адолат, адолатсизлик тушунчаси ёлғон билан мос тушунилади.

❖ Нохолис – ғаразли, ҳақиқатта зид холда, билиб туриб ҳақиқий холатни инкор қилиш бўлиб, унда субъектив манфаатларга асосланилади.

❖ Риё – иккизламачилик, мунофиқлик, носамимийлик. Бошқалар мени “шундай” деб ўйласин деган мақсадда киши кўзига ўзининг аслини яшириб кўрсатиш.

❖ Сохта – сунъий, ясама, қалбаки ҳис-туйғуларни, предметларни намоён қилиш. Масалан, қўрқоқ бўлатуриб, ўзини ботир қилиб кўрсатиш.

❖ Ҳушомад – сұхбатдошини унда йўқ бўлган хислатлар билан мақташ ёки бор хислатларини бўрттириб, ошириб кўрсатиш бўлиб, ёлғоннинг бир тури ҳисобланади. Ҳушомад қилувчи ўз манфаатини кўзлайди.

❖ Тухмат – қилмаган ишнини килди, айтмаган сўзини айтди деб айблов кўйишидир. Тухмат атайлаб, фактларни танлаб амалга оширилади.

❖ Бўхтон – тухматнинг бир кўрининши бўлиб, унда бир одамни қоралаш мақсадида турли сохта фактлар танланмасдан, аралаш келтирилади.

Ёлғоннинг бир кўрининши бўлган алдов – заарар келтирадиган ёки безара(атайлаб ёлғон гапиришига инсбатан нейтрал мазмундаги) ёлғон маълумотларни тарқатиниши ифодаловчи тушунча. Бу тушунча ахамиятсиз, безараар, кечиримли бўлган ёлғонни ифодалайди. Бундай алдашдан мақсад сұхбатдоши

⁶⁹ Карапиг. Ўзбек тилининг изоҳи дугати. З-жизд. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.

билин яхши муносабатларни ўрнатиб, безарар ёлғони билин ўзини ҳам, сұхбатдошини ҳам хурсанд қилишдир. Безарар алдаш ишонтиришга қаратилмаган, ундан шахсий манфаат күзланмайды. Безарар ёлғон ишлаттан одам бошқаларининг зътиборида бўлишга, маълум бир мавқега эга бўлишга харакат қиласди ва бундан завқланади. Бунга ўзаро сұхбатдаги хол-ахвол сўрашни, ўзини ёки сұхбатдошини мақтасни мисол килиб келтириш мумкин. Безарар ёлғон ҳимоя воситаси бўлиши ҳам мумкин.

Мулоқотдаги ёлғоннинг яна қўйидаги кўринишлари маъжуд:

- Ҳийла, ясамалик ўзини бемор қилиб кўрсатиш, ўзини жинниликка солиш, ясама ҳис - туйғуларни намоён қилиш;
- Ўзини бошқа одам қилиб кўрсатиш, бирорнинг номи билан юриш;
- Плагиат муаллифлик хукуқининг бузилиши, болжа одамнинг кашфиётини ўзиники қилиб кўрсатиш, фикрини ўғирлаш;
- Тушунчаларни алмаштириш (жаргон, сленг);
- Очнқ-ойдин, безбетларча ёлғон гапириш, яъни ҳамма ҳакиқатни билса ҳам, уни инкор қилиш;
- Эртакнамо ёлғон. Бунда болаларнинг саволига тўғридан-тўғри жавоб бермай, жавобни эртаклар, тўқима персонажлар билан боғлаш.
- Бегубор ёлғон, яъни ёлғон гапирувчининг фикрига кўра тингловчига енгиллик келтирувчи, фош бўлса ҳам ноқулайлик тугдирмайдиган ёлғон;
- Яхшиликка хизмат қилувчи ёлғон, яъни одамлар ва жамият манфаати учун гапирилган ёлғон. Масалан уришганларни яраштириш мақсадида айтилган ёлғон;
- Кутимиш учун ёлғон, яъни айбини инкор қилиш, жазодан кутимиш учун ишлатилган ёлғон;
- Сохта гувоҳлик бериш. Ёлғоннинг бу тури доимо қоралангандан ва жазолангандан.

- Қасамни бузиш, ваъдага вафо қилмаслик. Ёлғоннинг бу кўриниши ҳам қаттиқ қораланади.
- Гийбат, қўшиб гапириш, маълум бир мақсадни кўзлаб бор нарсага йўқ нарсани қўшиб гапириш;
- Ўзини айбдор қилиб кўрсатиш, бошқанинг айбини ўз устига олиб ёлғон гапириш. Бу сохта гувоҳликнинг бир тури сифатида кўп холларда жазоланади;
- Лоф, бор нарсани йўқ қилиб, йўқ нарсани бор қилиб ошириб гапириш. Бундай одамларни лофчи дейилади.
- Хазилакам ёлғон. Бошқаларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, устидан кулиш мақсадида ёлғон гапириш.
- Ўз-ўзини алдаш. Ёлғоннинг субъекти ҳам, обьекти ҳам бир кишининг ўзидир. Бундай ёлғон инсоннинг руҳий холати билан боғлиқ бўлади.
- Иҳтиёrsиз ёлғон гапириш. Ўзи ишонган ва чин деб билган, ёлғонлигидан беҳабар бўлган маълумотларни бошқаларга тарқатиш.

Кўриб ўтганимиздек, ёлғоннинг “қиёфа”лари турли-тумандир. Аргументлаш жараённида юкорида тахлил қилинган ёлғоннинг турли кўринишлари аргументлаш тактикасига мос холда, кўпинча голиб бўлиш мақсадида олиб бориладиган баҳсларда учрайди.

Аргументларнинг чинлик ва мақбуллигига кўра тасдифи. X. Вайнрих “Ёлғон лингвистикаси” номли асарида “Инсон ёлғон гапиришга қодир бўлган мавжудотдир” деб ёзади.⁷⁰ Эҳтимол, бундай таъриф одамларга иисбатан ҳурматсизлик бўлиб туолар, аммо бу инсонни фикрлаш, гапириш ва кулини қобилиятига эга бўлган шахс деб берилган таъриф каби тўғридир. X. Вайнрихнинг таърифи ёлғоннинг нутк билан боғлиқлигини тасдиқлайди. Тишлиунослик ёлғонни йўқ қила олмайди ва ёлғоннинг тез тарқалиб кетинига тўскинилик ҳам қила олмайди.

⁷⁰ Карап: Вайнрих, X. Лингвистика джи Текст. / X. Вайнрих / Язык и моделирование социального взаимодействия. Переводы/ общ. ред. В.В. Петрова. М: Прогресс. 1987. - С. 44.

Ҳакиқат ва ёлғон пүткіннің атрибутлары дір, буюомлариниң эмас. Нұтқ бўлмаган жойда ҳакиқат ҳам ёлғон ҳам бўлмайди. Мантиқ дарслеклари ва лугатларда аввал аниқланғани ділек, “ёлғон” “чин, ҳакиқат” түшунчасининг зиддия сифатидә таърифланади. Тафаккур шаклларига нисбатан олганда биз фақат муроҳазанинг чин ёки ёлғонлиги ҳакида фикр юритинимиз мумкин.

Мулоҳазаларнинг чин ёки ёлғонлиги қандай аниқланади? Аввало, айтиш жоизки фикрнинг тұғри курилиши ва хатосиз, яғни чин бўлиши түшунчаларни ўз ўрнида, фақат бир маънода қўллашга боғлиқ. Мулоҳазаларни түшунчаларнинг мантиқий боғланиши деб қарашиб мумкин. Мулоҳазалар таркибидаги түшунчаларнинг аниқ бўлиши уларнинг тұғри ва чин бўлишини учун муҳим аҳамиятта эга. Түшунчаларни нотұғри қўллашиб фикр мазмунининг ўзгариб кетишига ва турли мантикий хатоларга олиб келади.

Маълумки, мантиқий эга ва мантиқий кесим мулоҳазаларнинг таркибий қисмлари бўлиб, уларнинг ўзаро мантиқан тұғри боғлуклиги ҳам фикрнинг тұғри ва чин бўлишини таъминлайди. Куйидаги холатларда мулоҳаза ёлғон ҳисобланади:

➤ Мантиқий кесимда мантиқий эгага хос бўлмаган хусусият тасдиқланса (масалан, “Учбуручак бурчактарининг йиғиндиси 360° га тең.”);

➤ Мантиқий кесимда мантиқий эгага хос бўлган хусусият инкор қилинса (масалан, “Мивали дарияттар баҳорда гулламайди”);

➤ Жузъий чин бўлган мулоҳаза баъзи холатларда умумий деб қабул қилинса (масалан, “Баъзи ўқувчишар матьсулиятсиз.” муроҳазасини “Ҳалима ўқувчишар матьсулиятсиз.” муроҳазаси билан алмаштирилса).

Юкорида кўрсатилган мантиқий хатоларга йўл қўймаслик учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

1. Мантиқий кесимда мантиқий эгага хос бўлган хусусият доимо тасдиқланиши шарт;

2. Мантиқий кесимда мантиқий эгага хос бўлмаган хусусият доимо инкор қилиниши шарт.

Юқоридаги талабларнинг бажарилиши аргументларнинг чинлик даражасини оширишга хизмат қилади. Аргументлар чинлик даражасига кўра чин, ёлғон ва ноаниқ қийматларга эга бўлади. Биз чин аргументлар қандай бўлишини ва ёлғон аргументларнинг турли кўринишларини билиб олдик. Аргументлашга оид ёзилган адабиётларда аргументлар фақат чин ёки ёлғон қийматга эга бўлиши ҳақида фикрлар билдирилган. Биз Я.Лукасевичнинг уч қийматли мантикий системасига асосланиб, аргументлар “ноаниқ” чинлик қийматига ҳам эга бўлади деб тасдиқлаймиз.

Ноаниқ аргументлар қандай бўлади? Чинлигини ҳам ёлғонлигини ҳам аниқлаш мумкин бўлмаган аргументлар ноаниқ бўлади. Бундай аргументларнинг чинлик даражаси 0 ёлғон билан 1 чин ўртасида бўлади. Демак, ноаниқ аргументлар чини кам, ёлғони кўп, ёлғони кам чини кўп, чин ҳам эмас, ёлғон ҳам эмас каби қийматларда бўлади. Бу қийматлар 0 ва 1 оралигидаги миқдорларнинг сони каби кўп бўлиши мумкин. Аргументларнинг ноаниқлик қиймати қандай аниқланади? Шубҳали аргументлар (ахборотлар) нинг чинлик даражаси ноаниқ бўлади. Агар биз ахборотнинг, аргументнинг чинлигига ҳам, ёлғонлигига ҳам шубҳалансак, унда бу ахборот, аргумент биз учун ноаниқ бўлади. Масалан, турли ижтимоий тармоқлардаги COVID 19 га оид маълумотлар дастлабки вактда ахоли учун ноаниқ бўлган, яъни бу маълумотлар бир бирини инкор қылгани учун чин ёки ёлғон эканлиги шубҳа туғдирган. Шу ўринда формал мантиқдаги чиннинг инкори ёлғон, ёлғоннинг инкори чин бўлади деган қондани ноаниқнинг инкори ҳам ноаниқ бўлади деб тўлдирамиз.

Нуқтаи назар ва уни асослаш учун келтирилган аргументларнинг чинлик қиймати билан бир вактда уларнинг ишонарли бўлиши ҳам мулоқотда муҳим аҳамиятга эга. Мақбуллик яъни ишонарлилик билан чинлик қийматларини бирлаштириб, аргументларни чинлик ва мақбуллик даражасига кўра кўра олти турга бўламиз: чин ва ишончли; чин, аммо ишончли эмас; ёлғон ва ишончли бўлмаган; ёлғон, лекин ишонарли; ноаниқ,

аммо ишонарли; ноаниқ ва ишонкарені.

Юқоридаги таснифға күпделік ҳаёт, ОАВ ва ижтимоий тармоқлардан күплаб мисолдарни төнні мумкин.

Мантиқда ва аргументлаши назариясіда ёлғон түшүнчесін

Мантиқда ва аргументлаши назариясіда ёлғон түшүнчесін бир-бираидан фарқланади. Мантикий ёлғон обьектив реалитик ҳақидаги мұлоҳазанның характеристикасі бўлиб, аввал ийтанимиздек, у ҳақиқат түшүнчеси билан таққосланади. Бунда жақынатнинг корреспондентлик назариясига асосланади. Шундай қилиб, мантиқ нұктай назаридан мұлоҳазада фактлар бузиб кўрсатилган, воқелик нотўғри акс эттирилган бўлса, фикр билдирувчи ёлғон гапиришни ҳохлаган ёки ҳохламаганлигидан қатъий назар унинг гапи, яни мұлоҳазада ёлғон қийматига эга бўлади. Агар мұлоҳазада предметта воқеликда хос бўлган белгилар кўрсатилган бўлса, унда у чин бўлади, акс холда ёлғон бўлади.⁷¹

Аргументлашда ёлғон мантиқдагидан фарқли равишда коммуникация жараённининг атрибути ҳисобланади, унда ёлғон ўзаро мұлоқот құлувчи ва бир-бирини түшүнүвчи одамларнинг түшүнчалар оламига нисбатан олинади. Мұлоқотнинг ҳар бир иштирокчиси мұхокама предмети ҳақида ўзининг тасаввурига, дунёқарашига, түшүнчалар оламига эга. Мұлоқотнинг самарадорлиги кўп холларда коммуникантларнинг фикри, түшүнчалар олами бир-бираига қай даражада мос келининг боялиқ. Мұлоқот жараённіда олам манзарасининг айналылти маълум даражада ижтимоий кенвенциянинг (келишувнинг) мавжудлигини таъминлайди. Натижада коммуникантлар мұлоқот жараённіда воқеликни адекват акс эттирибигина қолмастан, уни адекват түшунишлари мумкин бўлади. Аргументлан назариясіда ёлғонни тадқиқ қилиш мұлоқот иштирокчиларининг дунё манзараларини тахлил қылышни талаб қиласди, чунки коммуникантлардан бирининг онгли равишда адекватликнинг бузиши бошқа бирида олам

⁷¹ Карапов Илан А. А. Основы теории аргументации. М., 1997. С. 54.

манзарасининг ўзгарган кўринишини шакллантиради ва “ёлғон” категорияси қайд қилинади. Демак, аргументлаш назариясида ёлғон – чинлик қийматини ифодаловчи баҳо эмас, балки сұхбатдошининг олам манзарасини ўзгартиришга йўналтирилган интеракциянинг⁷² маълум бир кўринишидир. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, қуйидаги таблицада ифодалаймиз.

Мантиқда ёлғон тушунчаси мулоҳазанинг объектив воқе-лика мос келмаслиги деб таърифланади ва мулоҳаза юритувчи субъект эътиборга олинмайди, нима учун субъект бу мулоҳазани гапиргани таҳлил қилинмайди. Аргументлаш назариясида эса, ёлғон тушунчаси коммуникация иштирокчиларида шаклланған олам манзарасидаги холатларни тадқиқ қилиш орқали аникланади ва коммуникантларнинг бир бирига ўзаро таъсири натижаси сифатида ўрганилади. Мантиқда ёлғоннинг корреспондентлик табиати ҳақида сўз борса, аргументлашда унинг коммуникатив когнитив табиати ҳақида фикр юритилади.

Шундай қилиб, мантиқда ёлғон мулоҳаза мазмунининг реал воқеликка мос келмаслигини билдиреса, аргументлани назариясида эса унга бошқа маъни юкландади. Аргументланида ёлғон сұхбатдошида олам манзарасининг бузилған кўринишини шакллантиришга каратилған интеграция деб таърифланади. Коммуникатив жараёнларда ёлғоннинг қандай мақсадларда кўлланишини таҳлил қилиб, бу таърифни янада аниклантирамиз.

Мулоқотда коммуникант биллиб (атайлаб) ёки билмаедан ёлғонни ишилатиш мумкин. Билмаедан ишилатилиган ёлғонга хос хусусият субъектининг фактларни соҳталантириши, сұхбатдошини алдаш мақсадининг йўқлигидир. Бундай холатда биз ёлғон хабарнинг бенҳтиёр узатилишини кузатамиз. Бу иккى хил кўринишида амалга опиади:

⁷² Интеракция (ингл. interaction, лат. inter – ўзаро, астю фалонъ) одамларининг ёки трухтаронинг бир-бирiga ўзаро таъвири.

1. Инсон билмасдан, ниманингдир реал мавжудлигига ишонади, ва ўзи англамаган холда ёлғон ахборот беради. Бу ёлғон янглишиш натижасидир.

2. Инсон ўзи англамаган холда нотұғри маълумотларни хабар қилади ва ўзи ҳам гапининг чинлигига ишонади. Бундай ёлғон түлиқ бўлмаган билимнинг оқибатидир.

Юқоридаги англамаган, атайлаб айтилмаган ёлғоннинг далиллашга алоқаси йўқ, чунки бундай ёлғон кимнингдир нуқтаи-назарини ўзgartириш учун атайлаб қўлланимайди. Англанган, атайлаб (қасдан) айтилган ёлғон далилловчи ёлғондир. Бундай ёлғон сұхбатдошини алдаш учун қасдан ишлатиласди.

Хар икки ёлғон ўртасидаги фарқни яққол тасаввур қилиш учун таблица тузамиз. Таблицадаги “-” белгиси “йўқ”, “+” белгиси “бор” деган маънени билдиради.

	Ёлғоннинг белгилари	Атайлаб ёлғон маълумот бериш	Билмасдан ёлғон маълумот бериш
1.	Субъект айтган фикрининг реал оламга мослиги	-	-
2.	Субъектнинг айтган фикрининг чинлигига ишончи	-	+
3.	Субъектнинг олам манзарасига ахборотнинг мослиги	+	+
4.	Субъектнинг адресатни янглинитириши мақсади	+	-

Оламининг бузилган манзарасини шакллантиришда аргументларни танлаш мухим аҳамиятга эга. Юқоридаги мулодазаларга асосланыб, аргументлаш жарёнидаги ёлғонга қуйидагича таъриф берамиз: ёлғон сұхбатдошида билб туриб (қасдан, атайлаб) оламинг бузилган манзарасини шакллантиришига қараштаган штеракциядир.

Матьлумки, мулокотда ёлғон мuloҳазалар чин мuloҳазалар билан бирдек қўлланади. Энди мулокот жараёнида ёлғон мuloҳазалар билан боғлиқ холатларни таҳлил қиласиз.

Аргументлаш назариясидаги далилловчи ёлғоннинг таърифидан келиб чиқиб, унинг қандай кўринишлари борлигини аниклаймиз. Аввало, далилловчи ёлғоннинг очик-ойдин ва яширин турини кўриб чиқамиз. Даилилловчи ёлғоннинг очик-ойдин тури: ёлғон аргумент ва субъектив аргумент кўринишида бўлади. Ёлғон аргумент кўринишида субъект аргументининг ёлғонлигини билиб туриб қўллади. Бундай холатда аслида иккита ахборот мавжуд бўлади: ҳакиқат ва ёлғон. Ахборотлардан бирининг ёлғонлигини субъект билади ва уни гапиради. Адресат ёлғон ахборотни эшитади, чин ахборотни эшитпайди. Бундай холатда ёлғон ахборот чин ахборотнинг инкори бўлади ва у мутлақ ёлғон ҳисобланади.

Иккинчи холатда субъектив аргумент ёлғон бўлади, ёлғон гапирган одам адресат уни чин деб қабул қилинлигини билади. Бундай холатда ёлғон бошқа одамни олам манзарасига киритмайди, балки уни удан қабул килади.

Далилловчи ёлғоннинг яширин турида ҳам субъект онгли равища адресатда муҳокама предмети ҳакида ёлғон тасаввур хосил қилишга интияди. Лекин бунда субъект факиларни соҳталаштирумайди ва ёлғонлиги аниқ бўлган аргументларни кўллашмайди. Субъект ҳакиқатни айтиб туриб, ёлғон гапиради. Бундай ёлғоннинг муваффакияти алданиб кутини эфектига асосланади. Адресат чин ахборотни қабул қилиб, унга тўғри келадиган сабаб-оқибат алокадорлигини ўрнатади, субъект эса унинг кутишиларини (орзуларини) пучга чиқаради. Адресатнинг ўзи ҳам бундай холатда ёлғонда иштирок этади. У ишончли ахборотдан ўзи хосил қилиган ноадекват хуносаларниң курбонига айланади. Бунга Герадотнинг Лидия ҳукмдори Крез ҳакидаги ҳикоясини мисол қилини мумкни. Крез форслар билан бўладиган жанг олдидан Дельфа бапиоратчи сидан уриш қилиш ёки қизмаслик ҳакида сўрайди. У саволига шундай жавоб олади: агар ҳукмдор форслар билан жанг қиласа,

буюк давлат халок бўлади. Крез башоратдан ўз ғалабаси ҳақида хулоса чиқариб, жангга киради ва мағлубиятга учрайди. У Дельф башоратчисини ёлғончиликда айблайди. Бунга жавобан башоратчи тўғри гапирганилигини, ҳақиқатда ҳам буюк давлат – Крез давлати мағлубиятга учраганини айтади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкини, далилловчи ёлғон монолог эмас, диалогда намоён бўлади. Бу субъектнинг адресатга таъсири эмас, балки уларнинг ўзаро интерактив таъсиридир.

Яширин ёлғоннинг ярим ҳақиқат ва ҳақиқатга асосланган кўринишлари мавжуд. Ярим ҳақиқатга асосланган ёлғон ахборотнинг тўлиқ эмаслиги, бошқача айтганда ахборотни чала гапириш натижасидир. Субъект баъзи ҳаққоний фактлар ҳақида хабар берар экан, онгли равиша, атайлаб масаланинг моҳиятини тўлиқ тушунишга имкон берувчи фактларни тилга олмайди. Натижада адресат чин, лекин тўлиқ бўлмаган ахборотта асосланиб, ёлғон хулосалар чиқаради ва ундаги олам манзараси соҳталанади. Ю.Шербатых “Алдаш санъати” (Искусство обмана) асарида юкоридаги холатга бир қанча мисоллар келтиради.⁷³

Лекин ҳамма вақт ҳам ярим ҳақиқат ёлғон бўлавермайди. Агар кимдир очик-ойдин маълум бир масала бўйича ўзидаги ахборот тўлиқ эмаслигини айтса, унда у ёлғон гапирмаган, балки ҳақиқатни тўлиқ айтмаган ҳисобланади. Лекин, атайлаб ҳақиқатнинг матълум бир қисмини яширган бўлса, унда ёлғон юзага келади.

Яширин ёлғоннинг яна бир тури ҳақиқат ёрдамида ёлғон гапиришдир. Бундай холатда ҳақиқатни айтган одам сухбатдоши уига ишонмаслигини аниқ билади ва ҳақиқатни атайлаб “бўргириб” гапиради. Пол Экман “Ёлғоннинг психологиси. Агар уздалассанг, мени алдагин” (Психология лжи. Обманя меня, если сможете) асарида шундай бир мисолни келтиради: Жерри хотини Руфдан телефонда ким билан гаплашайпсан деб сўрайди. Руф жавобан: “Севгилим билан гаплашайпман, мен у билан ҳар соатда гаплашиб тураман ва учрашув ҳақида

⁷³ Карапин Шербатых Ю. Искусство обмана. СПб. 1997. С.40.

келишиб оламан”-дейди. Жерри бу гапдан сүнг, калака бўлишдан чўчиб, хотинига бошқа савол бермайди.⁷⁴

Мулокотда ёлғон ҳақида гапирганда уни одатда тил ифодаси сифатида таърифланади. Бизнинг фикримизча, ёлғонни факат тил ифодаси сифатида талқин қилиш масалани ниҳоятда оддийташтирган бўлар эди. Биз юқорида ёлғонни интеракция сифатида таърифлаган эдик. Интеракция сифатида ёлғоннинг кўлланишига нутқий таъсир, сұхбатдошларнинг билим дараҷаси, ва улардан бирининг ё ҳар иккисининг аргументлашдан мақсади сабаб бўлади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, қуйидагиларни қайд этишимиз мумкин:

1. Чин аргументини қўллани билан бөглиқ ёлғон:

К_х Ку га А эканлиги ҳақида хабар беради. К_х ўз хабарининг чинлигини (А) билади ва Ку бу хабарни ёлғон (\bar{A}) деб қабул қилишига ишонади. Айнан шу холат, яъни Ку нинг бу хабарни ёлғон (\bar{A}) деб қабул қилиши К_хнинг мақсади бўлади.

(К_х Ку – сұхбатдошлар, коммуникантлар. А – чин ахборот, \bar{A} – ёлғон ахборот)

2. Қисман чин аргументини қўллани билан бөглиқ ёлғон:

К_х Ку га Г эканлиги ҳақида хабар беради ва Г-Внинг оқибати эканлигини билади. Лекин Ку Г- Внинг оқибати эканлигини билмайди. К_х нинг мақсади Ку Г ни Снинг оқибати деб қабул қилишидир.

3. Ёлеон аргументини қўллани билан бөглиқ ёлғон:

К_х Ку га ёлғон хабар (\bar{A}) беради ва К_х ўз хабарининг ёлғонлигини (\bar{A}) билади, лекин Ку бу ҳақда билмайди. К_х нинг мақсади, Ку бу хабарни чин (А) деб ўйлани, кабул қилишидир.

4. Субъектив аргументини қўллани билан бөглиқ ёлғон:

К_х Ку га А эканлиги ҳақида хабар беради. К_х ўз хабарининг ёлғонлигини (\bar{A}) билади, Ку бу хабарининг

⁷⁴ Под Эксп. Психология, таки Обманы меня, если сможешь. ООО Издательство «Питер», 2018. С 23.

чинлигига (A) ишонади. К_х нинг мақсади К_у ни бу хабариниг чинлигига (A эканлигига) ишонтиришдир.

5. Ноаниқ аргументни кўллаши билан боғлиқ ёлғон:

К_х К_у га ноаниқ A ҳақида хабар беради. К_х ўз хабарининг ноаниклигини (A?) билади ва К_у бу хабарни чин (A) деб қабул килишига ишонади. Айнан шу холат, яъни К_у нинг бу хабарни чин (A) деб қабул қилиши К_х нинг мақсади бўлади.

Юқоридаги холатлар аргументлаш жараёнида кўпілаб учрайди. Масалан, “Заминфильм” томонидан 2015 йилда ишланган “Тилим курсин” бадиий филмида коммуникацияда ёлғоннинг турли кўринишлари ва ким, нима учун ёлғон гапириши қизиқарли қилиб тасвирланган. Фильмнинг сценарийсига кўра бир хонадон эгаси бобосидан қолган сеҳрли чойни топиб олади. Бу чойни ичган одам фақат рост гапирадиган бўлади. Чойни ичган бои қаҳрамоннинг умр йўлдоши ҳар гал янги кўйлак киймоқчи бўлганда, ўзини эрига бетоб қилиб кўрсатиб, уйдан пул олишини айтади (субъектив аргументни кўллаш билан боғлиқ ёлғон). Уйни таъмирлаётган уста қурилиш материалларини кўшинга пуллаб, уй эгасига материаллар етмаганини айтиб ёлғон гапиради (ёлғон аргументни кўллаш билан боғлиқ ёлғон). Бу фильмдан мулоқот иштирокчиларининг ҳар бири ўз ёлғонини асослаши (аргументлаши), бир-бирларига фақат рост (ҳақиқат)ни сўзласалар, муносабатлар бузилиб кегиши мумкинилиги ҳақида хулоса келиб чиқади. Демак, ёлғоннинг мантикий (формал) ифодаси билан аргументатив (прагматик) ифодаланиши ўзаро фарқланади. Тушунча ва мулоҳазаларни мантикий ифодаланишига кўра чин ёки ёлғонлигини мантиқ қонунлари асосида аниқлаш мумкин бўлса, далилларда буни аниқлаш нисбатан қийинчиллик тугдиди.

32. Қадриятлар нұқтаи назарнинг асоси сифатида

Қадриятлар нұқтаи назарни ташкил этувчи элемент сифатида баҳс-мунозарада искі хил рол ўйнайды. Биринчидан, қадриятлар ҳар қандай нұқтаи назарнинг асосини ташкил этади. Агар баҳс мавзуси бевосита қадриятлар билан боғлиқ бўлмаса ҳам, улар нұқтаи-назарнинг базиси сифатида у ёки бу ҳолатнинг қабул қилиниши ёки рад этилишида ҳал қилувчи таъсирга эга. Иккинчидан, баҳс-мунозарада шундай ҳолатлар борки, улар бевоста қадриятлар билан боғлиқ бўлиб, тезисни ифодалашда ва аргументларни танлашда иштирок этади. Бу ҳолатлар ҳар бир инсоннинг ҳаётида тез тез учрайди.

Шундай масалалар бўладики, уларнинг ечимини топишда инсон ақлига суянимайди. Масалан, ё ҳақиқатни айтиш керак ёки тинч бўлиш керак. Ҳақиқатни айтса, боши фавгодан чиқмайди, иши, даромади ва б. нарсалардан маълум даражада чеклапади. Тинчликни маъкул кўрса, ҳақиқатдан кўз юмиши, зътиroz ва танқидини яшириши ва оқибатда иллатларга йўл очиб бериши керак. Натижада инсон ақли ва иродаси, билими ва фарогати ўргасидаги танловгага дуч келади. Бу танлов қадриятлар танловидир. Танловда инсон маъкул кўрган қадриятлар у химоя қилалигидан нұқтаи назарнинг асосини ташкил этади.

Қадриятлар баҳе асоси сифатида. Баҳс мунозарада оппонентнинг нұқтаи назари қандай қадриятларга асосланинини аникш масаласи жуда муҳимdir. Чунки, қадриятлар ишонч каби оппонентнинг тезис ва аргументларни қандай талкин қилишига таъсир кўрсатади. Аргументловчи нутқ ишончни бўлиши учун пропонент нұқтаи назаридан яхин аргументларни танлашнинг ўзигина етарли эмас. Баҳс-мунозара жараёнида кўлланиладиган аргументлар оппонентнинг қадриятлар тизимига мос келса, ишончли ҳисобланади. Акс ҳолда, энг кучли аргументлар ҳам оппонентга таъсир кўрсатмайди. Яъни, оппонент уларни эшитмайди ёки нотўғри талкин киласди.

Бахс жараёнида айтилған у ёки бу ҳолатлар баҳслашувчилар томонидан ҳар хил қабул қилиниши мүмкін. Баҳслашувчилар учун ахборотнинг аҳамиятлилик даражаси уларнинг шу ахборотни қандай талқин қилишиларига боғлиқ. Бошқача айтганда пропонент ахборотга коммуникация жараёнида қандай маъно юкландын катыйи назар, ҳабарнинг охирги мазмунини оппонентнинг ўзи белгилайди. Шунинг учун ҳам реклама ва маркетинг коммуникацияларида берилётган ахборот аудитория томонидан қандай қабул қилинишига катта эътибор берилади. Бир ахборот турли аудитория томонидан турлича талқин қилиниши мүмкін.

Қадриятлар тўғрисидаги баҳсда фикр-мулоҳазаларнинг келишмовчилиги бирон-бир обьект ёки ҳодисанинг турлича баҳоланиши, қадриятлар тизимидаги ва қадриятлар иерархиясидаги фарқлар билан изоҳланади.

Қадриятлар билан bogliқ баҳс-муноазараларда қуйидаги амалий вазифаларни бажариш талаб қилинади: биринчиси оппонентнинг нуқтаи назари асосида ётувчи қадриятларни аниклаш ва билиш; иккинчиси – оппонентнинг қадриятлар структурасини билиш орқали уни ишонтириш ва қўйилган мақсадга эриниш учун ундан фойдаланиши; шунингдек, қадриятлар билан bogliқ яна бир тактик усул мавжуд бўлиб, унга кўра оппонентнинг тезиси қадриятларга bogliқ bўlmайди. Лекин чукурроқ даражада бу алоқадорлик мавжуд бўлиб, сезилиб туради. Бундай ҳолатда таңқид кильувчи томон эътиборини оппонент келтирган аргументларни рад этишига қаратмасдан, уларни қадриятлар томонига йўналтириши лозим. Бундай ҳолатда тезисни алмаштириш хатоси юз бермайди. Чунки, таңқид тезисининг қадриятли томонига қаратилган бўлади. Албатта, токоридағи вазифаларни хал қилиш учун қадрият тушиучасининг мазмунин ва маъносини билиб олиш ва унинг бошка тушиучалар билан алоқадорлигни ўрганиш заур.

Қадриятлар масаласи аксиалогия фанининг ўрганиш обьекти бўлиб, баҳолаш ва қадриятларнинг фалсафий назарияси ҳисобланади. Фалсафий адабиётларда “қадрият”

түшүүгчесига берилган күпілаб таърифлар мавжуд. Биз тадкикотимиңда ўзбек файласуф олими К. Назаровнинг таърифига асосланамиз. К. Назаровнинг таърифига кўра: “Қадрият нарса ва буюмларнинг қимматига нисбатан кўлланилмасдан, балки инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган воқеликнинг шакллари, ҳолатлари, нарсалар, воқеалар, ходисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартиблар ва бошқаларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган аксиологик категориядир.”⁷⁵ Айтиш мумкинки, қадрият – бу субъектнинг бирон-бир эҳтиёжини қондирувчи обьектга хос ҳусусиятни ифодалайдиган муносабатнинг характеристикасидир. Қадриятлар баҳолаш билан боғлиқдир, шунингдек, баҳолаш нормалар билан боғлиқдир. Уларни бирлаштириб турувчи нарса айнан баҳолаш ҳисобланади. Баҳолаш баҳс-мунозарада кенг кўллапилади ва у модал сўзлар орқали ифодаланади. Бунида нуқтаи назар ва аргументларга бўлган муносабат яхши-ёмон, рухсат берилгани, зарурий, шарт, таъкидланган, ман этилган тушунчаларни кўллаш орқали ифодаланилади.

Қадриятлар ва баҳолаш.

Нуқтаи назар кўпинча баҳоловчи мулоҳазалар билан баён қилиғеди. Улар дескриптив, яъни тасвирловчи мулоҳазалардан фарқ қиласди. Шу боис ҳам аргументлаш жараённада уларни кўллаш усууларини тадқик қилиш нуқтаи назарлар тўқишишни билан боғлиқ ҳолатларнинг моҳиятини тушунишга имкон яратади. Биламизки баҳолар чин ёки ёлгои бўлмайди. Агар аудиторияни бирон бир тасвирловчи мулоҳазанинг мақбуллигига ишонтирмоқчи бўлсақ, аввало бу мулоҳазанинг чин эканлигини ёки хеч бўлмагандага ҳакиқатта якин эканлигини эътиборга олинг қерак бўлади. Лекин баҳоловчи мулоҳазаларнинг мақбуллигига аудиторияни ишонтириши учун бу усулини кўллааб бўлмайди. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Бу сабабларни таҳлил қилиб кўрамиз.

Энг умумий маъниода баҳо фикрнинг воқеликка қадриятли муносабатининг тилдаги ифодаланишидир. Тасвирлаш эса

⁷⁵ К.Назаров. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). Т. Файласуфлар мислий эканноти наприяти, 2004. 275.

фикр ва воқелик ўргасидаги чинлик муносабатини ифодалайди. Тасвирловчи мулоҳазанинг таърифида ҳақиқат – чинлик марказий тушунча бўлса, баҳоловчи мулоҳазани таърифлашда қадрият тушунчаси муҳим рол ўйнайди. Қадрият баҳоланувчи объект қандай бўлиши кераклиги ҳақида субъектнинг фикри билан объектнинг ўзи ўргасидаги муносабат орқали ифодаланади. Агар объект унга қўйиладиган талабларга мос бўлса, яъни қандай бўлиши керак бўлса, шундай бўлса “яхши” (ижобий қимматга эга) деб қабул қилинади. Таалабга жавоб бермайдиган объект “ёмон” (салбий қимматга эга) деб баҳоланади.⁷⁶ Агар объект яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмаса, унда у бефарқ ёки нейтрал қимматли деб, қабул қилинади. Қадрият (value) объектнинг у ҳақдаги тасаввурга мослик муносабати сифатида, тасаввурнинг объектта мослик муносабатини ифодаловчи ҳақиқаттага қарама-каршидир. Тасаввур (фикр) ва объект солиштирилганда биринчи муносабатда объект асосий бўлса, иккинчи муносабатда тасаввур (фикр) биринчи ўринда бўлади. Агар тасвирловчи мулоҳаза ўзининг объектига мос бўлмаса, унда мулоҳазани ўзгартириш керак бўлади, объектни эмас. Баҳоловчи мулоҳаза билан объект ўзаро фарқ қиласа, унда объект ўзгарниш керак бўлади. Юқоридаги фикрларни кўйицаги мисол ёрдамида ойдинлаштирамиз. Диссертация мазмунни билан унинг режасини солиштирасак, режа диссертация мазмунига мос бўлса, унда тўғри тузилган (чин) бўлади. Агар диссертация режага мос бўлмаса, унда диссертация иотўғри ёзилган деб, салбий баҳоланади. Биринчи холатда фикр тасвирловчи мулоҳаза кўринишида баён қилинса, иккинчи холатда баҳоловчи мулоҳаза кўринишида ифодаланади. Маълум бўладики, ҳақиқат ва қиммат ўргасида муайян асимметрия мавжуд. Вақт инсон учун бебаҳо қадрият хисобланади (ҳақиқат), лекин ҳамма ҳам вақтни бирдай қадрламайди (қиммат).

⁷⁶ Карап Илан А.А. Основания логики оценок. Москва-Берлин. 2015. С.87.

Антропоцентрик назарияга кўра инсон табиат ва жамиятнинг асосий фигураси бўлиб, у жамиятда юз берадиган воқеа-ходисалар марказида туради. У объектив оламдаги ўз ҳаёти ва фаолиятига алоқадор бўлган воқеа-ходисалар, ҳаракатлардан таъсиранади ва ўз навбатида уларга муносабат билдиради. Бу муносабат турли кўринишларда намоён бўлади. Унинг ҳаётий тажрибалари асосида чиқарган хуносалари, асосли, теран мушоҳдалари фалсафий баҳони, ижтимоий ҳаётдаги турли ҳолатларга ўз тафаккури мезонларига таяниб муносабат билдириши мантикий баҳони юзага келтиради. Сўзловчининг муносабат билдиришда жамиятнинг ахлоқий қоидаларига амал қилиши этик баҳони, ўз сезгилари, дидига таяниши эстетик баҳони, ақлий ва хис-туйгуларга асосланиши эса психологик баҳонинг шаклланиши учун асос бўлади. Баҳолаш қандай кўришида бўлмасин, факат лисоний бирликлар воситасидагина ифодаланади. Бошқача айтганда, баҳолашнинг турли кўринишларини ўзаро туташтириб турувчи чоррача марказида инсоннинг нутқий фаолияти туради. Инсоннинг турли воқеа-ходиса, нарса ва предметлардан завқланиши, ички кечинималари ўзаро мулоқотда тилдаги мавжуд баҳоловчи бирликлар воситасида юзага чиқади.

Баҳолаш субъекти сифатида якка шахс, грух, жамоа, ижтимоий институтлар, жамиятни кўрамиз. Аргументатив дискурсда баҳолаш субъектининг ҳаётий тажрибалари, баҳолашнувчи объектга қайси нуқтан назардан ёндашуви ва муносабат билдириши, ижтимоий тажрибаси баҳода ўз акенин топади. Шунингдек, баҳо якка шахенинг маълумоти, касби, яшани тарзи, истеъододи кабилар билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлади. Инсон ўз ҳаёти, фаолияти жараёнида ўзини ўраб турган объектив борлиқ билан тинимесиз муносабатда бўлади. У предметлар, ходисалар, турли вазиятларни, бошқа субъектлар хатти-ҳаракатларини, шунингдек, ўз имкониятларини, ҳаракатлари натижаларини баҳолаб боради. Мазкур ҳолат субъектнинг субъектта бўлган муносабатида баҳонинг сўзловчи

психикаси ва онгита таъсир ўтказувчи восита эканлигини ҳам кўрсатади.

Субъект ва объект ўртасидаги муносабат ифодаланишида баҳолаш характеристи мухим ўрин эгаллайди. У баҳоланаётган обьектнинг субъект учун ижобий ёки салбий аҳамиятга этилигига ҳамда субъектнинг обьектга нисбатан талаб ва эҳтиёжига қараб белгиланади. Субъектнинг обьектга нисбатан турли муносабат билдиришга ундейдиган қараш ва далиллари баҳолаш асоси ҳисобланади. Баҳолаш асоси муким эмас, чунки жамият тараққий қилас экан, кишиларнинг нарса ва предметлар, воқеа-ҳодисаларга муносабати ҳам шунга мос ҳолда ўзгариб туради. Шунга боғлиқ ҳолда жамият томонидан белгилаб қўйилган меъёрлар, баҳо мезонлари, қатъйлашган тасаввурлар ҳам маълум бир ўзгаришларга учрайди. Бир давр учун мақбул қўрилган ўлчов ва мезонлар бошқа даврда қабул қилинмаслиги, талаб ва эҳтиёжларга мос келмаслиги баҳолашини ўзгарувчан табиатини белгилайди.

Баҳолар ижобий ёки салбий мазмунга эга бўлади ва ўзаро фарқ қиласди. Ижобий баҳолашда баҳолаш обьектига хос хусусиятилар ҳакида маълумот берилганда маъқуллаш сезилиб туради. Бунда ифодаланаётган фикр субъектнинг баҳолаш учун асос бўлган фактиларга, айтилган пропозиция мухимлигига ишончини ўзида акс эттиради. Салбий баҳолашда эса унинг акси кузатилади. Бунда маъқулламаслик, норозилик, хатоликка ишора сезилиб туради. Баҳо тушунчаси аргументатив дискурсенинг асосий компонентларидан бири ҳисобланади.

Аргументатив дискурс аксиологик ёки эмоционаллик жиҳатидан таъсирчан, ҳиссий бўйсюр сўз маъноларининг кўп вазифавийлигини таъминловчи характеристерга эгалиги, баҳоларнинг ижобий ёки салбийлиги нуқтани назаридан оппозиция ҳосил қилини билан характеристланади. Баҳолаш дискурси ҳакида танирилганда, нуткий вазият, баҳоловчи бирликларнинг ўзига хос интенсиялари, баҳолашга хизмат қўйувчи далиллардан муносабат билдиришида максадни фойдаланини масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиади. Индивидуаллик баҳолоччи дискурсенинг эй-

мухим хусусиятларидан бири бўлиб, у ўзаро мулокотда сўзловчининг турли мақсадли харакатларида намоён бўлади.

3.3. Ахлоқий қадриятлар ва уларнинг аргументланиши

Аргументлаш назариясига оид турли тадқиқотларда ахлоқий аргументлаш (этическая аргументация, ethical argumentation) алоҳида ўрганилади.⁷⁷ Е.Н.Викторук таърифига кўра ахлоқий аргументлаш маънавий ва амалий, очиқ ва яширин, вербал ва новербал усуслар орқали маълум бир хулқ атвор стереотиплари ва қадриятларнинг чинлигига ишонтириш бўлиб, бу орқали 1)инсоннинг аниқ хатти харакатлари; 2)инсоннинг - ахлоқ субъектиниң ўз хулқи, қилган ишлари ҳақидаги тасаввурлари; 3) бошқа одамларнинг хулқи, қилган ишлари ҳақидаги баҳолари аниқланади. Бу таърифда аргументлаш усуслари (маънавий ва амалий, очиқ ва яширин, вербал ва новербал) ва аргументлашнинг максади (1-4) кўрсатилган. Лекин ахлоқий аргументлашнинг ахлоқий қадриятлар билан алоқадорлиги аниқ кўрсатилмаган. Д. Уолтоннинг асарида ахлоқий аргументлаш шахснинг ахлоқий тажрибаси (қадриятлари) билан боғлик холда амалий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Биз шу каби бошқа тадқиқотларни таҳлил қилини асосида ахлоқий аргументлаш тушунчасини қўлланидан воз кечдик. Бу термин ўрнига ахлоқий қадриятлар ва уларнинг аргументланиши деган тушунчани қўлланини маъкул кўрдик. Чунки ахлоқ соҳасидаги аргументланиши турлари ва усуслари дин, сиёsat, хукуқ ва б. соҳалардагилар билан бир хил. Улар ўртасидаги фарқ қадриятлар тизими ва баҳолаш мезонларидадир.

Ахлоқий қадриятларнинг аргументланиши масаласини кўриб чиқишини ахлоқий қадриятларнинг таърифи ва таснифидан бошлиймиз. Биз бу масалада республикамизнинг таникли ахлоқшунос олими А.Шернинг “Ахлоқшунослик” бўйича

⁷⁷ Карапп Викторук Е.И. Неклассические модели этической аргументации: Монография. - СПб.: Изд-во РГГУ, 2003. Walton D. Ethical argumentation. 2003.

ёзган дарслердеги асосланамиз.⁷⁸ Айтиш жоизки, бу манба-да ҳам ахлоқий қадриятлар тушунчасига таъриф берилмаган. Шунингдек, “Фалсафа қомусий лугатида”, “Маънавият: тушунчаларнинг изоҳли лугатида” ва “Қадриятлар фалсафасида” ҳам ахлоқий қадриятлар тушунчасига таъриф берилмаган. Биз қадриятлар ва ахлоқ тушунчаларининг маъно ва мазмунидан келиб чиқкан холда бу тушунчага қўйидагича таъриф берамиз:

ахлоқий қадриятлар - шахс, ижтимоий груҳ ва жамиятниң ишроғи вожеликдаги объектларга нисбатан инсон манбаатлари ва эҳтиёжларига мос муносабатларниң қамраб олиншиши ахлоқий норма, идеал, талаб, мақсадларда акс этитириб, ижобий ва салбий қўйманини ифодалайтидан баҳолаш мезони ва усулини ифодаловчи тушунчадир.

Ахлоқий қадриятларни аргументлани умуминсоний, мислий, ижтимоий, шахсий ахлоқий норма, идеал, талаб, мақсадларниң баҳолашини нисбатан судиторияниң ижобий ёки салбий муносабатини шакллантириши орқали уларни шу баҳоларниң ҳаққонийигига ишонтириши, қабути қисишиларига ва амалий фарзиятда қўйтишиларига эртишидир.

Бу таърифда инсон манбаатлари ва эҳтиёжлари доирасига қамраб олинадиган объектлар қаторига инсоннинг ўзи ҳам кириши кўрсатилган. Шунингдек, ахлоқий қадриятларнинг субъекти шахс, ижтимоий груҳ ва жамият эканлиги, ахлоқий қадриятларнинг таркибини ахлоқий норма, ахлоқий идеал, ахлоқий талаб, ахлоқий мақсад ташкил этиши қайд этилган. Ахлоқий қадриятларнинг баҳолаш билан боғлиқлиги, баҳолар ижобий ва салбий бўлиши ҳам ушбу таърифда акс этган.

Ахлоқий қадриятлар:

1. Баҳс мавзуси бўлади, яъни нуқтаи назарни ифодалайди. Масалан, “Ростгўйлик фазилатми ёки иллат?” деган масалага иккى нуқтаи назардан муносабат билдириш мумкин. а) “Ростгўйлик фазилатдир”. Б) “Ростгўйлик иллатдир.”

2. Нуқтаи назарни тасдиқловчи аргумент бўлиб хизмат килади. Масалан: “Ақлсиз одамлар билан дўст бўлиш керак

⁷⁸ Карапи Абдулла Шер. Ахлоқинунослик. Дарслик. Г. 2007.

эмас" (нұктаи назар). Аргументлар: а) ақلسиз дұст ақлли душмандан ёмонроқдир; б) дүстинг ақлли бўлса, айбларинг ошкор бўлмайди.

Ахлоқий қадриятларни аргументлашда универсал аргументлар билан бир қаторда контекстуал аргументлардан (урғодатлар, интуиция, эзтиқод, авторитет, сукут сақлаш, мисол келтириш ва б.) ҳам кеңг миқёсда фойдаланилади. Ахлоқий қадриятлар донишмандларнинг ҳикматли сўзлари, халқ мақолларида берилади. Ахлоқий қадриятларни аргументлаш ёзма ва оғзаки нутқ воситасида амалга оширилади. Ёзма аргументлашга панднома асарлар мисол бўлади. Одоб-ахлоқ, хулкавтор масалаларига оид сухбатлар, маърузалар оғзаки аргументлашга мисол бўлади. Шунингдек бадиий кўргазмали воситалардан ҳам ахлоқий қадриятларни аргументлашда фойдаланилади.

Ахлоқий қадриятлар диний, фалсафий, хукуқий, сиёсий, иқтисодий, илмий қадриятлар билан туташ бўлганлиги боис, бу соҳаларга оид аргументлашда ҳам ахлоқий қадриятлар аргумент вазифасини бажаради. Ахлоқий қадриятларни аргументлашдан мақсад баҳоларнинг чинлигига, мақбуллигига адресатни ишонтиришdir. Мулокот жараёнида қабул қилинаётган ахборотнинг чинлиги ва инновчлилиги доимо тўгрilаниб, тўлдирилиб боради.

Ахлоқий қадриятларни аргументловчи дискурсиянинг структураси:

- Баён қилувчи ва баҳоловчи;
- Тушинтирувчи ва баҳоловчи;
- Ўргатувчи ва баҳоловчи мулоҳазалардан иборат бўлади.

Сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларда турли мавзулардаги баҳс- мунозаралар кўп кузатилмоқда. Баҳс, мунозара мавзудари ҳам турли-туман: кундалик ҳаёт муаммоларидан то глобал муаммоларгача. Баҳслашувчи томонлар ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинаётган баҳс мавзусига ўз муносабатларини шарҳларида ёзадилар. Баъзилар мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб фикр билдиресалар, бопикалар шу

мавзуни ёзиб чиқсан шахсга нисбатан ижобий ёки салбий муносабат билдириш орқали ўз нуқтаи-назарларини баён қиласидар. Агар баҳс мавзууси жамият аъзолари катта қисмининг манфаатлари билан боғлиқ бўлса ва мавзуга нисбатан қарама – қарши, хаттоки зид нуқтаи назарлар илгари сурилса, унда фикрлар ўртасида тўқнашув юзага келади ва жамият аъзолари ўртасида шу масала юзасидан бўлиниш (грухларга ажралиш) содир бўлади. Фикрлар тўқнашувчи ҳамма вақт ҳам ҳақиқатни аниклаш учун хизмат қилмайди ва баъзан муаммонинг ечими “ким кимни енгади” деган тортишув туфайли очиқ қолади. Бунда баҳслашувчи томонлар ўз фикрларини асослаш учун қарши тарафни ёмонлаш, камситиш, хақорат қилиш, қўрқитиш каби номантикий усуулларни ҳам кўллайдилар. Баҳслашувчи томонлар ҳамма вақт ҳам баҳс-мунозара шартлари, қонун-қоидаларига амал қилишмайди ёки мунозара қоидалари, одоби ҳақида билимга эга эмас.

Мунозара қандай мавзуда, қайси соҳага оид мавзуда олиб борилишидан қатъий назар унда ахлоқий қадриятларнинг мавжудлигини таъкидлаш мухим. Агар мунозарадан мақсад карши томонни мағлуб этиш ва шу орқали ўзининг илми ва обрўйини кўреатиш бўлса, бундай мунозаралар кибр, манмансиран, ҳасад ва бошқа ботиний бузуқликларнинг юзага чиқининга олиб келади. Нотиқнинг (баҳслашувчиларнинг) ахлоқий фазилатлари ҳам ахлоқий қадриятларнинг аргументланишида эътиборга олиниади. Шу ўринда ибрат аргументи ҳақида тагириш шарт. Аргументлаш жараёнида ахлоқий қадриятларнинг таедиқланиши (ижобий баҳоланиши) ёки инкор килиниши (салбий баҳоланиши) баҳслашувчи томонларнинг хулки, одоби, ахлоқий қаранилари тингловчилар ва баҳслашувчиларнинг ўзи учун ҳам ибратдир. Бунда “у шундай қиляпти, бундай киеса бўлар экан, мен ҳам шундай қиламан” деган тамойил амал қиласиди. Шу боис, Имом Газзолий баҳслашувчиларнинг ярамас хулқлари салбий мунозарани келтириб чиқаринини таъкидлайди. Имом Газзолий баҳслашувчилардаги ярамас хулқлар қаторига қуйидагиларни киритади:

1. Ҳисад. Бу иллатнинг сабабини олим шундай тушунтиради:

“Модомики дунёда бирон кишининг илми ва қарашлари бошқанидан кучли эканини зикр қилиш ёки “фалончи сендан яхшироқ қарашга ва тўғрироқ фикрга эга” дейилиш эҳтимоли бор экан, тортишувчи, албатта, ўз рақибига ҳасад кила бошлайди ва ундаги незъматнинг завол топишини, одамларнинг муҳаббати ва хурмат эҳтиромлари ўзи томонига кўчиб ўтишини чин дилдан хоҳлади.”⁷⁹ Дарҳақиқат, шундай. Бу холат аввалда ҳам, хозирда ҳам кўп кузатилади. Бу иллатдан кутилиш мумкинми? Бунда куйидаги холатни эътиборга олиш зарур: 1. Мунозара гувоҳларсиз, холи, факат баҳслашувчиларнинг ўзи бир бирлари билан фикр алмашишлари керак. Фикримизча, мунозара иштироқчилари бир-бирининг фикрига хурмат билан ёндошса ва ҳар иккисининг мақсади масаланинг ечимини аниқлаш бўлса, ўзаро ҳасадга ўрни қолмайди.

2. Такаббурлик ва ўзни одаимлардан устун қўйши. Газзолийнинг таъкидлашича, тортишувчи ўзини устун қўйиш хасталигидан ҳеч қачон кутулолмайди. Олим бундай хасталикка мубтало бўлганларга хос рухий холатларни тасвирлаб беради: улар давра тўрини талашиб, гавғо кўтарадилар; ўзларига эътибор талаб қилиб, бақир-чакир қилиб юрадилар; хатточи бир йўлакда кетаётган бўлсалар. ким биринчи юришини ҳам талашидилар. Тортишувчилар ўз хатти-харакатларини “илмнинг иззат-обрўсими сакламокчи” ман деб, оқлайдилар. Аслида ўз иззат-обрўлари ташвиши билан банд бўладилар. Газзолий бундайлар “ҳикмат” ва “илм” сўзларини ўзгартириб халқнинг залолатга кетининг сабаб бўладилар деб, огохлантиради. Олимнинг бу фикрлари хозирги кунда фалсафа соҳасида бўлаётган баъзи баҳсларда тортишувчиларнинг холатларини ёдга солади.

⁷⁹ Имом Абу Ҳаниф Мұхаммад ибн Мұхаммад ат-Газзодий. Ихеу узумиддин. Илм китоби. Т. Мовароунахр. 2003. 112-ө

3. *Ҳиқд (гина-кудурат)*. Мунозарада тортишувчилар бир-бирининг фикрига эътиroz билдириши, танқид қилиши, сўзини қадрламаслиги мумкин. Рақибининг бундай муносабати тортишувчининг қалбida гинанинг илдиз отишига ва узоқ вақтгача сақланиб қолишига олиб келади. Агар муно-зарада тортишувчилар бир-бирининг шахсиятларига тегадиган бўлсалар, унда улар орасида адоват пайдо бўлади ва хатто ўч олиш истаги туғилади.

4. *Гийбат*. Бу иллат исломда “ўлимтик ейиш”га ўхшатилади. Ғаззолий тортишувчи томонлар фақат мунозара жараённида эмас, ундан ташқарида ҳам бири-бирини (баъзан ёлғон гапларни қўшиб) гийбат қилишларига эътиборни қаратади. Мунозарачилар бир-бирининг сўзларини ҳикоя қилаёт-ганларида ҳам рақибининг нуқсонларини, ожиз томонларини бўрттириб кўрсатадилар, унга хайриҳоҳ бўлганларни эса жохиллик, фаросатсизлиқда айблаб, камситадилар. Бу билан улар одамларнинг қарама-қарши грухларга бўлининшини бошилаб берадилар, жамоанинг иттифоқини бузадилар.

5. *Ўзни оқлаши*. Ўзни оқлаш нима? Ғаззолий бу иллатни тушунигириш учун шундай ривоятни келтиради: “Бир донишманиддан: “Ўзи тўгри бўлатуруб, жирканч кўринган нарса нима?” деб сўрашди. Шунда ҳаким зот: “Киши ўзини – ўзи мақтасидир”, деб жавоб берди.”⁸⁰ Ҳақиқатдан ҳам шундай мунозара интироқчилари борки, масаланинг моҳияти бўйича фикр билдириш ўрнига ўзларини шу масалада билимдон, неинкадам эканликларини айтиб, голибликка даъво қиласадилар, рақибининг сўзини эшлитишдан, унинг эътирозларига жавоб беринидан қочадилар. Мақтаниш, ўзни оқлаш Ғаззолийнинг таъкидланишича, ҳам шаръян, ҳам ақлан ёмон ишдир.

6. *Жосуслик қилиши ва одамлардан айб қидириши*. Мунозарачилар орасида рақиб бўлиши мумкин бўлган одамлардан хавфсираб, улар ҳақида маълумотлар йигиб юрадиганлари бор. Булар бўлғуси рақибининг илми, асарлари ҳақидаги маълумот-

* Имом Абу Ҳаниф Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Ғаззолий Ихеу узумиддин Илм қитоби. Т. Моварооннахр. 2003. 113-6.

ларгина эмас, унинг ҳәётидаги нүксонлар, танасидаги камчилик ва касалликлар ҳакидаги маълумотлар ҳамdir. Бундай жосусликка сабаб, рақиби устун келганда, унинг камчиликларини, айбларини айтиб, обрусини тўкиш, унга нисбатан ишончсизлик туғдириш, уни нокулай ахволга солиб, довдиратиб кўйиш ва шу тариқа рақибидан устунликка эришишдир. Газзолий бу каби хатти-харакатларнинг номақбул эканлигини, Куръони Каримда ҳам қораланганигини Ҳужурот сурасининг 12-ояти билан далиллайди: “(Ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманлар.”⁸¹

7. *Одамларнинг почор холга тушиб қолганидан севиниб шодлигига гамғин бўлиши.* Бу юкорида кўриб чиқилган иллатларнинг давоми бўлиб, фазилатда баробар бўлган яқинлари ва танишларини кўролмасликдир. Газзолий ўз давридаги уламолар ўргасидаги тортишувларни кузатиб, “Фаҳр ва улугворлик талашадиганлар орасида уис – улфатлик ва хотиржамлик бўлиши мумкинми? Асло мумкин эмас! Бу сифатнинг ёмонлигига мўминга мунофиқлар ахлоқини сингдириб, муттақийлар ахлоқидан узоклаштириши етарли далиллайдир,” – деб, ёзади.⁸²

Олимлар, уламолар ҳалқ маънавиятига масъул бўлган шахслардир. Шоғирдлари, мухинслари ва умуман атрофдагилар улардан ибрат оладилар, уларга эргашадилар, мунозарада илми билан эмас, шундай поҳақ йўллар билан устушинка эришинин ўрганадилар. Бу эса мунозаранинг оғатларидан биридир.

8. *Нифоқ (иккисоззламачлик).* Мунозарачиларнинг нифоқка дуч келини табиний холатдир. Тортишувчи томонлар бир-бирлари, рақибларининг яқинлари, дўстлари билан кўришганда, қалбларидағи кучли адовартини янириб, (зохирац, тилда) ўзаро ҳурматларини изҳор қиласидилар, мұхаббатларини билдирадилар, ўз муносабатларнинг самимийлигига ишонтиришга интиладилар. Газзолий бундай холатнинг Алдоҳ томо-

⁸¹ Куръон Карим маънозаранинг таржима ва тағсирни Ҳужурот сураси, 12-ояти. Таржима ва тағсир низоми Шайх Абдулазиз Мансур - Тошкент “Тошкент ислом университети” 2007

⁸² Ибн Абу Хамид Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Газолий. Ихъу ulumiyat. Илм китоби. Т. Монгрозаҳар. 2003. 114-б

нидан қоралантанлигига Ҳасан Басрийдан далил келтиради: “Инсонлар илм ўрганиб амални тарк қылғанларида, тиллари ила севишиб, қалблари ила адсоватда бўлсалар, силаи раҳмни узсалар. Аллоҳ уларни лаънатлаб, қулоқларини кар ва кўзларини кўр қилиб кўяди.”⁸³ Бу мунозара оғатларидан энг зарарлисизdir. Носамимийлик шубҳани кучайтиради ва эътиқодни, садоқатни сусайтиради.

9. Ҳақдан юз ўғириши, уни ёқтириласлик ҳамда ноҳақ нарсаиди бардавом бўлишига ҳарислик. Мунозарада ҳақиқат қадрланадиган бўлса, ҳақиқатни сўзловчининг ҳам қадри баланд бўлади ва аксинча. Мунозарада сўзлари ҳақ деб эътироф қилинган томоннинг обруси юқори бўлади. Шу боис, мунозарачининг энг ёмон кўрган, ёқтиримаган нарсаси – ҳақиқатнинг ракиби тилидан зоҳир бўлишидир.⁸⁴ Газзолийнинг таъкидлашича, кўпинча мунозара ҳақ ва ноҳақни ажратиш учун эмас, рақибини мағлубиятга учратиш, ғалаба қозониш мақсадида ўтказилади. Бундай тортишувчилар учун ҳақ ва ноҳақнинг, ҳақиқат ва ёлғоннинг аҳамияти йўқ, энг муҳими ғалаба қозонишdir. Ундейлар учун тортишувнинг бардавом бўлиши муҳимроқдир, уларга ҳар қандай фикрга эътиroz билдириш одат бўлиб қолган. Улар голиб бўлиш мақсадида ҳар қандай далилдан фойдалана-дилар. “қалбларидағи эътиroz Куръон далилларидан ёки шаръий лафзлардан ҳам устун бўлиб қолади. Куръон далилларини бир-бирига зид кўя бошлиайди.”⁸⁵ Бу эса, тортишувчининг феълида нифоқнинг ортишини билдиради.

10. Риё, ҳақнинг мулоҳазасини қўшиши, ушариниг қалбига ўзига мойиг этиши ва ўз тарафига қаратишни учун ҳаракат қилиши. Риёкор ўз аслини яширадиган, уни ўзгартириб кўрса-тадиган кинидир. У бошқаларгагина эмас, ўзига нисбатан ҳам носамимий бўлади. Риёкорнинг иккизламачидан фарқи, ўзини бошқалтарга яхши кўрсатиш учун, яхши амалларни тарғиб килади, лекин ўзи ундей қилмайди. Бундай одамлар учун

⁸³ Имом Абу Ҳомида Мухаммад ибн Мухаммад ал-Газзалий. Ихеу узумиз-дин. Илм китоби. Т. Мовароутинарх. 2003. 114-б

⁸⁴ Уша асар, 115-б

⁸⁵ Уша асар, 115-б

мунозарадан мақсад факат ўзини кўрсатиш ва мақтov-олқишиларга сазовор бўлишдир.

Имом Газзолийнинг таъкидлашича юқоридаги ўнта холат ботиний бузукликларнинг асосидир. Баъзи тортишувчилар мунозара охирида инсон номига нолойик бўлган усусларни (муштлашиб; ота-онани, устозларни хақорат килиш; бўхтон ағариш ва б.) хам кўллайдилар. Олим бундан бошқа яна 17 хил ёмон хислатларни санаб ўтади.⁸⁶ Унинг таъкидлашича, дин юксак, акли мунозаравчилар хам бу каби хунук ахлоқдан бутуниш халос бўлолмайдилар. Нима учун? Бу саволга олимнинг инсоннинг мөхиятини кандай тушунтиргани билан таништириш жавоб олиш мумкин. Газзолий одам баданида илмик түзбеклик, девлтик ва фариштатик бордир дейди.⁸⁷ Фариштатик сифати акл түфайлидир, колган сифатлар хиссияткорга боғлиқдир. Инсонда хиссиятлар устун бўлади. Ўзининг учун хам Газзолий дитни бадан мулкиннинг подшоҳига, аклини уннат вазирига киёслайди.⁸⁸

Хиссиятларини аклига бўйсундирган инсон, бошқа шарар каби мунозарада хам ҳакни химоя килади. Акл хиссиятларга тобе бўлганди, мунозара офталари кучаяди.

Баъзилар "мунозарадан фойда бор, у түфайли одамлар илмга тарғиб қилинади, мансаб севгиси бўлмаганди илм инициорзга учрар эди"- дейишади. Газзолий бу фикр килеман тўғри, лекин, бу "илм ривожи учун мансаб севгиси бўлиши шарт" легани эмас"-деб таъкидлайди. Мансаб учун илмини восита киришувчи сохта олим деб атайди. Демак, мунозарага киришувчи аввало ўзининг кайси тоифага киришини, яъни мунозарадан мақсади нима эканлигини аниқлаб олиши шарт. Мунозаравчиларга баҳо берганда хам шу мезонларга асосланиш таълаб қилинади.

Демак, ахлоқий қадриятлар мулоқотда нуктаи назар ва аргумент вазифаларини бажарни билан бирга мулоқот

Имом бабу Кашшадибеков иби Мухаммат аз-Газзолий, Ихъе улумиддин Итм китоби Т. Муассиндор 2003. 336-337 б.

Санъати сизмат (Руҳи хикмати). Тошкент. Адабот, 2005. 39-5.

Санъати сизмат (Руҳи хикмати). Тошкент. Адабот, 2005. 36-37-6.

килувчи субъектларнинг ахлоқий қиёфасини, уларнинг қадриятлар тизимини ҳам очиб беради.

3.4. Диний қадриятлар ва уларнинг аргументланиши

Қадриятларнинг катта қисми дин билан боғлиқ. Диний тасаввурлар ва диний илм диний қадриятларнинг асосини ташкил қилади. Дин (араб. - мулк, хукм, ҳисоб, тадбир, бўйсуниш, итоат қилиш, ибодат қилиш, пархез, йўл тутиш, одат қилиш, эътиқод қилиш ва б.) Худо ёки худолар, гайри табиий кучлар борлигига ишонишидир.⁸⁹ Динни ва унинг инсон ҳаётидаги ўринни аниқлаш учун диний эътиқод тушунчасининг моҳиятини аниқлаб олиш зарур. Диний эътиқод Яратганинг каломи ҳакиқий эканига астойдил ишонишидир. Диний эътиқод инсоннинг дунёқараши ва руҳий йўриқномасидир. Диний эътиқод инсонга ҳар икки дунёда (бу дунёда ва охиратда) мақсад ва ҳохишларига эришишда Яратганинг чексиз марҳаматига бўлган мутлоқ ишончидир. Диний қадриятлар инсоннинг ўзи томонидан яратилмайди, балки Яратганини таниш ва пайғамбарларнинг башоратлари орқали шаклланади.

Диний қадриятлар диндорларнинг эътиқодлари ва диний одатларни ифодалайди. Уларнинг катта қисмини ҳар бир диннинг муқаддас китоблари ва пайғамбарларнинг кўрсатмалари ташкил этади. Ҳар бир диннинг қадриятларида ўзаро ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлар бор. Динийлик маълум бир қарашларга диннинг қарши туриши ёки уларни рагбатлантирилишини билдиirmайди. Диний қадриятларнинг дунёвий қадриятлар билан тутагиб кетган жиҳатлари ҳам мавжуд. Диний қадриятлар инсон мақсадлари ва қадриятлар тизимишини погонасида ўзига хос ўринни эгаллайди.

Диний қадриятлар тушунчасига республикамиз файласуфлари ва исломинунос олимлари томонидан аниқ таъриф берилганини учратмадик. Ислом энциклопедиясида бу тушун-

⁸⁹ Ислом. Энциклопедия: А-Х Шайх Абдулзализ Мансур таҳрири остида. – Тошкент: "Ўзбекистон маддий энциклопедияси" давлат иззинија национали. 2017. 135-6.

ча умуман берилмаган. Биз тадқикотимиз доирасида бу тушунчага куйидагича таъриф бердик: диний қадрият инсонлар жамоасининг диний эътиқод, диний ибодат, диний маросим ва одитларга, диний ахлоқ нормаларига бўлгани ижобий ёки салбий муносабатини ҳар бир диннинг муқаддас китоблари ва пайғамбарларнинг кўрсатмаларига мувофиқ белгиловчи баҳолаш мезони ва усулини ифодаловчи тушунчадир.

Диний қадриятларни аргументлаш ҳар бир диннинг муқаддас китоблари ва пайғамбарларнинг кўрсатмаларига мувофиқ диний эътиқод, диний ибодат, диний маросим ва одитларнинг, диний ахлоқ нормалариниң баҳоланишига нисбатан аудиториянинг ижобий ёки салбий муносабатини шаклиниги орқали уларни шу баҳоларнинг ҳаққонийтигини ишонтириши, қабул қилишиларига ва амалий фаолиятда қўшишларига эршишиадир.

Биз, тахлилимиз аниқ бўлиши учун, ушбу масалани ислом дини қадриятлари нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз. Ислом дини ақида, шариат ва тариқатга оид илоҳий кўрсатмаларни ўз ичига олади. Ислом ақидасига кўра кўра, ҳар бир мусулмон Аллоҳга, илоҳий китобларга, пайғамбарларга, фаришталарга қиёмат кунига, яхши-ёмон, кадар (такдир) Аллоҳдан эканига ишонниши шарт. Шариат диннинг амалий қисми бўлиб, у ибодат, муамалот ва ҳукукга бўлинади. Тариқат эса рухий ва ахлоқий тарбияни ўз ичига олади.⁹⁰

Исломий қадриятларни юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан холда уч грухга бўлиши мумкин:

- I. Исломий ақида билан боғлиқ қадриятлар;
- II. Шариат билан боғлиқ қадриятлар;
- III. Тариқат билан боғлиқ қадриятлар.

Исломий қадриятлар бир бири билан тутаниб кетади ва мусулмон инсон қадриятлар тизимида етакчи ўринини

⁹⁰ Қаранг: Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. – Ташкент: Узбекистон исломий энциклопедияси" давлат изими наврети, 2017. 135-б.

эталлайди. Булардан исломий ақида билан бөглиқ қадриятлар қолған қадриятларнинг таянч нұқтаси ҳисобланади.

Исломий қадриятлар баҳс мунозарада икки холатда күлла-
нади: 1) ё нұқтаи назарни ифодалайди ёки 2) нұқтаи назарни
асословчи аргумент, далил бўлиб келади.

Биз исломий қадриятларнинг ҳар бир грухини ҳар икки
холатда тахлил қилиб чиқамиз. Тахлилимизни дастлаб ёзма
аргументлашдан бошлаймиз

I.1. Исломий ақидани ифодаловчи қадриятлар нұқтаи назар бўлганда.

Аллоҳнинг борлиги, бирлиги, олам ва одамнинг яратувчи-
си эканлиги, яъни тавҳид масаласи ақидавий масаладир. Бу
масаланинг нұқтаи назар сифатида асосланиши ислом олим-
ларининг асарларида батафсил тахлил қилинган. Биз бу
масалада ислом оламида машхур бўлган имом Мотурудийнинг
аргументлаш усулини тахлил қиласиз. Имом Мотурудий
тавҳид масаласида ақлий, нақлий ва ҳиссий далиллардан
фойдаланади.

Мотурудий бизни ўраб турган ва биз ҳиссий аъзоларимиз
воситасида идрок этадиган оламни азалий Коинот эмас, балки
Холик, томонидан яратилган ва вакт ҳисоби билан ўлчаниди-
ган ҳодиса эканини исботлашни мақсад қилиб, қатор далиллар
келтиради. У оламнинг яратилганини рад этиб бўлмас даражада
исботлашни мақсад қилиб кўяди. Шунинг учун ҳам Мотурудийнинг
келтирган далилларининг кўлами (17та) жуда кенг.
Унинг таъкидлашича: “Нақлар олам яратилгани хақида
қатъий хабар беради, ҳиссий идрок буни тасдиқлайди, ақл эса
буни рад этиб бўлмайдиган хulosалар воситасида кўрсатиб
беради.”⁹¹ Куръони Карим ва Мухаммад Мустафо соллаллоҳу
алайҳи вассалламининг ҳадислари нақлий далиллардир.

Мотурудий тавҳид масаласини фақат нақлий; нақлий ва
ҳиссий; ҳиссий ва ақлий; нақлий ва ақлий; нақлий, ҳиссий ва
аклий далиллар келтириб, аргументлайди. У дедуктив, индук-

⁹¹ Рудольф У. Ал-Мотурудий ва Самарканда суннитлик илохияти. – Тошкент: Имом ал-Бухорий ҳақаро
жамгараси. 2001. 266-б.

тив ва аналогия усуллари билан бир қаторда, тушунчаларнинг маъносини таққослаш ва аниқлаш, *Argument ad hominem* грухига мансуб бўлган, “халқка (аудиторияга) мурожаат килиш” ва фикрлар ўртасидаги қарама-қаршиликка асосланиш каби далиллаш усулларини кўллади.

Мотурудий далилларининг 7тасида (1-4 ва 7-9) фикр юритишининг дедуктив усулини кўллаган. Масалан: “Оламдаги барча буюмлар яратилгандир” деган нуқтаи назарни аргументлашда, Мотурудий хиссий ва аклий далилларни келтиради.

Еттинчи даси: оламда яхшилик ва ёвузлик, кичиклик ва буюклик, гўзалик ва хунуқлик, ёруғлик ва қоронгулик ёнмаён боради. Қарама-қаршиликлар ўзгариш ва йўқ бўлишнинг белгиларидир. Йўқ бўлган нарса эса, ўз ўзидан ташкил топа олмайди.⁹²

Бу далилда хиссий ва аклий далиллар бир-бирини тўлдиради. Аргументлаш полисиллогизм кўринишидаги дедуктив муҳокама юритиш усулида амалга ошади:

Қарама-қаршиликлар ўзгариши ва йўқ бўлишнинг белгиларидир.

Оламдаги барча буюмларга қарама-қарши хусусиятлар хос.

Оламдаги барча буюмларга ўзгариши ва йўқ бўлиши хос.

Ўзарган ва йўқ бўлган нарса ўз ўзидан ташкил топа олмайди

Оламдаги барча буюмлар ўз ўзидан ташкил топа олмайди.

Ўз ўзидан ташкил топа олмайдиган нарсалар яратишгандир.

Оламдаги барча буюмлар яратишгандир.

Мотурудий далилларининг индуктив усулидан ҳам кенг фойдаланган. Бунда якка фактлар сифатида нақд ва хис олинган. Масалан: *Иккичи даси:* ҳалигача ҳеч бир инсон бирон марта ҳам ўзининг қадимдан мавжуд эканини (*қидам*) давво қилмаган. Ҳар бир одамзод биладики, инсон тугилади ва секин-аста вояга етади. Шундай килиб, шахсий тажрибамиз ва бутун инсоният нақдлари кўреаттанидек, оламдаги тирик

⁹² Уни аср. 268 б

жонзотлар абадий эмас, балки маълум вақт давомида мавжуддир.”⁹³

Бу хиссий далилдир. Унда аргументланининг индуктив усули кўлланган. Оламдаги тирик жонзотлар абадий эмас, балки маълум вақт давомида мавжуд эканлигига шахсий тажриба намуналари, одамлар орасида кенг тарқалган фикрлар (накллар) келтирилиб, оламининг вақидага яратилганини далилланган:

Ҳар бир ўсимлик маълум вақт давомида мавжуд, яъни абадий эмас.

Ҳар бир хайвон маълум вақт давомида мавжуд, яъни абадий эмас.

Ҳар бир инсон маълум вақт давомида мавжуд, яъни абадий эмас.

Ўсимлик, хайвон ва инсонлар тирик жонзодлардир

Демак, тирик жонзодлар абадий эмас, улар маълум вақт давомида мавжуд.

2, 5, 6, 12, 13, 14 далилларда ҳам индуктив фикр юритиш усули кўлланилган бўлиб, уларда келтирилган далиллар (аргументлар) хис ва ақлга хосдир.

“Бешинчи далил: хиссий идрок этилаётган нарсалар ўзида турдича ва бир-бирига зид сифатларни (хислатларни) бирлаштирадилар (*табоийъ мухтасифа ва мутазодда*); уларнинг ўзига хос хусусияти бир-биридан қочишида (*танаффур*) ва бир-биридан узоқлашишида (*табоъуд*). Агар улар бундан қатъи назар бирор нарсада музжассам қолсалар, у ҳолда бу фақат Холиқнинг ихтиёрига кўра бўлади. Шундай қилиб, ашёлар яратилган ва вактда чегараланганди.”⁹⁴

Бу хиссий далил бўлиб, унда хис-туйгулар берган маълумотлар соглом ақсига мурожаат қилиш орқали далилланади. Инсон атрофдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиб, бу далилнинг тўғри эканлигига инсонч хосил қиласди.

⁹³ Рудольф У. Ал-Мотурийӣ ва Самарканҷ суннитик ислоҳоти. – Тошкент: Имом ал-Бухорий ҳизкоро замараси, 2001. 267-б.

⁹⁴ Уна асар. 267-б.

“Үн биринчи дати: агар бизни гүёки жисмоний субстанциялар (аъён) муттасил ўзгараётган ҳолатларда (яъни, ҳаракат ёки сукунда, биргаликда ёки алохидә ва ҳоказо) чексиз мавжуд бўлишда давом этадилар деган фикрга йўл қўядилар, деб айбласалар, бу қатъиян хато айбловдир. Бунинг билан иккита тушунчалар катлами қориштириб юбориладики, улар, аксинча, бир-биридан ажратилиши лозим. «Вактда чегаралангандик» (ҳодис) аввал йўқ бўлган нарса кейин пайдо бўлганини билдиради. Шундай килиб, «Вактда чеклангандик» билан қадим ўз таърифига кўра бир-бирини инкор қиласди. Изчил «давомийлик» (бақо), аксинча, нимадир муттасил янгиланиб турган вақтда мавжуд бўлишда давом этаётганини билдиради, бу эса факат вақтда чекланган нима биландир содир бўлиши мумкин”⁹⁵.

Бу далил ҳам ақлий далил бўлиб, унда аргументлаш тушунчаларнинг маъносини аниқлаш (таққослаш усули) орқали амалга оширилади.

“Үн иккинчи дати: бундан сўнг нақл бизга жисемларнинг вақтда чекланмаган мавжудлиги ҳакида хабар беради. Биз шунчаки ўзимиздан сўрашимиз лозим бўлади, нақлга ишонишини хоҳдаймизми ё йўқми?”⁹⁶ Бу далил *Argument ad hominem* грухига мансуб бўлиб, “халққа (аудиторияга) мурожаат қилиш” деб номланади. Унда риторик савол берниш оркали жавобни танлаш аудитория иктиёрига хавола қилинади. Ундан аввалги далиллар аудиториянинг ижобий муносабатини шакллантиргани учун бу усулини қўллаш мумкин бўлган.

“Үн учинчи дати: биз яна шунни ҳам биламизки, ҳар қандай қатор (масалан, сонлар қатори ёки сабаб-оқибат занжири) ўз бошига эга бўлиши керак, аммо унинг охири бўлмалиги керак, акс ҳолда ҳеч нарса мавжуд бўлмас эди.”⁹⁷

Бу далилда аргументлашнинг аналогия усули қўлланадиган. Унда сонлар қаторининг бониланини бўлгани каби, оламнинг

⁹⁵ Рудольф У. Аз-Мотурисий ва Самарканд суннитийк изоҳиети – Ташкент: Имом ал-Бузорий халқари ажамиятмаслиси, 2001. 268-б.

⁹⁶ Уша асар, 269-б.

⁹⁷ Уша асар, 269-б.

ҳам боши бор, яъни у яратилгандир деб ақлий хуласа қилинади.

“Үн олтинчи даит: биронта ёзув йуқки, унинг ёзувчиси бўлмаса ва бўлувчисиз биронта бўлинув ҳам йук. Бирикув, ҳаракат, сукун ҳамда оламдаги барча бошқа нарсалар ҳакида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Демак, ҳар бир ходиса ортида унинг яратувчиси туради; шундай экан олам ҳам сабабий боғлиқликдадир, демак, яратилгандир.”⁹⁸

Бу далилда ҳам аргументлашнинг аналогия усули кўлланилган. Унда ёзувнинг ёзувчиси бўлгани каби (...), оламнинг ҳам Яратувчиси бор, шунинг учун у яратилгандир деб актий хуласа қилинади.

Юқоридаги таҳлилиминизни якунлаб айтиш жоизки. Мотуридий ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб, моддий дунёнинг абадийлигидан келиб чикувчи даҳрийларнинг қарашларини шунчаки фош ва рад этишга уринмайди, у ўз мулоҳазаларини каломга оид рисолаларда яратилиш мавзуси буйича одатда расм бўлганидан кўра ҳам кўпроқ кенгайтиради.

Мотуридий далилларининг (1 ва 2, шунингдек, 12- далиллар) тўлалигича нақлларнинг таърифларига асосланади. Иккичи қисм оламни ҳиссий идрок этиш натижаларига (3-7 далиллар), қолган барча бошқа мулоҳазаларда ақлий хуласага таянган (8-17 далиллар, 12-далил бундан мустасно).

Бир карашда бу тасниф бироз ноаник туюлиши ва унда изчилик сезилмаслиги мумкин, чунки бу ерда «ҳиссий билини» деб атаганимиз рацонал мулоҳазасиз бўлмайди. Ақл «хуласаси» (12,16: или ал-истидъюл) деб ҳисобланган нарса эса, ўз навбатида, бошқа манбалар томонидан, айниқса, ҳиссий аъзолар томонидан етказиб берилувчи дастлабки маълумотларни талаб қиласди.

Мотуридий илим ал-хисс бутунилай ва тўла ҳиссийтга асосланади, аksий далиллар эса факат ақлга, деб таъкидламокчи

⁹⁸ Унда аср, 268-б.

эмас. Билиш усуллари ўртасидаги чегарани у соғ эпистомологик нұктаи назардан туриб белгиламайды, балки бунга билиш объектининг үзини, яъни жисмоний оламни жалб этади. Унинг нақллар ёрдамида келтирган далиллари жуда кисқа, сезги аъзолари ёрдамидагиси сал батафсилоқ ва факат акт ёрдамида келтирган далиллари ҳақиқатдан батафсилдир. Олимнинг фикрича, ё жуда нодон, ёки жуда қайсарларгина мана шундай далиллар каршисида ҳам Яратувчининг бирлиги ва борлигини, оламнинг яратилганлигига шубҳа билан қарайдилар ва исбот талаб қиласылар.

Хозирги кунда ҳам акыйдавий масалаларнинг далилланиши оид фикрларни күриш мүмкін. Масалан Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуфнинг “Сунний акыйдалар” асарида Аллохнинг борлигига қўйидаги далиллар келтирилади: 1. Йўқдан бор бўлиш далили. 2. Иноят далили. 3. Ҳаракат далили.⁹⁹ Ҳар уччала далил “Аллоҳ бор ва у ҳамма нарсанинг яратувчисидир” деган тезисни исботлаш учун хизмат қиласи.

Йўқдан бор бўлиш далилида тескари исбот усули қўлланади. Унда “Аллоҳ бор ва у ҳамма нарсанинг яратувчисидир.” деган тезис унга зид бўлган “Ҳамма нарса ўз-ўзидан яратилган, Яратувчи йўқ” деган антитезис орқали исботлашади. Антитезисни исботлаб бўлмаслиги тезиснинг чинлигини эътироф этилишига олиб келади. Бунда аргумент сифатида қўйидаги мулоҳазалар тизими келтирилган: Одам ўзини ҳам, фарзандини ҳам яратади; Инсонлар осмон, тог, ерини ҳам яратади; Туянинг ва ҳар бир жонзоднинг яратилшинидаги мукаммалик ва ўҳшашлик ҳам аклии ишлатиб караган инсон учун Аллохнинг қудратини билдиради. Юкоридаги аргументлашда аналогия Аллоҳ ва инсоннинг қудратини киёслашда намоён бўлади.

Иноят далилида ҳам аналогия асосида фикр юритилади. “Бир хонага кирган одам ундан жихозларнинг чиройли тартибда турганини кўрса, дарҳол бу ишни ўта дидти киини ёки кишилар томонидан қилинганини сезади. Чунки кичик бир

⁹⁹ Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф Сунний акыйдалар. Т. Шарқ. 2008.-68-93-с.

хонани бирор тадбирини қилмаса ундағи нарсалар ўз-ўзидан тартибга тушиб қолмаслиги аниқ. Бас, шундоқ экан одам боласи борлыққа назар солсін. Ундағи санаб адогига етиб бўлмайдиган нарсаларни ақл лол қоладиган даражада тартибга солган ким? Албатта, Аллоҳ!”¹⁰⁰

Бундай фикр юритишининг мантикий тузилиши қуидагича:

Тартиб бор жойда тартибга келтирувчи ҳам бор.

Оламиш тартиби бор.

Оламиш тартибга келтирувчи бор.

Бунда аналогия силлогизмнинг I фигураси AAA модусига мос келади.

Харакат далилида коинотдаги жисмларнинг, кече ва кундузининг, ер юзидағи жонли ва жонсиз жисмларнинг тузилиши билан bogliқ мисоллар келтирилиб, тезис исботланади. Бунда аналогия мисол орқали қўлланади.

Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуфнинг “Аллоҳ бор ва у ҳамма нарсанинг яратувчисидир” деган тезисни исботлаши контекстуал аргументлаш асосида амалга оширилган бўлиб, унда Куръони Каримга (авторитет), ақли расоликка, эътиқодга мурожаат қилинган. Аргументлашнинг тескари исбот ва аналогия усуллари қўлланилган.

I.2. Исломий ақидани ифодаловчы қадриятлар аргумент бўйганди.

Исломий ақидани ифодаловчы қадриятларга Аллоҳга, илоҳий китобларга, пайғамбарларга, фаришталарга қиёмат кунига, яхши-ёмон, қадар (такдир) Аллоҳдан эканига имон келтириши билан bogliқ мулоҳазалар киради. Бу мулоҳазалардан турли мавзуга оид нуқтаи назарларни аргументлашида фойдаланилади. Масалан, шаҳодат калимасини айтган одам (аргумент) ўзининг мусулмон эканligини (нуқтаи назар) тасдиқлади. Яна бир мисол, яқин кишисининг вафот этганидан қаттиқ қайтуга тушиб, сабрсизлик қилган кишига

такдир Аллоҳдан әқанлиги (аргумент) айтилиб, уни бу жудоликни сокиңлик билан қабул қилиши кераклиги (нұқтаи назар) айтилади.

Шариат ҳукмларини ифодаловчи қадрияттар нұқтаи назар ёки аргумент бүлганды

Шариат ҳукмлари ибодат, муамалот ва ҳуқукга бўлинади. Ибодат, муамалот ва ҳуқукга оид Куръони Каримнинг оятлари ва Ҳадиси шарифдаги кўрсатмалар, юкори нуфузга эга бўлган ислом уламоларининг асаллари шариат ҳукмларини ифодаловчи қадриятлардир. Биз тадқиқот объектидан келиб чиқсан холда шариат ҳукмларининг ўзини эмас, уларнинг аргументланишини, далилланишини таҳлил қиласиз.

Ибодатга оид 1- мисол. Абу Ҳомид Газзолийнинг “Кимпёи саодат” асарининг Ибодат руқнида қатор масалалар тушунтириб берилган. Шундай масалалардан бири “Садақа бермак баёнида” деб номланган. Унда “Садақа бермак баёнида ҳазрати расули акром с.а.в. айтибдурлар: “Садақа беринглар, агар бир дона хурмо бўлса. Ва сизларнинг гуноҳларингизни нобуд (йўқ) килур, сув ўтни нобуд килгани мисллик”- деб ёзилган. Бу нұқтаи назарни ифодаловчи мулоҳазалар бўлиб, уни аргументлаш учун Имом Газзолий ҳадислар ва Куръони Карим оятларини (Оли Имрон,92) келтиради.¹⁰¹ Бу мисолда ҳам нұқтаи назар, ҳам уни асослаш учун келтирилган аргументлар шариат ҳукмларини ифодаловчи қадриятлардир.

Ибодатга оид 2-мисол. “Номоз ўқийдиган кишидан Аллоҳ рози бўлади.” Бу нұқтаи назарни аргументловчи мулоҳазалар: “Ҳазрати расули акрам айтибдурлар, киёмат куни амаллар орасида аввал номозин ҳисоб қилурлар. Агар номоз арконлари тамом бўлса, гарчи ўзга амаллари покис бўлса ҳам, номози туфайли ҳамма амалларини қабул қилурлар.”¹⁰²

Муамалотга оид мисол. Шариатнинг муомалат қисеми мусулмоннинг хулқ атвори, одоби билан бөглиқ масалаларни қамраб олади. Таом емак одоби, никоҳ ва онла одоблари, қасб

¹⁰¹ Газзолий, Абу Ҳомиц Кимпёи саодат Т. Адоғат, 2005 1886

¹⁰² Газзолий, Абу Ҳомиц Кимпёи саодат Т. Адоғат, 2005 156 б

ва тижорат одблари, қариндош уругчилик, қўни кўшичилик одблари шулар жумласидандир.¹⁰³ “Киши ўз яқинлари билан қариндош уругчилик муносабатларини сақлаши керак,” - деган нұқтаи назарни ҳадислардан мисоллар көлтириб аргументлари мумкин.

Хўқуқга оид мисол. Исломинуос олим И.Бекмирзаевнинг тадқиқотига кўра Мовароуннахрда қарор қабул қилишининг кент тарқалган усули факихнинг ўзидан олдинги уламоларнинг бу масала бўйича бир нечта фикрларидан бирини танлаши эди. Бунда факих ёки қози ўзининг танловини: “шогирднинг фикридан кўра, устознинг фикри афзалрок”, “ислом ва жамиятнинг гуллаши учун”, “жамият парчаланишининг олдини олиш мақсадида”, “одамлар ҳаётини енгиллаштириш учун”, “адолатни қарор топтириш учун” каби иборалар билан асослаган. Бу танлов ҳам ўз навбатида қозининг қадриятлар тизими билан боғлик бўлган. И.Бекмирзаевнинг таъкидлашича, кейинги давр факих ва қозилари кўпинча бундай қарорнинг қабул қилинини вазиятига эътибор бермай, уни қабул қилган факихнинг обрўсига асосландилар.¹⁰⁴ Бу холат фикҳий-хўкукий масалаларни далилашга бўлган муносабатда иуфузли манбалар (авторитетлар) юкори ўрин тутганлигини кўрсатади.

Ислом ҳуқуқининг асосий далилларидан бири Куръони Каримидир. Куръонда фикҳий-хўкукий масалалар шахсий ҳуқуқ, муомалот, жиноят ва жазо, қозилик ва гувоҳлик, амалий ибодатларга онддир.

Унда бальзи ҳукмлар қатъий, аниқ, бальзилари қатъий эмас яъни умумий кўреатма сифатида берилган. Улардан бальзиларни кўриб чиқамиз.

I мисол. Нуқтаи назар: Мусулмонлар ўзимитик ғўшигини емайди.

Газзалий, Абу Ҳаниға Киминен саидат. Т. Адабат, 2005.411.6

И.И.Бекмирзасев Мовароуннахрда қозиник ҳуқакатлари: тарихий пайдозлар ва таҳсилоти сиворуклар. Т. «Ташкент ислом университети» национал-матбаа бирланомаси, 2014 – 11-б.

Асос, аргумент: Ўлимтик гўштини ейиш харом қилингандан (“Моида” сураси, 3 оят). Бу Куръони Каримда далолати қатъий бўлмаган ҳулкага асосланган далиллашдир. Чунки, “ўлимтик” лафзи омм, яъни умумийдир. Унинг далолати қатъий эмас.

2 мисол. *Нуқтаи назар*: Бу киши вафот этган одамининг отаси бўлади. Вафот этган одамининг қылған васияти ёки қарзини аддо этгандан сўнг, ота-онасидан бошқа меросхўри бўйласа, отаси фарзандидан қолган меросининг учдан икки қисмига эгалек қиласади. Онаси ҳаёт бўлса, унга учдан бири тегади.

Асос, аргумент: “Нисо”сураси, 11-оят. (Ушбу ояти кариманинг далолати қатъийдир. Уни бошқа маънога буришнинг ҳеч қандай эҳтимоли йўқ.)

III.1. Тариқат қоидаларини ифодаловчи қадриятлар нуқтаи назар бўлганда. Тариқат қоидаларини ифодаловчи асосий тушунчалардан бири тавбадир. Тасаввубуф тариқатларининг асослари баён қилингандан адабиётларда бу термин маънавий покланишнинг, ҳақиқатга етишининг биринчи шарти деб кўрсатилади. Кубравия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубронинг “Усули ашара (Тасаввубининг ўн асоси)” номли асарида Аллоҳ сари сайру-саёҳат қилувчиларнинг йўли ўн асосга қурилганилигини ва улардан энг бириничиси тавба эканлигини таъкидланади (нуқтаи назар).¹⁰⁵ У тавбага шундай таъриф беради: Худди марҳум “Эй хотиржам – сокин жон, Сен (Аллоҳ ато этган неъматлардан) рози бўлган (Аллоҳ Тоало томонидан сенинг амалларингдан) рози бўлингандан холда Парвардигоринг (хузури)га қайт” амрига бўйини эгиб, ўз ихтиёрисиз унга қайтганидек, тавба ҳам қулиниг ўз истак-иродаси ила Аллоҳга қайтишидир.” (аргумент)¹⁰⁶ Шайх Нажмиддин Кубронинг бу таърифида ўлимнинг мажбурийлиги, тавбанинг эса инсон ихтиёрига bogлиqligiga ишора қилинмоқда. Нажмиддин Кубронинг таъкидлашнича, маънавий покланиш

¹⁰⁵ Шайх Нажмиддин Кубро Тасаввубий ҳаёт Г. “Мовароунаҳр”, 2004. 48-б.

¹⁰⁶ Шайх Нажмиддин Кубро Тасаввубий ҳаёт Г. “Мовароунаҳр”, 2004. 48-49 б.

учун килинадиган тавба мажбурий емес, истиғарий бўлиши керак.

III.2. Тариқат қоидаларини ифодасини турорият оғримент бўлганда.

Бу холатга “Инсон қаноатли бўлиши ишлар” деган түзни назарни асослашда тариқат йўнанишларини жерти барчасида қаноат билан боғлиқ кўрсатмаларни таҳлил гиб, келтириш мумкин.¹⁰⁷ Бу кўрсатмаларда эса сифати, Куръони Карим ва Ҳадисларга мурожаат қилинади.

Биз юқорида кўпроқ диний қадриятларининг шахрий сифатини билан боғлиқ бўлган холатларни таҳлил қилимиз. Унбу холатлар билан боғлиқ аргументлариниң ўзига эга таҳлил сифатида диний қадриятларни асослашда уз турди, далилларга мурожаат қилининини таъсилидаги сифати, яхши акл. Сезги эмпирик маълумотларни, нақл илғумни яхши манбаларни, ақл эса хулоса чикарни усулиларни (индуция, индукция, аналогия) қамраб олишини мисоллар бўланади.

Энди виртуал маконда диний қадриятлариниң эркунчилишига онд баъзи холатларни таҳлил қилимиз. Унда лимизда республикамиз эътиборли уламоларининг интернет сайтларидаги маъруза, сухбат диалоглари, эмпирик манба сифатида фойдаланамиз.¹⁰⁸

Исломий каналлардаги диний мавзудаги сухбатларни таҳлил қилиб айтниш жоизки, бу сухбатларда диний ва ажлоий қадриятларининг туташниб кетганинг кўрамиз. Диний ажлоий масалаларни аргументлашда аргументатив дискурснинг тузилишини кўйидагича бўлади:

- Накчиин баёни қиласи, мисол билан тушунтиради ва баҳолайди;
- Мисол келтириб баёни қиласи, баҳолайди, нақл билан асослаиди;

¹⁰⁷ Шайх Назимиддин Кубро. Тасаввурний ҳаёт. Т: “Мөвароунарх”, 2001. 57-б.
из <https://www.youtube.com/watch?v=0uRdDmLahb0> И.Н. NAZINASI. Муфтий Нуридан Ҳамон
Доклад. <http://mehrob.uz/video/> Шайх Саъид Рашитов; из: Терапиянинг www.mehrob.uz/sahifasi

- Мисол келтириб баён қиласы, нақт билан асослайди ва баҳолайди;

Диний-ахлоқий мавзулардаги сұхбатлар асосан монолог шаклида олиб борилади. Шу боис аудиторияни жалб қилишда потиқ нутқининг мазмуни (күтариған масаланиң долзарбилиги), келтирилған мисолларнинг таъсирчанлығы (хаётда тез тез учраб турадиган, аудиториянинг хис түйғуларига таъсир қиласынан), сүз оханды, нақлларнинг көнт аудиторияга маълуматы катта аҳамиятта эга.

Ахлоқий масалаларни диний қадриятлар воситасыда аргументлашып реципиенттә фикрга нисбатан ишончни мустахкамлайды, уни эътиrozсиз қабул қилинишини таъминлайды.

Ушбу банддан хulosса шуки, диний қадриятларни аргументлашып авторитетлар (нақт, нуфузлы манбалар) дан фойдаланиш самарали натижка беради. Бундай холатда авторитетларниң аудитория (реципиентлар) томонидан эътироф этилиши, уни ҳақиқат деб билиши, пропонентнинг фикрларини күллаб қувватлаши муҳим аҳамиятта эга. Шунингдек, аргументлашып реципиенттә бевосита таъсир күрсатадиган, у тушунадиган ва унга яқин бўлган мисоллардан фойдаланиш ҳам аргументлаш жараёнининг самарадорлигини оширади.

III БОБНИНГ ХУЛОСАСИ

Аргументлаш ва қадриятларга оид тадқиқотларимизни якунлаб, куйидаги хуласаларни келтирамиз:

1. Фикр мулоҳазаларнинг чиңлиги ҳам қадрият хисоблашади. Ҳеч бир инсон ўзини алдашларини, алданиб қолишликни ва ёлғонга ишониб адашишини ҳохламайды. Ёлғон факат коммүникатив маконда мавжуд бўлади. Ёлғон мулоқот жараённан соғ ҳолда учрамайди. “Ёлғон” тушунчаси билан жуда ҳам көнт тармоқни хис түйғулар идрок этилади.

2. Мулоқотда ҳар қандай нотўғри маълумот ҳам ёлғон эмас, балки инсон атаялаб бошқаларни алдаш учун ишлатадиган маълумотларгина ёлғондир. Мантиқ илмидаги ёлғон

били аргументларин назариясидаги ёлғон түшүнчелерди бир биридан фарқланады. Мантықда ёлғон фикр мұлохазалариниң обьектив реаликка мөс келмасылғы бўлса, аргументларнда ёлғон сұхбатдошида билиб туриб (қаеддан, аттайлаб) оламиниң бузилган манзарасини шакллантиришта қаратылған интеракциядир.

3. Аргументларни түгри танлаш, аргументларнинг муваффақиятли бўлишини таъминлайди. Аргументлар сұхбатдошиларнинг қадриятлар тизимига мөс бўлиши буниңг мухим шартидар. Диний ва ахлоқий қадриятларнинг аргумент сифатида түгри танланиши нұқтаи назарни маъкуллаш, уни қабул қилиш ва унга мөс харакат қилишга замин яратади.

IV БОБ. КОММУНИКАТИВ МОДЕЛЛАРДА АРГУМЕНТЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАТОЛАР

Коммуникатив макондаги коммуникация жараёнларини ўрганиш учун коммуникатив модел тушунчаси қўлланилади. Коммуникатив моделларда ахборот бир манбадан бошқасига узатилади. Биз ушбу бобда диалог, баҳс, мунозара, полемика-ни коммуникатив модел сифатида ўрганамиз. Уларда низоларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ холатларни тадқиқ қилиб, низоларни бартгараф қилиш, яъни келишувнинг шартларини аниқлаймиз. Коммуникатив моделларда аргументлаш билан боғлиқ хатоларни мантиқий, психологик ва лингвистик ёндашув асосида тасниф қилиб, идеал аргументлаш қоидаларини аниқлаб оламиз. Аргументлашда учрайдиган хатолар хақида ёзилган ўкув ва илмий адабиётларда асосан Аристотел ва гарб олимларининг таълимотлари таҳтил қилинган, ислом мантиқшунослярининг фикрлари умуман эътиборга олинмаган. Биз ушбу бўшлиқни имкон қадар тўлдириб, ислом мантиқшуносляридан Абу Наср Форобий ва Ибн Синоларнинг аргументлашда учрайдиган хатоларга онд таълимотларига кисқача тўхталиб ўтамиз.

4.1. Коммуникатив модел тушунчаси.

Коммуникатив моделларда низо ва келишув

Коммуникатив моделлар, тузилиши ва турлари. Билиш жараёнида ҳар қандай модел реал олам ҳодисаларини абстракт назария тушунчаларида аке эттиришидир. Коммуникатив моделлар турли асосларга кўра конструкция қилинади ва ўрганилади. Коммуникациянинг энг биринчи моделининг муаллифи Аристотелдир. Унинг модели қўйидаги кўринишига эга: нотик – нутқ – аудитория. Аристотелнинг бу модели кейинги давр олимлари томонидан янада кенгайтирилди. Ҳозирги кунда олимлари томонидан коммуникациянинг турли моделилари ишлаб чиқилган ва илмий муомалага киритилган. Биз мавзуумиз доирасида улардан батъзиларини кўриб чиқамиз.

Коммуникациянинг энг оддий моделининг структураси икки элементдан иборат бўлади:

Ахборот берувчи (коммуникатор) → ахборотни қабул қилувчи (коммуникант)

Бу чизиқли коммуникация модели дейилади.

Америкалик сиёsatшунос Г. Ласуэлл шу модельни такомиллаштириб, уни қуйидаги саволлар асосида тузди: ким хабар беради, нимани хабар қиласди, хабар қандай канал орқали узатилиади, ким хабарни қабул қиласди, бу қандай натижа беради?¹⁰⁹ Бу коммуникациянинг классик модели деб эътироф этилган. Кейинчалик бу модель асосида бошқа моделилар таклиф қилинган.¹¹⁰ Таклиф қилинган коммуникатив модельларда ахборотни қабул қилиш жараёнида техник тўсиқлар (товуш яхши эшигилмаслиги, тасвирнинг хирадиги, ахборотнинг бўлишиб қолиши ва ҳ.к.) билан бир қаторда семантик тўсиқлар ғам мавжудлиги таъкидланади. Семантик характердаги тўсиқларда ахборот берувчи хабарга бир маъно юклаган бўлса, хабарни қабул қилувчи унга бошқа маъно юклайди. Натижада коммуникантлар бир-бирини тушумайдилар, коммуникациянинг самарадорлик даражаси ўзгаради. Бу кўирок чизиқли коммуникатив модельларга ҳосдир. Лекин реал вожеликда коммуникатив фаолият мураккаб ва кўп поғоналидир. Ахборот алмашинувчи субъектларнинг характеристики ҳамма вақт ҳам кўрсатилган кетма-кетликда мунтазам амалга оинмайди. Ахборот манбан турли хил бўлади. Бир мавзудаги ахборот турли манбалардан тарқатилади.

Бундай холат коммуникациянинг чизиқсиз модельларининг конструкция қилинишига сабаб бўлди. Шундай модельлардан бирини Теодор Ньюкомб таклиф қилган.¹¹¹ Модел тенг ёнли учбurchак кўрининшида бўлиб, унинг учлари коммуникант, коммуникатор ва ижтимоий вазиятни билдиради. Коммуникант

¹⁰⁹ Карап: Lasswell H. The Structure and Function of Communication in Society // The Process and Effects of Mass Communication. Chicago, 1971. P.216.

¹¹⁰ Карап: Пончевов Г. Теория коммуникации. Из-во "Вактер", серия, 2001. С. 171-237.

¹¹¹ Карап: Пончевов Г. Теория коммуникации. Из-во "Вактер", серия, 2001. С. 231-233.

ва коимуникаторнинг ўзаро алоқаси бевосита ва билвосита (ижтимоий вазият орқали) амалга ошади. Ньюкомб коммуникация субъектларига эътиборни қаратади. Уларнинг ҳар иккисига коммуникация жараёнининг тенг қатнашчилари сифатида қарайди. Ахборот мавзусига нисбатан ҳар икки томоннинг муносабати бир-бирига мос келса, улар ўргасидаги муносабатлар ижобий характерга, мос келмаса салбий характерга эга бўлади

Ижтимоий мuloқotnинг турли қирраларини акс эттирувчи коммуникатив моделларнинг коммуникология фанида ўрганилади ва уларнинг барчаси ахборот алмашунуви жараёнини адекват акс эттириш мақсадида яратилгандир. Бизнинг мақсадимиз коммуникатив моделларнинг барчасини тахлил қилиш эмас, балки коммуникатив моделларда аргументлашнинг қандай амалга оширилишини ўрганишдир. Юқоридаги тахлиллар асосида коммуникатив моделга таъриф берамиз: *Коммуникатив модел деб, ахборотни манбадан қабул қувучига узатиш жараёнини ташкил этувчи система*га айтилади. Коммуникация жараёнининг самарадорлиги коммуникантнинг ахборотга бўлган муносабатига қараб белгиланади. Ҳар қандай ахборот коммуникантнинг фикрини ўзгартиришга ва хатти-харакатларини шунга мослаштиришга қаратилган бўлади. Бу жараёнда ахборотнинг асосланганлик даражаси муҳим рол ўйнайди.

Коммуникатив модел сифатида диалогни ўзига хослиги. Диалог (грек. *dialogos*- сухбат) – савол-жавоб кўринишидаги мuloқot. Диалог интерактив ўзаро таъсири бўлиб, унинг мақсади ва иттифоқи тушунчаларини айнан деб қўллаймиз.) Унда бирон мавзу юзасидан томонлар бир-бирига саволлар бераб, фикр алманиади. Диалогда иштирок этувчилардан бири етакчилик килади. У савол-жавобларнинг мавзу доирасини ва йўналишини белгилаб берниши, бир мавзудан бошқасига ўтиб кетниши ва ўз ортидан сухбагдошини эргаштириши мумкин. Диалогда ҳамма вақт

ҳам қарама – қарши фикрлар билдирилмайды. *Диалог түрлөрін мақсадлар учун хизмат қиласы:*

- сұхбатдошининг мавзуга оид билим даражасини, мавзудан қай даражада хабардорлигини аниклаш учун;
- сұхбатдошининг мавзуга муносабатини билим ~~ва узи~~ үзгартыриш учун;
- сұхбатдошида муайян фикрларни шакллантириш, ~~Үзінге~~ маслакдош қилиш учун;
- үзи ва сұхбатдошининг фикридаги умумий ~~ва фарж~~ килувчи томонларни аниклаш учун;
- үзининг билим даражасини синаб күриш учун;
- билим ва қобилятини бошқаларга күрсатып учун.

Бу мақсадлар күпинчә биргаликдә, бир-бiriни түлдирған холда қойылады.

Сұхбат диалогнинг маҳсус шакли бўлиб, мақсадига кўра турли хил бўлади: илтимос, шикоят, таниниш, ахборот олиш, ахборот бериш, маслаҳатлашиш, келишиш. Сұхбат йўналишига кўра: тарбиявий, таълимий, иш юзасидан тахлилий; давомийлигига кўра: қисқа муддатли (сұхбат якунланади ва ҳар икки томон ундан қониқиши хосил қиласы), узоқ муддатли (сұхбат бир неча босқичда давом этади.) бўлади. Сұхбат таниш одам билан ва ипотаниш одам билан олиб борилади. Мулоқот шакли юзма-юз, телефон воситасида, виртуал олиб борилиши мумкин. Сұхбат аввалдан тайёргарлик кўрилган ёки тайёргарлик кўрилмаган холда ўтказилади.

Сұхбатга тайёргарлик кўриш учун:

1. Мақсад ва мавзуу аникланади.
2. Ахборот тўйланади (мавзуга оид ахборот, сұхбатдошига оид ахборот).
3. Тушунча ва мулоҳазалари шакллантирилади.
4. Аргументлашнинг мазмуни ва кетма-кетлигини аниклашади.
5. Сұхбат интироқчилари танланади.
6. Сұхбат вақти ва ўтказиш жойини новербал қайта алоқа элементларини ҳисобга олган холда белгиланади.

7. Сұхбат модельштириләди ва ўтказилади.

Сұхбатни ўтказиш уч босқичдан иборат:

1. Сұхбатни бошлаш босқичи – мавзуга мос (дүстона, расмий) ва ишонч туғдирувчи мұхитни яратып

2. Асосий босқич – эътибор билан тинглаш, масалаларни қўйиш тактикасини қўллаш, қайта алоқанинг вербал ва новербал қоидаларини қўллаш.

3. Сұхбатни тўхтатиши босқичи – сұхбатни ўз вақтида ва ўринли якунлаш.

А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романыда Хасанали билан Отабекнинг сұхбатида сұхбатни ўтказишининг ҳар уччала босқичи яқол намоён бўлади.¹¹²

Монолог (грек. *topo-bir, logos* -нүтқ якка шахснинг нутқи) коммуникатив моделлардан бири бўлиб, қуидаги турларга бўлинади:

1. Тингловчига бирор бир маълумот (информация)ни етказиши максад қилиб сўзланган нутқ. Оғзаки илмий нутқ, суд жараёнидаги нутқ, омма олдидағи нутқ, бадиий нутқ ва б. шундай нутқ турлари дир.
- 2.Иисоннинг ўз-ўзига нутқи. Бундай нутқ тингловчига бевосита йўналтирилмаган бўлгани учун, унга жавоб берувчи ҳам бўлмайди.
- 3.Баддий асар қаҳрамонларининг монологи.

Монолог аввалдан ўйлаб, тайёрланган ёки тайёрланмаган бўлади. Максадига кўра монолог ахборот берувчи, ишонтирувчи ва ундовчи турларга бўлинади. Ахборот берувчи нутқ билим бериши учун хизмат қилиади ва маъруза, илмий доклад, хисобот, хабар каби шаклларда баён қилиниади. Бундай нутқ сўзловчи нотиқ тингловчиларнинг акслий қобилиятларини ва билиш имкониятларини эътиборга олиши зарур.

Ишонтирувчи нутқ тингловчиларнинг хис-туйгуларига таъсири қилиши максадида сўзланади. Габриклаб, тилаклар билдириб ёки бирор тантана муносабати билан сўзланган нутқлар шулар жумласидандир.

Ундовчи нутқ тингловчиларни бирор – бир харакатни бажаришга чорлайди. Бундай нутқ кўпинча сиёсий, диний мавзуларда бўлади.

Монолог расмий ёки норасмий маросимларда сўзланади. Монолог коммуникация субъектларини қандайдир-бир концепция атрофида бирлаштирадиган коммуникатив моделдир. Аргументлаш жараёнида фаол позицияни битта субъект (нотик, маърузачи – коммуникация субъекти) эгаллади. Аудитория (коммуникация обьекти) кўпинча пассив позицияни эгаллади. Нотик ва аудитория мавзуга нисбатан турлича муносабатда бўлади. Монолог коммуникация модели қайта боғланишга эга. Аудитория нотикқа савол бериши, мавзуга ўз муносабатини билдириши мумкин. Мазкур моделда а) нотикнинг мурожаати (унда муаммонинг моҳияти ифодаланган бўлади ва нимата ишонтиришмоқчи? деган саволга жавоб берилади.); б) ишончли аргументларнинг келтирилиши (нима учун тезисга ишониш керак?) шарт. Шунингдек, монологда “Сиз нима учун менга ишонишингиз керак?” деган саволга ижобий жавоб олиш эҳтимолини кучайтирадиган нотикнинг ижобий образини (тимсолини) яратиш зарур бўлади. “Мен бу муаммони сизлар билан биргаликда ҳал килимам”, “Мен ҳам, худди бошқалар каби, шундан манфаатдорман...” каби жумлалар нотик образининг ижобий қабул килинишини таъминлайди.

“Монолог” модели кўпроқ таълим жараёнида кўлланади. Уни яққол бўлмаган қайта боғланишга эга бўлган бир қатор вазиятларда кўллаш мумкин, бунда бир-бирига қарши турган субъектларнинг позицияси фаоллаштирилмайди, коммуникация жараёнида ахборот бериш, фактларни маълум қилиш, бирон гояни сингдириш, тингловчиларнинг рухиятига таъсир ўтказиш (манипуляция қилиш), эргаштиришга қаратилган жараён устивор бўлади. Реклама, оммавий ахборот воситалари монолог коммуникация модели доирасига киради. Ушбу модел доирасида аргументлаш турлари оммавий нутқ, доклад, маъруза шаклида амалга оширилади. Оммавий ахборот

воситалари, рекламада кенг аудиторияга нутқли таъсир кўрсатиш билан бирга воқеа-ҳодисаларни намойиш қилиш, образлар орқали тақдим қилиш, ҳаракатланувчи картиналар, ҳаракатларга мусиқий безак бериш ва ҳоказолардан фойдаланилади. Бу ҳолда аудиторияни ишонтириш жараёни сакраль ва эмпирик аргументлаш устивор бўлган новербал коммуникация амалиётига таянади.

Баҳс – ҳар икки субъект фаоллик кўрсатадиган коммуникатив модел бўлиб, пропонент ва оппонент (коммуникация субъектлари) ўртасида қайта алоқа мавжуд бўлади. Баҳс иштирокчиларидан бири савол беради, бошқаси эса унга муносабат билдириб жавоб беради. Коммуникация субъектларининг муаммога муносабати зиддиятли бўлиб, унда фикрлар ўртасидаги кураши, тақиқид шахсий келишмовчиликлар кўриннишини олиши мумкин. Баҳс, мақсадига кўра, ҳакиқатни аниқлаш ёки фақат ғалаба қозониш учун олиб борилади. Мақсадлардаги тафовут баҳс тактикасини белгилаб беради. Ҳакиқатни аниқлаш учун олиб борилган баҳс – диалогда мантиқ конун кондадлари, ахлоқий нормаларига амал қилинади ва муҳокама юритишнинг жоиз бўлган усуллари қўлланилади. Эристика – фақат ғалаба қозониш мақсадида олиб борилган баҳеда хийланайранг, алдов, ракибни чалкаштириш кабилардан фойдаланилади.

Баҳснинг мантикий структураси куйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. баҳсга сабаб бўлган масаланинг асоси (бу ҳамма вакт ҳам ашгланмайди ёки айтилмайди);
2. муҳокама предмети (коммуникатив вазиятни моделиланитиради ва муҳокамани унумли қиласди);
3. баҳс предметига ишбатан турли фикр, карашларининг мавжудлиги;
4. коммуникация субъектларининг турли мақсадларга эга эканлиги.

Баҳс – коммуникатив модели иш юзасидан мулокот қилиншида ҳам қўлланади.

Баҳс-мунозаранинг турлари ва ўтказиш шартлари.

Баҳс-мунозара ҳам мулодотнинг ўзига хос тури бўлиб, унда бирон масала бўйича томонларнинг тўғри ёки нотўғри фикрда эканликлари аниқланади. Қадимдан ҳақиқат баҳс-мунозарада аниқланади деган фикр мавжуд. Биз бу фикрга ойдинлик киритиб, ҳақиқат дўстона мунозара, самимилик, бегаразлик ва чуқур билим асосида билинади деб таъкидлаймиз. Баҳс-мунозарада қандай қилиб бўлса ҳам ўз фикрини маъқуллаш, бошқаларни шу фикрни қабул қилишга мажбур қилиш ҳақиқатни аниқлашга эмас, баҳс иштирокчиларини бир-бирига нисбатан дўстона муносабатларининг узилишига сабаб бўлади. Баҳс-мунозара юритишнинг мантикий қонун-коидаларини билиш, ахлоқий талабларига риоя қилиш мунозарали масалаларнинг тўғри ечиминини топишга ёрдам беради.

Баҳслашувдан мақсад қандай қилиб бўлса ҳам рақибини маглуб қилиш эмас, балки ҳақиқатни аниқлашдир. Ҳал қилинмаган, мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган баҳслар полемика ҳисобланиб, унда қарама-қарши тезислар асосланибгина қолмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади.

Баҳс-мунозара антик даврдан бошлаб то хозирга қадар маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ажralmas қисми бўлган. Давлат ва ҳуқуқ, фалсафа, ахлоқ, санъат, адабиёт, тарих масалалари доимо баҳс мавзуси бўлиб келган. Баҳс-мунозара иотиқиқ санъатида ҳам кенг кўлланилган. Баҳс мунозара илмий тадқиқотларининг ривожланишига, янги илмий гояларнинг илгари сурилишига ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

Баҳснинг диалектика, эристика, софиистика, дискуссия, полемика, дебат каби кўринишлари мавжуд. Баҳс камида икки киши ўртасида бўлади. (Инсон ўз-ўзи билан баҳслашиши мумкинлигини ҳам инкор этмаймиз). Улардан бири пропонент (бирор фикрини илгари сурувчи) бошқаси оппонент (унга қарни чиқувчи) деб номланади. Пропонент ўзининг шахсий фикрини ёки ўзи мансуб бўлган ижтимоий груҳнинг фикрини ифодаланиши мумкин. Оппонент пропонент билан бевосита (юзма-юз) ёки бавосита (вақт ва/ёки макон жиҳатдан масофада

туриб) баҳслашиши мумкин. Баҳс омма олдида ёки яккама-якка ўтади. Омма (аудитория) олдида ўтадиган баҳсларда тингловчилар баҳснинг иштирокчилари ва аргументатив таъсир кўрсатишнинг асосий обьекти ҳисобланади.¹¹³

Нутқ шаклига кўра ёзма ва оғзаки баҳслар фарқанади. (Беруний ва Ибн Синонинг савол-жавоблари ёзма ва юзма-юз бўлмаган баҳсга мисол бўлади.)

Фикрдаги тафовутлар маълум бир мавзу/масала бўйича пропонент ва оппонент нуқтаи назарлари бир-бирига мос келмагандан пайдо бўлади. Баҳс мавзусига нисбатан баҳс иштирокчиси ижобий, салбий ёки бетараф муносабатда бўлади. Баҳс иштирокчиларидан бири мавзуга нисбатан ижобий муносабат билдиrsa, бошқаси салбий муносабат (танқид қиласи ёки рад этади) билдиради. Фикрдаги тафовутлар бир масала (якка) ёки бир неча (кўп) масала бўйича бўлади. Бир пропозиция бўйича фикрдаги тафовутларда пропонент бир тезисни илгари суради. Пропонент бир неча тезисни илгари сурганда фикрдаги тафовутлар бир неча пропозицияга асосланади.

Оппонент пропонентнинг фикрига қарши чиқиши билан чеклашмай, ўзи бошқа тезисни илгари сурса ва асосласа, бунида фикрдаги тафовутлар аралаш бўлади. Оппонент пропонентнинг фикрига қарши чиқиши билан чекланса ва бошқа тезисни илгари сурмаса, фикрдаги тафовутлар аралани бўлмайди.

Юқоридаги мулоҳазаларга асосланаб фикрдаги тафовутлар бўйича баҳснинг қўйидаги турларини ажратиб кўреатиш мумкин:

Бир масала бўйича фикрдаги тафовутларга асосланади ва аралани бўлмаган баҳс. Пропонент бир масалани (тезисни) илгари суради ва уни ҳимоя қилиш мажбуриятини ўзига олади. Оппонент саволлар бериб пропонент фикрига ўтироz билдиради ва унинг фикри тўғри эканлигига шубха билдиради.

Кўп масала бўйича фикрдаги тафовутларга асосланади ва аралани бўлмаган баҳс. Пропонент бир неча масалани (тезис-

¹¹³ Карап: Поварини С.И. Искусство спора. М.: Рабочий путь. 2018. С.22-26.

ни) илгари суради ва уни ҳимоя қилиш мажбуриятини ўзига олади. Оппонент саволлар берабр пропонент фикритга эътироz билдиради, лекин ўз нуқтаи назарини илгари сурмайди ва унинг фикри тўғри эканлигига шубҳа билдиради.

Бир масала бўйича фикрдаги тафовутларга асосланган ва арагани бўлган баҳс. Пропонент бир масалани (тезисни) илгари суради ва уни ҳимоя қилиш мажбуриятини ўзига олади. Оппонент унинг фикри тўғри эканлигига шубҳа билдиради ва унга қарама-қарши бўлган нуқтаи назарни илгари суради. Ҳар икки томон бир-бирига эътироz билдириб ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилади.

Кўп масала бўйича фикрдаги тафовутларга асосланган ва арагани бўлган баҳс. Пропонент бир неча масалани (тезисни) илгари суради ва уни ҳимоя қилиш мажбуриятини ўзига олади. Оппонент унинг фикри тўғри эканлигига шубҳа билдиради ва унга қарама-қарши бўлган нуқтаи назарларни илгари суради. Ҳар икки томон бир-бирига эътироz билдириб ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилади. Баҳсни юқоридаги асосларга кўра тахлил қилганда фикрдаги асосий ва асосий бўлмаган (иккинчи даражали) тафовутларни ажратиб олиш муҳимдир.

Баҳс жараёнининг босқичлари:

- Фикрдаги тафовутларнинг чуқурлашуви (келишмаслик);
- Баҳснинг бошланиши;
- Аргументлаш босқичи;
- Танқид қилиш (рад этиш) босқичи;
- Якуний босқич.

Баҳсни ҳамма вақт ҳам режалаштириб бўлмайди. Фикрдаги тафовутларнинг чуқурлашуви ошкора ёки яширин кечади. Шу боис баҳс тўсатдан бошланиб қолиши мумкин. Баҳснинг бошланишида ким пропонент, ким оппонент бўлиши аниқланниб олиниади, баҳслашини қоидлари келишилади. Аргументларни босқичида пропонент аргументлар келтириб ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилади. Кейинги босқичда оппонент унинг фикрларидағи эътироz тутдирувчи холатларни, шубҳали

далилларни танқид қиласи. Ўз нұқтаи назарини ҳимоя қилиш учун далиллар келтиради. Якуний босқичда қайси томон үз нұқтаи назарининг хатолигини эътироф этса ва қарши томоннинг фикрига қўшилса, ўша томон маглуб ҳисобланади.

Юқоридаги босқичлар асосан идеал баҳс моделига хосдир. Амалпётда эса бу босқичларнинг кетма – кетлиги бузилиши, баъзи босқичларнинг тушиб қолиши кузатилади. Баъзан баҳслашувчи томонлардан бири ўзини ғолиб деб эълон қилиши ва баҳсни тұхтатиши, қарши томоннинг эътиrozини жавобсиз қолдириши мумкин. Баъзан томонлар баҳс мавзусидан четга чиқиб кетишилари, бир-бирларини эшитмаслик холати бўлади. баҳс якунланмайди ва яна бошидан бошлашга тұғри келади. Баҳснинг натижаси кўпчиликнинг овоз бериш йўли билан ҳал килинган холатларда ҳам, пропонент ва оппонент ўргасидаги баҳс давом этиши мумкин. Бундай холатда баҳс мавзуси ўзгариши, яъни нима учун аудитория шундай қарор қилганилиги янги баҳсга сабаб бўлиши мумкин.

Баҳснинг идеал модели реал баҳс жараёнини танқидий таҳлил қилиш, баҳслашувчи томонлар йўл қўйган хатоларни аниқлаш, кандай қоидалар бузилганинги билингага ёрдам беради.

Исботлап ва рад этиш, яъни аргументлап назарияси- баҳснинг мантиқий асосини ташкия этади. Тұғри тафаккурлапнинг асосий қонунлари ва тафаккур шаклларига хос қонунлар ҳам баҳс жараёниниг мантиқий аесларидан хисобланади.

Баҳс мунозаранинг мақсади илғари суриган гояга ииебатан бошкаларнинг (пропонент ва аудиториянинг) ишонч эътиқодини шакллантиришилди. Бунда нафакат мантиқий усулярдаи балки рухий таъсир кўреатишидан ҳам фойдаланилади.

Бағыт стратегияси ва тактикаси.

Баҳснинг стратегияси иштирокчиларнинг мақсади орқали аниқланади. Шунга кўра ҳакиқатга, ишончини шакллантиришига, ғалабага ва келинувга қаратилган стратегияларни фарқланади мумкин. Баъзан бу стратегиялар бирлашиб кетини кузатилади.

Бағыт тактикаси турли усусларни ўз ичига олади:

- аргументларни таңқид қилиш. (оппонентнинг ёғон тезисини ишончли фактлар билан рад этиш);
- душманнинг куролини ўзига қарши кўллаш принципи (оппонентнинг фикрларини ўзига қарши ишлатиш);
- “бемаъниликкаболиб келиш” усули (оппонентнинг фикри bemanyaни эканлигини истехзо ва киноя билан исботлаш);
- “шахсга мурожат қилиш” (тезисни алманитириш);
- бумеранг усули (қарши томоннинг аргументини ўзига қайтариб кўллаш);
- гап қистириш (реплика);
- исботлаш усулинине рад этиш;.
- саволлар хужумини уюштириш.

Баҳсада қўйишниладиган ҳийчашар:

- ёғон уятга қўйиш (оппонентнинг атрофдагилар олдида обруси тўкилишдан хавотирланишини билиб, ундан фойдаланиш);
- аргументларни “ёғлаш” (оппонентга ошкора хушомадгўйлик килиш);
- ёш, маълумот ва мавқъени пеш қилиш (масалан, аввал диплом олинг, кейин гапиринг);
- гапни бошига томонга буриш;
- катъий оҳангда сўзлаш;
- атайлаб баҳсени тухтатиш.

Баҳс-мунозарани муваффақиятли олиб боришда савол жавобнинг турларини бишлиш ва улардан ўринли фойдаланиш ҳам мухим аҳамиятга эга.

Баҳсада саволлар қўйишдаги мақсадларда берилади:

- қарши томоннинг масалага муносабатини аниклаш мақсадида;
- кўлланилаётган терминларни ойдинлаштириш учун;
- қарши томоннинг эътиборини иккинчи даражали масалаларга қаратиб чалгитиш учун;

- риторик савол ёрдамида ўзининг хаклигини кўрсатиш учун.

Баҳсади жавобларининг қўйидаги турлари қўйганинига:

- жавобни кейинга қолдириш (қарз жавоб);
- қисман жавоб бериш;
- саволга савол билан жавоб бериш.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни билиб олиш инсонга баҳс-мунозара жараёнида дадил иштирок этиб, ўз қарашларини химоя қилишга, мустақил нуқтаи назарга эга бўлишга ва бошқаларнинг заарли таъсирларидан сақланишига ёрдам беради.

Баҳснинг мантиқий структураси қўйидаги элементларни кўзда тутиади:

- Тортшувлар масаланинг кўпинча англанмайдиган ва у хақда кўпинча ганирилмайдиган олд йўлланмаси;
- Мухокама қилиш предмети, унинг ифодаланиши коммуникатив вазиятни моделлаштиради ва мухокамани кўпроқ маҳсулдор қиласи;
- Баҳснинг предметига иисбатан турли фикрларининг бўлиши;
- Коммуникация субъектларида турни мақсадларининг бўлиши.

“Баҳслашини” моделинин иш юзасидан сұхбатланиши вазиятига иисбатан қўллаш мумкин, унда иш юзасидан мулокот қилиш юмшиқ тарзда амалга оширилади. Замонавий таъкинга кўра иш юзасидан сұхбатлар ўз ташкилотлари томонидан музоқаралар олиб борни ва зиддиятли вазиятларни ҳал қилишга зарурй ваколатлар берилгандай шериклар ўртасидаги оғзаки контрактни билдиради. Иш юзасидан сұхбатларининг асосий функциялари: тадбирларнинг бошланнишини ташкил қилиш ёки аллақачон бошланган тадбирларни мувофиқланитириш, маълумот (информация)лар алманиниши, ўзаро мулокот қилиши ва иш контактларини ушилаб туриш, ишчи гояларни оператив тарзда ишилаб чикиш. Иш юзасидан

сұхбаттінг структурасы бешта шосой фикрарнан тұшын күздеңеңіштік болшаныш, информативні уәдістік, ағасшын, жаңа мәдениеттік фикрлариниң никор қызметтерін, ярор көбілі қызметтерін. Құралында тирибдикі, иш қызметінан сұхбаттін структурасын тұрғандағы коммуникация мөдөндігі тұлғы мөс келепши.

Мунозара (дискуссия) – (лот, *discussio* – тәжірибелердегі күліншілік, мунозара) – бирорға муаммони мұмкіншіліктердің және бүйічика торғышын, мунозара үткесінин шүйдік ғылыми-зерттеулердегі моделилердің, уңда бир неча актив субъекттердің умуми мәрекелейтін нисбатан ўзаро болғандағы бұлалықтар. Университеттерде шақында тасаввур қызметтерін мүмкін. Күнбұрлаштырылғанда мұхокама күліншіліктен муаммо жойылышын. Күнбұрлаштырылғанда хар бир бурчагы мунозара иштирокчысы (*субъекттердегі* айналайтын). Мунозаралық киришадиган хар бир томонидан коммуникатив мақсадын билініштедан манбаатдорлық, жаңа мәдениеттік аниклашга интилініш, муаммонинг конструктив ғылыми топиши билан белгиланады.

Мунозара иштирокчылары бир-бiriннің *фирма* да бұлалықтардағы муаммога нисбатан ўз муносабатларини *білдірділік* жүргізу. Мұхокаманинг умумий характеристикасында хамкорлық *күрініншілік* коллектив фаолият нормаларига бүйсунады. Субъекттердегі ўргасындағы келишмовчылық, яъни фикрлар *үртасында* жүргізу, оның кескинлешуви ва зиддиятлар *күрініншілік* жағдайда бүлиши дискуссия (мунозара)ни ўтқыр *полемика* да айналады. Юбориши мүмкін. Бу моделда аргументлардан *жарылған* оппонентларининг тезисини рад этиш эмас, батында да *жарылған* иштирокчи томонидан илгари сурىлған тезисине чаржаның кийматини аниклашадыр. Умумий коммуникатив жағдайда мұаммони келишиб халықтың, тезисларни мұайян бір аспектте ассоға келтиріши, билдирилгандай таклифларни умумлаштырыпша каратылады. Дискуссия (мунозара)ни ташкил этилде олардың күйидегі алгоритмінде амал қилинады:

1. Мұхокама мавзуси ва предмети аникланады;
2. Муаммо савол *күрініншілік* шақылланырылады;
3. Келишмовчылар аникланады;

4. Мунозара предмети бўйича мавжуд нуктаи-назарлар хақида маълумот берилади;

5. Муҳокама қилинаётган саволнинг ечими асосланади ёки рад қилинади;

6. Муҳокама натижалари изоҳланади.

Мунозара мантиғи асослаш, исботлаш, ишонтиришни назарда тутади. Мунозара натижаси – муаммонинг ечимига ёки субъектлардан бирининг тезиси чин эканлигига ишонч хосил қилиш; келишиш (консенсус); шунингдек, муаммонинг мавжудлиги, уни ҳал қилишнинг турли имкониятлари борлигини қайд қилишдир. Мунозара коммуникация моделининг умумий йўналиши – тезисларни қандайдир-бир ягона асосга келтириш, ҳаммани қаноатлантирадиган ечимини қидириш, услубиётларни умумлаштириш, муаммони ҳал қилиш лойихаларини битта келишув асосидаги ечим атрофида бирлаштиришдан иборат бўлади.

Полемика – (грек. *polemikos*- келиниб бўлмайдиган, душманчилик) ижтимоий-сиёсий соҳада кенг тарқалган коммуникатив модел. Полемика субъектларининг қарама-қарши туриши одатда шахсиз шаклда амалга ошиди (матбуотдаги полемика). Полемиканинг асосий коммуникатив мақсади – баҳсга сабаб бўлган масалани муҳокама қилиш, ҳатти-харакат ёки вазиятга жамоатчилик олдида баҳо беринидир. Полемика субъектларининг ўзаро таъсири ижтимоий фикрини шакллантириш учун муҳит ҳисобланади. Полемиканинг натижаси келиниш эмас, балки ўз нуктаи-назарини тасдиқлани, мустаҳкамлашадир. Полемикада аргументлар сифатида асосан амалдаги стереотишлар ва мейёрлар жалб қилинади. Шу сабабли полемика – ижтимоий-сиёсий соҳада кўирок кенг тарқалган мулоқот формаси бўлиб ҳисобланади.

Полемика субъектларининг ўзаро харакатлари – муаммонинг моҳиятини ойдинсантириш ёки вокеликларга берилган баҳоларини тасдиқлани учун зарур бўладиган кайфиятни шакллантириш, тортишувли масала бўйича жамоатчилик фикрини хосил қилишдан иборат бўлади.

Полемиканинг мақади, мунозарадан фаржли ғана, келишувга эришишдан эмас, балки ўзининг нуктасидан тасдиқлашдан иборат бўлади. Полемикага сабаби ҳакиқатни тонинига интилиш ҳам, ўзининг ўтказишга интилиш ҳам бўлиши мумкин. Тактик усусларни полемик воситалар регламентланмайди, полемика субъектларининг йўл қўйиладиган усуслар тўгрисидаги ташакурнига, субъектларнинг тартиб-интизом ва одоб-ахлоқ донрасидаги билимлар салоҳиятига қанчалик мос келиши билан мумкинлашмайди. Полемикани унда дуимашлар хужумни воситалари ва тактикаси тўгрисида бир-бiriни олоҳишириши шарт бўлмаган ҳарбий ўйинига қиёслаш мумкин. Шу ўринда коммуникатив моделларда низоларнинг келиб чиқиши ва уларнинг бартараф қилинини масаласини ҳам тадиқ қиласмиз.

Коммуникатив моделларда низо ва келишув.

Коммуникатив моделларда сухбатдошлиар бир бирларини уёки бу масала бўйича фикрлари билан таништириши ва шу масалага муносабатларини билишга харакат қиласдилар. Инсон кўп масалалар бўйича ўзининг шахсий фикрига эга бўлиб, уни химоя қилишга интилади. Сухбатдошлиарда муҳокама килинаётган масалага нисбатан турли нуктаи назарлар мавжуд бўлганда кўпинча низоли вазиятлар келиб чиқади. Кенг маънода низо ижтимоий ҳаётнинг турли босқичларида манфаатлар, интишишлар, фикрлар, қарашлар ва б.нинг тўқнашувиdir. Диалогда низоларнинг келиб чиқишига дунёқарашга оид, ахлоқний, мантикий, руҳий, сиёсий ва б.омиллар таъсир кўрсатади. Биз, тадқиқотимиз доирасида, булардан мантикий омилга эътиборни қарагамиз. Низоларнинг келиб чиқишида мантикий омилнинг таъсири қуйидаги холатлар билан белгиланади:

1. Яккалик (якка шахс) ҳакидаги мулоҳаза умумийлик сифатида ва аксинча умумийлик ҳакидаги мулоҳаза яккалик сифатида қабул қилиниади. Масалан, диалог иштирокчиларидан бири ўзи ҳакида билдирилган салбий фикри ўз оиласи, миллати ёки ижтимоий грухига нисбатан айтилган фикр деб

қабул қиласы. Фикр ижобий бүлгандың бундай қабул қилинмайды.

2. Тушунмаслик, бехабарлық натижасыда келиб чиқадын низо. Баъзан диалог қатнашчилари мұхокама предметини билмасдан, тушунмасдан баҳсга киришадылар ва нотұғри фикр билдирадылар. Бундай холатларда нотұғри билдирилген фикр низонинг кескинлашувиға олиб келиши мүмкін.

3. Диалог қатнашчилари томонидан бир тушунчани (фактни) ҳар хил талқын қилишлари ҳам низога сабаб бўлади.

4. Яширин асосларни таҳминлаш билан bogliq bўlgan xatolarni.

5. Хулоса чиқариш билан bogliq bўlgan xatolarni.

6. Нотұғри, гаразли аргументлаш.

7. Ўринсиз танқид. Бундай танқид хақорат деб қабул қилинади ва шунга мос салбий муносабатни шакллантиради.¹¹⁴

Диалогда низоларнинг келиб чиқишига ҳар икки томон ҳам масъулдир.

Диалогда шахслараро низони бартараф қилиш учун аввало тушумовчиликка сабаб bўlgan холатларни ойдинлаштириш, бунинг учун аниқловчи саволлар бериш керак. "Мен сизни тұғри тушундымми? Сиз нимани назарда тутаяпсиз? Ишопчингив комилми?" шу ва шунга ўхшаш саволларнинг берилиши томонларининг бир бирларини тушунишларига ёрдам беради.

Диалогда томонлар (сұхбатдошлар) мұхокама мавзусига таалуқтуды bўlgan аргументларни таңлаб, фикрларини ишонарлы қынисиб аргументлапшлари, сұхбатдошларнинг шахсий сифатлари ва манфаатларини хисобга олишилари ҳам низони бартараф қылышда мұхим рол үйнайды. Бундай холатларда эгоцентрик ва субъектив ийл тутмаслик, масалага объектив ёндашып талааб қилинади.

Баҳсга сабаб bўlgan масалага шахсий муносабатларни аралаштирумаслик, рақиби ноұрни усуулларни кўллаганды уни

¹¹⁴ Карапт Скрипник К.Д. Философия Логика. Диалог. Ростов-на-Дону: Изд-во Рост Ун-та, 1996. стр.68

хақорат қилиш, камситиши мүмкін эмас. Бундай холатта йўл қўйилса, баҳс мавзуси ўзгариб, “нуқтаи назарни йўқотиш” деб номланган хато содир бўлади ва баҳс “ким кимдан яхшиrok ёки ёмонрок” деган мавзуга ўтиб кетилади. Натижада камситилган, “бурчакка сиқиб қўйилган” томонда рақибига нисбатан адоват пайдо бўлади.¹¹⁵

Диалогда томонлар эътиборини манфаатларга эмас, бир бирларининг тутган йўлларига (позицияларига) қартишлари низоларнинг камайишига олиб келади. Баҳсли масалаларнинг ҳар икки томон учун манфаатли бўлган ечимларини излаш, мавжуд алътернативалар (муқобил вариантлар) билан чекланиб қолмасдан, янги ечимларни излаб топиш, яъни дилемманинг шоҳларидан чиқиб кетиш ҳам низони бартараф қилишининг самарали усусларидан биридир.

Ҳозирги кунда мулоқотнинг субъектив (экспрессив), реал (когнитив) ва норматив (сүггестив) жиҳатларига эътибор қартилмоқда Мулоқотнинг экспрессив жиҳатида сўзловчининг предмет ёки адресатга нисбатан субъектив позициясини ифодаловчи нутқнинг стилистик, семантик белгилари бир бутун яхлит холда намоён бўлади. Мулоқотнинг норматив жиҳатида аксиологик ва деонтик холатлар ифодаланади. Мулоқотнинг реал когнитив жиҳати хабарлар билан алмашиб ва маълум реалик ҳақидаги билимларнинг ортиб боришини ифодалайди. Шундай қилиб, мулоқот, диалогнинг когнитив жиҳатида муайян масалага нисбатан коммуникантларнинг муносабатини (позициясини) аниқлаш ўрганилади. Интерсубъектив мулоқотда барча коммуникантлар ахборот қабул қилини ва алманиши, яъни сухбатлашиш мақсадида интирок этади. Буидай мулоқот натижаси консенсус, яъни келишув бўлиб, унда K_x ва K_y (K -коммуникант) маълум бир A (A -ахборот) холатини бир хил баҳолайдилар, $K_x A$ эканлигига ва K_y ҳам буни шундай тушунишига ишонади. Ўз навбатида $K_y A$ эканлигига ва K_x уни шундай тушунишига ишонади. Ҳар бири

¹¹⁵ Финнер Р., Юри У. Путь к согласию. Пер. с англ. Медниковой А.А. Язык и моделирования социального взаимодействия. Сост. В.М. Сергеев, Б.Н. Паршин. Под. ред. Петрова В.В. М.: Прогресс, 1987. стр. 184.

ўзи ишонган нарсага бошқаси ҳам ишонади деб ўйлайди ва ўзаро келишувга келади.

КЕЛИШУВ ($K_x, K_y, A \Rightarrow (K_x A \wedge K_y A)$).
("Λ"- "ва" боғловчининг символик белгиси.)

Диалог, мулоқотда ягона когнитив маконнинг шакллашиши коммуникантларнинг бир-бирининг фикрига бўлган ишончнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Коммуникантларнинг бир-бирининг фикрига бўлган ишончи когницияни, яъни сухбатдошининг интенционал холати ҳақидаги билимни хосил қиласди. Коммуникантларнинг (K_x, K_y) фикр алмашиш, сухбатлашишга бўлган иштиёқи мулоқотнинг ягона коммуникатив маконини ташкил этиши натижасида бир-бирларининг фикрлари, билимларини аниклаб оладилар.

Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги Отабек Зиё шоҳичининг уйидаги меҳмондорчиликда Акрам хожининг “Отангиз Азизбекнинг мушовири экан, нима учун уни бир оз бўлса ҳам йўлга солмайдир?”- деб берган саволига шундай жавоб беради:

“— Кечирингиз, амак, — деб Отабек кулимсиради,— сиз отамининг мушовирлигини бошқачароқ онглағанга ўхшадингиз... Бизнинг бекларга ҳукм вақтида ҳам мушовир бўлмоқ имкоғисиз нарсадир. Отам Азизбекнинг мушовири ва яқин мусоҳиби саналса ҳам ва лекин бу жўзъий ишлардагиниадир, бунинг учун сизга бир мисол келтирай, бу иш шу яқин оралардагина бўлди: Тонканддаги жумъалик гап мажлисларидан бирида бир киши Азизбекни маҳттар ва бу маҳтовга қарши иккинчиси «нега мунчалик маҳтайсан, Азизбекнинг асли бир бачча-да» дер. Уларнинг бу мўзокараларини четда эшишиб турган хуфиялардан бири бу сўзни Азизбекнинг кулоғига етказур. Эртасига Азизбек мазкур икки кинини ўз ҳўзурига олдириб маҳтовчиға улуғ мансаб ато қилар ва иккинчисини ўлимга буюрар... Бу ҳукм мажлисида хозир тургав отам маҳкумнинг тунохини сўраганида Азизбек жаллоғда бақирад: «Тезроқ олиб чиқ!» Отам тагин кулиқ

қилганида жаллодға буюар: «Қўлингдагини бўшатиб, ўрига хожини олиб чиқ!»

— Мана кўрдингизми, отамнинг қадру қийматини.

Юсуфбек хожининг қандай одам экани айниекса Акрам хожига онглашилиб, бу тутрида ортиқ баҳс қилинимади ва сўз бошқа хусусларга ўтди.¹¹⁶

Лавҳани таҳлил қилиб, айтиш мумкинки, мулокотда коммуникантлар бир-бирларининг фикрларини билиши ва тушуниши ягона коммуникатив маконни таниклил қиласди. Коммуникантлар бир-бирларининг гапига ишонади ва уни қабул қиласди. Акрам хожи учун бекнинг мушовири бўлган одам унга ўз сўзини ўтказа оладиган, уни йўлга соладиган шахсdir. Отабекнинг жавобидан Юсуфбек хожининг мушовирилик мақоми қай даражада эканлиги маълум бўлади. Жавоб берувчи эса ноаниқ холатни тушунтириб беради. Жавобдан коникиш келишувни англатади.

Шундай бўлиши мумкинки, коммуникантлар мавжуд холатни турлича тасвиirlайдилар ва уларнинг тасвири бир-бирига мос келмайди. Ўртада ишончсизлик пайдо бўлади. Коммуникантларнинг ҳар бири бошқасининг фикрини билади ва унга қўшилмайди. Бундай холатда келишув амалга ошмайди, у ёки бу томон бошқасини ўз фикрига ишонтиришга харакат қиласди ва когнитив макон ўзгариади.

K_x биладики K_y мавжуд холатни A деб эмас, C деб тасвирилаяти. K_z

K_x ни мавжуд холат C эмас, балки A эканлигига ишонтиришга харакат қилишини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$(K_x, K_y, A) \Rightarrow (K_x A \wedge K_y C) \wedge (K_x A \wedge K_y A)$$

K_x ўз наяватига C эканлигига K_x ни ишонтиришга харакат қиласди. Ҳар икки томон ҳам ўз фикрларини аргументлаши керак бўлади.

Умуман олганда, келишув, консенсус мулокотнинг ягона когнитив маконини яратишнинг дастлабки шарти ҳисоб-

ланади. Бу эса мулоқотнинг давом эттирилишини таъминлайди. Бундай аргументлашда фикр-мулоҳазаларнинг чин бўлиши талаб қилинади.

Сұхбатдошларнинг сұхбат мавзусига бўлган муносабатлари бир бирига мос келиши ёки фарқланиши мумкин. Сұхбат жараёнида муносабатлар мос келмаса ўртада низо пайдо бўлади, мос келса томонлар ўзаро келишади. Келишув нима? Платоннинг “Горгий” диалогида Сократ Калликлуга шундай дейди: менинг фикрларимдан қайси бирига қўшилсанг, у фикрлар иккимиз томондан синалган ва қайта текширишга муҳтож бўлмайди. Аниқки, сенинг розилигинг донолигинг нинг етишмаслиги ёки хаддан ортиқ уятчанлигинг сабабли эмас ва албатта сен мента ёлғондан ён босмайсан, чунки сен менинг дўстимсан, бу сенинг сўзларинг. Демак, бизнинг бу келишувимиз ҳақиқатнинг чўққиси бўлади.” Сократнинг бу сўзларидан диалог иштирокчилари ўргасидаги келишув ҳақиқий ёки сохта бўлиши мумкин деб хулоса қиласа бўлади. Юкоридаги лавҳада сохта келишувнинг уч тури қўрсатилиган:

1. Сұхбатдошлардан бири мавзу бўйича етарли билимга зга бўлмаса ёки унинг моҳиятини тушунмаса, сұхбатдошини шу масала бўйича билимдан деб ўйлаб, унинг фикрига қўшилади. Буни билимсизлик туфайли келишув десак бўлади.

2. Ортиқча уятчалик туфайли келишув. Туркий ҳалқларнинг тилида бу “андиша” деб номланади. Бундай холатда сұхбатдошлардан бири масалани бошқасидан кам билмайди (ўзининг пуқтai назарига зга) лекин сұхбатдошининг ёни, мавқен, қариндошлилик муносабатлари ва б.ни хурмат килиган холда унинг фикрига қўшилади.

3. Ёлғондан ён босиб келишувга келинади. Бундай келишувга уч хил холат сабаб бўлади:

-кәраксиз баҳени тўхтатиш ва сұхбатдошидан кутини учун;

-ўзининг ҳақиқий мақсадини янириб, вақтдан ютини учун;

-сұхбатдошининг далиллари манбаатларига халал бермагани (зид. қарши эмаслиги) ва бошқа шахсий сабаблари туфайли келишувга келинади.

Шундай қилиб, ҳар икки томон қўйилган масаланинг ечими (саволнинг жавоби)ни тўғри ёки ишончли деб эътироф этиши ҳақиқий келишув ҳисобланади. Демак, аргументлаш диалог, баҳс, мунозара, полемика каби коммуникатив моделларда қўлланади. Коммуникатив моделларнинг тури коммуникатив ва аргументатив мақсадни белгилайди. Мақсадларнинг муштараклиги низоларни бартараф қилиш ва келишишга сабаб бўлади.

4.3. Коммуникатив моделларда аргументлаш билан боғлиқ хатолар

Аристотел биринчилардан бўлиб аргументлаш билан боғлиқ хатоларни ўргангандан таснифлаган. Стагиритнинг “Топика”, “Софистик раддиялар” асарларида хатолар батағсил таҳлил қилинган. У диалектик баҳс жараёнидаги хатоларни пропонент ва оппонентнинг ёлғон аргументларни қўллаши билан боғлиқ деб кўрсатган. Исботлашда учрайдиган хатоларнинг турларини билиш ва софистик раддияларнинг асоссизлигини аниқлаш. Аристотелнинг кўрсатишича, кўйидаги сабабларга кўра фойдалидир: «Биринчидан, софизмлар кўпроқ сўз ифодаланинг кўра вужудга келгани учун, буюмлар ва уларнинг номлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқни аниқлашга ёрдам беради. Иккинчидан, мустақил фикр юритиш учун фойдалидир, чунки кимни бошқалар осонликча адаштируса ва буни унинг ўзи сезмаса, бундай одам ўз-ўзини ҳам адаштириши мумкин. Учинчидан, ҳар бир нарсада мохир ва тажрибали бўлини учун, шуҳрат қозонини учун фойдалидир»¹¹⁷.

Ислом мантиқиуносларининг таълимотида ҳам исботлаш жараёнида учрайдиган мантиқа оид хатоларга алоҳида эътибор берилган. Улар ҳам масалани Аристотел каби софис-

¹¹⁷ Аристотель. О софистических опровержениях. // Сочинения. Т.2. -М.: Мысль, 1978. -С.365

тик мұхокамалар билан бөглиқ ҳолда күриб чиқышган. Форобийнинг күрсатишича, «софистик мұхокамаларга چалкаштириш, янглишишириш, алдаш, нотұғрини тұғри, тұғрини нотұғри деб билиш хосдир»¹¹⁸. У софизм сүзининг маъносини «сохта донолик» деб тушунтиради. Бундай ишлар билан шуғулланувчиларни, яъни ростни ёлғон, ёлғонни рост, деб тасдиқловчи, үзини доно, бошқаларни эса нодон қилиб күрсатувчи кишиларни софистлар деб атайди.

Софистик мұхокамалар сўзловчи ва тингловчи орасидаги фикр алмашиниши жараёнида, сұхбат ва баҳс юритишида күлләнилади. Бундай мұхокамалардан мақсад «суҳбатдошинииг ёлғон гапираётгандыгини күрсатиш, унинг фикрини юзаки рад этган ҳолда, ҳамма томонидан қабул қылшынан фикрләрга нисбатан зид фикрга олиб келиш, фикрини چалкаш баён қилишга ва (суҳбатдошини) ҳадеб бир фикрни қайтакайта тақрорлашга (эзмалик қилишга) мажбур этишдир»¹¹⁹. Софистлар ўз мақсадларини амалга оширишда инсоннинг рухий ҳолатидан, тафаккурида ўнашыб қолған фикрлардан, одатларидан, шунингдек бирор ғояннинг тарафдори эканлигидан усталик билан фойдаланадылар.

Форобий «фикр юритиш жараёнидаги мантиққа оид хатоларининг олдини олиш учун софистлар күллайдыган усууларни билиш бизга бирор фикрини исботлашаётганды ёки үзимиз болықтарға исботлаётганимизда үларнинг таъсиридан қутылыш имкоинин беради»¹²⁰- дейді.

Форобий каби Ибн Сино ҳам сафасталарни силлогизмларниң тузылиши ёки үларнинг таркийн кисемлари билан бөглиқ бўлгани хатоликларга йўл қўйинининг оқибатида вужудга келади, деб ҳисоблайди¹²¹. Исботлаш асосан силлогистик кўринишда бўлгани туфайли, исботлашида учрайдиган хатолар ё шаклга, ё мазмунга таалуқлар бўлади.

¹¹⁸ Аль-Фараби. О классификации наук / Философские трактаты. –Алма-Ата, 1970. –С132-133.

¹¹⁹ Аристотель. О софистических опровержениях. –Соч. Т.2-М., 1978. –С.537.

¹²⁰ Аль-Фараби. Софистика /Логические трактаты. –Алма-Ата, 1973. –С. 364-365.

¹²¹ Карим Абу Али Ибн Сина. Логика. // Указания и наставления. Избранные произведения. –Т. I. Душанбе, 1980. –С. 23-255.

Маълумки. Аристотел исботлашда учрайдиган манттик билан боғлиқ хатоларни икки гурухга бўлган. 1. Сўзларни ва ибораларни нотўғри кўллаш билан боғлиқ бўлган хатолар; 2. Биринчиси билан боғлиқ бўлмаган, яъни фикрнинг мазмуни билан боғлиқ хатолар. У биринчи гуруҳдаги хатоларнинг олти турини кўрсатади. Булар: бир иомилик (омонимия - Д.Ф.), кўп маънолик (амфиболия - Ф.Д.) бирикиш, ажратиш, ургу бериш ёки талафуз қилиш ва ифодаланиш шаклига кўра йўл кўйилгани хатолар¹²².

Мутафаккирлар бу масалада Аристотелнинг фикрларини такрорлаш, шархлаш билангира чекланиб қолмай, унга кенгроқ чукурроқ ёндашадилар, Масалан, Ибн Сино эристик (баҳслашиш) санъатига хос кўйидаги холатларни кўрсатади:

- 1) софистик раддия;
- 2) сұхбатдошининг гапларидан нафратланиш;
- 3) сұхбатни ёлгонга ва кўпчилик қабул қилган фикрларга зид йўналишга буриш;
- 4) нутқда ноаниқ, тушуниш кийин бўлган сўзларни кўллаш ва сұхбатдошини чалкаштириш;
- 5) нуч гапларни гапириш ва бир гапни қайта қайта такрорлаш.¹²³ Бу қисмлар биргаликда келиши ҳам мумкин.

Форобий ва Ибн Синоларнинг софистик раддияларга оид асарларини ўрганиб, улар баҳс жараёнида учрайдиган манттик билан боғлиқ хатоларни аргументлашда учрайдиган хатолардан фарқланганиларини аниқлаш мумкин. Мутафаккирлар баҳс жараёнида учрайдиган манттикка оид хатоларни уч грухга бўладилар: тушуичаларни таърифлаш ва бўлиш билан боғлиқ бўлган; мулоҳазалар билан боғлиқ бўлган ва хulosса чиқариш билан боғлиқ бўлган. Уларнинг тушунча ва мулоҳазага оид фикрлари аньянавий манттик қоидалари билан бир хил бўлганлиги учун бу масалага тўхталиб ўтирумаймиз. Эътиборимизни хulosса чиқариш билан боғлиқ қоидаларга қаратамиз. Чунки

¹²² Аристотель. О софистических опровержениях. Соч. Г 2-М. 1978 –С.538.

¹²³ Каари – Абу Али Ибн Сина. О логике софистических опровержений Соч. Г 7. Душанбе – Дониш. с 362-363.

аввалги бобда таъкидлаганимиздек, аргументлашда хulosса нұқтаи назарни (тезисни), хulosса асослари эса аргументларни ифодалайди.

Бағыда хатоликларга йўл қўймаслик учун Ибн Сино муайян талабларга амал қилиш зарурлигини таъкидлайди:

Аввало мұхокаманинг ҳақиқатда силлогизм эканлигини аниклаш зарур. Агар силлогизм олинар экан, унинг қандай кўринишда эканлигини билиш керак. Сўнг силлогизмни таркибий қисмларга ажратиб, ўрта терминнинг ҳар икки асосда ўзгаришиз мавжуд бўлишига эътибор бериш лозим. Катта ва кичик термин ўртасида ва хulosанинг ҳар икки кисми (субъекти ва предикати) ўртасида зиддият бўлмаслиги шарт. Шунингдек, терминларни ифодаловчи тушунчаларнинг бир маъноли бўлишига эътибор бериши зарур. Ноаник фикрларга асосланмаслик ва силлогизм асосларининг чин ҳукмлардан ибораг эканлигига ишонч ҳосил қилиш, тахминий, интуитив фикрларни чин фикр деб қабул қиласлик ҳам турли хатоларнинг олдини олади. Шунингдек, Ибн Сино саволнинг ўзи асос қилиб олинганда ва исботлашда айланма хатога йўл қўйилганда ҳам мұхокама иотўғри тузилган бўлади, деб таъкидлайди.¹²⁴

Форобий ва Ибн Сино фақат дедуктив хulosса чиқарини қоидапарига эътибор қаратиб қолмай, индуктив хulosса чиқарши билан боялиқ хатоларни ҳам тахлил килинадар. Улар тўлиқ индукциянинг хulosаси чин бўлади деб, эътироф отадилар. Лекин тўлиқ индукция асосида ўрганилаётган обьектлардан фақат бигтасининг хато бўлини хulosанинг ҳам хато бўлишига сабаб бўлади деб, таъкидлайдилар. Ибн Синонинг “Донишнома” асарида келтирилган мисолга кўра, тимсоҳининг озиқланганда юқори жагини қимирлатини “ҳамма хайвонлар озиқланганда пастки жагини қимирлатади” деган хulosанинг рад этишинига асос бўлади. Бу фикр аргументларни назариясида нұқтаи назарни рад этишида қўлланиладиган усулини ифода-

¹²⁴ Абу Али Ибн Сина. Логика. // Даимиюннама. Избранные произведения. – Т. 1. Душанбе, 1980. – С. 102-103.

лайди. Бунга кўра умумий тасдиқ мулоҳазани рад этиш учун, умумийликни рад этувчи якка мулоҳаза етарли бўлади.

Форобий ва Ибн Сино исботлаш, силлогизм билан боғлиқ бўлган хатоларни билиш турли софизмларни фош этишда, фикрдаги чалкашликларни аниқлашида ва чалкаш фикр юрит-маслиқда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар.

Мутафаккирлар аргументлашда учрайдиган хатоларнинг кўйидаги турларини таърифлаб бергандилар:

Асос ва натижага ўзаро боғлиқлигининг бузилиши «оқибатта тегишили хато» ёки «келиб чиқмайди» деб аталувчи (*Fallacia consequentis*) хатога олиб келади. Бу хатога асосланган софизмларда нотўғри хulosани келтириб чиқариш натижасида бошқа бир фикр хulosса бўлиб туюлади. Бу хulosалар чин ёки хато бўлиши мумкин. Масалан, Зайд–инсон. Лекин Зайд Амр эмас, Амр эса инсондир. Демак, инсон инсондан бошқадир¹²⁵. Бу хulosанинг хато эканлиги маълум.

Акциденталликни субстанционаллик деб билиш натижасида вужудга келадиган хато. Масалан, сариқ ранглилик – асаланинг белгисидир. Бу буюм сариқ рангда. Демак, у асалдир. Худди шундай хатолик «Асал сариқми ёки ширинми» деб номланувчи софизмда яққол ифодаланган¹²⁶.

«Чекланмай айтилган фикрдан чекланган фикрга ўтиш ва аксенича» деб аталувчи хато. Форобий «Софистика» номли асарида «бу хато айтилган фикрнинг мазмунини ўзбошимчалик билан кенгайтириш ёки чегаралашдан иборат» деб кўрсатади.¹²⁷

«Бир неча саволарни бир савол билан алмаштириш» (*many questions*) деб аталувчи хато. Бунга кўра, бир неча саволга факат «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериш талаб қилинади. Масалан, «үн – тўққиз ва бирдан иборатми ёки йўқми?» - деган саволига тасдиқ жавоб берилса, демак ўн тоқ сон экан деб,

125 Карап – Аль-Фарағи. Софистика /Логические трактаты/. –Алма-Ата 1973. –С. 383.

126 Карап – Неви А.А. Практическая логика. –М., 1996. –С. 80

127 Аль-Фарағи. Софистика /Логические трактаты/. –Алма-Ата, 1973. –С. 385

хulosы чиқарылады. Бу усул софистик шубхаланишларни келтириб чиқарады.

«Асосни олдиндан тахминлаш» (*petitio principi*) деб атала-диган хато. Бу хатонинг моҳияти шундан иборатки, унда, авва-ло, чинлиги тезиснинг чинлигига боғлиқ бўлган асос олинади. Агар тезиснинг чинлиги исбот этилган булса, унда асос ҳам чин бўлади. Шунингдек, тезисни тасдиқловчи асос сифатида шундай мулоҳазалар келтириладики, уларнинг хатолиги аниқ бўлмаса ҳам, чинлиги исботга муҳтож бўлади.¹²⁸

Биз тадқиқотимиз доирасида ислом мантиқшуносларидан Форобий, Ибн Сино ва бошқа мутафаккирларнинг аргументлашда учрайдиган хатоларга оид таълимотларини тўлиқ тахлил қилиш имкониятига эга эмасмиз. Уларнинг бу масалага оид қарашлари алоҳида тадқиқот мавзуси хисобланади.

Айтиш жойизки, Аристотелнинг аргументлашда учрайдиган хатоларга берган таърифи узоқ вакт давомида фанда хукмронлик қилди. Бу таърифга кўра мантиқан тўғри кўрнинган, аслида эса бундай бўлмаган хulosы чиқариш аргументлашдаги хато хисобланади. Аристотелнинг таъкидлашича тўғри хulosы чиқаришда хulosы силлогизм асосларидан зарурӣ келиб чиқади, асослардан ўзгача бўлади ва уларга таянади. Бу масалада инглиз файласуфи Френсис Бэкон биринчилардан бўлиб Аристотелнинг фикрларини яиги гоялар билан тўлдириди. У идоллар (шарпалар) билан боғлиқ хатоларни таърифлаб берди. Джон Локкнинг инсонга мурожаат қилувчи аргументлар (*argumentum ad hominem*) ҳақидаги гоялари аргументлаш билан боғлиқ хатолар рўйхатини янада кенгайтириди. У камтарликка (*ad verecundiam*), билименизликка (*ad ignorantiam*) ва соглом ақлига (*ad judiciam*) даъюлат қилини хатоларни кўреатиб берди. Кейинчалик бузлар инсонга мурожаат қилувчи хатолар деб номланувчи ва оппонентининг шахсига хужум қилувчи аргументлар грухини шакслантириди. Ҳозирги кунда бу грухни ташкил этувчи хатолар сони ортиб бормоқда. Аргументлашдаги хато эса аргументатив

¹²⁸ Файзмуллаева Д. Абу Наср Форобий ва Ибн Сино мантиқий исботларинида

дискурседаги номукаамал харакатлар деб талкин килинмөкдә.¹²⁹ Масалан, Емерен, Гроотендорстлар рационал дискуссияни олиб борин қоидаларининг (ўзини тутиш кодекси) бузилишини аргументлашдаги хато деб, таъкидлайдилар.¹³⁰ Ўзини тутиш кодексининг бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай холат хато хисобланади, хатолар жа қоидаларнинг бузилишига кўра таснифланади. Масалан, мунозаранинг ҳамма босқичларида нутқ актларидан факат асертив, комиссив, директив ва нуткий декларативлар ўйланиши мумкин. Бошқа нутқ актларининг ўйланиши хато хисобланади. Емерен ва Гроотендорст ишлаб чиқкан кодекс 17 қоидани ўз ичига олади. 4-5- қоидаларга кўра пропонент ҳамма вақт оппонентга ўз нуқтаи назарини химоя килишиб таклиф қиласди. Пропонент ким бўлишидан катъий назар, оппонент унинг чакиригини қабул қилиши шарт.

Аргументлашдаги хатоларнинг яна бир таснифи *Доглас Уолтон* томонидан ишлаб чиқилган. У хатони “диалогдаги қадам” деб номлайди. Унга кўра “қадам” аргумент бўлиб, ёрдамида диалог иштирокчилари томонидан қабул қилингана мақсадга эришилади, аслида эса аргумент бу мақсадга эришигина тўсқинлик қиласди.¹³¹ Уолтоннинг прагматик назарияси га кўра, хатолар нафакат диалог қоидалари ва Грайс принципининг бузилиши бўлиб қолмасдан, бу қандайдир аргументлаш схемаларининг ҳам бузилишидир.

Уолтоннинг “аргументлаш схемаларининг бузилиши хатодир” деган мулоҳазасини асос қилиб олиб, аргументлашда учрайдиган хатоларни таснифлаш мумкин. Бунда муҳокама юритиш турларига хато содир бўлиши мумкин бўлган холат сифатида қараш керак бўлади. Уолтон аргументловчи муҳокама юритишнинг 25 та схемасини таклиф қиласди. Улардан энг кенг тарқалгани қўйидагилардир: 1. Манбалар асосида.

¹²⁹ Карапин Франс X. Ван Емерен. Ошибки в аргументации. Важнейшие концепции теории аргументации. СПб.: Филологический факультет СПбГУ. 2006. С.162

¹³⁰ Карапин Франс X. Ван Емерен. Аргументация, коммуникация и ошибки. Санкт-Петербург: Васильевский издат. 1992. С. 123-128.

¹³¹ Карапин Walton D. A Pragmatic Theory of Fallacy. 1995. P. 42.

2. Мисоллар асосида. 3. Стандартлар асосида. 4. Сабаб асосида. 5. Амалий тажриба асосида. 6. Вербал классификация. 7. Белги асосида. 8. Градуал. 9. Презумптив. 10 Мажбуриятлар асосида. Булардан баъзиларини кўриб чиқамиз:

Манбаларга асосланган далилловчи мухокама. Нуқтаи назарни ҳимоя қилиш учун оппонент рақиби ҳам эътироф этадиган авторитетларнинг номлари ва гояларига мурожаат қиласди. Натижада рақиб томон авторитетга қарши чиқолмайди (авторитет ҳақ бўлмаса ҳам). Бундай холатда хатони аниқлаш учун куйидагиларни ҳисобга олиш зарур: а) бир соҳада эксперт (авторитет) бўлган шахс бошқа соҳада ҳамма вакт ҳам авторитет бўлолмайди. б) манбага ҳақ тўланганилиги. Масалан, машҳур қўшиқчи ўзи реклама қўйган маҳсулотни ишлатмаслиги мумкин, лекин маълум ҳақ эвазига уни қўллашни тавсия қиласди; в) баъзи эксперталарга бошқаларига ишбатан кўпроқ ишонилади; г) ОАВ воситаларидан ҳам баъзан авторитет сифатида фойдаланилади, бундай холатларда унинг хабарларига эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарурлигини унутмаслик керак.

Стандартларга асосланган мухокама юритишдаги хатоларга куйидагилар киради: а) маҳаллийчиллик – ахборотни идентификация қилишида шахсий қарашлар, тасаввурлар доирасидан чиқиб кетолмаслик; б) бетараф бўлиш – ҳамма вакт ҳам мухокаманинг ишончлилиги учун асос бўлоямайди; в) ўзиға бошқа, рақибига бошқа таъабларни қўйини, яъни ўзи бузаттган қондадарни рақиби амал қўлмайтганлиги ҳакида “жар солини”.

Вербал (асосланмаган) классификация билан бөглиқ хатолар. Бу аргументатив схема асосида тузенин зарурий асосларениз қабул қилиш билан бөглиқ хатолардир. Бунга куйидагиларни киритни мумкин: а) бир овоздан маъкултани; б) классификацияда корреляция¹³² (десигнант (таърифланувчи)нинг тўлиқ келтирилмаслиги ёки дефиницияда унинг номиҳим компонентларидан фойдаланини). Масалан, инсонга

¹³² Корреляция – ишбат, ўзаро мос келини, буюмлар, ходисалар, тунунчалар, функцияларини ўзаро бөгликсини ишбатлашни

2. Мисоллар асосида.
3. Стандартлар асосида.
4. Сабаб асосида.
5. Амалий тажриба асосида.
6. Вербал классификация.
7. Белги асосида.
8. Градуал.
9. Презумитив.
- 10 Мажбуриятлар асосида. Булардан баъзиларини кўриб чиқамиз:

Манбаларга асосланган далилловчи муҳокама. Нуқтаи назарни ҳимоя қилиш учун оппонент рақиби ҳам эътироф этадиган авторитетларнинг номлари ва гояларига мурожаат килади. Натижада рақиб томон авторитеттага қарши чиқолмайди (авторитет ҳақ бўлмаса ҳам). Бундай холатда хатони аниқлаш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур: а) бир соҳада эксперт (авторитет) бўлган шахс бошқа соҳада ҳамма вақт ҳам авторитет бўлолмайди. б) манбага ҳақ тўланганилиги. Масалан, машҳур қўшиқчи ўзи реклама қилган маҳсулотни ишлатмаслиги мумкин, лекин маълум ҳақ эвазига уни қўллашни тавсия қилади; в) баъзи экспертларга бошқаларига иисбатан кўпроқ ишонилади; г) ОАВ воситаларидан ҳам баъзан авторитет сифатида фойдаланилади, бундай холатларда унинг хабарларига эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарурлигини унугмаслик керак.

Стандартларга асосланган муҳокама юритишдаги хатоларга қуйидагилар киради: а) маҳаллийчилик – ахборотни идентификация қилишда шахсий қараашлар, тасаввурлар доирасидан чиқиб кетолмаслик; б) бетараф бўлиш – ҳамма вақт ҳам муҳокаманинг ишончлилиги учун асос бўлолмайди; в) ўзига боинка, рақибинга боинқа талабларни қўйини, яъни ўзи бузәтган қондадарни рақиби амал қилмаётганилиги ҳакида “жар солини”.

Вербал (асосланмаган) классификация билан боғлиқ хатолар. Бу аргументатив схема асосида тузисни зарурий асосларенз қабул қилини билан боғлиқ хатолардир. Бунга қуйидагиларни киритин мумкин: а) бир овоздан маъкуллани; б) классификацияда корреляция¹³² (десигнант (търифлапувчи)нинг тўлиқ келтирилмаслиги ёки дефиницияда унинг номуҳим компонентларидан фойдаланиши). Масалан, инсонга

¹³² Корреляция – иисбат, унро мос келини, буюклар, ходисалар, тунунчалар функцияларинин унро боғликини, ишебадонлигиги.

куладиган хайвон деб, таъриф бериш; в) Ёлғон дилемма - альтернатив ечимларнинг тўлиқ қўрсатилмаслиги оқибатидаги хато; г) хато қилганлиги хақида ёлғон айблов.

Амалий тажриба асосида муҳокама юритиш билан боғлиқ хатолар: а) кўпчиликнинг тажрибасидан олинган мисолларни аргумент сифатида қўллаш; б) ҳикматли сўзлар ва мақолларни сўсиз асос сифатида келтириш; в) машҳурликка қаратилган аргумент - кўпчиликнинг фикри, ҳиссияти, кайфиятидан аргумент сифатида фойдаланиб, тезисни асслашга интилиш. Бунда тезиснинг чин ёки ёлғонлиги объектив асослар билан далилланмайди.

Градуал¹³³ муҳокама юритишдаги хатолар “сирпанчик қиялиқ” деб номланади. Бунга “бармогингни берсанг, тирсагингача узуб олади”, “йиги йигини чақиради” каби мулоҳазалар мисол бўлади.

Презумитив мулоҳазалар билан боғлиқ хатоларда тахминга асосланган холатлар аргумент сифатида қўлланади. Ўз-ўзича бундай аргумент мантикий ва ишончли ҳисобланмайди.

Мажбуриятлар асосида муҳокама юритиш Пол Грайснинг кооперация принципларига амал қилишни талаб қиласди. Багъзан оппонент илгари сурилган фикрни исботлаш ёки оқлаш имкони бўлмаганда, эътиборни шу фикр билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа фикрга қаратади ва уни муҳокама қилишига ўтиб кетади. Натижада тезис ўрнига ундан келиб чиқадиган бошқа бир кучсиз мулоҳаза далилланади (қамиш кўрикчи методи).

Шундай қилиб, нутқ актлари, “ўзини тутиш кодекси” ва прагматик назарияга асосланиб, аргументлашдаги хатони қўйидагича таърифлани мумкин: муҳокама юритиш жараёнида ахлоқий нормаларнинг ва аргументлаш қоидаларининг бузилишини ва аргументлашнинг асосий мақсади бўлган ишончнинг шаклланишнига тўсқинлик қилувчи нутқий акт - хатодир.

¹³³ Градуал - белгى ёки таъсирининг аста сеъни ортиб ёки камайиб боринини нифодаловчи тунунка.

Нұқтаи-назарни баён қылышда вүжіуда келадиган хатолар

Коммуникация жараёнида аргументлаш билан бөглиқ аргументлаш қоидаларини бузиш оқибатида содир бўлади. хатолар аргументлашнинг структурасига мос холда таснифланади. Биз аввал аргументлашнинг қоидасини, кейин шу қоиданинг бузилиши билан бөглиқ хатоликларни кўриб чиқамиз.

I. "Нұқтаи назарни ҳимоя қилиши эркинліги" деб номлашувчи қоида ва уншыг бузилиши билан бөглиқ хатолар.

Қоидага кўра “баҳслашувчи томонлар бир-бирига ўз нұқтаи назарини ҳимоя қилишлари ва оппонентнинг нұқтаи назарини танқид қилишлари учун тўсқинлик қилмасликлари керак.” Қоида куйидаги холатларда бузилган ҳисобланади:

Баҳслашувчилардан бири суҳбатдошининг аргументлашига чеклов кўяди.

Натижада қуйидаги хатолар келиб чиқади:

-Нұқтаи назарни “муҳокама қилинмайды” деб зълон қилиш. Баҳса қарши томонга ўз нұқтаи назарини баён қилишга рухсат берилмайди ва муҳокама инкор қилинади. Масалан: “Мен ишдан кетишга карор қилдим, бу қарорим муҳокама қилинмайды. Мен бугундан бошлаб бу корхонада ишламайман.”

-Нұқтаи назарга “табу”(таъқик) кўйинш. Баҳслашувчи томонлардан бирига ўз нұқтаи назарини баён қилиши ўратилган қоиданинг бузилиши сифатида коралданади ва таъқисланади. Масалан: “Уйдаги гапни кўчага олиб чиқини керак эмас эди. Ота-овалар ҳақида ёмон гап гапирилмайди.”

-Баҳслашувчилардан бирининг эркинлігини чеклаб кўйинш. Бу икки йўл билан амалга оширилади.

Биринчиси, баҳслашувчилардан бирини ўз нұқтаи назарини асослашыдан ёки оппонентнин танқид қилиндан воз кечишга мажбур қилини. Бунда баҳлашанини мумкин бўлган шахс (оппонент) турли баҳоналар ёки жисмоний куч ишлатни, кўркитни йўли билан баҳлашнидан воз кечинига мажбур қилинади. Баҳе жараёнида бундай холатларигу йўл кўйилшини

хато ҳисобланади ва *argumentum ad baculum* (таёқ аргументи) деб номланади.

Иккинчиси , баҳслашувчи томонлардан бири бошқасининг ҳис-тўйуларига таъсир қилиши, эмоционал босим ўтказиб, ўзини noctor қилиб кўрсатиб, оппонентининг раҳмини келтириши ва пропонент нуқтаи назарига қаршилик кўрсатмасликка мажбур қилиши. Бундай хато *argumentum ad misericordiam* (раҳмни келтирувчи аргумент) деб номланади.

Бу хатонинг яна бир кўриниши *argumentum ad hominem* (инсонга мурожаат қилувчи аргумент) дейилади. Баҳса *argumentum ad hominem* кўлланилганда баҳслашувчилардан бири баҳс мавзусидан тингловчиларни ва оппонентини чалгитиш мақсадида ракибининг шахсий холатини танқид қилиши, камситиши, масхара қилиши кузатилади.

Argumentum ad hominem бевосита хужум, билвосита хужум (манбани заҳарлаш) ва *tu quoque* (ўзинг ҳам) каби кўринишлари мавжуд.

“Бевосита хужум” – хатоси баҳслашувчилардан бири ракибининг камчиликларини кўрсатиб, устидан қулиши, унинг ақлий салоҳиятига шубҳа билдириши орқали унинг фикрмурлоҳазаларига ишончсизлик тутғирмоқчи бўлганда содир бўлади.

“Билвосита хужум” – хатоси баҳслашувчилардан бири ракибининг фикрларини, фикрининг асосларини ўзича талқин қилиб ва ўз таҳминларини чин мулоҳаза деб тақдим қилиши оқибатида юзага келади. Масалан: “У бир марта мақтov эшиттани учун ҳар доим ўзини ҳақ деб билади, бошқаларни ҳам шунга ишонтироқчи бўлади. Ота-онасининг эркатойи бўлган бўлса керак. Эркатойларнинг ҳаммаси ўзи шунақа фикрлайди.”

Ту *quoque* (ўзинг ҳам) - хатоси баҳслашувчилардан бири ракибининг фикрлари ва ҳаракатидаги зиддиятларни асоссиз бўртгириб кўрсатганда содир бўлади. Масалан: “Сиз менинг ишларидан хато топасиз, ўзингизнинг ҳам хатоларингиз борлигини сезмайсиз.” Инсоннинг сўзи ва иши бир-бирига тўгри

келмаслиги мүмкін, лекин бу холат унинг фикри ҳаммавақт нотұғри бұлади дегани эмас.

II. "Исботлаш мажбурияты" қоидаси ва уннег бузичишидаги хатолар.

"Исботлаш мажбурияты" қоидасига күра нұқтаи назарни илгари сурған баҳс қатнашчиси уни химоя қилишга (исботлашга) мажбур.

Бу қоиданинг бузилиша қуйидаги хатоларга олиб келади:

- Исботлаш мажбуриятини оппонентта іоклаш;
- Исботлаш мажбуриятидан қочиш.

III. Нұқтаи назарни асослаш қоидаси ва уннег бузичишидаги хатолар.

Нұқтаи назарни асослаш қоидасига күра баҳелашувчи томонидан илгари сурىлған нұқтаи назар баҳс давомида ўзгармаслиги керак. бу қоиданинг бузилиши *Ignoratio elenchi* деб номланувчи хатога олиб келади. Бунда баҳс иштирокчиси ўз нұқтаи назарини асослашып осонлаштириш мақсадида уни ўзgartиришга ҳаракат қилади. *Ignoratio elenchi* хатоси турли күринишларда учрайди: нұқтан назарии йүқотищ, нұқтаи назарии түлиқ ёки қисман ўзgartириши.

IV. Нұқтаи назарни тәңкід қынши қоидаси ва уннег бузичишидаги хатолар.

Нұқтаи назарни тәңкід қынши қоидасига күра тәңкід баҳс иштирокчиси илгари сурған нұқтаи назарға йұналғырылған бўлиши керак. бу қоиданинг бузилиши соxта рақиб ва похой кўриқиң деб номланувчи хатоларга олиб келади.

Нұқтаи – назарни химоя қилиші воситалярини (аргументларни) танлаш билан бөглиқ қоида ва хатолар.

1. Аргументларни асослаш қоидаси. Бу қоидага күра баҳелашувчи томонлар асосланмаган аргументлардан фойдаланишилари мүмкін эмас. Бу қоиданинг бузилиши асосланмаган аргумент, ортиқча асослашып ва айланма асослаш (*reitio principii*) хатоларига олиб келади.

2. Нотұғри аргументларни таъқидаш қоидаси. Бу қоидага күра баҳелашувчи томонлар ракнини яngлиштириш мақсади-

да ногўри мулоҳазалар ва ёлғон фаразларни кўлламасликлари шарт.

Бу қоиданинг бузилиши ёлғон аргумент, субъектив аргумент деб номланувчи хатоларни келтириб чиқаради.

V. Аргументлашининг релевантлик қоидаси ва у билан боғлиқ хатолар.

Бу қоидага кўра баҳс иштирокчиси ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш учун фақат шу нуқтаи назарга тааллуқли бўлган аргументлардан фойдаланиши мумкин. Бу қоиданинг бузилиши норелевант аргументлаш, патетик хато, камтарликка қаратилган аргумент, авторитетга қаратилган аргумент каби хатоларга сабаб бўлади.

VI. Аргументларни тақдим қилиши қоидаси ва у билан боғлиқ хатолар.

Бу қоидага кўра баҳс иштирокчилари аргументлаш жараёнида ноаниқ, кўпмаъноли ибораларни ишлатмасликлари шарт. Бу қоиданинг бузилиши ноаниқликни кўп кўллаш билан боғлиқ хатоларга олиб келади.

VII. Мантиқийлик қоидаси ва у билан боғлиқ хатолар.

Бу қоидага кўра аргументлашини ташкни этuvchi мулоҳазалар мантиқан тўғри бўлиши шарт. Бу қоиданинг бузилиши, тущунча, мулоҳаза ва хулоса чиқариш билан боғлиқ хатоларга олиб келади.

VIII. Баҳсни якунлаши қоидаси ва у билан боғлиқ хатолар.

Бу қоидага кўра, пропонентнинг ўз нуқтаи назаридан воз кечини аргументлашининг муваффақиятсиз якунланганлигини, оппонентнинг пропонент нуқтаи назарини қабул қилиши аргументлашининг муваффақиятли якунланганлигини билдиради. Бу қоиданинг бузилиши нуқтаи назардан воз кечмаслик ва камчиликларни эътиборгра олмаслик кўринишидаги хатоларни келтириб чиқаради.

Аргументлашдаги хатолар нинг яна бир таснифини кўриб чиқамиз. Бу аргументлашининг тактик усуслари билан боғлиқ хатолардир.

1. Бүрттириб күрсатиши. Ҳар қандай ходисани умумлаштириб ва бүрттириб күрсатиш орқали хулоса чиқариш.

2. Ҳазилга буриши. Ўз вактида ҳазиллашиб айтилган гап яхши қурилган аргументацияни бузиб юбориши мумкин.

3. Авторитетларни кўллаши. Ҳаммага маълум бўлган ва эътироф этилган авторитетнинг фикридан ёлғон иктибос келтириш орқали аудиторияни (сұхбатдошини) ишонтириш.

4. Сұхбатдошини обруғизлантириши. Пропонентнинг нұктасы назарини рад этиш имкони бўлмаганда, унинг шахсини шубҳа остига қўйиш техникаси.

5. Ажратиб күрсатиши техникаси. Сұхбатдошининг фикр мулоҳазаларидан баъзиларини ажратиб олиб, уларни контекстдан узиб маъносини бутунлай ўзгартириб юбориши.

6. Йўналишини ўзгартириши техникаси қўлланганда баҳеслашувчилардан бири бошқасининг аргументларига хужум қиласдан, баҳс мавзусига таалуқли бўлмаган бошқа масалага ўтиб кетади.

7. Яңгаштириши техникаси. Чалкаш ахборотни тарқатишга асосланган бўлиб, сұхбатдошлардан бири атайлаб ёки билмасдан гап талашиб баҳслашишини бошлайди. Бу техника жанжалга олиб келиши мумкин.

8. Чўзини техникаси. Баҳс мунозарани чўзиб, мавзунинг ечимини топиш учун вактдан ютиш максадида қўлланади. Бунда қарши томонга аҳамиятсиз нарсалар ҳакида саволлар берилади, эътиборни арзимас холатларга қаратилади.

9. Бузиб күрсатиши техникаси. Баҳелашувчилардан бири бошқасининг фикрини очик-ойдин бузиб күреатади ва масаланинг можиятини потўғри таъкин қиласади.

Аргументлашида руҳий босим ўтказиши билан боғлиқ хатомлар.

Аргументлаши билан боғлиқ номантикий усууларга руҳий босим ўтказиши, жиесмоний таъсир қилиши, моддий жиҳатдан тўсиқ қўйини каби усуулар киради. Абу Наср Фаробий “Риторика”бу усууларни асарида қўйидагича таснифлайди:

- Нотиқнинг фазилатларини ва мухолифларининг иллатларини кўрсатиш;
 - Тингловчиларининг хис-туйгуларига таъсир қилиш орқали, уларни айтилаётган фикрни қабул қилингага ундаш;
 - Тингловчиларнинг қарашларини жалб қилиб, ўз фикрини чин деб қабул қилишга мойил қилиш (масалан, нотиқнинг тингловчиларга «Кимки ҳақиқатни биринчи ўринга қўйса, қалби пок бўлса, ёлғон гапларга учмаса, ҳақиқатан ҳам менинг фикрларимни тўғри деб билади... », - деган гаплар билан мурожаат қилиши);
 - Баҳс- мунозара обьекти бўлган буюмни мақташ, ёмонлаш, унга нисбатан хайриҳохлик ёки нафрат уйғотиш. Бу усулни қўллаш орқали нотик ўзини яхши деб, мухолифини ёлғончи, ёмон деб кўрсатиб, унинг сўзларини бузиб, нотўғри ургу бериб, баъзи жойларини тушириб, бошқа нарсаларни кўшиб айтиб мухолифини маглубиятга учратади;
 - Урф-одатларга мурожаат қилиш. Масалан, Гален акл мияда жойланган, чунки одамлар аҳмоқни миясиз деб атайдилар, дейди;
 - Нотиқнинг ҳоҳини ёки қўрқиши, аввалдан башорет қилишин, сўзининг чилингига қасам ичини, товуши, ўзини қандай тутиши ҳам мухолиф устидан галаба қилишга имкон беради.
- Хозирги кунда руҳий босим ўтказиши билан боғлиқ хатоларининг яна куйидаги усуллари қўлланилади.
- Инсаннин ўзгафтариши усути.* Бу усулда қарини томонга саволлар бериб, даъвосининг асоссиз эканлигини тан олишга мажбур қилинади. Мисол: Бир кини фалсафа фанидан ёзилган ўқув адабиётлари нотўғри ёзилган деб, ўзи ёзган ўқув адабиётини таълим тизимида жорий қилиши ҳақида ОТВга мурожаат қилишган. ОТВ бу масала бўйича файласуф олимларининг муалиф билан

сұхбатини ташкил қиласы. Сұхбат бошида мұаллиф ўз гоялары билан йигілғанларни таништиради. Сұхбатда иштирок этган олимдардан бири мұаллифға қатор саволлар беради. Саволлар мұаллифнинг қаерда билим олғанлығы, фалсафа фанини кимдан ўргантанғанлығы, фалсафа соҳасида қаерда ва қандай вазифаларда ишлаганлығы ҳақида бўлған. Мұаллиф тарих факультетининг кечки бўлимида таҳсил олғанлыгини, турли соҳаларда ишлаганлыгини айтади. Лекин унга фалсафадан дарс берган ўқитувчининг номини айтиб беролмайди. Жавоблардан унинг таълим соҳасида ҳеч қачон ишламаганлығи ва фалсафадан дарс бермаганлығи маълум бўлған. (Йуналиш мұхокамага қўйилған адабиётдан унинг мұаллифига ўзгартырилди.) Ёзган ўқув адабиёти ҳақидаги саволларга жавоби ҳам тингловчиларда унинг билимига иисбатан ишончсизлик түғдирған. Натижада мұаллифнинг даъвоси асоссиз деган холосага келинганди. Мұаллиф ҳам холосага эътиroz билдира олмаганди.

Бу усул қўлланғанда саволлар дўстона оҳангда берилши ва сўровчининг самимийлигига шубҳа туғилмаслиги шарт. Саволлар сұхбатдошнинг заиф томонларини аниқлашга ёрдам беради. Натижада жавоб берувчининг ўзи ҳам фикрининг потўғри эканлигини тан олишга мажбур бўлади.

Таққосланси усули. Аналогияни қўллаш бўлалар усул бўлиб, даилларининг ёрқин ва ишонарни бўлишини таъминлайди. Таққосланси усули қўлланғанда томонлардан бири бошқасини камситиш ёки уни рухлантириши мисоллар келтиради. Унга иисбатан яхшироқ холат билан таққосланса камситилади, ёмонроқ холат билан таққосланса рухлантирилади.

“Ҳа... лекин” усули. Кўпинча баҳе мавзусига турган томондан ёндошин мумкин бўлған холатларда қўлланади. Бунда “фикрнингизга қўшиламан, аммо масалага боника томондан қарасак, фикрнингизга эътирозим бор...” деб, пропонентнинг ҳар бир фикридан камчилик топиш, фикрини танқид қилини, бир ёқшама эканлигини кўреатиш орқали холосасининг потўғри эканлигини асосланши мумкин бўлади.

Бўлактар усули Бу методда сұхбатдошнинг монологи “тўғри фикр”, “Буниси шубҳали”, “Хато фикр”, “Бошқача фикр бўлиши ҳам мумкин” деб қисемларга ажратилади. Бу усулнинг асосини фикр-мулоҳазаларнинг мутлақ чин бўлмаслиги, нимадир қўшиб айтилиши ёки айтилмаслиги (беркитилиши), холоса чиқаришда хатога йўл қўйилиши мумкинлиги каби холатлар ташкил этади.

“Бўмеранг” усулида сұхбатдошининг “куроли” (аргументи) ўзига қарши қўлланади. Бу усул исботлаш кучига эга бўлмаса ҳам сұхбатдошга ва тингловчиларга сезиларли таъсир кўрсатади.

Бепарбо бўлиши усули. Бу усулдан сұхбатдошининг фикрини рад этиш имкони бўлмагандан фойдаланилади. Сұхбатдош учун мухим ва аҳамиятли бўлган фактни кераксиз, мухим бўлмаган деб, унга сиз учун бунинг ҳеч бир аҳамияти йўқлигини айтилади ва тахлил қилинади.

Соҳта қўллаб-куватлари усули. Бу усулдан кўпроқ баҳс мавзуси бўйича кучли билимга эга бўлган оппонентлар фойдаланади ва пухта тайёргарлик кўради. Иропонент баҳс мавзуси бўйича ўзининг аргументлари, факт ва исботларини айтиб бўлганидан сўнг, оппонент гўё уни қўллаб-куватлагандек фикрига қўшилгандек бўлади. Сўнгра хужумга ўтади ва “сиз баъзи нарсаларга эътибор қаратмаганеиз..., сизнинг холосанинг етариғи асосланмаган...,” каби эътирозлар билан пропонентнинг аргументларига қарши аргументларни келтиради.

Юкоридаги усулларнинг ҳаммаси фикрга ниобатан ишончни шаклланти рувчи номантикий усуллар хисобланади. Кўриб ўтганимиздек, фикр мулоҳазаларни далиллари мураккаб жараён бўлиб, унда томонлар ўз мақсадларига эриништада (айникеа бу мақсад голиб бўлишига қаратилган бўлса) аргументларнинг ҳар кандай тактик усулларидан фойдаланишга итилиладилар. Унбу бандни якунлаб, аргументлари техникаси билан боғлик хатолар томонлардан бирининг ёки ҳар иккни томоннинг кандай кизиб бўлса ҳам голиб бўлни мақсадлари

амалга оширадиган ва баҳслашиш қоидаларига зид бўлган хатти харакатларидир деб, хулоса қиласиз.

4.3. Идеал аргументлаш қоидалари

Самарали мuloқot ўтказиш билан, аргументлашни муваффақиятли амалга ошириш билан боғлиқ масалалар файласуфлар, мантиқшунослар томонидан ўрганилган ва ўрганилмоқда. Биз бу масалада баъзи фикр мuloқазаларни айтиб ўтмоқчимиз. Бизнинг фикримизча, мuloқot жараёнида аргументлашни самарали амалга ошириш учун аввало сұхбатдошлар бир бирларига ишонишлари, ўзаро хурмат билан муносабатда бўлишлари, фикрларини аниқ равшан баён қилишлари ва асослаб беришлари шарт. Бу шартларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Диалогда шонч. Мuloқot – камида икки киши иштирок этадиган вербал жараён бўлиб, улардан бири сўзловчи (адресант), бошқаси тингловчи (адресат)дир. Диалог амалга ошиши учун томонларнинг бир тилда сўзлашишлари ва таниланган мавзуга (мuloқot предмети) доир фикрга эга бўлишлари зарур. Диалог сұхбат, савол-жавоб, баҳс, мунозара кўрининида амалга ошади.

Диалогининг энг кўп қўлланувадиган тури-сұхбатдир. Сұхбат бирон мавзу доирасинда атрофидаги одамларни ўз фикр-мuloқазалари, билган маълумотлари билан таништиришидир. Сұхбатда ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги ҳодисаларга, инсонларга ишебатан муносабат билдириб фикр баён қилинади ёки мавжуд муаммолар ҳакида фикр алмашинади. Сұхбатдошлилар бир-бирининг фикрига кўшилини ёки кўшилгаслини мумкин.

Сұхбатдошлиарнинг бир-бирини яхши танинни ёки нотанини бўлиши муҳим эмас, муҳими ўзини безовта қилин масалалар ҳакида кимгайдир айтиши ва фикрини бўлмасадан эшита оладиган одамни топиш, муаммоларининг ечимига оид фикрларни (маслаҳат, вайда, амалий ёрдам ва б.) эспитинидир. Инсон

бошқалар билан мулоқотда бўлса ҳам, дилидаги фикрини айта олмаса, ҳудди золим ҳукмдорнинг сочини олган сартарош каби ўзини ёлғиз сезади.

Ривоятда айтилишича, сартарош ҳукмдорнинг сочини олганда, унинг шохи борлигини билади. Ўлим жазоси билан кўркитилган сартарош бу ҳақда хеч кимга айта олмай қийналиб кетади. Ниҳоят бир эски қудукқа энгашиб: “ҳукмдорнинг шохи бор” –деб уч марта бақиради ва “енгил тортади”. Бир чўпон шу эски қудукдан ўсиб чиқсан қамишдан най ясади. Найни чалганда куй ўрнига “ҳукмдорнинг шохи бор” деган садо чиқади. Шу тариқа сир ошкор бўлади.

Ривоятдан, мулоқотда сухбатдошларнинг бир-бирига ишончи муҳим аҳамиятга эга эканлигини, хулоса қилиш мумкин. Сартарош бу сирни ишончли одамни топиб айттолмагани учун ҳам, уни қудукқа айтади. Ривоятнинг давомидан айтилган ҳар бир фикрнинг изсиз қолмаслиги, ўйк бўлиб кетмаслиги маълум бўлади. Демак, диалог иштирокчилари сухбат жараённида ҳар бир гапини ўйлаб гапириши, ўз айтганлари учун маъсулиятни хис этиши зарур. Сухбатдошларнинг бир-бирига ишончи ва ўз сўзига маъсулият хис этиши мулоқотнинг самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Диалогда ўзаро ҳурмат. Оилада ёки жамиятда содир бўладиган келишимовчилар, жанжаллар кўпинча қўпол сўз ёки ёмон муомала туфайли содир бўлади. Қўпол сўз ёки ёмон муомала кўйинича сухбатдошларнинг (оила аъзолари, ҳамкаслар, раҳбар ва ходимлар, ва б.) бир-бирини ҳурмат қўймаслигининг оқибатидир. Бутуни кунда инсонлараро мулоқотда, айниқса ёшлиар ўргасида андинасиз сўзлар, бехаё гаплар, бемаъни, мантиқиз фикр-мулоҳазалар, айниқса бақириб, уришиб бўлса ҳам сўзини ўтказни кўплаб учрамоқда. Сўкиниб, ҳакоратомуз сўзлаётганга ёки шу сўзларни эшитиб индамай кетаётганларга “нима учун бундай қиласисан” деб сўралса, “у шундай сузни лойик” ёки “ўзи шунақа, гапига хафа бўлмаса ҳам будади” жавоб берадилар. Бундай холат нафақат муомала маъданнинг, балки ахлоқий тарбиянинг ҳам етицмаслигини ҳуна-

тади. Ўзаро бундай муомалада бўлганлар бир-бирларини эмас, хатто ўзларини ҳам бехурмат қилаётганликларини тушуниб етмайдилар.

Айтиш мумкинки, муомалада зиддиятларнинг келиб чиқишига энг аввало ахлоқ-одоб нормаларига амал қилмаслик (манманлик, такаббурлик, ўзини ва бошқаларни хурмат қилмаслик) сабаб бўлади. Шунингдек, қуидаги омиллар ҳам сезилиларли таъсир қиласди:

- Англашилмовчилик (фикрни аниқ баён қилмаслик);
- бир-бирини тушунмаслик (фақат ўзи эшитишни хохлаган сўзларни тинглаш);
- ўзаро манфаатлар тўқнашуви;
- инсоннинг руҳий холати (жаҳлдор, серзарда) ва муносабати (симпатия, антипатия);
- миллий тафаккурлаш тарзига хос ҳусусиятлар (“андишанинготини кўркўқ дейдилар”) ва бошқалар.

Сұхбатдошларнинг бир-бирларини хурмат килишлари бу зиддиятларнинг олдини олишининг муҳим шартларидан биридир

Диалогда нутқ. Мулоқот жараёнида мурожаат килувчилар ва жавоб берувчиларнинг ҳатти-харакатларини белгиловчи принципларнинг мажмуни – мулоқот тарзи деб аталади. Мулоқот тарзи коммуникатив вазиятларда субъектининг ҳатти-харакатларини белгилайди. Мулоқот тарзини баҳоланида “кўпоп муомалали,” “ширин муомалали,” “эътиборли” (фикрни диққат билан тингловчига нисбатан), “бефарқ” (эътиборсиз тингловчига нисбатан) кабилар кўлланилади. Тил, нутқ муомаланинг асосий воситаси ва мулоқот тарзининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Инсоннинг тили ширин, муомаласи маданиятли бўлса, ҳурматга сазовор бўлади, атрофдагилар ўртасида обрў-эътиборли бўлади. Сергалик ёки маҳмадоналик кишини обрўсизлантиради. Шу боис халкимизда “Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил” дейилади.

Шириңеүзлик мұомала мәдениеттің мұхым белгісі булып, инсонда яхши таасурут қодидиради. Шириңеүзлик аввало очық чехра, хуштабасеум билан мұомала қилинедір. Шириңеүз инсон аввал чуқур мұлоҳаза қилиб, гаптитінг сұхбатдошнің қандай таъсир қилишини ўйлаб, ҳар бир тұпшынчаны ўз үрнида ишлатиб, фикрини чиройли баён қылады.

Шириңеүзлик мө耶рда бұлиши керак. Ҳаддан ортиқ шириңеүзлик кишида түрлі шубхалар (“Гаплари самимиймікан?”, “Мендан бирор нарса үндірмоқчимікан?”), тахминлар (“Мендан күркса керак”) түгдіради ёки хүшомадгүйлик деб қабул қилинади. Шириңеүзликнинг матьсулияты хам бор. Инсон ортиқта шириңеүзлиги натижасыда, сұхбатдошина манманлик, такаббурлық, ўзига бино қўйиш каби иллюзиянинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Инсон сўзларда сўзининг қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаши берек. Буюк аждодларимиздан Маҳмуд Замаҳшарийнинг тұзғал шутка оид кўрсатмалари ҳозирги кунда хам мұлоқот иштирокчилари учун мұхимдір: “Унитмагинки, хушмуамалаты ғиширилген сўзлик ҳар ишда яхшилик келтирур. Сұхбатда факт ёқимли эмас, балки оғир, босик сўзлап - сўзингни мұтабар ғиширилген мақул қылаади.”¹³⁴

Шириң сўз, чиройли мұомаланинг құдрати инсон биллими билан хам белгиланади. Оқилюна сўз, нутк билимнен натижасы, тафаккур махсузлардыр. Билимсизлик ўзера мұлоқотда, инсонлараро мұносабатларда салбий натижаларға сабаб бўлади. Ҳақиқатдан хам сўзининг құдрати бекіседір.

Диалогда ижобий фикрлар. Сұхбатдошларнинг бир-бирларини хурмат қилишлари ішталған хүләк, бағрикеттілік, инсонийлік, адолатлilik фазилатларига әга бўлишлари билан бирга, ижобий фикрларларни ҳам мұхимдір. Мантиқнан замонавий йўналышларидан бири “ижобий мантиқ” деб аталади. Ижобий мантиқда инкор фикрларини қандай қилиб тасдик фикр кўринишшида баён қилини масалаларни ўргатылади. Мантиқпен осларнинг таъкидлашыча, инсонлар ўртасындағы

¹³⁴ Замандашлар Махмуд Замаҳшарий. Гаплар. “EXTRIMUM PRESS”, 2010. 6-63.

ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларнинг шаклланишида фикрии ижобий баён қилиш, яъни муомалада инкор мулоҳазаларни қўлламаслик яхши самара беради. Бунга қандай эришиш, қандай қилиб “йўқ” демаслик мумкин? Она тилимизда инкор мулоҳазаларни тасдиқ мулоҳазаларга айлантириш имкониятлари катта. Масалан: “Хунар ўрганмаган ёки илм олмаган инсонлар ҳаётда ўз ўрнини топмайди” деган мулоҳазани “Хунар ўргантган, илм олган инсонлар ҳаётда ўз ўрнини топади” деб айтиш мумкин. Ҳудди шунингдек, сухбатдошлардан бири иккинчисининг фикрига кўшилмаслигини “бу фикр нотўғри”, “бундай бўлиши мумкин эмас”, “бунинг иложи йўқ” деб, қатъий оҳангда айтиб, эътиroz билдира, бошқасида норозилик пайдо бўлади ва мулоқотдан кўзланган мақсадга эришилмайди. Юкоридаги вазиятда “бу фикрни яна бир ўйлаб кўриш керак”, “нима учун бундай бўлганлигининг сабабини аниқлаб, сўнг жавоб берамиз”, “имкон даражада масалани хал қиласмиш” деган ибораларни кўллаш мулоқотнинг ижобий якунланишини таъминлайди. Балтасар Грасиан (1601-1658) нинг: “Рад этишни бил. Ҳеч қачон кескин рад жавобини берма – бу садоқат узвларини кесмоқ билан баробар. Озгина умид қилишга имкон қолдир. Бу умид раддия аламини камайтиради. Илтифот кемтик мурувватнинг, яхши сўз бажарилмай қолгац ишнинг ўрнини тўлдиради”¹³⁵-деган ўйтглари ҳам мулоқотда ижобий тафаккурланининг зарурлигини тасдиклияди.

Диганогда фикрларнинг асосланганиси. Фикр-мулоҳазаларни асослани, далиллани мураккаб мантикий жараён бўлиб, унда бир ёки ундан ортиқ ўзаро bogланган мухокамалар системасидан фойдаланилади. Мулоҳазаларнинг чинлигини асослани, далилларнда ишончли аргументларга таяниш тафаккурининг энг мухим хусусиятларидан бири бўлиб, фикрларимизнинг мантиқини, тартибли, ишонарли бўлишини таъминлайди. Фикр-мулоҳазаларни асослани тил воситасида таъсир қилиш бўлиб, бирон-бир фикрни маъқуллана ёки рад этиши

¹³⁵ Накнаг манинаралари. 100 мумтоҳ файласуф. Тошкент: “Янги аср авлоид”, 2013. Б.286.

учуы дашилар, аргументтарин ўз ишта камраб олади. У аввало инсон дынгига каратылган бүлиб, инсон ўйлаб, бу фикрни қабул қилиши ёки әдәп этиши мүмкін. Демек, асеслап - аргументтандан маңсаң бағыт қилинган фикрга инебатан кимнингдир ишенимнин күчтірініш ёки сусаитирицидір;

Фикрни асеслапша ментал моделларни дұтыборға олиш зарур. Ментал моделлар – инсон ақында мавжуд бүлгап ва уннинг фасолияттінің нұнайтириб туралған аввалигі тәжрибага асесланған ғоялар, стратегиялар, туыннушы усуллари. Ментал моделлар сабаб ва оқибаттарни туындыришица, шунингдек, ҳәттій тәжрибага маъни берішща күлгіншілдік. Ментал моделлар, инсоннинг ўзи англаши ёки англамаслығидан қаттый назар, табиий ва хар бир инсонга хосдір. Ментал моделлар ўзгариб туради. Улар түрт асосий воситалар ёрдамида шактланады ва ушлаб турилады: танлаш, конструкция қилиш, бузиб күрсатыш, умумлаштырыш. Танлаш воситасыда инсон, күлгі киритиш имконияти мавжуд бүлгап барча информациядан ўз манбаатлары, кайфияти, хүшёрги, қизиқиши асосида маълум бир ахбороттарни ажратып олади. Конструекция қилиш воситасыда, инсон, йўқ нарсаларни күради; ноаниқ холаттарниң ҳақиқатга якын сабабларини күрсатып, туындыриады ва оқибатда уларни реал мавжуд деб қабул қилиади. Бузиб күрсатыш воситасыда, инсон, реал бошидан кечирғанларини ўзгартиради. Яны улардан баъзиларини бүрттиради, бошқаларини камайтиради. Умумлаштырыш воситасыда якса тәжриба асосида ментал моделлар яратылады ва уларни биз тиңик ходиса сифатында қабул қилиншы мойил бўламиш. Ментал моделлар сұхбатдошининг фикрини түгри тушунишига ёрдам бериси ёки түсініктік қилини мұмын. Агар сұхбатдошларнинг тушуначалар олами, қадриятлар тизими бир бирита мувофиқ бўлса, унда улар бир бирларини түгри тушунадилар. Агар мос бўлмаса унда бир бирларини туптушмайдилар ва бу тушунимовчилик баъзан низоларниң көлтириб чындаради.

Аргументтандын назариясыда мудокотлагы интеллариниң олдини олиш маңсаңда идеялар аргументтатор на пәндерде

аргументтари қандай бўлиши керак деган масала қўйилган. Бу масала бўйича ислом мутафаккирларидан Абу Ҳомид Ғаззолийнинг қарашларини кўриб чиқамиз.

Сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларда турли мавзулардаги баҳс-мунозаралар кўп кузатилмоқда. Баҳс, мунозара мавзулари ҳам турли-туман: кундалик ҳаёт муаммоларидан то глобал муаммоларгача. Баҳслашувчи томонлар ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинаётган баҳс мавзусига ўз муносабатларини шарҳларида ёзадилар. Баъзилар мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб фикр билдирулар, бошқалар шу мавзуни ёзиб чиқсан шахсга нисбатан ижобий ёки салбий муносабат билдириш орқали ўз нуқтаи-назарларини баён қиласидилар. Агар баҳс мавзуси жамият аъзолари катта қисмининг манфаатлари билан боғлиқ бўлса ва мавзуга нисбатан қарама – қарши, хаттоки зид нуқтаи назарлар илгари сурилса, унда фикрлар ўртасида тўқнашув юзага келади ва жамият аъзолари ўртасида шу масала юзасидан бўлиниш (грухларга ажратиш) содир бўлади. Фикрлар тўқнашуви ҳамма вақт ҳам ҳақикатни аниклаш учун хизмаг қилмайди ва батъзан муаммонинг ечими “ким кимни енгади” деган тортишув туфайли очиқ қолади. Бунда баҳслашувчи томонлар ўз фикрларини асослаш учун қарши тарафни ёмонлаш, камситиш, хақорат қилини, кўрқитиш каби номантикий усусларини ҳам кўллайдилар. Баҳслашувчи томонлар ҳамма вақт ҳам баҳс-мунозара шартлари, конуни-қонидапарига амал қилишмайди ёки мунозара қонидалари, одоби ҳақида билимга эга эмас.

Виртуал мулокотдаги баҳс, мунозара билан юзма-юз (реал) мулокотдаги баҳс, мунозаранинг тафовутлари қуйидагича:

- виртуал мулокотда бир кини (пропонент) кўнчилик (оппонентлар) билан баҳслашади, реал мулокотда эса пропонент ва оппонент яккана-якка баҳслашади;

- виртуал мулокотда пропонент ва оппонент бир-бирини танимаслиги ёки сиртдан танини мумкин, реал мулокотда пропонент ва оппонент кўпинча бир-бирини яхши танийди.

-виртуал мулокотдаги баҳснинг кузатувчилари кўп (*авторияси катта*) бўлади, реал мулокотда эса баҳс *кузатувчилик*ларениз ёки оз сонли кузатувчилар иштирокида (тор *доираси*) ўтади.

-виртуал мулокотда кузатувчилар пропонент ёки *омонентга* ўз муносабатларини очик ойдин билдирадилар, реал мулокотда эса бу муносабат яширин қолиши мумкин.

Нима учун одамлар баҳслашаадилар?

Қадим замонлардан бошлаб инсонлар ўртасида турли масалалар бўйича ихтилофлар бўлган. Бу ихтилофларни умумий холда моддий ва рухий масалаларга таалукли дейиш мумкин. Шарқ фалсафасида фикр ҳаракатдан аввал экантиги тасдикланишини эътиборга олсан, унда ҳар қандай ихтилоф фикрда, рухда пайдо бўлади дейиш тўғри. Масалан, одамларга турли хил ризқ берилган бўлишига қарамасдан, “Нима учун унда кўп, менда кам?”, “Менинг бошқалардан қаерим кам?” каби саволлар ва “Мен бу нарсага бошқалардан кўпроқ ҳаклиман!” кабилидаги фикрлар одамлар ўртасида аввал оғзаки (даҳанаки) баҳсларга, келишмовчилик кучайса жисмоний таъсир ўтказишга олиб келади.

Мухаммад Сайид Тантовий одамлар орасида содир бўладиган тортишувлар кўпинча баҳе мавзусининг моҳиятини, вокеликни атрофлича ўрганмаслик ва тушунмаслик туфайли ҳам келиб чиқади, деб таъкидлайди.¹³⁶

Шунингдек, юзаки тақлид ёки таассубликка берилиш, хою-хавасларга берилиб, шахсий манфаатларни ўйлаш ёки ҳасад, нодонлик, душманлик ёки фаҳрланиши ва обрў (шуҳрат-парастлик)ни яхши кўриш ҳам ихтилофларга олиб келади. Тортишувлар тушунмаслик, англаб етмаслик ёки фаҳмсизлик ёки бошқарувга интилиб, мансабни яхши кўришдан ёки хатоларни беркитишдан ёки бошқа сабаблардан ҳам келиб чиқади.

¹³⁶ Тантовий Мухаммад Сайид. Исломда мулокот одоби. /Islam.uz

Баҳс, мунозаранинг сабаблари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш, улар асосан икки ниятда амалга оширилишини кўрсатади:

- Ҳақиқатни аниқлаш ва унга етишиш;

- Ўзининг устунилигини кўрсатиш ва қандай қилиб бўлса ҳам ракибини мағлуб қилиш.

Шунга кўра баҳс юритувчилар ҳам икки тоифага бўлиниди:

1. Масалага холис ёндошиб, ҳақиқатни ҳар нарсадан устун қўювчилар;

2. Ўз манфаатини кўзловчи шуҳратпастлар.

Бальзан биринчи тоифадагилар орасида ҳам ихтилофлар пайдо бўлади. Ихтилофлар нафакат баҳслашувчи томонларнинг билим даражасига, балки ахлоқий тарбиясига ҳам боғлиқ. Бу иёки омил бирлашмагандар, баҳс-мунозаралар кенг аудитория гувоҳлиги ва иштирокида ўтказилса, баҳс мавзусининг моҳиятини тушунмай, унга муносабат билдирувчилар кўпайса, жамият аъзоларининг фикрида парокандалик бошлианди. Айнаш шу холатни Имом Фаззолий “мунозаранинг оғатлари” деб атайди.

Мутафаккирнинг таъкидлашича, одамлар кўпроқ буюмнинг моҳиятини эмас, ташки томонини кузатадилар. Сўзларнинг матьносига қараб эмас, уларнинг эшитилиши ёки гапиравчи ҳақидаги фикрларидан келиб чикиб, баҳо берадилар. Агар уларга фикрнинг ифодаланиши ёки гапиравчининг ўзи ёқмаса, унда бу фикрлар ҳақиқат бўлса ҳам, уни инкор қиласилар. Натижада томонлар ўргасида тушунмовчилик ва низоди холатлар вужудга келади. Ҳар ким ўзининг ҳақслигини иеботлашга харакат қиласади, баҳс, мунозара бошлианди.

Баҳс-мунозаранинг қондадари ва одоби қандай?

Мунозара ҳақиқатни аниқлаш мақсадида ўтказилгани билан, унда кимдир голиб, кимдир мағлуб бўлади, кими нидир ҳақиқатни сўзлагани, бошқасининг аданинглиги маълум бўлади. Агар мунозарадан мақсад қарини томонни мағлуб этиши ва шу орқали ўзининг илми ва обрўйини кўрсатиш бўлса,

бундай мунозаралар кибр, манмансираш, хасад ва бошқа ботиний бузукликларнинг юзага чиқишига олиб келади. Шу боис баҳс, мунозара қоидалари кўплаб Шарқ ва Гарб олимлари томонидан ишлаб чиқилган. Биз бу масалада мусулмон оламида "Хужжатул-ислом" унвони билан машхур бўлган илоҳиётшунос олим ва файласуф Абу Ҳомид бинни Муҳаммад Аҳмад ал-Ғаззолий ат-Тусий (1058 – 1111) нинг „Ихёу улум ад дин“ асарининг биринчи „Илм китоби“идаги мунозарага оид қарашларига асосланамиз.

Имом Ғаззолий мунозара қилишининг саккизта шартини (қоидасини) кўрсатади:¹³⁷

1. Мунозарага киришувчилар ҳамма учун бирдек талаб килинадиган баҳс юритини қонун-қоидаларига амал қилишлари керак.
2. Баҳс мавзусини билишининг ўзи етарли деб, унинг қоидаларига беътибор бўлмасликлари керак.
3. Мунозара қилувчи ўз ради билан фатво берувчи мужтаҳид бўлмоғи лозим. Мунозара қилувчи ҳақиқатни аниклашни мақсад қилиган, баҳс мавзуси бўйича илмли (шу соҳанинг мутахассиси) бўлиб, мантиқан изчил, асосланган фикр юритса ва фикрига бошиқларни ишонтира оладиган бўлсангина мунозара самарали бўлади. Соҳта, юзаки илмга эга бўлганлар ва фақат шахсий манфаатини кўзлаб мунозарага киришувчилар ўзини ҳам бошқаларни ҳам адаштиради.
4. Мунозара ҳаётда содир бўлган ёки кўпинча содир бўлиши мумкин бўлган масалалар устида қилининши керак. Ҳеч кимга наф бермайдиган мавзуси бўши, натижаси фойдасиз мунозаралар кинилар ўргасидаги ихтилофларга сабаб бўлади. Бу каби мунозаралар инфок ва риёни келтириб чиқаради. Оқил инсонлар бундай мунозараларга киришимайди.
5. Мунозара имкон қадар хилватда, мунозарачи учун маҳбуб холатда бўлиши керак. Мунозара иштироқчиларидан ким-

¹³⁷ Карант. Имом Абу Ҳомия Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумиддин. Нам китоби. Т. Мовароонъаҳр. 2003. 106-108-5.

нингдир ҳақ, кимнингдир ноҳақ эканлигидан бошқаларнинг хабардор бўлиши, фикрларга ижобий ёки салбий (холис, нохолис) муносабат билдирилишита сабаб бўлади. Бу мунозара қилувчиларнинг ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига (ғийбат ва гина-кудуратнинг ортишига) олиб келади. Виртуал мулоқотда бундай холатларни кўплаб кузатиш мумкин.

6. Мунозара қилувчи тортишувни фақатгина хақни билмоқ, топмок учун қилиши керак. Бу шартга кўра тортишувчи қарши томонни ўзига рақиб эмас, ёрдамчи деб қабул қилиши, хато қилган бўлса, хатосини тан олиши ва хатосини кўрсатга, тўғрилаган томондан миннатдор бўлиши керак. Ҳозирда бундай самимий баҳслашувчилар жуда кам топилади. Нафакат виртуал мулоқотда, башки юзма-юз мулоқотда ҳам хатоси кўрсатилган томон ўзини камситилган, обрўсизлантирилган деб билади. Натижада ҳақиқатни аниклашга йўналтирилган мақсади ўрнига қандай қилиб бўлса ҳам ўзининг ҳақдигини ишботлашни мақсад қилиб қўяди.

7. Қаршисидаги мунозарачи ҳамкорини бир далилдан бошқа далилга, бир мушкулдан бошқа мушкулга ўтишига монеълик қилмаслиги лозим. Тортишувчи томонлардан бири ўз нуқтаи назарини асослаш учун далил келтирса ва далилининг етарли эмаслиги ёки заифлиги билиниб колса, рақиби унинг бу холатидан ўз манфаати учун фойдаланимаслиги, унинг яна бошқа далилларни келтиришинга тўскинлик қилмаслиги керак. Рақиб томон далилни хато деб рад этса-ю, нима учун хатолигини айтмаса ёки тўғри далилни билса ҳам яширса, унда у ё ёлғончи ёки илмини бошқаларга ўргатини хоҳламайдиганлардан бўлади.

8. Мунозара фойдалан илмлар или машинуз бўйиган кишилар билан қилинини лозим.

Кучли билим ва юқори салоҳиятта эга бўйган олимлар билан кўпчилик “баҳс севар”лар баҳсланимайдилар, чунки баҳеда мағлуб бўлиниларини биладилар. Бундайлар илм даражаси ўзларидан юқори бўлмаганилар билан тортишадилар ва шу тариқа ўзларининг усунилкларини кўреатинига интишадилар.

Олимнинг таъкидлашича, юкоридаги қоидаларга амал килмаслик, мунозарачилар хулқида ҳасад, такаббурлик, гийбат, иккюзламачилик, риё, ҳақдан юз ўтириш каби қатор иллатларни юзага чиқаради.

Газзолий тортишувчилар одамларнинг эътиборини қозонишига интиладилар, ҳақиқатни эмас одамларга ёқадиган фикрларни сўзлайдилар, ўзларини устун кўйиш хасталигидан хеч қачон қутуолмайдилар,- дейди. Тортишувчи томонлар ўз хатти-ҳаракатларини “илмнинг иззат-обрўсини сакламоқчи” ман деб, оқладилар. Аслида ўз иззат-обрўлари ташвиши билан банд бўладилар. Газзолий бундайлар “хикмат” ва “ильм” сўзларини ўзгартириб ҳалқнинг залолатга кетишига сабаб бўладилар деб, огоҳлантиради. Агар мунозарада тортишувчилар бир-бирининг шахсиятларига тегадиган бўлсалар, унда улар орасида адоват пайдо бўлади ва хатто ўч олиш истаги туғилиди. Мунозарачилар бир-бирининг сўзларини хикоя килаётганиларида ҳам ракибининг нуқсонларини, ожиз томонларини бўртириб кўрсатадилар, унга хайриҳо бўлганларни эса жоҳиллик, фаросатсизликда айблаб, камситадилар. Бу билан улар одамларнинг қарама-карши грухларга бўлинишини бошлаб берадилар, жамоанинг иттифокини бузадилар. Ракибининг ичкор холга тушиб қолганидан севиниб, шодлигидан гамгин бўладилар.

Газзолийнинг таъкидлашича, кўпинча мунозара ҳақ ва ноҳакни ажратиш учун эмас, ракибини маглубиятга учратиш, таълаба қозонни мақсадида ўтказилади. Бундай тортишувчилар учун ҳақ ва ноҳакнинг ҳақиқат ва ёлгоннинг аҳамияти йўқ, энг муҳими таълаба қозонницидир. Ундайлар учун тортишувнинг бардавом бўлиниши муҳимроқдир, уларга ҳар кандай фикрга эътироz билдириши одат бўлиб қолган. Бу эса, тортишувчининг феълида нифоқнинг ортишини билдиради. Олимнинг бу фикрлари хозирги кунда бўлаётган баъзи баҳслардаги тортишувчиларнинг холатларини ёдга солади.

Имом Газзолийнинг таъкидлашича хулқидаги бундай иллатлар ботиний бузуқликларини асосидир. Баъзи тортишувчилар

мунозара охирида инсон номига нолойик бўлган усулларни (муштилашиш; ота-онани, устозларни хақорат қилиш; бўхтон ағдарийш ва б.) ҳам кўллайдилар. Олим бундан бошқа яна 17 хил ёмон хислатларни санаб ўтади.

Унинг таъкидлашича, дини юксак, ақли мунозарачилар ҳам бу каби хунук ахлоқдан бутунлай халос бўлолмайдилар. Нима учун? Бу саволга олимнинг инсоннинг моҳиятини қандай тушунтиргани билан танишиш орқали жавоб олиш мумкин. Фаззолий одам баданида итлик, тўнгизлик, девлик ва фаришталик бордир дейди.¹³⁸

Фаришталик сифати ақл туфайлидир, қолган сифатлар хиссиётларга bogлиқdir. Инсанда хиссиётлар устун бўлади. Шунинг учун ҳам Фаззолий дилини бадан мулкининг подшоҳига, ақлни унинг вазирига қиёслайди.

Хиссиётларини ақлга бўйсундирган инсон, бошқа ишлар каби мунозарада ҳам ҳақни химоя килади. Ақл хиссиётларга тобе бўлганда, мунозара оғатлари кучаяди. Виртуал баҳс, мунозарада айнан шундай холат кузатилади. Баҳслашувчи томонлар кузатувчилар (аудитория)нинг ҳис-туйгуларига таъсир кўрсатиб, ўз фикрларининг маъқилланишига эришишмоқчи бўладилар.

Виртуал баҳс, мунозарада олимлар, уламоларнинг иштироки баҳс мавзусини янада кенг аудиторияда муҳокама қилинишига олиб келади. Олимлар, уламолар ҳалиқ маънавиятига масъул бўлган шахслардир. Шогирдлари, муҳлислари ва умуман атрофдагилар улардан ибрат оладилар, уларга эргашадилар, улардан мунозарада ё илм билан ёки ноҳақ йўллар билан билан устунликка эришишини ўрганадилар. Бу эса мунозаранинг энг катта оғати бўлиб, юкоридаги салбий холатларнинг йўқолинишига эмас, доимий тақрорланиб туришига сабаб бўлади.

Аргументлаши назариясига оид замонавий адабиётларда идеал аргументлаши Пол Грайс қоидаларида кўрсатиб берил-

¹³⁸ Гатиевий Абу Ҳомид Кимиён саодат. (Рух хакикати). Тошкент. Адабият. 2005. 36-39 б.

ган¹³⁹. Герберт Пол Грайс (1913-1988й.) таклиф этган диалог (сұхбат)ни самарали ташкил қилишга оид принциплар кооперация принциплари деб ҳам аталади. Кооперация принципларининг амал қилиши учун аввало, диалог иштирокчилари умумий мақсадға эга бўлишлари ва диалогни келишиб якунлашлари керак. Кооперация принципи тўртта категорияни ўз ичига олади:

1. Микдор.
2. Сифат.
3. Муносабат.
4. Усул.

Микдор категориясига кўра, диалог иштирокчиларининг мулоҳазаларида:

- 1) талаб килинганидан кам маълумот бўлмаслиги ва
- 2) талаб қилинганидан ортиқ маълумот бўлмаслиги керак.

Сифат категорияси “фикрларингнинг чин бўлишига харакат кил” деган постулатга асосланади. Бунга кўра диалог иштирокчиларидан ёлғон деб ҳисоблаган ва етарли асослари бўлмаган гапни гапирмаслик талаб қилинади. Муносабат категорияси мавзудан четта чиқмасликни талаб қиласди. Усул категорияси аниқ гапиришни, яъни: тушуниб бўлмайдиган ифодаларни кўлламасликни; кўп маъноли ифодалардан фойдаланмасликни; киска сўзлашни; эътиборни бир ерга жамлашни талаб қиласди. Грайс принциплари аргументлаш жараёнининг самарадорлигини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган идеал аргументлашга хос Абу Ҳомид Газзолий ва Пол Грайсларнинг қоидалари Шарқ ва Ғарб тафаккуридаги ўзига хос томонларни аниқлашга ёрдам беради. Шарқ тафаккурида мунозарага кўпроқ ахлоқийлик принциплари нуктаи назаридан ёндашиш хос бўлса, Ғарб тафаккурига фикрларни аниқ ифодалаш принципи хос. Лекин ҳар

¹³⁹ Грайс Г.Н. Логика и речевое общение. // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.16. Лингвистическая прагматика. М.:Прогресс, 1985.

иккисида ҳам мунозара мақсади, яъни ҳақиқатни аниқлаш мақсади умумийдир.

Юкоридаги фикр муроҳазалар ва олимларнинг тадқиқотларини ўрганиш натижасида мулоқотни самарали ташкил этишга қўйиладиган қўйидаги талабларнинг кўрсатиш мумкин:

1. Аргументларнинг конкретликий принципи

1.1 Аргументларнинг қисқа ва аниқ ифодаланиши

1.2 Аргументларнинг факат шу тезисга алоқадорлиги, тезисга тааллукли бўлмаган аргументларни қўлламаслик.

2. Репрезентативлик принципи

2.1 Аргументлашнинг ижтимоий йўналтирилганлиги эътиборга олган холда, аргументлар, муаммонинг холатини жамият миқёсида олинган холда, таъланади.

3. Нуқтаи назар ва аргументлар ўртасидаги муносабатнинг мантиқийлик принципи

3.1 Нуқтаи назарнинг ўзгармаслиги. Муҳокама давомида нуқтаи назар қандай бўлса, шундайлигича қолади, тезис алмаштирилмайди.

3.2 Аргументлар нуқтаи назарга айнан эмас, улар нуқтаи назарни такрорламайди, балки асослайди.

3.3 Йисботланувчи нуқтаи назар асослардан келиб чиқади.

4. Аргументлашни қўллашнинг мантиқий саводлийлик принципи

4.1 Мисол орқали аргументлашни қўллаш. Умумий фикрни қувватлаш учун бир ёки бир неча мисолларни киритиши.

4.2 Аналогия орқали аргументлашни қўллаш. Конкрет бир ходисадан бошқасига ўтниш.

4.3 Авторитетларга мурожаат қилинган аргументлашни қўллаш. Масалага тааллукли манбаларга мурожаат қилиши.

4.4 Сабабга нисбатан аргументлаш. Объектив мисолларга таяниш. Шахсий таъкрибадан олинган хуносаларни истиғно қилиши.

5. Аргументлашнинг эмоциональлик принципи

5.1 Муаммо холатини эмоционал бўрттирмаслик. Муаммони тушунтиришга объектив ёндашиш, ҳиссиётларга берилмаслик.

5.2 Далилларни келтириш шакли ва темпи сухбатдошининг темпераментига мос келиши керак.

6. *Аргументлашнинг ичидаги тушунчаларнинг ўзаро мутабнособлик принципи*

6.1 Ҳар бир гоя учун тушунчаларнинг ягона тизимини кўллаш. Аргументларнинг нуқтаи назар билан ва аргументларнинг бир-бири билан алоқадорлигининг мавжудлиги.

6.2. Сухбатдошининг манфаат, мақсад ва қизиқишларини хисобга олиш, унинг тушунча ва терминларига асосланиш

7. *Аргументлашнинг ишончлилик принципи*

7.1 Аргументлар воқеликка мос (чин) бўлиши, муҳокама юритишида ўйлаб топилган ёлғон фактларнинг бўлмаслиги.

7.2. Сухбатдошини ортиқча ишонтиришга уринмаслик керак, чунки бу унинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин.

8. *Аргументлашнинг мақбуллик принципи*

8.1. Аргументатор томонидан аудиториянинг дунёқараши, ёши, қадриятлар тизими, орзу-умидларини эътиборга олган холда аргументларни танлаш.

Жамият аъзоларининг юкоридаги қоидаларга амал қилини, баҳсланиш маданиятининг шакллантирилиши улар ўргаснда вужудга келадиган кўплаб низоларнинг олдини олинига хизмат қиласди.

IV БОБНИНГ ХУЛОСАСИ

Унбу бобда диалог, монолог, мунозара, полемика каби коммуникатив моделларда аргументлашнинг ўзига хос томонларини тадқиқ этиб, қуйидаги хулосаларни қайд қиласмиз:

1. Мулоқот инсон ижтимоий мавжудлигининг муҳим шартларидан биридир. Инсон доимо мулоқот қилишга, ўзига

мос сұхбатдош топишга интилади. Мулоқот инсоннинг моддий ва маънавий борлигининг зарурий атрибутидир.

2. Мулоқотнинг диалог сұхбатлашиш шакли универсал характерга эга. Бахс, монолог, мунозара, полемика диалогнинг ўзига хос кўринишларидир. Диадог камида икки инсоннинг ўзаро мулоқотга киришиб, бир бири билан ахборот алмашинув жараёнидир. Диалогни тўғри ташкил қилиш инсонлар ўртаси-даги муносабатларнинг уйғунлашувига олиб келади.

3. Мулоқот жараёнида фикрларнинг асосланганлиги, ишонарлилиги муҳим аҳамиятга эга. Мулоқотда аргументлаш билан боғлиқ хатоларни билиб олиш унинг самарали бўлишига, баҳс мунозараларнинг фойдалилик коэффициентининг ошишига олиб келади.

4. Баҳс мунозараларни олиб бориши ва ташкил этишининг идеал қоидаларига амал қилиш инсон маънавий оламиининг бойишига, кенгайишига хизмат қиласи.

ХУЛОСА

Аргументлаш ва коммуникациянинг ўзаро алоқадорлигига багишиланган тадқиқотимизни яқуилаб, ундаги асосий гояларни, назарий хуласаларимизни қуидаги тартибда қайд этишини маъкул кўрдик:

1. Аргументлаш ва коммуникация масалаларининг назарий асослари антик давр фалсафасида шаклланган бўлиб, фалсафий мушоҳадалар марказида инсон муаммоси турган. Инсон муаммосининг тадқиқ этилишида асосий эътибор инсонлар ўртасидаги мулоқот ва муносабатларга қаратилди.

2. Қадимги дунёда аргументлаш ва коммуникация масалалари нотиқлик санъати билан боғлиқ холда ўрганилган. Қадимги Ҳинд мантигида нотиқликка оид ишлаб чиқилган қоидалар аргументлаш назариясининг қоидалари сифатида кейинги давр олимлари томонидан ривожлантирилди.

3. Коммуникация жараённада аргументлашни амалга оширишнинг назарий асослари илк бор буюк файласуф ва мантиқ илмининг асосчиси Аристотел томонидан ишлаб чиқилган. Аристотел хуласа чиқариш исботлаш, далиллашнинг мантиқий асоси эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан далиллаб берган. Иеботлашнинг диалектик усулини “Топика” асарида, риторик асосини “Риторика” асарида, сохта исботлаш усулини “Софистик разданиялар” асарида батафсил тушунтириб берди.

4. Аристотелининг далиллашга оид таълимоти Шарқ перипатетиклари, ислом мантиқиунослари томонидан янги гоялар билан бойиттиди. Ҳусусан Форобий, Ибн Сино ва бошқа шарқ олимларининг нотиқлик сағъати, баҳс юритиш масалаларига багишиланган асарларида кўриб чиқилган: ишонч эътиқодни шакллантиришида нотиқнинг роли, нутқнинг тузилиши, аргументлашида имилицийт маълумотнинг киритилиши (яширин асослар масаласи), баҳснинг келиб чиқиши сабаблари, баҳс олиб бориш босқичлари, баҳсда учрайдиган ҳатолар, баҳсда кўлланадиган иномантикий усувлар ва б. Бу ўз навбатида шарқ мантиқиуносларининг таълимотини замонавий аргументлаш назариясидаги гояларнинг назарий манбаларидан бири сифатида эътироф этиш учун асос бўлди.

5. Янги даврдан бошлаб то хозирги кунга кадар гарб мантиқшуносларининг аргументлаш ва коммуникацияга оид гоялари илмий тафаккурнинг ривожланиши учун хизмат қилди. Ф.Бэкон ва Дж. С.Миллнинг индуктив назарияси аргументлашда дедуктив усул билан бир қаторда индуктив усулнинг ҳам кенг имкониятларга эга эканлигини тасдиқлади. Ф.Бэкон, Дж.Локк, А.Шоленгауэрнинг аргументатив хатоларга оид қарашлари кейинги давр олимлари томонидан янада такомиллаштирилди.

6. XX асрнинг ўрталарида келиб аргументлаш ва коммуникация масалаларини ўрганишда янги босқич бошланди. Бу даврда коммуникация техник воситаларининг такомиллашуви коммуникатив маконнинг кенгайишига таъсир кўрсатди. Нутқий актлар назариясининг яратилиши аргументлаш ва коммуникацияга янгича ёндашувларни шакллантирди. Нутқининг инсон онгига ва фаолиятига таъсир кўрсатини ва уни ўзгартириши бу соҳада гуманитар фан вакилларининг тадқиқотларининг кўламини кенгайтириди. Глобал интернет тармогининг имкониятлари коммуникациянинг турли даражаларида мулокотини ташкил этишига, коммуникантларнинг дунёкарашига таъсир ўtkазиб, улариниг тушунчалар оламининг ўзгаришига олиб келди.

7. Аргументлаш ва коммуникациянинг тузилиши, ўзаро алоқадорлиги, асосий тушунчалари, аргументлаш усуслари, аргументлашдаги хатолар каби масалалар гуманитар соҳа вакиллари томонидан тадқиқ этилди, янги назариялар шаклланди.

8. Биз бу назарияларни ўрганиб чишиб, узардан фарқен равишда аргументлашниң мантиқий коммуникатив назариясига хос томонларни имкон қадар аниқлашага харакат қилдик. Аргументлашниң мантиқий коммуникатив назариясида кундадик ҳаётда учрайдиган, ижтимоий ҳаётдаги маниший масалалар билан боғлиқ бўлган холатларни ўрганини обьекти сифатида ташладик. Тадқиқотимиз учун эмпирик материал сифатида виртуал мулокотин олдик ва бальзи грухлардаги баҳели вазиятиларни ташил қилдик. Ташлимиз натижасида куйидаги холатларга дуч келдик:

❖ Аргументлаш жараёнида аргументловчининг далиллари билан бир вақтда тингловчиларнинг ўз далиллари ҳам борлигини, яъни "ўзи учун аргументлаш" амалига ошишини аниқладик. Бу жараёнида:

- ❖ Тезисга нисбатан аргументловчининг далили ва тингловчининг ўзи учун бўлган далили бир хил бўлиши, ҳар хил бўлиб бир-бирини тўлдириши, қисман мос келиши ёки бир-бирини инкор қилиши мумкин.
- ❖ Аргументловчининг ва тингловчининг ўзи учун бўлган далили бир хил бўлса, ҳар икки томон ўзаро келишади ва аргументлаш муваффақиятли амалга ошган ҳисобланади (нуктаи назар қабул қилинади).
- ❖ Аргументловчининг ва тингловчининг ўзи учун бўлган далили ҳар хил бўлса ҳам, ҳар икки томон ўз манфаати (кўркуви, толерантлиги, бефарқ муносабати) туфайли ўзаро келишади, яъни тезис қабул қилинади, бунда ҳам аргументлаш муваффақиятли амалга ошган ҳисобланади (аргументатор ўз мақсадига эришади).
- ❖ Аргументловчининг ва тингловчининг ўзи учун бўлган далили ҳар хил бўлиб бир-бирини тўлдириши (ёндашув ҳар хил бўлса ҳам) уларнинг мақсади бир эканлигини (тезисни ёқлашини) билдиради. Натижада аргументлаш муваффақиятли деб баҳоланади.
- ❖ Аргументловчининг далили ва тингловчининг ўзи учун бўлган далили бир-бирини инкор қилганда, ҳар икки тараф ўз фикрида сабит туриб, қарши томоннинг далилини инкор қиласди, бунда аргументлаш муваффақиятсиз деб ҳисобланади (тезисни тингловчи қабул қилмайди).
- ❖ Коммуникатив жараёнларда аргументларнинг чинлиги мухим эмас, мухими унинг мақбул бўлиши, яъни тингловчи томонидан қабул қилинишидар.
- ❖ Тингловчининг “ўзи учун” танлаган аргументлари аргументлаш жараёнининг қандай якунланишини белгилаб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Eemeren F.H. van, Grootendorst R. A Systematic Theory of Argumentations. The pragma-dialectical approach. Cambridge University Press, 2009.
2. Jonardon Ganeri. Indian Logic //Dov M. Gabbay and John Woods "Handbook of the History of Logic" vol.1 2004
3. Lasswell H. The Structure and Function of Communication in Society // The Process and Effects of Mass Communication. Chicago, 1971.
4. Perelman C., Olbrechts-Tyteca L. The New Rhetoric. A Treatise on Argumentation. Notre Dame etc.:University of Notre Dame Press, 1969.
5. Toulmin S.E. The Uses of Argument. Cambridge: Cambridge University Press, 2003.
6. Walton D. A Pragmatic Theory of Fallacy, 1995.
7. Walton D. Ethical argumentation. 2003.
8. Арио А. и П.Николь. Логика или искусство мыслить. М., Наука, 1991.
9. Абачиев С.К., Делия В.П. Теория и практика аргументации. 2004. -352с.
10. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т. 2007.
11. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий. Мағфотих ал-улем. // Баҳодиров Р.М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. Т., 1995.
12. Абу Али Ибн Сина. Логика. // Указания и наставления. Избранные произведения. –Т.1 Душанбе., 1980.
13. Абу Али Ибн Сина. О логике софистических опровержений Соч. Т. 7. Душанбе.: Доиниш, 2018.
14. Абу Али Ибни Сино. Мантиқ // Китоби хидоя. Осори мутахаб. Ч.4.

15. Абу Райхон Беруни. Геодезия. // Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. Т.: ФАН., 1976.
16. Алексеев А.П. Аргументация. Познание. Общение. М., 1991.
17. Алексеев А.П. Философский текст. Идеи, аргументация, образы. М., 2006.
18. Аль-Фараби. Диалектика. // Историко-философские трактаты. –Алма-Ата.: Наука, 1985.
19. Аль-Фараби. О классификации наук //Философские трактаты. –Алма-Ата.,1970.
20. Аль-Фараби. Риторика. // Логические трактаты. –Алма-Ата.,1973
21. Аль-Фараби. Софистика //Логические трактаты. –Алма-Ата.,1973.
- 22.Антология мировой философии. М: Мысль., 1969. Т.1. ч.1.
23. Аристотель. О софистических опровержениях. // Сочинения. Т.2, -М.: Мысль,1978.
24. Аристотель. Риторика //Логика и риторика. Хрестоматия. Минск: ТетраСистемс.2007.
25. Аристотель. Топика. // Сочинения. Т.2. М.:Мысль. 1978.
26. Бекмирзаев И.И. Мовароунахрда қозилик хужожатлари: тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндошувлар. Т. « Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.
27. Брюшников И.В. Логика Москва: Гардарики, 2001.
28. Бэкон Ф. О достоинстве и приумножении наук. //Логика и риторика. Хрестоматия. Минск.: ТетраСистемс, 2007.
29. Вайнрих, Х. Лингвистика лжи Текст. / Х. Вайнрих // Язык и моделирование социального взаимодействия: Переводы/ общ. ред. В.В. Петрова. М.: Прогресс, 1987.

30. Викторук Е.Н. Неклассические модели этической аргументации. Монография. - СПб.: Изд-во РГПУ, 2003.
31. Фаззолий Абу Ҳомид.Кимиёи саодат: (Руҳ ҳақиқати). Ташкент, Адолат, 2005.
32. Герасимова И.А. Практический курс по аргументации. М., 2003.
33. Грайс Г.П. Логика и речевое общение. // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.16. Лингвистическая прагматика. М.:Прогресс, 1985.
34. Гусев С.С. Метафизика текста. Коммуникативная логика. СПб., 2008.
35. Еемерен Ф.Х. ван, Хоутлоссер П., Гарсен Б. и др. Важнейшие концепции теории аргументации./ пер.с анг. В.Ю.Голубева, С.А.Чахоян и др. СПб., 2006.
36. Еемерен Ф.Х. ван,Гроотендорст Р. Речевые акты в аргументативных дискуссиях.СПб., 1994.
37. Еемерен Ф.Х. ван,Гроотендорст Р.. Хенкеманс Ф.С. Аргументация: анализ, проверка, представление. СПб., 2002.
38. Еемерен Ф.Х. ван, Гроотендорст Р. Аргументация, коммуникация и ошибки. Санкт Петербург: Васильевский остров, 1992.
39. Зайцев Д.В. Теория и практика аргументации. М., изд-во Форум, 2007
40. Ивин А. А. Основы теории аргументации. М., 1997.
41. Ивин А. А. Практическая логика: задачи и упражнения. - М.: Просвещение, 1996.
42. Ивин А. А. Риторика: искусство убеждать. М., 2002.
43. Ивин А. Аргументация в процессах коммуникации. М.-Берлин: Директ-Медиа, 2015.

44. Ивин А.А. Основания логики оценок. Москва-Берлин. 2015.
45. Ивлев Ю.В. Аргументация и ее неаргументативное сопровождение.
46. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. Илм китоби. Т.: Мовароунинарх, 2003.
47. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ /Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. — Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти, 2017.
48. Кайковус. Қобуснома. Т.:Ўқитувчи, 1973.
49. Кант И. Логика /Трактаты и письма. М.: Наука, 1980.
50. Кант И. ПРОЛЕГОМЕНЫ ко всякой будущей метафизике, могущей появиться как наука. // Кант И. Собр. соч., Т.4, ч. 1. М., 1965. www.koob.ru
51. Каринский М.И. Классификация выводов // Избранные труды русских логиков XIX века / Под ред. П.В. Таванец. М.: Изд-во АН СССР, 1956.
52. Рутковский Л.В. Основные виды умозаключений. // Избранные труды русских логиков XIX века / Под ред. П.В. Таванец. М.: Изд-во АН СССР, 1956.
53. Критическое мышление, логика, аргументация. Калининград. 2003.
54. Кули Ч. Общественная организация. Тексты по истории социологии XIX–XX веков. — М.: Наука, 1994.
55. Курбатов В.И. Социально-политическая аргументация: логико-методологический анализ. Ростов-на-Дону, 1991.
56. Қ.Назаров Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). Т.: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004.
57. Қодирий А. Ўтган кунлар. www. siyouz.com kutubxonasi
58. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. //Таржима ва тафсири муалифи Шайх Абдулазиз Мансур. Ташкент:“Ташкент ислом университети”,2007.

59. Лисанюк Е.Н. Логико-когнитивная теория аргументации. Санкт-Петербург, 2015.
60. Логика и риторика. Хрестоматия. Минск, 1997.
61. Логика и теория аргументации. Под.ред. Г.Л.Тульчинского.М.: издательство Юрайт, 2017.
62. Логика:учебник для бакалавров. Под ред. А.И.Мигунова, И.Б.Микиртумова, Б.И.Федорова. М.: Проспект, 2015. -680 с.
63. Маковельский А.О. История логики. - М.: Наука, 1967.
64. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: "Ўзбекистон" нашриёти, 2021.
65. Мысль и искусство аргументации. М., 2003.
66. Навоий А. Маҳбуб ул-кулуб. Т.: Янги Аср Авлоди., 2019.
67. Основы теории коммуникации : учебник и практикум для академического бакалавриата / Т. Д. Венедиктова [и др.]: под редакцией Т. Д. Венедиктовой, Д. Б. Гудкова. — Москва : Издательство Юрайт, 2019.
68. Остин Джон.Как производить действия при помощи слов //Избраниое. М.: Идея-Пресс. Дом интеллектуальной книги, 1999.
69. Павлова К.Г. Искусство спора: логико-психологические аспекты. М., 1988.
70. Перельман Х., Олбрехт-Тытека Л. Из кн.: Новая риторика: Трактат об аргументации // Язык и моделирования социального взаимодействия. М., 1987.
71. Поварнин С.И. Искусство спора. М.: Рабочий путь, 2018.
72. Пол Экман. Психология лжи. Обмань меня, если сможешь ООО Издательство «Питер», 2018
73. Попов П.С. История Нового времени. М.: МГУ, 1960.
74. Почепцов Г. Теория коммуникации. Из-во "Ваклер", серия, 2001.

75. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннити
плохиёти. — Тошкент: Имом ал-Бузорий жамгараси, 2001.
76. Свинцов В.И. Заблуждение, ложь, дезинформация
(соотношение терминов) // Философские науки. - 1982, № 1.
77. Сергеич П. Искусство речи на суде. М., 1988.
78. Скрипник К.Д. Философия. Логика. Диалог. Ростов-на-
Дону: Изд-во Рост. Ун-та, 1996.
79. Таитовий Мухаммад Саййид. Исломда мулокот одаби.
/Islam.uz
80. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. З-жилд. Т.: Ўзбекистон
миллий энциклопедияси, 2007.
81. Уэстон Э. Аргументация. 10 уроков для начинающих
авторов. М.: Наука Флинта, 2005.
82. Файзихўжаева Д. Абу Наср Форобий ва Иби Сино
мантиқий исботлаш ҳақида. Т., 2013.
83. Файзихўжаева Д. Мантиқ.Изоҳли лугат. Тошкент: Нишон-
Ношир, 2015.
84. Фишер Р., Юри У. Путь к согласию. Пер. с англ.
Медниковой А.А.//Язык и моделирования социального
взаимодействия. //Сост. В.М.Сергеев, Б.П.Паршин. Под.
ред. Петрова В.В. М.: Прогресс, 1987.
85. Франс Х. Ван Еемерен, Роб Гроотендорст. Аргументация,
коммуникация и ошибки. Санкт-Петербург: "Васильевский
остров"1992.
86. Франс Х. Ван Еемерен. Ошибки в аргументации.
//Важнейшие концепции теории аргументации. СПб.:
Филологический факультет СПбГУ, 2006.
87. Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф. Тошкент:
"Яниги аср авлоди", 2013.

88. Цицерон. Нотиқлик санъати. Т.: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси”, 2018.
89. Цицерон. Три трактата об ораторском искусстве. М., 1972.
90. Чалдини Р. Психология влияния. Спб., М., Харьков, Минск. 2001
91. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Сунний ақиýдалар. Т.: Шарқ. 2008.
92. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Т.: “Мовароуннарх”, 2004.
93. Шарипов М., Файзиходжаева Д. Мантиқ. Т.: Фоур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2004
94. Шербатской Ф.И. Теория познания и логика по учению позднейших буддистов. Ч.1. “Учебник логики Джармакирти с толкованием Джармоттары” Санкт Петербург: Издательство АСТА ПРЕСС LTD. 1995.
95. Шербатых Ю.Искусство обмана СПб. 1997. С.40.
96. Шопенгауэр А. Эристическая диалектика. //Логика и риторика. Хрестоматия. Минск.: ТетраСистемс, 2007.

Интернет сайтлари:

1. http://www.wisdoms.one/tsitat_pro_somnenija.html
2. <https://www.youtube.com/hashtag/nuriddindomlaholqazarov>
ILM XAZINASI Муфтий Нуриддин Хожи Домла;
3. <http://mehrob.uz/videos/> Шайх Сайид Раҳматуллоҳ Термизийнинг www.mehrob.uz саҳифаси

ДИЛБАР ФАЙЗИХОДЖАЕВА

**АРГУМЕНТЛАШ
ВА КОММУНИКАЦИЯ**

Монография

- Мухаррир: — Ш. Бойқобилов
Мусаххих: — М.Х. Мустафаева
Компьютерда
саҳифаловчи — М.Ш. Фозилов

Ноширлик фаолиятини бошлагани ҳакида ваколатли
давлат органини хабардор қылғани түгрисида
ТАСДИҚНОМА
М. 2021

№ 3991
2021 ийл 28 декабрда босишга рухсат этилдэ
Бичими 60x84, 1/16. Times New Roman гарнитураас.
Офсет босма. Шартли босма тобоги 12,5. нацр босма тобоги 12,7.
Адади 100 нусхада. 48 -сонли буюргта

“Shafoat nur fayz” Тошкент шаҳар,
Учтепа тумани, маҳорат-71

“Shafoat nur fayz” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Нодира-19
Телефон +99899 993-83-36